ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET

Bul dúnyanıń kórki adam balası
Ájiniyaz

Ájiniyaz atındağı
NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ
NMPI
1934

FAN VA JAMIYAT

2021 (№2)

ISSN 2010-720X
2004-jıldıń mart ayınan baslap shıǵa basladı

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI

ÁJINIYAZ ATÍNDAĞÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ

ILIM hám JÁMIYET

Ilimiy-metodikalıq jurnal

Seriya: Pedagogika ilimleri. Psixologiya ilimleri

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Pedagogika fanlari, Psixologiya fanlari

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Педагогические науки, Психологические науки

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Pedagogical sciences, Psychological sciences

№2
2021

Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı hám jurnal redakciyası jámááti
Shólkemlestiriw komiteti baslıǵı: OTEMURATOV B. – NMPI rektorı
Bas redaktor:
ALLAMBERGENOV K. - filologiya ilimleriniń doktorı, professor

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

b.i.d., prof. **Allamuratov B.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Alewov U.** (Nókis)
f.i.d., doc. **Ayımbetov M.** (Nókis)
t.i.d., prof. **Ballieva R.** (Nókis)
f.i.k., doc. **Bekbergenova M.** (Nókis)
f.i.k., doc. **Davletov B.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Erkibaeva G.** (Turkistan)
ps.i.k., doc. **Elmuratova A.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Xalilov F.** (Tashkent)
t.i.d., prof. **Xolikova R.** (Tashkent)
a/x.i.d., doc. **Jumamuratov A.** (Nókis)
p.i.k., doc. **Jumabaev N.** (Nókis)
p.i.d. (DSc), doc. **Kerwenov T.** (Nókis)
f.i.k., doc. **Qadirov Q.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Qulbek Ergobek** (Turkistan)

p.i.d.(DSc), doc. **Qarlıbaeva G.** (Nókis)
f.i.d. (DSc), doc. **Qazaqbaev S.** (Nókis)
f.i.k., prof. **Qochanov Q.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mamedov N.** (Baku)
p.i.k., doc. **Mamirbaeva D.** (Nókis)
p.i.k., doc. **Pazılov A.** (Nókis)
f.i.d. (DSc), doc. **Pirniyazova A.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Raximov B.** (Gulistan)
p.i.d., prof. **Ruziev E.** (Urgench)
p.i.k., doc**. Tajieva A**. (Nókis)
f.i.d., prof. **Turdimov Sh.** (Tashkent)
ps.i.d. (DSc). **Utepbergenov M.** (Nókis)
p.i.d., doc. **Utebaev T.** (Nókis)
ps.i.k., doc. **Sherimbetova Z.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Eshonqulov J.** (Tashkent)
p.i.d., prof. **Yuldashev Q.** (Tashkent)

Juwaplı redaktorlar:
f.i.k., doc. E.Xojaniyazov – ózbek tili boyınsha
PhD, doc. G.Kidirbaeva – rus hám inglis tilleri boyınsha
Q.Biysenbaev – qaraqalpaq tili boyınsha

D.Dogarova - juwaplı xatker
Z.Xodjekeeva - korrektor
N.Allamuratova - operator

Jurnal 1992-jıldan «Qaraqalpaqstan muǵallimi» atamasında shıǵarıla baslaǵan. 2004-jılda «Ilim hám jámiyet» atamasına ózgertilip, 01-022-sanlı gúwalıq penen Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen dizimge alınǵan.

2020-jılı 07-avgustta Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administracyası janındagı xabar hám ǵalaba kommunikaciyalar agentligi tárepinen qayta dizimge alınıp, 1098-sanlı gúwalıq berilgen.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

БАС МАҚАЛА

БИЛИМЛЕНДИРИЎ ҲАҚҚЫНДА ЖАҢАДАН ҚАБЫЛЛАНҒАН НЫЗАМ – III РЕНЕССАНСТЫҢ ҲУҚУҚЫЙ КЕПИЛИ

А.Пазылов – *педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

2020-жылдың 23-сентябринде Ҳүрметли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев тәрепинен жаңа «Билимлендириў ҳаққында» (1) Нызамға қол қойылды ҳәм ол усы күннен баслап ҳәрекетке енгизилди. Нызам толық күшке киргенше Нызамшылық палатасы тәрепинен көрип шығылған ҳәм 2020-жылдың 19-май күни қабылланған. Ал, Сенат мәжлисиниң 2020-жыл 7-августында мақулланған.

Бул Нызамның қабылланыўына байланыслы 1997-жылы 29-августта қабылланған «Кадрлар таярлаўдың миллий бағдарламасы ҳаққында»ғы, «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызамлары, сондай-ақ, Өзбекстан Республикасы Олий мәжлисиниң 1997-жыл 29-августтағы «Өзбекстан Республикасының «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызамын күшке енгизиў тәртиби ҳаққында»ғы Қарары, және де алдыңғы «Билимлендириў ҳаққында» Нызамға байланыслы қабылланған төрт Нызамның алты статьясы өз күшин жоғалтқан деп есапланылды.

Усы Нызам тийкарында Қарақалпақстан Республикасыда өзиниң «Билимлендириў ҳаққында» Нызам жойбарын талқылаўға усынып отыр. Бул жаңадан қабылланыў алдында турған Нызам жойбары Өзбекстан Республикасының «Билимлендириў ҳаққында» Нызамы тийкарында исленгенликтен, 11 бап 75 статьядан ибарат (алдыңғысы 5 бөлим ҳәм 34 статья еди).

Жаңадан қабылланған «Билимлендириў ҳаққында» Нызам ҳақыйқый III-Ренессанстың ҳуқуқый кепили деп айтсақ ҳешқандай асыра айтқан болмаймыз. Себеби, бизиң бул пикиримизге төменде келтирилетуғын гейпара мысаллар, жаңа Нызамның мазмуны дәлил бола алады. Атап айтқанда, жаңа Нызамның өзинен алдыңғы Нызамға салыстырғанда артықмашлығы соннан ибарат, бунда айырым статьялар жетилистирилген, толықтырылған, гейпара статьялар қайта редакторланған, жаңадан 41 статья қосылған.

Жаңа Нызамның биринши бөлиминиң өзи 5 статьяны өз ишине қамтыйды (алдыңғысы 6 статья еди). Усы бөлимде тийкарынан билимлендириў ҳаққындағы Нызамның мақсети, Билимлендириў ҳаққындағы Нызам ҳүжжетлериниң нелерден ибарат екенлиги, Нызамда берилген 11 түрли тийкарғы түсиниклер, Мәмлекетлик аккредитация менен билимлендириў мәкемелерин аттестациялаў ислери, Мәмлекетлик билимлендириў мәкемелери менен мәмлекетлик емес билимлендириў мәкемелериниң айырмашылықлары, Мәмлекетлик билимлендириў стандартлары менен мәмлекетлик билимлендириў талапларының ҳәм уқыплылық пенен қәнигеликтиң арасындағы өзгешеликлер, Тәлим, тәрбия ҳәм олардың қатнасыўшылары, Билимлендириў кампусының қандай орталықлардың қатарынан орын алатуғынлығы, тийкарғы 16 түрли принциплер (алдыңғысы 9) ҳәм билим алыў ҳуқуқының кимлерге берилетуғынлығы ҳаққындағы мәселелер өз сәўлелениўин тапқан.

Нызамның «Билимлендириў системасы, түрлери ҳәм формалары» деген бөлими 17 статьядан (алдыңғысы 11) ибарат. Бул бөлимде, тийкарынан, билимлендириўдиң 17 түри орын алған. Нызамда мектепке шекемги тәрбия, улыўма орта ҳәм орта арнаўлы, кәсиплик, жоқары билимлендириў ҳәм жоқары билимлендириўден кейинги билимлендириўдиң бир-биринен айырмашылықлары, кадрларды қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў мәселелери өз шешимин тапқан. Және де, мектептен тысқары билимлендириўдиң қалайынша әмелге асырылатуғынлығы, аралықтан оқытыў менен дуал билим бериўдиң бир-биринен айырмашылықлары, шаңарақта билим алыў ҳәм өзбетинше билим алыўдың өзгешеликлери, үлкен жастағыларды оқытыў ҳәм оларға билим бериў ислери, инклюзив билимлендириў менен экстернат тәртибиндеги билимлендириўдиң бир-биринен парқы, қорғаныў, қәўипсизлик ҳәм ҳуқықты қорғаў хызмети тараўындағы кадрларды таярлаў ислерин әмелге асырыў жоллары өз сәўлелениўлерин тапқан.

Нызамда «Билимлендириў системасын басқарыў» ислерине байланыслы мәселелерде өз шешимин тапқан. Атап айтқанда, Өзбекстан Республикасы Министрлер Кеңесиниң, усы министрлик жанындағы Билимлендириў сыпатын қадағалаўшы мәмлекетлик инспекцияның, Президент, дөретиўши ҳәм қәнигелестирилген мектеплерди раўажландырыўшы агентликтиң, жергиликли мәмлекетлик ҳәкимият органларының билимлендириў тараўындағы ўәкилликлери қандай, буннан тысқары билимлендириў тараўындағы ўәкилликли мәмлекетлик басқарыў органларының жумысларының нелерден ибарат екенлиги ҳәм билимлендириў шөлкемлерин басқарыў қалайынша әмелге асырылатуғынлығы ҳаққында кең түрде түсиниклер берилген.

«Билимлендириў хызметлерин шөлкемлестириў ҳәм оның қадағалаўын әмелге асырыў» атлы бөлиминде билимлендириў шөлкемлериниң ҳуқықый дәрежеси, нызам бойынша Билимлендириў шөлкемлерин шөлкемлестириў, қайта шөлкемлестириў ҳәм жумысларын тоқтатыў ислери, мәмлекетлик емес билимлендириў шөлкемлериниң қандай хызметлерди әмелге асырыў мүмкиншиликлери, билимлендириў шөлкемлериниң уставы нелерге тийкарланып дүзилетуғынлығы ҳәм мазмунында нелерди ислеўге өз итибарларын қарататуғынлығы, билим бериў тили, мәмлекетлик билимлендириў стандартлары ҳәм талапларының кимлер тәрепинен қабылланатуғынлығы ҳәм қандай мәселелерди өз ишине қамтыйтуғынлығы, Нызам талаплары бойынша оқыў процесине оқыў режелери менен оқыў бағдарламаларының қандай тәртипте енгизилетуғынлығы, билимлендириў тараўындағы экспериментал ҳәм инновациялық хызметлер арасында қандай парықлардың бар екенлиги ҳаққындағы мәселелер өз шешимин табады. Сондай-ақ, Нызамда билимлендириў шөлкемлериниң ашықлығы, билимлендириў шөлкемлерине оқыўға қабыллаў ҳәм мәмлекетлик оқыў орынларында оқыўға мақсетли қабыллаў ислериниң қалайынша әмелге асырылатуғынлығы, билим алғанлығы ҳаққында ҳүжжеттиң қандай тәртипте берилетуғынлығы, билимлендириў шөлкемлериниң рейтингиниң қалайынша анықланатуғынлығы, мониторинг ҳәм билимлендириў тараўындағы мәмлекетлик қадағалаў ислери қалайынша иске асырылатуғынлығы ҳаққындағы мәселелер де өз шешимин тапқан.

Нызамдағы «Билимлендириў шөлкемлериндеги оқытыўшылардың ҳуқықый дәрежеси» атлы бабында педагогикалық хызмет пенен шуғылланыў ҳуқықының кимлерге берилетуғынлығы, педагог хызметкерлердиң қандай дәрежеге ийелиги, олардың жумыслары қалайынша кепилленетуғынлығы ҳәм педагог хызметкерлердиң қандай миннетлемелерди өз мойнына алатуғынлығы ҳаққындағы мәселелерге айрықша итибар қаратылған.

Ал, «Билим алыўшылардың, олардың ата-анасының ҳәм басқа да нызамлы ўәкиллериниң ҳуқық ҳәм миннетлемелери» атлы бабында билим алыўшылардың ҳуқықлары менен миннетлемелери ҳаққындағы мәселелерге кеўил бөлинген. Сондай-ақ, билим алыўшылардың кийиниўине қандай талаплар қойылатуғынлығы, билимлендириў шөлкемлеринде билим алыўшыларды ўақтынша жасаў жайлары менен тәмийинлеў қалайынша әмелге асырылатуғынлығы ҳәм ер жетпеген билим алыўшылардың ата-аналары ҳәм басқа да нызамлы ўәкиллериниң ҳуқық ҳәм миннетлемелериниң нелерден ибарат екенлиги ҳаққындағы мәселелерде өз шешимин тапқан.

«Тәлим-тәрбия процесиниң қатнасыўшыларын социаллық қорғаў» атлы бабында болса Нызам бойынша билим алыўшыларды ҳәм билимлендириў шөлкемлериниң хызметкерлерин социаллық қорғаў мәселелери қалайынша

әмелге асырылатуғынлығы, әсиресе, жетим ҳәм ата-ана қарамағынан ажралған балаларды оқытыў ҳәм олардың толық тәмийинлениўи мәселесиниң қандай жол менен өз шешимин табатуғынлығы, физикалық, ақылый, сенсор (сезиў) ямаса руўхый жақтан кемшилиги бар балаларды оқытыў ҳәм тәрбиялаў ислериниң қалайынша әмелге асырылатуғынлығы және де социаллық жақтан тиклениўге зәрүрлиги болған балаларды оқытыў ҳәм тәрбиялаў ислериниң қалайынша жолға қойылатуғынлығы ҳаққындағы мәселелер өз шешимин тапқан.

Нызамда Мәмлекетлик емес билимлендириў шөлкемлери жумысларына да итибар қаратылған. Анығырағы, оның хызметлерин лицензиялаў ислери Нызам талаплары бойынша қалайынша иске асырылатуғынлығы, Нызам бойынша билимлендириў шөлкемлерин аттестациядан ҳәм мәмлекетлик аккредитациядан өткериў, билимлендириў шөлкемлериниң хызметлерин ишки ҳәм сыртқы баҳалаўдан өткериў тәртиплерин белгилеў, шет мәмлекетлерде алынған билимлендириў ҳаққындағы ҳүжжетлердиң Нызам талаплары бойынша тән алыныў жоллары ҳәм билимлендириў тараўындағы рәсмий ҳүжжетлерге апостиль қойыў тәртиблериниң қалайынша әмелге асырылатуғынлығы ҳаққындағы мәселелерге айрықша кеўил бөлинген.

Билимлендириў шөлкемлерин ғәрежет пенен тәмийинлеў ислери қалайынша иске асырылатуғынлығы, билимлендириўди раўажландырыў қорлары ҳәм билимлендириў тараўындағы мәмлекетлик-жеке шерикликлердиң бир-биринен қандай айырмашылықларының бар екенлиги, билимлендириў тараўларына инвестициялардың қалайынша енгизилетуғынлығы ҳәм билимлендириў шөлкемлериниң мал-мүлклери нелерден ибарат екенлиги ҳам ол қалайынша есапқа алынатуғынлығы ҳаққындағы мәселелер өз шешимин табады.

Ал, «Билимлендириў тараўындағы халық аралық бирге ислесиўлер» деген бабында билимлендириў шөлкемлериниң ҳәм билимлендириў тараўындағы халық аралық бирге ислесиўлердиң қалайынша әмелге асырылатуғынлығы, шет еллерде кимлердиң оқый алатуғынлығы ҳаққындағы мәселелерде өз сәўлелениўин тапқан.

«Жуўмақлаўшы қағыйдалар»да болса Нызам бойынша наразылықлардың қалайынша өз шешимин табатуғынлығы, Нызамға муўапық билимлендириў ҳаққындағы Нызам ҳүжжетлерин бузғанлығы ушын жуўапкершилик қалайынша белгиленетуғынлығы, жаңа Нызамға муўапық Өзбекстан Республикасында қайсы Нызам ҳүжжетлери 2020-жылдың 23-сентябринен баслап өз күшин жоғалтқан деп есапланатуғынлығы, усы Нызамның орынланыўы, жеткерип берилиўи, мәниси ҳәм әҳмийетиниң түсиндирилиўи менен тәмийинлеў ислери кимлер тәрепинен әмелге асырылатуғынлығы, басқа Нызам ҳүжжетлерин усы Нызамға муўапықластырыў ислери қайсы мәкеме тәрепинен әмелге асырылатуғынлығы ҳәм жаңа Нызамның қайсы ўақыттан баслап күшке киретуғынлығы ҳаққындағы мәселелер өз шешимин тапқан.

Деген менен, бизиң пикиримиз бойынша Өзбекстан Республикасы «Билимлендириў ҳаққында» тастыйықланған Нызамның өзинде де, Қарақалпақстан Республикасы «Билимлендириў ҳаққында» Нызам жойбарының өзинде де бир қатар итибар берилиўи керек болған орынлар ушырасады.

Мәселен, **1-ден,** алдыңғы «Билимлендириў ҳаққында» Нызамнын 2-статьясында көрсетилген «Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади» деген қатарлар жаңадан кабылланған Нызамда қалдырылған. Бул қатарлар Өзбекстан Республикасы «Билимлендириў ҳаққында» Нызам жойбарында бар еди. Қарақалпақстан Республикасы халық «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызамды кабыллар ўақтында өзгеше жол тута ма, яки Өзбекстан Республикасы «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызамды сол турысында көширип, аўдарма жасап қоя ма, ол жағынан бийғәрез халда бурынғы қабылланған Нызамдағы Қарақалпақстанға тийисли болған қатарлар қала бериўи керек еди.

2-ден Өзбекстан Республикасының билимлендириў ҳаққындағы Нызам жойбарына пикир билдиргенимизде биз «Билимлендириў ҳаққында» Нызам – бул түсиндирме сөзлик болмағанлықтан, түсиндирме сөзликке тийисли болған қатарларды алып таслаўды усыныс етип едик. Ол ўақытта түсиндирилген сөзлердиң улыўма саны 63 еди. Пикиримизди азғана болсада инабатқа алған, түсиник берилген 52 сөз алып тасланған. Усыған қарамастан, жаңадан қабылланған Өзбекстанның «Билимлендириў ҳаққында» Нызамында да, Қарақалпақстан Республикасының енди қабыллайжақ болып турған «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызамының жойбарында да 12 түрли сөзге түсиник берилген.

Бир ғана мысал келтирсек, жаңадан қабылланған Нызамда ҳәм Қаракалпақстанда енди қабылланажақ Нызам жойбарында тәрбия сөзине төмендегише түсиник бериледи; **«Тәрбия – анық мақсетли ҳәм де социаллық-тарийхый тәжирийбе тийкарында жас әўладты ҳәр тәреплеме кәмалға келтириўге, олардың санасын, мәнаўий-тәрбиялық қәдириятлар ҳәм дүньяқарасын қәлиплестириўге қаратылған системалы процесс».** Енди қарап турсаңыз «тәрбия» сөзи Нызам менен тастыйықланып тур. Оны өзгертиў, басқаша түсиндириўде мүмкин емес. Ол енди қатып қалды. Бул арқалы тәрбия тараўы менен шуғылланыўшылар, педагогика пәни оқытыўшыларының гейпара ҳуқықлары шекленип баслайды. Енди биз;

"**Тәрбия** – адамзат жәмийетиниң ажыралмас бөлеги, мәдений дәрежесиниң айнасы ҳәм раўажланыўының тийкары. Ол жәмийет раўажланыўының тийкарғы буўыны сыпатында, жәмийетлик тәжирийбе, руўхый-адамгершилик ҳәм миллий дәстүр, үрп-әдетлердиң бирлигин, олардың әўладтан-әўладқа өтиўин ҳәм жәмийет раўажланыўын тәмийнлеўши тийкарғы күш.

Тәрбия - нәсил, орталық, дөретиўши хызмет ҳәм адамгершиликли қарым-қатнас факторлары системасында адамның шахс болып қәлиплесиўиниң тийкарғы факторы.

Тәрбия – ҳәр бир шахста белгили бир физикалық, руўхый, әдеп-икрамлылық сыпатларды қәлиплестириўге қаратылған әмелий педагогикалық процесс; инсанның жәмийетте жасаўын тәмийинлеў ушын зәрүр болған ақылый-физикалық, көркем-эстетикалық ҳәм әдеп-икрамлылық-руўхый өзгешеликлерин қәлиплестириўге бағдарланған илажлар комплекси" [2:256] деп айтыў ҳуқықынан айрылдық.

Бул жерде тәрбия ҳаққында өткендеги уллы ойшыллардың, белгили илимпазлардың тәрбия ҳаққындағы айтқан пикирлерин инабатқа алмаўдың ийиси сезилип тур. Сонлықтан, мениң жеке өзимниң пикирим бойынша Нызам ҳүжжетине сөздиң санын көбейтиў ушын түсиндирме сөзликти бериў ислери мақсетке муўапық еместей түйиледи.

Жуўмақлап айтқанда, жаңадан Өзбекстанда қабылланған, Қарақалпақстанда енди қабылланыў алдында турған «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызам ҳүжжети өз ўақтында ислеп шығылған, дүнья цивилазиясындағы алдыңғы ой-пикирлер жәмленген, Өзбекстан ҳәм Қарақалпақстан Республикасы территориясындағы билимлендириў жумысларын ең жоқары шоққыға шығарыўды өз алдына мақсет еткен, ҳақыйқый III ренессанстың ҳуқықый кепили деп исенимли түрде айта аламыз. Жоқарыда атап өтилген пикирлеримиз инабатқа алынса, «Билимлендириў ҳаққында"ғы Нызамнында, Нызам жойбарының мазмуны да бурынғыға қарағанда әдеўир дәрежеде байыйды, көриниси жағынан да жақсыланады.

Әдебиятлар

1. Өзбекстан Республикасы «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызамы. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)
2. Пазылов А. ҳәм басқалар. Педагогика теориясы. –Ташкент: «Nashr» 2018.

PEDAGOGIKA ILIMLERI

Pedagogika teoriyası hám tariyxı

ДИСКУРС НУТҚИЙ СТРАТЕГИЯНИ ИФОДАЛАШ МАЙДОНИ СИФАТИДА

Л.К.Баймурадова – *ўқитувчи*
Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: коммуникатив стратегия, коммуникатив тактика, сўзловчи, мулоқотдош, нутқий акт.
Ключевые слова: коммуникативная стратегия, коммуникативная тактика, говорящий, собеседник, речевой акт.
Key words: communicative strategy, communicative tactics, speaker, interlocutor, speech act.

Прагматик тилшуносликда нутқий стратегия тушунчаси, коммуникатив стратегия тушунчаси каби прагматик таҳлилий сатҳлар ва айнан нутқий акт назариясининг юзага келиши натижасида вужудга келди. Нутқий акт назарияси доирасида мулоқот мақсади, мулоқот интенцияси, мулоқот такти каби бир қанча лисоний сатҳлар ҳам нутқий акт лисоний сатҳнинг ажралмас бўлаги саналади. Албатта, таҳлил доирасида бир-бирига яқин бўлган ушбу тушунчаларни фарқлаш ҳам муҳим талаблардан бири саналади. Ж.Личнинг келтиришича, нутқий такт бирор конфликтли вазиятдан чиқиб кетиш стратегияси ҳисобланади [6:109]. Баъзи ҳолларда нутқий тактга максимум эътибор қаратиш масалани тинч ҳал қилиш, дўстона муносабатларни сақлаб қолиш, коорпаратив принципларни ҳимоя қилиш ҳамсуҳбатдошлар учун муҳимроқ саналади [6:111]. Бу эса хушмуомалалик ва коорпаративлик принципларига амал қилиш орқали масала ечимини топиш стратегияси саналади.

Нутқий стратегия нутқий актлар назариясининг бир бўлаги сифатида мулоқотнинг самарали кечимини таъминловчи усуллардан бири саналади. Нутқий акт жараёнида нутқий стратегик вазифани биргина сўз ёки гап ташкил қилиши мумкин. Нутқий акт назарияси учун эса сўз ёки гап таянч бирлик эмас, ундан тайѐр «материал» сифатида фойдаланилмайди. Аксинча, гап айнан нутқий мулоқот жараѐнида яратиладиган ҳодиса. Шундай экан, нутқий акт мазмуни тўлиғича сўзловчининг мулоқот мақсади (communicative intention) билан боғлиқ бўлиб қолади [4:79].

Россияда чоп этилган Энциклопедик лингвистик луғатда берилишича, нутқий акт “мақсад билан йўналтирилган ҳамда ҳар бир жамиятда қабул қилинган ижтимоий нутқ тузилишининг норматив бирликлари, прагматик вазият доирасида ифода этиладиган нутқий ифоданинг барча принцип ва қоидаларига мос келадиган тил бирликларига нисбатан қулланилади” [5:412].

Рус тилшунос олимаси Е.В.Падучева мулоқот жараёнидаги эътироз, луқма ташлаш каби стратегик ёндашувни психологик сатҳда таҳлил этади ва бу ҳол суҳбатдошларнинг бир-бирига мослашув жараёни деб қарайди, ҳамда эътироз, луқма стимул ва реакция уйғотишга қаратилган амаллар сифатида баҳолайди [3:105]. Бундан ташқари, мулоқот жараёнидаги интеракция мулоқот иштирокчиларининг ўзаро интенцияларининг амалга ошириш усули деб ҳам қараш мумкин. Жумладан, Н.Ф.Алефиренко мулоқот жараёнидаги шахслараро муносабатни коммуникатив-прагматик ҳамда интеракционал (шахслар аро мулоқот) сатҳга киритишади. Интеракционал интенция мулоқотда фойдаланиладиган тил воситаларини ижтимоий нормаларига тааллуқли компонентларга нисбатан қўлланилади. Бунда, мулоқот иштирокчилари мулоқот жараёнида бирор кўзланган мақсадга етишишни мўлжаллайди. Мазкур мақсад ижтимоий жараёнларда мулоқот иштирокчиларининг нутқий стратегияси саналади [1:68-69].

Мулоқот жараёнида коммуникатив стратегиянинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- баҳс, мунозара жараёнида мулоқотни кузатиш ва хулоса чиқариш стратегияси;
- мавзуни тушуниш ва уни бошқариш стратегияси;
- мулоқот иштирокида дўстона муносабатни сақлаш стратегияси;
- мулоқот жараёнида нохайрихоқликни, хушкўрмасликни сездирмаслик стратегияси;
- нутқ жараёнида маълум изоҳларни ажратиб кўрсатиш орқали тингловчиларга таъсир кўрсатиш;
- нутқ жараёнида тил бирликларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш стратегияси.

Қайд этилган мазкур мулоқот стратегиялари сиёсатчилар томонидан асосан уч хил жараёнда, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат жараёнида, омма олдида нутқ сўзлаш жараёнида, пресс конференцияларда фойдаланишади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар бир сиёсий шахснинг ўзига хос бўлган лингвистик воситаси мавжуд бўлиб, ушбу лингвитик восита (сўз, ибора, цитата) ҳам маълум стратегик вазифани бажариб келади. Бундан ташқари, тил нормаларига риоя қилиш тактикаси ҳам нутқ сўзловчининг ўзини шахс сифатида оммага реклама қилиш стратегияларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Мулоқот жараёнида, мулоқот иштирокчиларининг қизиқишларини эътиборга олиш баҳснинг қизғин кечишини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам сиёсий давра суҳбатларида бериладиган ҳар бир савол ва жавоб мулоқотнинг қизғин кечишини таъминлашга қаратилган стратегияга эга саналади. Мулоқот жараёнидаги МЕН стратегияси ўзини репрезентация қилиш билан бир вақтнинг ўзида ўз муносабатини билдириш стратегияси сифатида кўзда тутилади. Шунингдек, СИЗ стратегияси мулоқотдошга нисбатан ҳурматни англатади.

Қуйида Х.Клинтоннинг президентлик сайлови тугагандан кейинги нутқи ва унинг таҳлилини ҳавола қиламиз.

TRANSCRIPT:

Thank you. Thank you all very much. Thank you so much. A very rowdy group. Thank you, my friends. Thank you. Thank you.

Thank you so very much for being here. I love you all, too. Last night I congratulated Donald Trump and offered to work with him on behalf of our country.

I hope that he will be a successful president for all Americans. This is not the outcome we wanted or we worked so hard for, and I’m sorry we did not win this election for the values we share and the vision we hold for our country.

Х.Клинтоннинг сайлов жараёнида ютқазганлигидан кейинги нутқи этикет нормаларига қурилганлиги, маданий стратегияга асосланилганлигининг далили бўлиш мумкин. Ушбу стратегия Х.Клинтоннинг нутқий ифодасида *I congratulated Donald Trump, I hope that he will be a successful president for all Americans* каби қўллаган нутқий актлари барча этикет нормаларини сақлаш орқали ўз позициясини сақлаб қолишга қаратилган стратегия деб баҳолаш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур нутқнинг бош қисмида тил воситаларидан фойдаланилган аниқ нутқий стратегиянинг учрамаганлигини кузатиш мумкин. Нутқий стратегияда аниқ тил бирликларининг қўлланилиши ифодаланадиган дискурс макрострукту-расининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Нутқий стратегиянинг макроструктурасининг ўзгариш тушун-часида аниқ тил бирликлари, яъни киритма гапларнинг

ишлатилиши, маълум иboralарнинг қўлланилиши, боғловчиларнинг ўзгаришида юзага келади.

Х.Клинтон нутқининг кейинги қисмини ҳавола қиламиз:

But I feel pride and gratitude for this wonderful campaign that we built together. This vast, diverse, creative, unruly, energized campaign. You represent the best of America, and being your candidate has been one of the greatest honors of my life.

I know how disappointed you feel, because I feel it too. And so do tens of millions of Americans who invested their hopes and dreams in this effort. This is painful, and it will be for a long time. But I want you to remember this.

Мазкур парчада ҳам бошланғич нутқнинг услубини сақлаган ҳолда риторик стратегияга таянилганлиги ва шу билан бирга *I know how disappointed you feel, because I feel it too* нутқий ифодаси тингловчиларга нисбатан ҳурматни кўрсатишга қаратилган стратегик гап танлови деб баҳолаш мумкин. М.Л. Макаровнинг таъкидлаб ўтишича, коммуникатив ва нутқий стратегия кўпгина ҳолларда маросим ва тантаналарга мослаштирилган тарзда тузиб чиқилади. Чунки, аниқ нутқий вазиятнинг мавжудлиги керак бўлган мақсадни амалга оширишда стандарт бўлган нутқий ҳаракатларга мурожат қилишни талаб қилади. Аниқ стратегия ва мақсадни танлашда дискурс ўрнини белгилайдиган ижтимоий институтлар билан алоқадор бўлган шарт-шароитларда амалга оширилади [2:56].

Нутқнинг кейинги қисми ҳам риторик маромни сақлаган ҳолда этикет стратегиясида олиб борилганлигини кузатиш мумкин:

We don't just respect that. We cherish it. It also enshrines the rule of law; the principle we are all equal in rights and dignity; freedom of worship and expression. We respect and cherish these values, too, and we must defend them.

And breaking down all the barriers that hold any American back from achieving their dreams. We spent a year and a half bringing together millions of people from every corner of our country to say with one voice that we believe that the American dream is big enough for everyone.

For people of all races, and religions, for men and women, for immigrants, for LGBT people, and people with disabilities. For everyone.

I am so grateful to stand with all of you. I want to thank Tim Kaine and Anne Holton for being our partners on this journey.

Ушбу парчада коммуникатив ва нутқий стратегияда МЕН ва БИЗ стратегияси, яъни ўзини намойиш қилиш, сиёсий образ сифатида кўрсатишга қаратилган стратегияга амал қилинган. Парчадаги people сўзининг стратегик мақсади интеграцияни сақлаш ва шунингдек, умумий ахлоқ қоидалари доирасидан чиқмаган ҳолда ўз дунёқарашини, ғоясини сингдиришга қаратилган стратегик мақсад ётади.

Ассоциатив стратегия нутқий вазиятда мавзунинг ўзгариб кетиши ва ушбу жараёнда қўлланиладиган нутқ бирликларини ўз ичига олади. Ассоциатив стратегия глобал мавзунинг кейинчалик ривожланишини таъминлашга қаратилади ҳамда умумий семантик белгилар асосида қурилади. Ретроспектив стратегия мавзудан баъзи четлашишлар орқали қўшимча маълумотларни етказиш ва шу орқали нутқнинг семантик тартибини сақлашга қаратилади. Қиёсий стратегия дискурс мавзусининг ўзгариши асосида гап қурилмаларининг умумий семантик тартиби бошқаси билан алмаштирилади. Шундай қилиб, нутқ компонентларининг функционал-семантик белгилари таққосланади. Сиёсий доминантик стратегияси маълум лексик бирликларда, дейктик бириликлар ва иboralарда шахснинг ижтимоий ўрнини кўрсатиш учун хизмат қилади. Эмотив стратегия маълум лексик бирликлар ёрдамида омма, тингловчи, мулоқот иштирокчиларининг руҳий ҳолатига таъсир этишга қаратилади.

Умуман олганда, сиёсий дискурсда нутқий ва коммуникатив стратегиянинг шаклланиши учун лисоний маҳорат, она тилининг билимдонлиги шаклланган бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, ижтимоий сиёсий вазиятни тўғри баҳолаш, оммани қизиқтирадиган масалаларни англаш ва айнан улар эшитишни хохлайдиган сўз ва иboralарни танлай билиш сиёсий майдондаги нутқий ва коммуникатив стратегиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Х.Клинтон сайлов жараёнида Д. Трампга имкониятни бой берган бўлса-да, ўз тарафдорлари олдида обрўсини сақлаб қолишига, айнан, нутқий стратегик хусусиятлардан унумли фойдаланганлиги унинг муваффақиятини белгилаган.

Адабиётлар

1. Алефиренко Н.Ф. Семиологический потенциал дискурса. // Язык. Текст. Дискурс: Научный альманах Ставропольского отделения РАЛК / Под ред. проф. Г.Н. Манаенко. Выпуск 5. -Ставрополь, изд. ПГЛУ, 2007. –С. 296.
2. Макаров М. Л. Основы теории дискурса. -М.: ИТДГК «Гнозис», 2003, -С. 280.
3. Падучева Е.В. О параметрах лексического значения глагола: таксономический класс участника. /Русский язык в научном освещении.№ 1(3). 1997. –С. 87-112.
4. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриёти. –Тошкент: 2008. 318-б.
5. Лингвистический энциклопедический словарь. –Москва: 1990, -С. 412.
6. Leech G.N. Principles of Pragmatics. -London: Longman, 1983. –P.250.

Интернет сайтлар

http://obamaspeeches.com/080-Iraq-Debate-Obama-Speech.htm

http://obamaspeeches.com/120-Obama-Turn-The-Page-Speech-California-Deomcratic-Convention.htm

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада инглиз тилида нутқий стратегиянинг сиёсий нутқ материали доирасида ифодаланиши таҳлил қилинган. Нутқий стратегия тамойилларига кўра диологик нутқ шаклланишида лисоний бирликларнинг продуктив ифодаси муҳим саналади. Коммуникатив стратегия ва коммуникатив тактика тушунчаларининг фарқланишини аниқлаш мақоланинг моҳияти саналади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется выражение коммуникативной стратегии на материале политического речевого материала. По принципу коммуникативной стратегии в развитие диалога является продуктивность лингвистических единиц. Основное внимание уделяется определению разницы между коммуникативной стратегии и коммуникативной тактике. Этим определяется значимость данной статьи

SUMMARY

The article deals with the problem of communicative strategy in political speech materials. According to the paradigm of communicative strategy in the development of conversation appears in the productivity of linguistic units. Differentiating between communicative strategy and communicative tactics is the main framework of the article.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА МАҲОРАТ ВА ҚОБИЛЯТ ТАСНИФИ

А.А.Берикбаев – *ўқитувчи*
Гулистон давлат университети

Таянч сўзлар: маҳорат, қобилият, компетентлик, кинестетик, прапорция, композиция кўникма, малака.
Ключевые слова: мастерство, способности, компетентность, кинестетика, пропорции, композиционные способности, квалификация.
Key words: mastery, ability, competence, competence, kinesthetics, proportions, compositional abilities, qualification.

Ҳозирги кунда ҳам Европанинг етакчи олимлари (Б.П.Зязин, В.А.Кан-Калик, Й.Н.Калюткин, Н.Д.Никандров, Л.И.Рувинский ва бошқалар) ўқитувчининг педагогик маҳоратини янада таксимиллаштириш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Хусусан, улар ўз асарларида “мукаммал эгалланган педагогик маҳоратни ўқитувчи доимо орзу қилиб интиладиган, аммо етиша олмайдиган юксак идеал касбий маҳорат сифатида изоҳлайдилар. Уларнинг фикрига қўшимча қилиб “маҳорат” атамасини ўқитувчига нисбатан комплимент, яъни мақтов тариқасида энг олий баҳо сифатида қўллаш мумкин. Педагогик маҳорат фақат ўқитувчи батамом ўзлаштириши лозим бўлган касбий билим ва кўникмаларни эгаллашнинг энг юқори чўққиси сифатида қабул қилинмаслиги керак. Айнан маҳоратли ўқитувчи ижтимоий хаётда ёки микро мухитда маҳоратли бўлмаслиги мумкин. Тажрибали касбий компетентлиги юқори бўлган ўқитувчи ўз ижобий ютуқлари билан қаноатланиб қолмасдан, ҳамиша касбига оид янгиликларни ўзлаштириб бориши, жамият тараққиёти туфайли пайдо бўладиган замонавий педагогик вазифалар ва муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этиши; ўзининг касбий кўникма ва малакаларини, компетенциясини узлуксиз ошириб боришга интилиши лозим. Бу педагогик маҳоратни ва ўз қобилиятларини ривожлантириб, такомиллаштириб бориши зарурдир.

Қобилият-бу шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисидир [1].

Қобилият ўқитувчининг индивидуал имкониятларини характерлайди

Бир хил шароитларда қобилиятли ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳам қобилияти паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришадилар.

Қобилият шахснинг ҳам умумий, ҳам махсус ривожланишида тезроқ олдинга силжиб боришини, унинг ижрочилик ва ижодкорлик фаолиятларида энг юқори натижаларга эришишини таъминлайди. У кишида мутахассисликни тез эгаллай олишда ва юқори маҳоратга эришади

Қобилият билимдан фарқ қилади. Билим-бу илмий мутолаалар натижасидир, қобилият эса инсоннинг психологик ва физиологик тузилишига хос бўлган хусусиятдир. Қобилият билим олиш учун зарурий шарт-шароит яратади, шу билан бирга, у маълум даражада билим олиш маҳсулидир

Умумий ва махсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий маҳоратни эгаллаш жараёнида қобилият мукаммаллашиб ва ривожланиб боради. Умумий ва хусусий методикани билиши мумкин, аммо уни ишлатиш қобилияти бўлмаслиги мумкин. Унинг юқори даражаси касбий ва мослик, мувофиқлик (компетентлик) тушунчаларида кўникма ва малакалардир.

Кўникмалар-ўқитувчининг касбий фаолияти жараёнида ҳосил қилинган тажриба ва билимлар асосида бажариладиган ишнинг мукаммал усули.

Малакалар-ўқитувчининг онгли фаолиятни бажариши жараёнида ҳосил қилинган касбий интеллектуал фаолиятнинг автоматлашган компонентлари йиғиндиси.

Улар ўқитувчи касбий фаолияти механизмининг асосини ташкил қилувчи жараёнлар бўлиб, қобилият билан биргаликда педагогик маҳоратга эришишни таъминлайдики, бунинг натижасида ўқитувчилар касбий фаолиятида улкан ютуқларни қўлга киритади.

Қобилиятнинг камчилигини тузатиш мумкин ва уни юқори даражага олиб чиқиш моҳирлик саналади. Унинг автоматлашган даражаси малака саналади.

Педагог талабаларда қобилиятни шакллантиради, ривожлантиради, ва такомиллаштиради. Айтишимиз мумкин, туғма қобилияти бор дейиш мумкин аммо туғма қобилиятлар зеҳн дейилади. Зеҳн орқали иқтидор, истеъдод, даҳолик-инсоннинг ижодий фаолияти жараёнида эришиладиган қобилиятларнинг ривожланиш босқичлари ҳисобланади. Қобилиятлар характер каби, шахснинг фақатгина маълум фаолиятидагина мавжуд бўлган сифатларидир.

Зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш керак бўлган фарқларни аниқлайди. Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусият бўлгани сабабли, шахснинг бошқа сифатлари ва хусусиятларига, яъни ақл сифатларига, хотира ва характер хусусиятларига, ҳис-туйғуларига қарама-қарши қўйилмайди, балки улар билан бир қаторга қўйилиши керак. Қобилиятни инсон туғма, табиат инъоми сифатида тайёр ҳолида олмайди у хаёт фаолияти ва изланишлари давомида шаклланиб боради. Америкалик психолог Говард Гарднер қобилиятларни интеллектлар тўплами деб атади ва унинг еттита жиҳатини ажратиб кўрсатади. Биз интеллектнинг ушбу жиҳатларидан олтитасини ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштириш нуқтаи назаридан таҳлил қилишимиз мумкин. Психолог олим Олга Матвеева ушбу жиҳатларни психологик технология билан кучайтириб модификациялайди ва ўқитувчининг касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги қобилиятларни кўрсатиб ўтади.:

1.Мулоқот қилиш (коммуникатив) қобилияти. Ўқитувчи ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда, синфда ижобий руҳий иқлим ярата олади. Яъни дарс машғулотлари жараёнида ўқувчиларнинг тасвирлай олиш кўникмаларини ривожлантириб, уларни нотаниш вазиятларда ҳам ўқитиш ва ўргатиш қобилиятларини (компетенцияларини) ривожлантириб боришни тушунамиз.

2.Воқеаларни олдиндан кўра олиш қобилияти Ушбу қобилият тури ҳар бир ўқитувчининг сергаклигида, талабаларнинг руҳиятини, ички дунёсини кўра олишида намоён бўлади. Шунда ўқитувчи ким нимага қодир эканлигини олдиндан башорат қила олади. Янада очиқлайдиган бўлсак, тасвирий санъат дарсларида тасвирлаш жараёнида уларнинг тасаввурларини ва фикрлашларини ривожлантириш қобиляти бўлиши керак. Масалан, бошланғич синф тасвирий санъат дарсларида бўғирсоқ расмини чизиш мавзусини ўқитувчи аввал эртакни маромида нутқий камчиликларсиз айтиб тасаввур қилдириш қобилияти юқори бўлиши керак.

3.Эшитиш ва ҳис қилиш қобилияти. Бундай қобилиятга эга бўлган инсонлар мусиқани ва санъатни севишади, оҳангни яхши ҳис қилади. Дарс машғулотларида фанга оид термин ва атамаларни тез англаб олиши, ривожланган ва синчков бўлади.

4.Кинестетик (тери-мускул) қобилияти. Ўқитувчининг ўз хатти ҳаракатларини мувофиқлаш-

тириш қобилияти, ҳаракат оҳангини ҳис қилган ҳолда вақтни ҳаракат суръати билан ҳис қилади. Бу тўртинчи қобилят турида тасвирланаётган натурами ёки инсонми рассом ўқитувчи кинестик қобилиятини ишга тушириб сезиш ва анатомик тахлил қила олади.

5. Мантиқий қобилият. Фалсафий мулоҳазалар юритишни, рақамларни математикани, мураккаб масалаларни ҳал қилишни севади, сабаби вазият оқибат натижаларини тушуниш малакасига эга, воқеликда асосийликни иккинчи даражалисидан ажрата олади; Яъни ушбу қобилият бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда муҳим омил саналади.

- Тасвирлаётган объектни мантиқий арифметик хисоб-китоб (прапорция) ва композицион жойлаштиришни ўйлайди;
- Тасвирлаётган детал ёки жисмни мулохазалай олиши ва теварак-атрофдагиларга унинг ижобий ёки салбий томонларини (характерини) фикрлаб тушинтириб бера олади; ва ҳоказо... .

6. Шахснинг ички қобилияти. ўз-ўзини мукаммал билиши, тушуниши ва ҳис қилиш қобилияти, эркин шахсда ички қобилият мукаммал ривожланади, иродаси мустаҳкам, қатъиятли, ҳар қандай вазиятда ўз фикр мулоҳазасини эркин баён эта олади. Психолог олим О.Матвееванинг олтита қобилият турларини умумий тарзда барча фанлар соҳаларига татбиқ қилиш мумкин. Биз умумий маънода ривожлантириладиган компетенциялар орқали юқоридаги қобилиятларни кўрсата олиш ва амал қилиши касбий компетентликнинг бир даражасидир деб таъкидлаймиз.

Адабиётлар

1. Холиков А. Педагогик махорат. –Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2011.
2. Hasanboev J. va boshqalar. Pedagogika. – T.: “Fan”, 2006.
3. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: 2015.
4. Хасанов Р. Тасвирий санъат ўқитиш методикаси. –Т.: ”Фан” 2015.
5. Йўлдошев Ж.Ғ.,Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Т.: 2004
6. Мавлонова Р. ва бошқалар. Умумий педагогика. -Тошкент: “Наврўз”, 2016.
7. Хасанов Р. Тасвирий санъат асослари. –Т.: 2008.

РЕЗЮМЕ

Педагог, аввало, педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Педагогнинг умумлашган малакалари унинг фаолиятида маҳорат ва қобилят тушунчалари ётади. Маҳорат бу алоҳида кудрат. Маҳоратга эришиш ва эришмаслик хам мумкин. Қобилиятли бўлиш билан бирга маҳоратли ва техникали педагог бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Ушбу мақолада маҳорат ва қобилият таснифи ва хусусиятлари ёритиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Прежде всего, педагог должен хорошо разбираться в законах и механизмах педагогического процесса. Обобщенные навыки педагога заключаются в понятиях мастерства и умений в его работе. Умение - это особая сила. Мастерство может быть достигнуто, а может и не достигнуто. Мы считаем, что помимо таланта вы должны быть квалифицированным педагогом и техническим педагогом. В данной статье рассматривается классификация навыков и способностей.

SUMMARY

First of all, the pedagogue should do his best to understand the laws and mechanisms of the pedagogical process. Obobshchennыe navыki pedagogue zaklyuchayutsya in ponyatiyax masterstva i umeniy v ego rabote. Umenie - eto osobaya sila. Mastership may not be available, but it may not be available. We are looking for something that will help the talent and all the qualified pedagogue and technical educator. In this state rassmatrivaetsya classification navыkov and sposobnostey.

КУРАШ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Елмуратова – *психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*
С.Сатбаев – *ўқитувчи*
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: кураш, соҳа, ёнбош, кийим, урф-одат, соғлик, кун тартиб, тўғри овқатланиш, курашчи, аждодлар.
Ключевые слова: кураш, направление, боком, одежда, обычай, здоровье, режим дня, правильное питание, борец, предки.
Key words: kurash, direction, sideways, clothes, custom, health, daily regime, proper nutrition, fighter, ancestors.

Жамиятимиздаги жадал ривожланиш, халқимиз хаётидаги тинчлик ва тўкинлик, қалбидаги меҳнатсеварлик ва шижоат мустақил давлатимизнинг тобора юксалиб бораётганидан далолатдир. Спорт соҳасида олиб борилаётган тўғри, тизимли сиёсатлар бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олади. Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари бўлганидай, бизларнинг ҳам ўзимизга яраша удумларимиз ва анъаналаримиз бор. Айниқса, жисмоний тарбия ўқитувчиси мураббий ва ўқувчилар орасида соғлом авлодларни тарбиялаш жараёнида барқарор ва мустаҳкам яхши муносабатлар бўлишига жиддий этибор бериб келинмоқда. Шунингдек, миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз ва соғлом турмуш тарзи халқимиз орасида ҳамиша эъзозланади. Соғлом турмуш тарзи дастлаб оиладан бошланади, демак, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда жисмоний тарбиянинг ўрни алоҳида ахамиятга эга эканлигини ҳар бир ёш авлодга ўргатиб боришимиз керак. Соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида мамлакатимизда спорт сохасига катта этибор берилмоқда. Бу борада спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар самараси сифатида, шуни аниқ кўришимиз мумкинки, юртимиз келажаги бўлган ёшлар онгидаги маънавий бўшлиқни ёт ғоялардан ҳимоялашда самарали натижаларга эришилмоқда. Мустақиллик ҳамманинг орзуларга тўла қалбига шодлик бахш этиб ўзлигимизни, асрлар давомида аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган ўлмас қадрият ва урф – одатларимизни қайтариб берди. Аждодларимиздан қадрият сифатида бизгача меърос бўлган курашнинг бугунги кунда жадал суръатларда ривожланиб боришини завқ билан кузатиш мумкин. Кураш тарихи 3-3.5 минг йиллик тарихга бориб тақалади. Курашнинг асосий ривожланиш даври ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади. Ўша даврларда ўзбекистонлик курашчилар мустақилликдан олдинги даврларда ҳам халқаро майдонларда катта ютуқларга эришиб келганлар. Улар орасида таниқли Олимпиада ва жаҳон чемпионлари Рустам Казаков, Арсен Фадзаев, Махарбек Хадарцев, шунингдек уч карра жаҳон чемпиони Аслан Хадарцевни алоҳида атаб ўтиш ўринли. Улар қаторида Э.Абдураманов, Э.Юсупов, Л.Шепилов, А.Хаймович, Р.Атаулин, Х.Зангиев, Р.Исламов, А.Очилов, Д.Захратдинов ва Р.Хинчаговлар ҳам катта ютуқларга эришганлар.

Лекин шунча курашчиларимиз катта ютуқларга эришганларига қарамасдан, курашга етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли жисмоний тарбия дарслари жараёнларида кураш элементларидан қисман

фойдаланилмаган. Курашнинг ҳозирги кунда ривожланишида Т.Одилов, А.Атоев, Ж.Турсунов, Ў.Иброҳимов, С,Кудратов, Ж.Тошпўлатов, К.Юсупов, О.Тоймуродов, О.Хайитов, Х.Рафиев, А.Тилаков, Р.Тўраев, А.Абдусаттаров каби мураббийларимизнинг яратаётган дарсликлари ва ўқув қўлланмалари чоп этилиб, уларда курашнинг жаҳонда бошқа спорт турлари каби ўз ўрнига эга эканлиги асослаб берилган [1], [2], [3], [4]. Олимлар тарафидан курашнинг спорт элементларининг муҳим эканлиги асослаб берилганлиги туфайли охирги 15-20 йил ичида кураш қадрланиб, сайқалланиб, ривожланиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида Халқаро кураш ассоциацияси (IКА)нинг 2003 йилдаги конгрессининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтганлигини айтиб ўтсак бўлади. Бунда ҳар бир учрашувнинг қизғин бўлишини таъминлаш мақсадида расмий мусобақаларда беллашув вақтини 3 минут қилиб белгиланди.

Курашчиларимиз томонидан кураш қоидаларини аждодларимиз урф-одатлари, анъаналари, удумлари ва ишлатган атамалари асосида содда ва оддий қилиб ишлаб чиқилди. Полвонларнинг ижобий ҳаракатлари “ҳалол”, “ёнбош”, “чала” каби атамаларни ишлатиш билан баҳоланиб хакам ва томошабинлар томонидан тез ва осон идрок қилиб, ўзлаштириб олингани қувончли ҳолатлардан ҳисобланади [4].

Жаҳон миқёсида ўтказилган турли-туман мусобақалар кураш умуминсоний қадрият сифатида спортда муносиб ўрин олишига ҳақли эканлигини исботлади. Кураш халқимиз орасида азал-азалдан тўйларда, халқ орасида кенг тарқалиб халоллик, орномус белгиси саналган. Курашни келажагимиз бўлган ёшларга ўргатиш, бу фаннинг назарияси ва услубияти, техникасини эгаллашни, мустақил ишлаш учун зарур бўладиган касбий кўникма ва малакаларни эгаллашни кўзда тутади. Кураш фанини ўқитишдаги фаолиятлар ғоят мураккаб ва кўп қиррали жараён хисобланади. Турли номлардаги дарсликларни ўргатиш билан бирга кураш талабаларнинг хулқ-атворлари, билим даражалари ва фанга бўлган муносабатларини кузатиш, ўргатиш, тарбия бериш билан қўшиб олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчида чуқур билим, педагогик маҳорат ва шахсий намуна, ташаббускорлик, янгилик сари ижодий изланиш фаолиятлари устун бўлиши керак [3].

Кураш дарслари, машғулотлари ва мусобақа жараёнида талабалар шикастланиши табиий бир ҳол. Буларнинг асосий сабаблари қуйидагилар;

1. Кураш дарсларида профессор ўқитувчиларнинг талабаларга эътиборсизлиги;
2. Машқларни бажаришда спортчи ўзини химоя қилишни билмаслиги;
3. Кураш кийими (яктак)да дарсларда қатнашмаслиги;
4. Шахсий гигиеник қоидаларига риоя қилмаслик;
5. Профессор ўқитувчиларнинг, мураббийларнинг руҳсатисиз машғулотларга киришиши;
6. Тақиқланган буюмлар тақиб кириши (узук, заголка в.б).

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги ундаги маҳоратнинг таркиб топишида ҳаётий муҳим сифатлар ҳамда меҳнатга ва ватанни ҳимоя қилишга зарур бўладиган малакаларнинг хосил бўлишида асос бўлиб хизмат қилади. Машғулотларни ташкил этиш ва жиҳозланиш, жойларнинг соддалиги туфайли, кураш ёшларни мамлакатимизда оммавий жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатига жалб қилишга ёрдам берадиган асосий воситадир. Бугунги кунда миллий спорт туримиз кураш ривож топиб, спортчи ёшларимиз маҳорати янада ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ёшларимиз орасида иқтидорли, маҳоратлилари жуда кўп. Спортга бўлган қизиқиш катта. Ота-оналар бола спорт билан шуғулланса, ёмон иллатлардан нари юради, деб тушунади. Ўз устида ишлайдиган, ҳаракатчан шахс дарров кўзга ялт этиб ташланади. Иқтидорли, изланувчанлигига қараб саралаб олинганлар секин-аста халқаро ва республикамиз миқёсидаги мусобақаларга тайёрлаб борилади. Кун тартибига амал қилиш, дам олиш, сифатли овқатланишга эътибор қаратиш туфайли соғлом инсонни вужудга келтириш мумкин. Болалар руҳий жиҳатдан тетик бўлиши учун мураббий улар билан ҳар томонлама шуғулланиши, педагогикадан яхши хабардор бўлиши тарбиясига эътибор қаратиши муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари мураббийлар спорт билан шуғулланувчиларда атрофдагиларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришади. Бу қараш анъанавий маданиятнинг бир қисми. Натижада курашчиларда ўзига нисбатан ҳурмат туйғуси уйғонади. Атрофдагилар билан хушмуомала муносабатда бўладилар. Ҳатто улар хуш кўрмаган инсонларига ҳам назокат билан муомала қиладилар. Бу малакалар уларга катта ҳаётга қадам қўйганларида ҳам керак бўлади. Асосий машғулотларга мунтазам қатнашиш давомида ўз меҳнатларининг самарасини кўрадилар, кураш машғулоти жараёнида, мураккаб ҳаракатларни амалга ошираётганларидан ўзлари ҳам завқлана бошлашади. Ҳаммасини тўғри бажаришга бўлган иштиёқи олға интилтиради. Гарчи муваффақиятсизликларга учрасада, тўсиқларни енгиб ўтишга интилиш тарк этмайдиган, қайта ва қайта уриниб кўринадиган бўлишади. Натижада спортчилари-миз мақсадларига етишади. Ҳозирги кунда мураббий, Мустақил Ўзбекистон давлатининг жисмоний тарбия ва спорт қонунларини болалар ҳаётига татбиқ этиши, ўзининг ғоявий-сиёсий билимларини ошириб бориши, ўз спорт тури бўйича изланишлар олиб бориши; болаларда ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантириши; онгли, билимли, руҳан тетик ёшларни тарбиялаши; болаларнинг ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишига одатлантириши лозим.

Жисмоний маданият ва спорт машқлари билан шуғулланиш ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида доимий ва шахсий мақсадларидан бири бўлиши билан бирга, ўзининг камолоти сари ривожланиб бориши, ватанни севиши ва ҳимоя қилиши шахснинг шарафли ишларидан бирига айланиши зарур.

Адабиётлар

1. Атаев А.К. Ёш ўсмирларга ўзбек курашини ўргатиш услубиёти. Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
2. Атоев А.Қ. Кураш. -Тошкент: 1987.
3. Тошпўлатов Ж.Т. «Ўзбек кураши». -Т.: 2000.
4. Юсупов К. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. -Т.: 2005.

РЕЗЮМЕ

Мақолада кураш спорти қисқача тарихи, миллий спорт тури сифатидаги аҳамияти, шунингдек, мураббийлар масъулияти тўғрисида фикр юритилган. Спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари ҳар бир инсон учун нафақат жисмоний, балки маънавий ривожланиш учун имконият эканлигини очиб беришга ҳаракат қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена краткая история кураш, её значение как национального вида спорта, а так же размышляя о роли тренеров в ответственности, пытаясь дать понять, что занятия спортом и физкультурой - это возможность для индивида развиваться не только физически, но и духовно.

SUMMARY

The article presents a brief history of kurash, its significance as a national sport, as well as reflecting on the role of coaches in responsibility, trying to make it clear that playing sports and physical education is an opportunity for an individual to develop not only physically, but also spiritually.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ ИНТЕГРАТИВ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Ҳ.Х.Ҳамзаев – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бошланғич таълим, сифат, самардорлик, интегратив, ривожлантириш, таълим, босқич, умумий ўрта таълим, шахс, маънавий.

Ключевые слова: начальное образование, качество, эффективность, интегративность, развитие, образование, этап, общее среднее образование, личность, духовность.

Key words: primary education, quality, effectiveness, integrative, development, education, stage, general secondary education, individual, spiritual.

Мамлакатимизда бошланғич таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, педагогларнинг касбий фаолияти сифати ҳамда малакасини узлуксиз ошириш бўйича кенг ислоҳотлар олиб борилиши натижасида бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг ўзига хос тизими йўлга қўйилди [8]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да «...Кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш» [1] вазифаси қўйилган бўлиб, бу борада бошланғич синф ўқувчиларининг билимларини такомиллаштириш асосларини ишлаб чиқиш ва назарий-методик тавсияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш жараёни инновацион босқич ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти ижтимоий ва иқтисодий соҳага янги ғоялар, ёндашувлар, услублар ҳақида технологияларни татбиқ этиш билан белгиланади. Шу жиҳатдан таълим соҳасида инновацион асосларга эга илмий-тадқиқот яратиш долзарб бўлиб турибди [2]. Бу борада айниқса, таълим соҳасининг бирламчи ва асосий босқичи бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш зарурияти муаммоси эътиборни тортади. Бошланғич таълим борасида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилгани ҳолда [3,4.5], уни интегратив ривожлантириш зарурияти масаласи махсус тадқиқ этилган эмас.

Ҳозирги замон педагогик ёндашувларга кўра, бошланғич таълим “Умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи” ҳамда “болаларга илк таълим бериш ва уларни маънавий камол топтириш” сифатида идрок этилади [6]. Бу ёндашув назарий-методологик жиҳатдан тўғри, айни пайтда, мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи бошланғич таълимнинг “илк босқич” ва шахсни “маънавий камол топтириш” мазмунини инновацион асосларга таяниб чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Чунки унга қадар бўлган “мактабгача таълим” босқичи шахсни дастлабки тарзда “маънавий камол топтириш” вазифасини бошлаб бермоқда. Шу сабабли биз бошланғич таълимни умумий ўрта таълимни бошлаб бериш, билимлар жараёнига олиб кириш ва шахсни маънавий камол топтиришни бошлаш жараёни сифатида идрок қиламиз. Бундай ёндашув бошланғич таълимнинг “умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантириш” [6] функциясини конкретлаштиради. Шу сабабли эътибор берилса, бошланғич таълим “кўзга кўринмас”, аммо таълим ва тарбиянинг энг асосий ҳамда пойдевор функциясини бажариши эътироф этилади. Таълимнинг ўзга барча босқичлари, бошланғич таълим босқичи асосида уюшади, бирлашади ва чуқурлашиш учун старт олади. Негаки, бу босқич таълимнинг муҳим функцияси билим ва тарбия беришни бошлаб беради. Мана шу нуқтаи назарга кўра, мактабгача таълимни умумий таълим ва тарбия жараёнига иш тайёрлаш, бошланғич таълимни бошлаш ва таянч умумий ўрта таълимни эса амалга ошириш босқичлари сифатида идрок этамиз. Тайёрлаш, бошлаш ва амалга ошириш тушунчаларининг маъносини тўғри англаш, мумий ўрта таълим босқичлари функциясини тўғри тушунишга олиб келади. Демак, бошланғич таълим босқичи таълимнинг шунчаки босқичи эмас, балки кейинги таълим босқичларининг фундаментал феноменидир. Буларнинг барчаси ҳозирги шароитда Ўзбекистон бошланғич таълимини инновацион характерга эга бўлган интегратив ривожлантириш заруриятини кун тартибига қўяди.

Интеграция (лотинча “integerara”) тушунчаси, “умумийликни тўлдириш, яратиш ва тиклаш” маъноларини англатади [6]. Педагогик тушунча сифатида “таълим мазмунидаги уйғунликларни таъминлаш” (1) ва “тушунчаларни умумлаштириш”ни [3] билдиради. Шу жиҳатдан интеграция таълимда мазмун ва методиканинг қисмларини умумлаштириш функциясини бажаради. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш факторлари қуйидагиларни қамраб олади:

- билим, тушунча ва кўникмаларни умумий мақбул қонуниятларга келтирамиз;
- таълим ва тарбия жараёни мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмларини яратиш;
- билим ва кўникма маълумотлари ўртасидаги алоқадорликни (функционал боғланишни) ўрнатиш;
- ўқув фанлари мазмунларини методологик умумлаштириш ва тўлдириш.

Бу ёндашув “бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш” тушунчасини ўқитишнинг мақсад ва омилларини бир бутун қилиб бирлаштириш деб англашга асосланади. Шу жиҳатдан бу масала инновацион педагогик технологиялар мажмуига киради [5].

Бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш зарурияти қуйидагича идрок этилади:

- бошланғич таълимда ахборотларни ташкил этувчи чексиз ва кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлигини аниқлаш;
- бу боғлиқликнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги асосида тўғри хулосага келиш;
- ўрганилаётган билим ва кўникмаларнинг дидактик тизим ва чуқур мазмунга эга бўлиш йўлларини яратиш;
- билим ва кўникмаларга тизимли ёндашиш индикаторларини белгилаш;
- ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни эгаллашининг энг мақбул, қулай ва ягона йўлларни топиш;
- билишнинг дедуктив ва индуктив усулларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Эътибор берилса, бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш зарурияти соҳани назарий-методологик жиҳатдан чуқурлаштириш, кенгайтириш ҳамда смарадорлигини оширишга асосланади. Бу масала бошланғич таълимни қуйидаги уч усул асосида ўрганишни тақоза этади: комплекс ёндошув; тизимли ёндошув; таҳлилий ёндашув.

Мазкур усуллар асосида бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш асосларини яратиш, синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий этиш имкониятлари мавжуд. Чунки интегратив ривожлантиришни бошланғич таълимга иерархик

тизим сифатида қараб, жараёнда ижобий педагогик смарадорликка эришишни назарда тутади.

Бугунги кунда мамлакатимиз бошланғич таълим тизимини ўқитишнинг бой ва миллий тажрибасига эга. Бу тажриба ютуқларини умумийлаштириш, тизимлаштириш ва оммавийлаштириш зарурияти пайдо бўлиб турибди, бу биринчидан; иккинчидан, мазкур тажрибани ўзлаштириш ва кенг кўламда тарғибот этиш ҳам долзарб ҳисобланади; учинчидан, бошланғич таълимни янада ривожлантириб бориш ва унинг самарадорлигини янада оширишнинг интегратив асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада ўзига хос тадқиқотлар мажмуини яратиш тақозо этилади.

Шундай қилиб инновацион ривожланиш шароитида бошланғич таълимни интегратив ривожлантириш зарурияти ижтимоий аҳамиятга эгалиги билан диққатни тортади. Бундай илғор томонлар [6] охир-оқибатда бошланғич таълимнинг ижтимоий аҳамиятини [8] янада юксалтиришга хизмат қилиш шубҳасиздир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 28 февраль сони.
3. Адизов Б. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации учителей начальных классов. Ак Д. – Ташкент: 1990.
4. Гальперин П.Я. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Т.: «Шарқ». 1998.
5. Педагогические основы формирования личности учащеюся в средней общеобразовательной школе Республики Узбекистан на современном этапе. Сборник. – Т.: «Фан». 2005.
6. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Тузувчилар Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов ва бошқ. – Т.: “Fan va texnologiya”. 2009.
7. Сафаров Н.С. Прогрессивные идеи и опыт научной педагогики Узбекистана. – Т.: «Фан».1989.
8. Ҳамзаев Ҳ.Х. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш: Пед. ф.б.ф.д. (PhD) дис. автореферати. –Нукус: 2019.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш босқичида бошланғич таълимни замон талаблари асосида ривожлантириш муаммоси ижтимоий зарурият эканлиги тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье высказано мнение о том, что проблема развития начального образования на современном этапе инновационного развития Узбекистана является необходимостью.

SUMMARY

The article considers the necessity of the problem of development of primary education at the stage of innovative development of Uzbekistan on the basis of modern requirements.

НАЖМИДДИН КУБРО ВА ПАҲЛАВОН МАҲМУД ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ШАХС ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

С.У.Ходжаниязов – *педагогика фанлари номзоди, доцент*

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: тариқат, муршидлик, одоб-ахлоқ, ботинан, сўфий, увайсий, модарзод авлиё, мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат, жисмоний-руҳий қудрат, аҳлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари.

Ключевые слова: идеи сектантства, наставник, мораль, внутренняя связь, суфий, святой, отвага и чистота, героизм и благородство, просвещение, физическая и духовная сила, моральное величие, патриотизм.

Key words: sectarian ideas, mentor, morality, inner connection, Sufi, saint, courage and purity, heroism and devotion, enlightenment, physical and spiritual strength, moral greatness, patriotism.

Миллий маданий тараққиёт тарихидан маълумки, вужудга келган маънавий-ахлоқий онгнинг ўзгариши оқибатида ёш авлодни мафкуравий, ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва аждодлар томонидан яратилган маънавий меросни ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Аждодлар таълимотларидан фойдаланиш минг йиллар давомида ижтимоий ҳаётнинг таназзулга учрашидан ҳимоялаб келган. Хусусан, мутафаккирларнинг маънавий мероси таълим-тарбия жараёнида баркамол авлоднинг маънавий тафаккурини шакллантиришда асосий манбалардан ҳисобланади. “Фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар, комил инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳамиша долзарб масала ҳисобланади” [1:178]. Шу боис буюк алломалар томонидан илгари сурилган, авлодлар педагогик тараққиёти ва маънавий қиёфасини юксалтиришга қаратилган илғор ғоялар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуднинг педагогик қарашларини замонавий нуқтаи назардан ўрганиш бугунги куннинг заруриятидир. Бирор мутафаккирнинг шахсияти, жамиятдаги ўрни ҳақида фикр юритилар экан, унинг қандай манбаларда зикр этилганига қараб, ким бўлганлиги тўғрисида ҳукм чиқариш мумкин. Яъни, масалан, Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» тазкираларида зикр этилган шахслар, шубҳасиз, мазкур асарлар моҳиятидан келиб чиқиб, авлиёлар қаторига қўшилади.

Машҳур шайх, йирик тасаввуф олими, халқ қаҳрамони ва оташнафас шоир Нажмиддин Кубро Хива яқинидаги ҳозирги Саёт қишлоғида туғилган. Унинг тўлиқ исми- Аҳмад ибн Умар Абулжанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивақий ал-Хоразмий. «Шайхи валийтарош» - «Авлиёлар етиштирадиган шайх» номи билан шуҳрат қозонган бу улуғ инсон тасаввуфдаги машҳур кубравия тариқатига асос солган. Бу тариқат аҳллари хуфия зикрни тарғиб этганлар. Кубравия таълимоти асосан Марказий Осиё ва қисман Эронга тарқалган. Ва кубравия тариқатининг шаклланиш тарихи, одоб-аркони, таълим-тарбия усуллари ҳақида аниқ тасаввур берувчи нодир манба ҳам, албатта, мана шу китоблардир. У манбалар ҳақидаги маълумотлар хилма-хилдир. Нажмиддин Кубро ислом аҳкомлари ва тасаввуф талабларини халқ ўртасида тарғиб қилиш билангина кифояланмай, ўзининг хатти-ҳаракати билан уни амалда ҳам кўрсатади. Тасаввуф намоёндаси, мўғул галалари Хоразм тупроғига бостириб келганида у бошқа ўлкалардан келган шогирдларининг бегона заминда ўлиб кетишларини истамай, уларни туғилган юртларига жўнатиб юборади, ўзи эса шаҳар мудофаасига отланади. Муридларининг бирга кетиш тўғрисидаги таклифларига жавобан: «Мен шу ерда шаҳид бўламан. Менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ!» -дейди ва қўлига шамшир тутиб, қўйнига тош тўлдириб, ёв қаршисига чиқади. Уларга тош отади, бир нечтасини найза билан уриб йиқитади. Душманлар унга камондан ўқ узадилар. Ўқлардан бири Шайхнинг кўкрагига санчилади. Шаҳид бўлаётган пайтда у

душман қўлидан байроғини тортиб олиб, шу даражада маҳкам сиқиб ушлаганки, ўн киши бўлиб ҳам унинг қўлидан байроқни олишолмагач, бармоқларини кесишга мажбур бўлишган. Нажмиддин Кубро маънавий меросига назар соладиган бўлсак, Эрон тадқиқотчиси М.Р.Исфандиёр Кубро асарларининг адади 60 дан зиёд бўлиб, улардан айримларигина бугунгача етиб келганлигини айтса [4.5], яна бир эронлик олим Т.Субҳоний шайхнинг “Рисола илал ҳоим” асарини нашрга тайёрлар экан, китоб муқаддимасида унинг араб ва форс тилида ёзган 32 та асарини инвентарь рақамлари билан кўрсатиб беради [6:76]. Шайх Нажмиддин Кубронинг рубоийларидаги асосий ғоя аҳлоқий баркамолликка эришиш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, ҳусумат, гумон, таъма, нифоқ, риё, фосиҳлик кабилар билан боғлиқ гуноҳлардан, яъни салбий феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар билан умр-гузаронлик қилишга, инсонпарварлик, яъни руҳий поклик йўлига киришга чорлашдан иборатдир.

Ҳар сабзаки сув яқосида юз очмиш,
Бир руҳи фariштадур, магар кўз очмиш.
Бир ҳоки паривашки, ёмон қўйма қадам,
Бу гўшаки учун лолаву наргис очмиш [7].

Мутасаввуф шоир рубоийларида инсонни жисмоний ва маънавий покликка даъват этади. Унинг рубоийларида буюк инсоннинг педагогик мушоҳадалари, жўшқин ва машаққатли умрининг тажрибалари, умумлашмалари, абадий ишқ ва ҳақиқатга интилган инсон қалбининг орзу- истаклари ўз ифодасини топган:

Чун ҳар неки йўқ... йўқдир у -буду ҳавас,
Чун ҳар неки бор, бори-нуқсону-шикаст.
Билгилки, у йўқ деганлари-бор, ҳаёт,
Кўргилки, у бор демишлари-йўқ, абас [9,7].

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари– жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиш бўлди. Аслида, бу иш илгари бўлган, чунончи Абусаид Абулхайр (XI аср) саховат ва мардликни сўфийнинг сифатларидан ҳисоблайди. Бироқ Нажмиддин бу қарашни сўфийлар ҳаётига яна ҳам изчилроқ сингдириб юборди. Натижада, мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида аҳлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари қўшилиб ифодаланди.

Хоразмнинг буюк фарзандлари силсиласида енгилмас курашчи паҳлавон ва улуғ тариқат пири Паҳлавон Маҳмуднинг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор. Паҳлавон Маҳмуд таржимаи ҳолини кўздан кечирар эканмиз, унинг узуқ-юлуқ ва ноаниқ маълумотлардан иборатлигига гувоҳ бўламиз. Ҳолбуки, Ё.Исҳоқов ўз мақоласида «Паҳлавон Маҳмуд шоир сифатида XIV-XV асрлардаёқ машҳур бўлиб, XV-XX асрлар мобайнида тузилган энг машҳур тазкира ва қомусларда шоир ва паҳлавон сифатида қайд этилган», - деб бир қатор тазкира ва луғатлар номини кўрсатиб ўтган [3:20]. Маълумки, илоҳий маърифатдан огоҳ инсонлар – тасаввуф намоёндалари қайсидир бир тариқатга мансуб бўладилар. Бу ҳол, табиийки, Паҳлавон Маҳмудга ҳам тегишлидир. Алишер Навоий ўз тазкирасида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида «ёшурун сулук ва риёзати ҳам бор эрмиш, андоқки файз оламидин чошни етган эрмиш»[1] дея унинг қайсидир тариқатга мансуб бўлганини, шу сабаб илоҳий файзлар (илҳом). Тариқат вакилининг сулукини ойдинлаштирувчи асосий омиллар бу - унинг кимнинг муриди бўлганлиги, қандай муҳит ва оилада тарбия топганлиги билан боғлиқдир. Профессор Н.Комилов ёзади: «Дарҳақиқат, бирор-бир сўфийнинг тариқати ва тасаввуфдаги маслагини аниқлаш учун унинг муҳити, пирлари ҳақида маълумотга эга бўлиш керак... Тасаввуф аҳли дарвеш ва сўфийнинг пири кимлигини билсалар, унинг қайси равия ёки сулукка тобеълигини аниқлай олганлар» [5:11] «Ислом оламида ўнга яқин тариқат ва тариқат тармоқлари маломатийликдан қувват олиб ёки унинг таъсирида бунёд этилгандир. Нажмиддин Кубро асос солган кубравийлик ана шулардан бири эди» , деб ёзади тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул. Демак, Паҳлавон Маҳмуднинг маломатийликка мансуб бўлиши унинг кубравийлик билан алоқасига боғлиқ ҳолда ривожланган. Оллоҳёр Маҳзуннинг «Риёз уз-зокирин» тазкирасида келтирилганидек, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг оталари ҳам авлиёлик фазилатига эга, улуғ шайх Нажмиддин Кубродан муршидлик рухсатини олган пир бўлган. Эркин Самандар ўз қасидасида: «Яна шу нарса ҳам ҳақиқатки, Яратганга эътиқодлари беҳад, падари бузрукворлари буюк шайх Нажмиддин Куброга қўл берган валий, ўзлари Ҳақ карамидан баҳраманд, дину диёнатга умрини бағишлаган тенгсиз каромат эгаси, илоҳий дониш соҳиби эдиларки, тирикликда пир аталганлари, мулла ва уламоки бор, ул ҳазратга тан бериб, таъзим бажо айлаганлари ана шундан далолатдир деб таъкидлайди [10:71]. Тазкира давомида келтирилганидек, «Бор сен Хивақға, аҳли Хивақни залолат бодиясидан ҳидоят ноҳиясига далолат қилгил. Сенинг аҳлиййанг, яъни хотунингнинг қорнида бир жанийн бордур, ул худ бизнинг нафас ўғлимиздур, Хоразм диёрининг хуллаи ақди онинг пири Нажмиддин Кубро ҳазратлари бўлганини билиб олиш мумкин зиммаи иқтидоридадур. Ул писар (ўғил) бизнинг нафас ўғлимиздур. Онинг оти Маҳмуддир» жумлаларидан эса Паҳлавон Маҳмуднинг ботиний жиҳатдан кубравия тариқатининг вакили бўлганлиги аён бўлади. Паҳлавон Маҳмуднинг кубравия тариқати вакили эканини тасдиқлайдиган яна бир далилни келтириб ўтсак. Маълумки, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да авлиёларни ўзига хос тартибда, яъни ҳар бир тариқат вакилларини кетма-кет, масалан, нақшбандия шайхларини бир бўлак, кубравия шайхларини бир бўлак, туркий авлиёларни яна бир бўлак тарзида туркумларга ажратиб зикр этган. Шуни ҳисобга олиб, биз Паҳлавон Маҳмуднинг қайси сулук авлиёлари қаторида келганлигига эътибор қаратдик. Манбашунос олим Ҳамидхон Исломий ўзи фойдаланаётган тазкирада Паҳлавон Маҳмуд тўғрисида 478-тартибда хабар берилганини ёзган [2:48-51]. Демак, маълум бўлмоқдаки, «Насойим ул-муҳаббат»да Паҳлавон Маҳмуд зикри Шайх Нажмиддин Кубро (қ.с.) халифалари (муридлари) қаторида келган. Шуни ҳисобга олиб, юқоридагиларга қўшимча равишда Паҳлавон Маҳмуднинг кубравия сулукида бўлганини эътироф этиш мумкин. Энди Паҳлавон Маҳмуднинг жавонмардликка боғлиқлик жиҳатларига тўхталсак. Бунинг учун, даставвал унинг пири муршиди Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳақидаги мулоҳазаларга эътибор қаратсак. «Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари - жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиши бўлди», - дейди профессор Н.Комилов ўзининг юқорида эсланган рисоласида. Яна бу ҳақда ўқиймиз: «Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотига бир қатор янгиликлар киритди. Биринчидан, тасаввуфшунос олим, проф. Н.Комилов таъкидлашича, исломия мазҳабида машҳур бўлган «Офоқ ва анфус» назариясини тасаввуфга татбиқ этди. Иккинчидан, футувватни тасаввуфга қўтди. Учинчидан, ақлий билиш билан интуитив (ҳиссий) билишнинг бирлигини, боғлиқлигини кўрсатди» [8]. Демак, Нажмиддин Кубро ҳазратларининг тариқати бевосита Ҳазрат Али (к.в.) орқали Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бориб туташган. Бу ҳолат ҳам кубравия тариқатининг асосида фатийлик, жавонмардлик одоб-ахлоқи ётишидан ва Паҳлавон Маҳмуднинг ботинан кубравия тариқати вакили сифатида бевосита жавонмардлик

одобига алоқадор сўфий бўлганлигини тасдиқловчи далилдир. Хуллас, Паҳлавон Маҳмуднинг жавонмардлик билан алоқасини унинг паҳлавонлиги, курашчилар пешвоси бўлганлиги билан эмас, балки тариқати кубравия билан изоҳлаш керак. Яна шу нарса маълум бўладики, Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Кубродан ботиний иршод олган. Шу сабабдан у ҳам увайсий, модарзод авлиё сифатларига эга бўлган. Ушбу ҳолат ҳазрат Баҳоуддинга ҳам тегишли бўлган. Яъни: «Тариқат одобини Баҳоуддин Мир Кулолдан олган. Хулоса қилиб айтганда, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларида авлиёларга хос барча хусусиятлар бўлган экан ва биз бемалол ул зотни ҳақиқий авлиё деб аташимиз мумкин.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Исломий Ш,. Алишер Навоий ва Хоразм авлиёлари. - Т.: «Фан», 1998.
3. Исҳоқов Ё. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида.. Ўзбек тили ва адабиёти. -Т.: 1971. №2.
4. Исфандияр М.Р. Библиография и характеристика некоторых произведений шейха Наджм Аддина Кубра и сочинений о нём. Международная конференция посвящённая шейху Наджм Аддину Кубра. 4- книга. – Мешхед: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане и Бюро исламских исследований Организации исламской культуры и связи, 2001.
5. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
6. Мотлак М.Я. Правление (вилайат) и святой (вали) в мистицизме шейха Нажм ад-дина Кубра и Моулана Джелал ад-дина Руми насилия // Международная конференция посвящённая Шейху Наджм Аддину Кубра. 2-книга. – Ашхабад: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане при участии Бюро исламских исследований 2001.
7. Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас. -Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1994
8. Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолайе одобул зокирин. – Урганч: Хоразм, 1997.
9. Шайх Нажмиддин Кубро. Рубоийлар. // “Шарк юлдузи”. - Тошкент. 1988.
10. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд тасаввуф таълимоти ва унинг маънавий негизлари, аҳлоқийлик, инсонийлик, тарбиявийлик ҳамда Паҳлавон Маҳмуднинг ботинан кубравия тариқати вакили сифатида бевосита жавонмардлик одобига алоқадор сўфий бўлганлигини, Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Кубродан ботиний иршод олганлиги, устоз ва шогирд муносабатлари акс этган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изучены вопросы учения Наджмиддин Кубро и Пахлавана Махмуда и его духовных основ, нравственности, морали, гуманизма, воспитания, а также философско-нравственные основы суфизма Пахлавана Махмуда как духовного преемника и ученика Шейха Нажмиддина Кубро.

SUMMARY

This article examines the teachings of Najmiddin Kubro and Pakhlavan Makhmud and its spiritual foundations, morality, humanism, education, as well as the philosophical and moral foundations of Sufism of Pakhlavan Makhmud as the spiritual successor and disciple of Sheikh Najmiddin Kubro.

ШАХМАТ ТЎГАРАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

У.Қ.Холиқов – *докторант*
Гулистон давлат университети

Таянч сўзлар: шахмат тўгараклари, ёшга оид хусусиятлар, жисмоний юкламалар, мактаб спорт кенгаши, мураббийлар гуруҳи, спортчи ўқувчилар гуруҳи.

Ключевые слова: шахматные кружки, возрастные особенности, физические нагрузки, школьный спортивный совет, тренерская группа, спортивная студенческая группа.

Key words: chess clubs, age characteristics, physical activity, school sport council, coaching group, sport student group.

Ишнинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3906-сонли қарорига мувофиқ мактаб дастурлари доирасида 150 та умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил этиш вазифаси белгиланган эди [2].

2021 йил 14 январда “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди [3].

Шу қарор асосида 150 та умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш амалиёти кенгайтирилиб, яна қўшимча 150 та мактаб (шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) 10 тадан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 15 тадан мактаб) шахматга ихтисослаштирилади; тегишли 1000 та умумтаълим мактабида 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини “Жисмоний тарбия” фани доирасида 18 соатлик режа асосида шахматга ўқитиш йўлга қўйилади ҳамда уларга методик ёрдам кўрсатилади. Қолган барча мактабларнинг 2, 3 ва 4-синф ўқувчилари “Жисмоний тарбия” фани доирасида шахматга ўқитилади.

Шахматнинг фойдали хусусиятлари ҳақида жуда кўп илмий тадқиқотлар олиб борилган. "Шахмат-давомли мантқий фикрлашни ривожлантирувчи интеллектуал ўйинлар ичида энг асосийси ва мураккаби", ҳисобланади.

Афсуски, умумтаълим мактабларида бугунги кунда шахмат тўгаракларини ташкил этиш жараёнлари замон талабларига мос эмас. Мактаблардаги ташкил этилаётган шахмат тўгараклари ўқувчиларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишига жалб қилиши, уларни шахмат ўқув курсида ўқитилиши, математика, психология, педагогика ва жисмоний тарбия билан боғлиқ бўлиб, ушбу фанларни ўзлаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг мақсади. Умумтаълим муассасаларида шахмат тўгарак ташкил этишдан мақсади – ўқувчиларнинг шахсий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиш хамда уларда умумий маданият, мантиқий, мустақил ва соғлом фикрлай олиш қобилиятини шакллантиришдан иборат [5].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Умумтаълим мактабларида шахмат тўгаракларини тизимли ташкил этишни ўрганиш асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шуни инобатга олган ҳолда, ушбу мақолада биз икки босқичда олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларини тақдим этамиз. Биринчи босқичда (2019 йил апрел-май) биз иккинчи ва учинчи синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлаш жараёнини ўргандик. Тадқиқотда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳаридаги 5-мактаб, Баёвут туманидаги 9-мактаб, Сурхандарё вилояти Термиз шаҳаридаги 14-мактаб, Термиз туманидаги 3-мактаб, Намаган вилояти Намаган шаҳаридаги 48-мактаб, Тўрақўрғон туманидаги 39-мактабларда олиб борилди.

Тажриба жараёнида 169 иккинчи ва 176 учинчи синф ўқувчилари, ўқитувчилари ва ота-оналар қатнашдилар.

Иккинчи босқичда (2020 йил ноябр-декабр) иккинчи, учинчи, тўртинчи синф ўқувчиларининг ақл-заковат доираси ўрганилди. Тадқиқотда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳаридаги 5-мактаб, Баёвут туманидаги 9-мактаб Сурхардарё вилоятни Термиз шаҳаридаги 14-мактаб, Термиз туманидаги 3-мактаб, Намаган вилояти Намаган шаҳаридаги 48-мактаб, Тўрақўрғон туманидаги 39-мактабларида олиб борилди. Тажрибада 259 ўқувчи қатнашди, улардан 90 нафари иккинчи синф ўқувчилари, 84 нафари учинчи синф ўқувчилари, 85 нафари тўртинчи синф ўқувчилари, ўқитувчи ва ота-оналар қатнашдилар.

Умумтаълим мактабларида ташкил этилаётган тўгаракларни тизимлаштириш, ташкил этилган тўгараклар қониқарлилигини баҳолаш мақсадида сўровнома ўтказилди.

Сўровномада қуйидаги саволлар берилди:

1) Мактабингизда ташкил этилган шахмат спорт тўгараклари фаолияти қониқарлими?

2) Мактабингиздаги шахмат тўгаракларида ёш тоифаларига алоҳида эътибор қаратилганми?

3) Мактабингизда шахмат тўгараклирини янги тизимини ташкил этишни хоҳлайсизми?

Ўтказилган сўровномада респондентлардан берилган саволарга “Ҳа”, “Йўқ” ва “Муҳим эмас” деб жавоб беришлари сўралган эди. Олинган натижалардан шу маълум бўлдики, биринчи савол бўйича “Ҳа” деб жавоб берганлар сони 24 та, ёки умумий респондентларнинг 21,4 % ни, “Йўқ” деб жавоб берганлар сони эса 52 та, ёки умумий респондентларнинг 79,6 % дан ортиқроғини ташкил қилди. “Муҳим эмас” деб жавоб берганлар бўлмади.

Иккинчи савол бўйича “Ҳа” дея жавоб берган респонднетлар сони 19 та, умумий респондентларнинг 13,8 % ни, “Йўқ” деб жавоб берганлар эса 42 тани, умумий респондентларнинг 71,5 % ни, “Муҳим эмас” жавобини танлаган респондентлар эса 11 нафарни, ёки 14,7 % ни ташкил қилди.

Учинчи савол бўйича “Ҳа” дея жавоб берган респондентларнинг жавоблари 65 нафарни, умумий респондентларнинг 83,2 % ни, “Йўқ” жавобини танлаганлари эса 10 тани яъни, 8,5 % ни ташкил қилган бўлса, “Муҳим эмас”деб жавоб берган респондентлар 5 та, ёки 0,83 % ни ташкил қилди.

Ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентларнинг жавобларидан шу маълум бўлдики, умумтаълим мактабларида ўтказлаётган шахмат тўгараклари тизимлаштирилмаган ва қониқарли даражада эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, шахмат дарсликлари ушбу турдаги ўқув адабиётлари пайдо бўлганидан буён шахмат ўйинини ўрганишни истаган ҳар бир киши учун, аслида - катталар учун ёзилган. Улар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини таҳлил қилмаган ва ҳисобга олмаган.

Мактабдаги синфларни ёшига қараб тўгаракларга жалб қилинганда 1-2 синф ўқувчилари 6-7-8 ёш, 3-4 синф ўқувчилари 9-11 ёш, 5-7 синф ўқувчилари 12-14 ёш, 8-9 синф ўқувчилари 15-16 ёш, 10-11 синф ўқувчилари эса мос равишда 17-18 ёшда бўлишади.

Кўплаб тадқиқотчилар ёш шахматчиларга бериладиган юкламаларни ёшга оид хусусиятлари ўзига хослигини, машғулотларнинг ёшини инобатга олган ҳолда режалаштириш лозимлигини таъкидлашади. Умумтаълим мактабларининг аксариятида ташкил этилган шахмат тўгаракларида эса шуғулланувчиларнинг ёши инобатга олинмаган [7].

Умумтаълим мактабларида тўгараклар ташкил этишда синфларни (шуғулланувчилар ёшини) ҳисобга олиш энг муҳим омиллардан биридир. Олиб борилган тадқиқотларда шахматчиларнинг тайёрлаш ва улар машғулотларини режалаштиришда айнан биз тақсимлаган кўринишда бўлинган.

Одатда 7-8 ёшли бола ўзига хос категориялар бўйича фикр юритади. Кейинчалик формал операциялар босқичига ўтиш кузатилади, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш қобилияти ривожланади. Ўрта даражага ўтиш даврига келиб ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритишлари, хулоса чиқаришлари, қиёслашлари, таҳлил қилишлари, алоҳида ва умумийликни топишлари, содда қолипларни тузишлари, ҳодиса ва тушунчалар ўртасидаги боғланишларни аниқлашлари лозим. Учинчи синф ўқувчилари кенгроқ ва торроқ тушунчаларни фарқлай олишлари, умумий ва аниқ тушунчалар орасидаги боғланишни топа олишлари керак. Агар 1-2-синф ўқувчилари кўпинча аргументация ва исботни ҳақиқий кўрсатган ҳолда ёки ҳар доим ҳам қонуний бўлмаган ўхшатиш асосида алмаштирса, 3-4-синф ўқувчиси асосли далил бера олиши, далилни кенгайтириш керак. Учинчи синф ўқувчисининг таҳлилий фаолияти ғоя ва тушунчаларга асосланади. Тафаккурнинг тушунчалар жиҳатидан ривожланиши, яъни абстракт-концептуал фикрлаш, ўсмирликнинг янги шаклланиши бўлмиш бошланғич мактаб ёшининг охирига келиб акс эттиришнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу нафақат билиш фаолиятини ва бошқа одамларга, балки ўзларига ҳам таъсир қилади. Булар бошланғич синф болалари тафаккурининг айрим хусусиятларидир.

7-9 ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятлари физиологлар, психологлар ва ўқитувчиларнинг кўпгина тадқиқотларида кўриб чиқилган бўлиб, улар болаларнинг ўқув жараёнидаги мослашувининг кўп ўлчовли муаммосига мурожаат қилади. Етти ёш бола организмида сезиларли ўзгаришлар бўлиб, улар энг аввало асаб тизимиида, мияда, унинг морфологияси ва физиологиясида намоён бўла бошлайди [6].

Машғулотлар ҳафтасига 2-3 марта ўтказилди. 1-2 синф учун 45 минут, 2-3 синфлар учун 60 минут, 5-7 синф учун 90 минут, 8-9 синфлар учун 120 минут 10-11 синфлар учун 150 минут этиб белгиланди. Ҳар бир ёш гуруҳи ўз тўгарагининг умумий вазифалари билан бир қаторда, ўзига хос хусусиятига эгадир, машғулотларда бериладиган юкламалар шуни инобатга олган ҳолда тақсимланди.

Хулоса. Мавзу юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, таклиф этилаётган “Умумтаълим мактабларида шахмат тўгаракларини ташкил этиш тизими” орқали мактаб ўқувчиларининг кўпроқ қисми қамраб олинади.

Иккинчидан, тизимнинг ҳар бир таркибий қисмига бириктирилган вазифаларнинг бажарилиши мактаб раҳбарияти ва спорт кенгаши томонидан тўлиқ таъминланса, умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг катта қисмини оммавий спортга, айнан шахматга узлуксиз жалб этиш имконияти яратилади.

Учинчидан, шахмат билан шуғулланган ўқувчиларнинг ақлини ўстириш баробарида, мустақил, ҳар томонлама тўғри, шахсий сифатларни шакллантириш ва мантиқий фикрлашга ўргатишда улкан имконияларга эга бўлади.

Тўртинчидан, шахмат ўқувчиларнинг ахлоқий, руҳий, маънавий ва ақлий жиҳатдан соғлом бўлиб ўсишларига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3906-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисида ПҚ-4954-сон Қарори.
3. Муҳиддинов М. Катакларда яширинган олам. -Т.: "Ўзбекистон", 1976.
4. Вершинин М.А. Теория проектирования системы формирования логического мышления шахматистов. Дис. ... доктора педагогических наук. Волгогр. гос. акад. физ. культуры. -Волгоград: 2005. -С. 506.
5. Махмудов А.Х., Джураев Р.Х., Ахунжанов А.Т.Дидактический потенциал шахматной игры. -М.: Наука и образование сегодня, № 6 (53), 2020. -Часть 2. -С. 70-71.
6. Тарасова О.В. Педагогические условия формирования логической культуры младших школьников средствами шахматной деятельности. Дис. ... канд. пед. наук. -Казань: 2005. -С. 209.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида айни пайтдаги шахмат тўгаракларининг ҳолати ва уларни тизимли ташкил этиш жараёни тадқиқ этилган. Мактабларда шахмат тўгаракларининг тизимли ташкил этилиши таҳлил қилиниб, шунга оид керакли таклиф ва тавсиялар билдирилган. Таклиф этилаётган тизим орқали кўпроқ ўқувчилар доираси қамраб олиниши илмий асосланган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается состояние шахматных кружков в общеобразовательных школах одновременно и процесс их систематической организации. Проанализирована систематическая организация шахматных клубов в школах и предлагается соответствующие рекомендации. Охват сферы большим количеством студентов с помощью предлагаемой системы является научно обоснованным.

SUMMARY

This article examines the state of chess clubs in general education schools at the same time and the process of their systematic organization. The systematic organization of chess clubs is analyzed in schools and appropriate recommendations are given. Reaching out to more students with the proposed system is scientifically proved.

КИШИ ЖАСТАҒЫ БАЛАЛАРДЫҢ ЛОГИКАЛЫҚ ОЙЛАЎЫН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎДА ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ АЎЫЗЕКИ ДӨРЕТПЕЛЕРИНИҢ ТУТҚАН ОРНЫ

Л.А.Ибрагимова – *еркин излениўши*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: мактабгача тарбия ёшидаги болалар, болалар психологияси, психологизм, мантиқий ўргатиш, бадиий психологизм, нафосат таъсири, болалар фольклори, нафосат тарбияси психологик ривожланиш воситаси, болалар фольклори ва тарбия.

Ключевые слова: дети дошкольного возраста, детская психология, психологизм, логическое учение, художественный психологизм, эстетическое влияние, детский фольклор, эстетическое воспитание, средства психологического развития, детский фольклор и воспитание.

Key words: children of preschool age, children's psychology, psychology area, teaching logically, area of fine psychologism, aesthetic influence, children's folklore, aesthetic education, the means of psychological development, children's folklore and education.

Қарақалпақ халық аўызеки дөретпелериниң тәлим-тәрбия жөнелисинде тутқан орны ҳаққында педагогика теориясы ҳәм педагогика тарийхы аспектинде бир қатар арнаўлы изертлеўлерде [1,4,5,6] жүдә қызықлы пикирлер билдирилген. Ҳақыйқатында да, халық аўызеки дөретпелери күтә ерте дәўирлерден баслап қәлиплесип, бизиң бүгинги күнимизге шекем өзиниң раўажланыў жолын даўам еттирип киятырған бай мәдений-әдебий ғәзийнемиз саналады. Бул дөретпелердиң киши жанрларынан баслап, үлкен көлемдеги дәстанларға шекем халқымыздың мәдений турмысында өзиниң әҳмийетли орнына ийе. Әсиресе, бизиң келешегимиз болған жас әўладты тәрбиялаўда, олардың сана-сезимин, ой-өрисин раўажландырыўда аўызеки әдебий шығармалардың үлкен орын тутатуғынлығы бәршемизге мәлим.

Фольклорлық шығармалар пайда болыў дәўирлеринен баслап балалар психологиясына терең тәсир етип, олардың кәмил инсан дәрежесинде өсип жетилисиўинде әҳмийетли функцияны атқарып келген. Мәселен, бесик жыры, балалар қосықлары, салт-дәстүр қосықлары, нақыл-мақаллар, жаңылтпаш ҳәм жумбақлар балаларды киши жасынан баслап тәрбиялаўда белгили дәрежеде хызмет атқарған. Ал, ертеклер ҳәм дәстанлар тәрбия қуралы сыпатында үлкен жастағы балалар ушын көплеп дөретилген. Бул шығармаларды дөретиўшилер үлкен жастағылар менен бир қатарда балалардың да психологиялық талғамын қабыл етиў, түсиниў ҳәм сезим мүмкиншиликлерин есапқа алған ҳалда жаратқан ҳәм халық арасында аўыздан-аўызға өтип тарқалған.

Бүгинги биз жасап турған дәўир информация тармақларының раўажланған, балалар санасын ҳәр тәреплеме раўажландырыўда кең мүмкиншиликлер жаратылған дәўир болса да, ата-бабаларымыздан мийрас болып киятырған аўызеки дөретпелер де еле өз қәдирин жойтқан жоқ. Олар мектепке шекемги жастағы балалардың психологиясын раўажландырыў қуралы сыпатында пайдаланылып киятыр. Бул бағдарда көркем шығармалардағы қаҳарман психологиясының, яғный айтқанда, психологизмлердиң тутқан орны айрықша. Себеби, психологизм - көркем шығармаларда қаҳарманлардың ишки руўхый дүньясын, олардың әдеп-икрамлық белгилерин ашып бериўши көркем сүўретлеў қуралы болып табылады [2:170].

Демек, ҳәр қандай көркем шығармада қатнасыўшы қаҳарманлардың әдеп-икрамлық нормаларының жүзеге шығыўы оқыўшыда да белгили бир психологиялық тәсир етиў күшине ийе болады.

Қарақалпақ халқының өткен әсир даўамында дөреткен аўызеки әдебиятының барлық жанрларында халық турмысы өз сәўлелениўин тапқан. Оларда халықтың түпкиликли арзыў-әрманлары көрсетилип ғана қоймастан, бул әрманларға жеткергендей сезимталлы лирика менен ҳәр бир уғымды балаларға қонымлы етип, шебер жеткере билиў ата-ананың балаларға берген ўәсиятнамасы ретинде көринеди.

Балалар фольклоры «Бесик жыры»нан басланады. Оларды аналар атқарған менен негизги тәсир күши балалардың санасына бағдарланған. «Бесик жырын»дай нәзик сезимлерге толы қосықларды таңлап ата-анасына, елине деген сүйиспеншилик, меҳрибанлық сезимлери менен өседи. Демек, баланың психологиясын раўажландырыў оның нәрестелик пайытынан басланады.

Киши жастағы балалар ушын арналған «Балалар қосықлары» болса олардың психологиясына унамлы тәсир етиўши хызмет атқарады. «Түлкишек», «Ҳәкке қайда», «Әўелемен дүўелемен» ҳәм т.б. сыяқлы ойын түриндеги балалар қосықлары тек ғана балалардың ўақытын мазмунлы өткериўде ғана емес, олардың сана-сезимин, көркем сөзге қуштарлығын, шаққанлығын ҳәм өмирге талпыныўшылық қәсийетлерин атқарыўда да күтә әҳмийетли.

Бул қосықларды бүгинги күндеги бала тәрбиясы ислеринде өнимли қолланыў мақсетке муўапық болады. Себеби, балалардың психологиясында милей мақтаныш сезимлерин қәлиплестириўде, өтмиш әўладларымызды, бай тарийхымызды, мәдениятымызды үйренип өткен

жас әўлад келешекте де өз Ўатанын қәстерлеп, ардақлайтуғын кәмил инсан болып жетилисиўи гүмансыз.

Сондай-ақ, балалар қосықларының және бир нәтийжели тәрепи сонда, бул қосықлардың көпшилиги айтыс формасында, диалогларға қурылған болып, балалардан ҳәрекетшеңликти де талап етеди. Сол ушын да, балалар фольклоры жасларды мийнет сүйгишликке, ядлаў қәбилетиниң раўажланыўында да әҳмийетли орны бар. Усыларды есапқа алып мекетепке шекемги тәрбия орынларында, баслаўыш класс оқыўшылары сабақларына балалар қосықларын енгизиўде әмелге асырыў лазым деп ойлаймыз. Бул нәрсе өз нәўбетинде тез арада өзиниң унамлы нәтийжесин бериўи сөзсиз.

Аўызеки әдебиятымыздың киши жанрларынан саналған нақыл-мақаллар, жаңылтпашлар ҳәм жумбақлардың да балалар турмысында күтә салмақлы орны бар. Себеби, буларда халқымыздың аса даналық пикирлери, сөз ҳәм ой тапқырлығы, терең мазмунға ийе философиялық пикирлери жәмленген.

Нақыл-мақаллар-аз сөз бенен үлкен мәнини аңлататуғын, тужырымлы даналық пикирлерге ийе жанр. Нақылларды айтқанда балаларда жақсыны-жаманнан, өтирикти-ҳақыйқатлықтан, досты-душпаннан айыра алыў қәбилетин асырады. Сол арқалы олардың психологиясы да белгили бир бағдарда тәрбияланады. Нақыл-мақалларды балалар тәрбиясында пайдаланыў ушын олардың жас өзгешелиги әҳмийетли емес, олардың ҳәр бирине, қәлеген пайытта белгили бир ҳалатқа байланыслы қоллана бериў мүмкин.

Бул жағынан нақыл-мақаллар жүдә өнимли қолланылатуғын да көркем сөз саналады. Және де олар ҳәр қандай дәўир ушын да ортақ дөретпе болып, әййемги дәўирлерде де, биз жасап турған заманда да сол түринде түсиник алыў мүмкин. Буннан көринип турғанындай аўыз еки әдебиятының бул әжайып үлгиси ҳәзирги күнде де балалардың эстетикалық талғамын, руўхый ой-өрисин, дүнья танымын раўажландырыўда бийбаҳа мийрас болып табылады.

Жумбақлар да ертеден киятырған фольклорлық дөретпелер қатарына киреди. «Ол ҳәр қыйлы дәўирлердеги ата-аналардың бала ўақтындағы айтқан ҳәм сол жумбақ айтыў арқалы ҳәр түрли қубылысларға дыққат бөлген. Сырлы уғымлар арқалы балалар турмыс әмеллерин ойлап, пикир жүрите билиўге үйренген» [4:41]. Мәселен тәбиятқа байланыслы жумбақлар пикирлеўди раўажландырыўда жийи қолланылады:

Ақ сандығым ашылды,
Ишинен гүмис шашылды. (Қуяш)
Жабықта жарты нан (Ай) [3:18]

Ертеклер-дүнья жүзи халықлары арасында көп әсирлерден берли пайда болып киятырған көркем шығарма. Қарақалпақ халық аўызеки дөретпелери арасында ертеклер де өзиниң қызықлы сюжети, образлылығы менен ажыралып туратуғын өзегеше бир жанр. Ертеклерде халықтың әрман еткен қыялый арзыўүмитлери тийкарғы мазмунды қурайды. Оларда халық өзлериниң сүйикли қаҳарманларын дөреткен. Бул қаҳарманлар халық тилегин әмелге асырыўда ҳеш нәрседен қайтпайтуғын мәрт, ер жүрекли батырлар сыпатында сәўлеленген. Ертеклер шығысы ҳәм мазмуны жағынан қыялый ҳәдийселер ҳаққында ертек, турмыслық ертеклер ҳәм ҳайўанатлар ҳаққында ертеклер болып бөлинеди.

Әжайып (қыялый) ҳәдийселер ҳаққында ертеклерде ақылға уғрас келмейтуғын элементлер, образлар жүдә жийи қолланылады. Мәселен, ушар гилемлер, дәрилик қәсийетке ийе алмалар, жети қабат жер астындағы жоллар, дүньяның қәлеген жерин көрип отыратуғын шарайналар. Булардың бәри бир тәрептен қыялый нәрселер болса, екинши тәрептен халық әрман еткен бул предметлердиң ҳәзирги күнде самолёт, дәрилер, метро ҳәм телевизор түринде иске асқанлығын көремиз.

Ертеклердеги бул қәсийетлер балалар психологиясында келешекке үмит пенен қараў, жақсы идеяларды ойлап табыў ҳәм оларды әмелге асырыў сыяқлы унамлы характердеги қәсийетлерди оятады. «Абай батыр», «Егиз бала», «Қәпестеги қусты тапқан бала» сыяқлы ертеклерде болса балаларда дослық, меҳирмириўбет сыяқлы сезимлерди оятады.

Турмыс ертеклериндеги қаҳарманлардың тапқырлығы, сөзге шешенлиги, ҳәр қандай аўыр жағдайлардан шеберлик пенен жол таба билиўге де балаларда усы қәсийетлердиң раўажланыўына түртки жасайды. Олардың келешек жолын бағдарлай алыўына да себепши болады. Мәселен, «Шешен бала» ертегиндеги Жалғызбай, «Еки дос»тағы Есжан менен Досжан образларында, мине, усы қәсийетлерди ушыратыў мүмкин.

Ҳайўанатлар ҳаққында ертеклерди ертеклердиң ең қызықлы түри екенлигин көпшилик илимпазлар мақуллайды. Бунда, әсиресе, ҳайўанатлар ҳаққындағы ертеклердиң балалар психологиясына тез тәсир ете алыўшылық қәсийети нәзерде тутылады. Себеби, ҳәр қандай жастағы балаларда ҳайўанатлар ҳәм куслар әлемине қызығыўшылық қәсийетлери тән. Сол ушын да ертеклерде ҳайўанат ҳәм қуслардың адамлар тақылетинде сөйлеўи, ҳәрекет етиўи балалардың дыққатын өзине тартады. Тәбияттың усындай тиришилик ағзалары қатнасында балалардың дүнья қубылысларын үйрениў, олардың сырлы тәреплерин аша билиў қәбилетин раўажландырады. Және де бул ертеклер арқалы балалар психологиясында тәбиятты сүйиў, қоршаған орталықтың бир пүтинлигин сақлаў, ондағы тири организмлерди қорғаў сыяқлы инсаный туйғылар пайда болады. Қарақалпақ халық ертеклери арасында «Аш қасқыр», «Арыслан ҳәм қоян», «Мақтаншақ тышқан», «Түлки, тасбақа ҳәм таскене» ҳәм т.б. ертеклердиң сюжети ҳәм мазмуны балаларда жоқарыдағыдай унамлы тәсирлерди оятады.

Ертеклер сыяқлы халық аўызеки дөретпелеринен саналған аңызлар, тымсал әңгимелер ҳәм күлдирги әңгимелердиң де (анекдотлардың да) балалар психологиясын раўажландырыўда айрықша әҳмийети бар. Оларда да халық турмысының жанлы көринислери өз сәўлелениўин тапқан. Халқымыздың аты белгили уллы инсанлары Айдос бий, Маман бий, Ерназар алакөз, Турым бий ҳәм т.б. сыяқлы ел перзентлери ҳаққындағы аңызлар арқалы балаларда миллий мақтаныш сезимлери, Өмирбек лаққының күлкили сөзлери арқалы өмир гөззаллығын жан сезими менен уғыныўы да балалардың психологиялық жақтан жетик инсан болып камал табыўына тәсир жасайды.

Аўызеки әдебияттың биз жоқарыда айтып өткен барлық түрлери күтә ерте дәўирлерден берли раўажланып келмекте. Халқымыз өтмишиниң ҳәр бир дәўиринде олар келешек әўладларды тәрбиялаўда нәтийжели пайдаланылған.

Бүгинги күнде балаларды педагогикалық ҳәм психологиялық жақтан тәрбиялаўда да бул дөретпе-лерден кең түрде пайдаланыў лазым. Себеби, ҳәзирги ўақытларда психологиялық жақтан раўажланыў пайытында балаларға ертеден киятырған бай әдебий мийрасларымызды жаңаша тәризде үйретиўди қолға алып, олардың бос ўақытларында, сабақ пайытларында миллий қәдириятларға деген сүйиспеншилигин сиңдирип барыў бизиң баслы ўазыйпамыз. Буның ушын балаларға арналған аўызеки дөретпелерди ҳәр қыйлы реңли, сүўретли китапшалар түринде баспадан шығарыў ислери әмелге асырылса, сондай-ақ, ҳәрекетли қосық түриндеги балалар фольклоры мектепке шекемги тәрбия орынларында үйретилип барылса, мақсетке муўапық болар еди. Бул жағдай, өз гезегинде, балалар психологиясының ҳәр тәреплеме өсип раўажланыўына, олардың көркем эстетикалық талғамының

өсиўине ҳәм гөззаллыққа қуштар болып өсиўине сөзсиз өз тәсирин тийгизеди. Және де мектеп жасындағы балалар ушын да ертеклер, аңызлар қаҳарманлары ҳаққында материаллар, видеофильмлер, видеороликлер, электрон қолланбалар ислеп шығылса, бул олардың оқып ҳәм еситип алғанларына қосымша көргизбелилик пайдалы тәреплерин келтирип шығарады.

Әдебиятлар

1. Алымов Ә. Қарақалпақ халық жумбақлары. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1990.
2. Ахметов С., Есенов Ж., Жәримбетов Қ. Әдебияттаныў атамаларының орысша-қарақалпақша түсиндирме сөзлиги. -Нөкис: «Билим», 1994.
3. Абазов С., Алымов Ә. Жумбақлар. -Нөкис: ҚҚМБ, 1963.
4. Қурбанбаев И. Қарақалпақ балалар әдебияты. -Нөкис: «Билим», 1992.
5. Сапарбаев Т. Нравственное воспитание младших школьников средствами устного народного творчество.-АД на соиск. уч.ст. к.п.н. –Ташкент: 1998.
6. Тлегенов А. Воспитание у подростков духовно-нравственных ценностей средствами народных дастанов. -АД на соиск.уч. ст. к.п.н. –Ташкент: 1998.

РЕЗЮМЕ

Мақола педагогика назарияси ва педагогика тарихи фанларининг ўта долзарб масалаларига бағишланиб, унда мактабгача тарбия ёшидаги болалар психологиясининг ривожланишида қорақалпоқ халқ оғзаки адабиёти намуналари бўлган болалар қўшиқлари, эртаклар, топишмоқ, тез айтишлар ва мақолларнинг таъсири ва тутган ўрни кенг ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена одной из важнейщих проблем педагогической науки изучению и выявлению роли и места жанровых видов каракалпакской фольклорной литературы в теорическом и историческом аспектах, как детские стихотворения, сказки, загадки, скороговорки, пословицы и поговорки в психологическом развитии детей дошкольного возраста.

SUMMARY

The article deals with one the most impontant problems of up-bringing children of preschool age and the influence of works of Karakalpak folklore as fairy tales, riddles, twisters, proverbs and sayings, children’s poem’s and phymes onto children’s psychology. Their educational role are revealed on the base of theoretical and historical aspecta of pedagogics.

ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ЖОҚАРЫ ОҚЫЎ ОРЫНЛАРЫНДА ИНФОРМАТИКА АРНАЎЛЫ КУРС МАЗМУНЫНЫҢ МЕТОДИКАЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ

З.К.Ильясова – *педагогика илимлери бойынша философия докторы*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: ахборот технологиялари, билимлар, кўникмалар, малакалар, дастурий таъминот, “Информатика” махсус курси, талаблар.

Ключевые слова: информационные технологии, знания, навыки, умение, программное обеспечение, специальный курс «Информатика», требование.

Key words: information technology, knowledge, skills, ability, software, special course "Informatics", special course requirement.

Ҳәзирги заман жәҳан тәжирийбесинде анық пәнлерди жоқары оқыў орынларында таярлап атырған қәнигеликлер менен байланыстырыў тенденциясының раўажланыўын есапқа алып, олардың өзгешелигине дифференциал қатнасқан ҳалда арнаўлы бир оқыў ушын эпиўайыдан қурамалыға өтиў принципине көре, оқыў процеси үзиликсизлигин тәмийинлеў мақсетинде, билимлендириў системасының ҳәр бир басқышына сәйкес арнаўлы дәстүрлер, оқыў әдебиятлары ҳәм дәстүрий қосымшаларының жаңа әўладларын жаратыў зәрүр.

Үзиликсиз билимлендириў системасында Информатика курсы кең имканиятларға ийе. Курс талабалардың ойлаў, пикир жүритиўин раўажландырады, боркамал жас әўладты жетилистириўде, логикалық пикирлеў, мақсетке бағдарланғанлық, өз үстинде ислеў ҳәм дөретиўшилигин қәлиплестиреди [1:19]. Информатиканы оқытыўдан нәзерде тутылған тийкарғы мақсетлерден бири талабаларда информатиканың теориялық ҳәм заманагөй информациялық технологиялар тийкарлары ҳаққында билимлерди қәлиплестириў ҳәм раўажландырыўдан ибарат болып есапланады.

Жоқары билимлендириў оқыў орынларында Мәмлекетлик билимлендириў стандарты тийкарында Информатика пәнинен талабалар өзлестириўи шәрт болған минимал билим, көнликпе ҳәм тәжирийбелер оқыў дәстүриниң қурамлық дүзилисине тийкар болады.

Төменде педагогикалық жоқары оқыў орынларының бакалавриат билим бағдары: 5110700 – Информатика оқытыў методикасы бағдарында Информатика оқыў пәниниң мазмуны, мақсети ҳәм талабалар өзлестириўи лазым болған талапларына тоқталамыз.

Педагогикалық жоқары оқыў орнының бакалавриат билим бағдары: 5110700 – Информатика оқытыў методикасы 1-курсында тийкарынан информация теориясының тийкарлары, заманагөй информациялық технологиялар, информацияласқан жәмийет, информатиканың математикалық тийкарлары модуллери менен, 2-курсында социаллық ҳәм экономикалық информатика, әмелий дәстүрлер пакетлери модуллери менен танысады [4] (1-сүўрет).



1-сүўрет. 5110700 – Информатика оқытыў методикасы бағдары Информатика оқыў пәниниң модули

Бул структура илимий билиўдиң методикалық ҳәм гносеологиялық принциплери, билимди тәртипке салыў ҳәм норматив принциплери, дидактикалық қағыйдалар ҳәм алгоритмлер, илимий түсиниклер, илимий билимлерди раўажландырыў тенденциялары ҳәм информатика курсы мазмунын сәўлелендиреди.

Педагогикалық жоқары оқыў орынлары бакалавриат билим бағдары: 5110700 – Информатика оқытыў методикасы бағдарында Информатика оқыў пәни 1-басқышында 1-модул Информация теориясының тийкарлары деп аталады. Модулдиң мазмуны, мақсет ҳәм талабалар өзлестириўи лазым билимлерге болған талаплары: информация, оның түрлери ҳәм көринислери, үзиликсиз ҳәм дискрет информациялар, информацияның қәсийетлери, сүўретлеў усыллары, информацияны кодлаў, туўры, қарама-қарсы ҳәм қосымша санлар коды, модификациялық кодлар ҳәм

олар үстинде арифметикалық әмеллер орынлаў, информациялық процесслер, информацияның синтактик, семантикалық ҳәм прагматикалық өлшемлери, информацияның өлшем бирликлери, билимлерди алыў усыллары, билимниң тийкарғы қәсийетлери, билимлер базасы ҳәм эксперт системалар менен танысыўдан ибарат (2-сүўрет).



2-сүўрет. Информация теориясының тийкарлары модулин үйрениў мазмуны

Модулдиң мазмунын жарытыўда информация теориясының тийкарларына тийисли илимий әҳмийетке ийе болған теориялық мағлыўматлар, нызам-қағыйдалар ҳәм түсиниклерди өз ишине алған материаллардан пайдаланылған.

Екинши, заманагөй информациялық технологиялар модулин қәлиплестириўде теориялық мағлыўматлар, теорияның әмелият пенен байланысы, билимлерди өзлестириў сыяқлы принциплерине таянылған.

Дәстүрдиң үшинши модули Информацияласқан жәмийет деп аталады. Модулдиң мазмуны, мақсет ҳәм талабалар өзлестириўи зәрүр билимлерге болған талаплар: информацияның жәмийет раўажланыўындағы роли, билимлендириўди информацияластырыў, жәмийет ҳәм билимлендириўди информацияластырыўдың ҳуқықый норматив тийкарлары, жәмийеттиң информациялық ресурслары, информация базары, жәмийеттиң информациялық потенциалы, информацияласқан жамийетте инсан, информациялық мәденият ҳәм оны қәлиплестириў жолларынан ибарат.

Дәстүрдиң төртинши модули Информатиканың математикалық тийкарлары деп аталады. Модулдиң мазмуны, мақсети ҳәм талабалар өзлестириўи лазым билимлер төмендегилерде өз көринисин табады: жеке компьютер дүзилиси, оның информациялық-логикалық тийкарлары, жеке компьютерлердиң функционал структуралық қурамы, компьютерлердиң раўажланыў бағдарлары, компьютерде информацияны қайта ислеўдиң арифметикалық тийкарлары, санақ системалары, позициялық ҳәм позициялық емес санақ системалары, информацияларды кодлаў ҳәм декодлаў, екилик кодлаўдың абзаллығы, түрли санақ системаларында әмеллер орынлаў. Хартли формуласы, компьютер ислеўиниң логикалық ҳәм физикалық тийкарлары, Буль функциялары, олардың берилиў усыллары, Буль функциялары саны, айырықша ҳәм айырықша емес өзгериўшилер. Элементар Буль функциялары, логикалық әмеллер ҳәм элементлер.

Талабалар жеке компьютер дүзилиси, олардың информациялық-логикалық тийкарлары, функционал-структуралық қурамы, компьютерлер раўажланыў бағдарлары ҳаққында түсиникке ийе болыўы, компьютерде информацияны қайта ислеўдиң арифметикалық тийкарлары, информацияларды кодлаў ҳәм декодлаў, компьютер ислеўиниң логикалық ҳәм физикалық тийкарлары ҳаққында билиўи лазым. Позициялық ҳәм позициялық емес санақ системалары үстинде ҳәр түрли әмеллерди орынлай алыўы, элементар Буль функциялары, логикалық әмеллерди орынлай алыўы, логикалық схемалар ҳәм шынлық кестелерин жаратып билиўи лазым болады.

Педагогикалық жоқары оқыў орынлары бакалавриат билим бағдары: 5110700 – Информатика оқытыў методикасы бағдарында Информатика оқыў пәни 2-басқышында Социаллық ҳәм экономикалық информатика модулин оқытыў нәзерде тутылған. Модулдиң мазмуны, мақсет ҳәм өзлестириўи лазым билимлерге болған талаплар төмендегише: социаллық информатиканың тийкарлары ҳәм оның структурасы. Экономикалық информатиканың тийкарлары, экономикалық информациялардың классификациясы ҳәм оларды кодластырыў усыллары, оларды қайта ислеў технологиялары. Экономикалық мәселелерди шешиўде компьютер технологияларынан пайдаланыўды шөлкемлестириў, қолланылатуғын әмелий дәстүрлер ҳәм компьютерлерди қолланыўдың тийкарғы методлары, интеллектуал системалар ҳәм олар жәрдеминде тийкарғы қарарларды қабыл етиў.

Бул модулдеги темалар ҳәм олардың мазмуны билимлендириў мақсетлери ҳәм Мәмлекетлик билимлендириў стандартына тийкарланған ҳалда жарытылған болып, билимлендириўдиң илимийлик, тарийхыйлық, үзиликсизлик принциплерине айрықша итибар қаратылған [6].

Информатика курсының алтыншы модули Әмелий дәстүрлер пакети деп аталып, модулдиң мазмуны, мақсет ҳәм талабалар өзлестириўи зәрүр билимлерге болған талаплар: әмелий дәстурлер пакети, тийкарғы түрлери ҳәм олардан финанс ҳәм кредит тараўларында пайдаланыў. Экономикалық мәселелерди шешиўде компьютерден пайдаланыўдың тийкарғы усыл ҳәм қураллары. Әмелий дәстүрлерден пайдаланыўды шөлкемлестириў усыллары ҳәм оларда ислеў. Интеллектуал системалардан финанс-кредит шөлкемлеринде пайдаланыў усыллары ҳәм электрон коммерция тийкарларынан ибарат.

Бул модулдиң мазмунын жарытыўда билимлерди саналы түрде өзлестириў, әмелият пенен байланыслы талабалардың жеке қәсийетлерин есапқа алыў, илимий әҳмийетке ийе теориялық мағлыўматлар, нызамлықлар ҳәм түсиниклерди өз ишине алған материаллардан пайдаланылған.

Педагогикалық жоқары оқыў орынлары Информатика пәниниң модуллар структурасы оқыў материалларын ири блокларда структураластырыўға қойылған дидактикалық талаплары, сондай-ақ, жоқарыдан төменге (top down) ҳәм төменнен жоқарыға (bottom up) бағдарланған избе излигин тәмийинлеў тийкарында жетилистирилди.

Солай етип, биз жоқарыда педагогикалық жоқары оқыў орынлары ушын информатика арнаўлы курс дәстүри мазмунының методикалық тийкарларына тоқтап өттик.

Әдебиятлар

1. Арипов М.М., Юлдашев З.Х., Юлдашев У.Ю. Информатика фанини узлуксиз ўқитиш муаммолари ҳақида // Таълимда ахборот технологиялари респ. илмий–амалий конференцияси материаллари. –Т.: ТДПУ, 2000, 19–20-б.
2. Дырдин Д. Инновационные педагогические технологии в управлении качеством образования. // Учитель. 2009. №3.
3. Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических вузах. // Дисс. докт. пед. наук. –Ташкент: 2008. –С. 312.
4. Информатика // 100000-гуманитар билим соҳаси, 110000 – педагогика таълим соҳаси, 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси бакалавр таълим йўналиши фан дастури. // ЎзР ОЎМТВ ҳужжати. -Т.: 2018.

5. Ilyasova Z.K. Problems of teaching informatics in pedagogical universities. // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. - Great Britain, 2019. Vol. 7, No. 9. – P.54-58.

6. Ильясова З.К. Педагогик олий таълим муассаларида информатикани ўқитиш сифатини таъминлаш муаммолари. // Физика-математика информатика. – Тошкент: 2018. №5. 52-59-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада узлуксиз таълим тизими учун ўқитувчилар тайёрлашда “Информатика” махсус курси мазмунининг таснифий методик асослари ёритилган. Шунингдек, Информатика курсини ўзлаштиришда талабалар эгаллашлари зарур бўлган билим, кўникма ва малакага талаблар ва вазифалар аниқлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны методические основы сущности специального курса “Информатики” при подготовки учителей для систем непрерывного образования. А также, определено задачи и требования к изучению курса информатики требуемым для освоение знаний, навыки, умение студентов.

SUMMARY

In the article, the methodological foundations of the essence of the special course "Informatics" are prepared for the training of teachers for the systems of continuous education. And also, the tasks and requirements for studying the computer science course required for mastering knowledge, skills, and the ability of students are defined.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ КРЕДИТ – МОДУЛ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

П.М.Жалолова – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
ТАТУ Қарши филиали

Таянч сўзлар: Балония деклорацияси, кредит-модул тизими, Модулли ўқитиш, Ўқув дастури – Силлабус, дифференциал, стандарт, ЕСТС, фан, модел, тизим, мутахассислик фанлари, танлов фанлари.

Ключевые слова: декларация Балония, кредитно-модульная система, Модульное обучение, Учебная программа - Syllabus, дифференциал, стандарт, ESTS, наука, модель, система, специальные науки, элективные науки.

Key words: Balloon Declaration, credit-module system, Modular training, Curriculum - Syllabus, differential, standard, ESTS, science, model, system, specialty sciences, elective sciences.

Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини Европа стандартларига мос равишда такомиллаштириш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шаклини, хусусан, кредит-модул тизимини жорий этиш барча ривожланган давлатлар сингари Республикамиздаги таълим жараёни учун ҳам бугунги замон талабларининг зарурий шартидир. Кредит тизимининг ўқув жараёни юкламаси ҳажмига умумий курсни ёки ўқув дастурини ўзлаштириш учун зарур бўлган вақтни кўрсатиши зарур.

Маълумки, олий ўқув юртидаги ўқув жараёни бўлажак мутахассис танлаган мутахассислиги бўйича ишлаши учун олиниши керак бўлган зарур билимларга йўналтириб ишлаб чиқилган, шу мутаххассислик ДТС талабларига, муайян методология ва ўқув дастурларига асосланади. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, амалда кўпинча талабаларнинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинмайди, кўп ҳолларда ҳар бир талабанинг индивидуал қобилиятиларини ҳисобга оладиган дифференциал машғулотлар мавжуд эмас.

Университетга кириб, ҳар бир талаба ўрганиши, нисбатан тайёргарлиги бир хил даражага эга, турли назарий ва амалий машғулотларни идрок қила олиш имкониятига эга деб қаралади, албатта. Талабаларнинг индивидуал типологик хусусиятлари ҳар хил бўлиши мумкин, шунинг учун таклиф қилинган баъзи материаллар бошқаларига қараганда яхшироқ ўзлаштирадиган талабалар мавжуд.

Талабаларни ўқитишнинг кредит-модул тизими - бу индивидуал таълимга асосланган билимларни ўзлаштириш ва ижодий ривожланишини яхшилашга, ўқув жараёнини тартибга солиш доирасида таълим йўлини танлаб олишга ва кредитлар кўринишидаги билим миқдорини ҳисобга олишга қаратилган таълим тизими.

Балония декларациясига кўра "кредит" тушунчаси ҳар бир ўқув интизоми талабаларнинг ўқув ва касбий тайёргарлиги таркибидаги ҳиссасини ҳисобга олишга имкон берадиган миқдорий хусусиятни англатади. Олий таълимда қўлланиладиган "модул" атамаси тўлиқ ҳар бир таълим мутахассислик дастурлари, ўқув интизоми ва ҳужжатлаштириш қисмини ўз ичига олади [4].

Талабаларни ўқитишнинг кредит тизимини жорий этишдан мақсад олий таълим тизимини жаҳон таълим тизимига интеграциялаш, жамиятнинг юқори малакали мутахассисларга бўлган талабларига мувофиқ ўқув жараёнининг халқаро стандартларига жавоб берадиган шарт-шароитларини яратишдир.

Университетда талабаларни ўқитишнинг кредит тизимининг вазифалари қаторига қуйидагилар киради: [1]

- билимлар ҳажмини бир хиллигига етказиш;
-талабалар машғулотларини индивидуаллаштириш учун шароит яратиш;
- университетда ўқиётганда талабаларнинг мустақил ишларининг роли ва самарадорлигини кучайтириш.

Кредит ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

-кредит тизими ўқув жараёнини ташкил этиш усулидир, бунда талабалар ўқув жараёнининг кетма-кетлигини индивидуал равишда режалаштириш имконига эга бўладилар;
-ҳар бир фан бўйича талабалар ва ўқитувчиларнинг меҳнат харажатларини баҳолаш учун кредит тизимини жорий этиш;
-фанни ўрганиш вақти давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида олиб борилади;
-ўқувчилар индивидуал ўқув режасини тузишда ишчи ўқув дастурига киритилган эффектив фанлар орасидан ўқитувчиларни ҳам эркин танлайдилар;
-талабалар шахсий ўқув дастурларини шакллантиришда бевосита иштирок этадилар;
-маслаҳатчилар, ўқувчиларга ўқув жараёнини танлашда ёрдам бериши;
-университет ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитувчиларнинг иш юкламаси турларини аниқлаш ва ҳисобга олишда кенг ваколатларга эга;
- ўқув жараёни зарурий ўқув ва ўқув мажмуалари босма ва электрон шаклларда таъминланган;
- талабалар ўқув ютуқларини баҳолаш бир модулли ишлатиладиган баҳолаш ва интизом тизими.

Талабаларни кредитнинг-модул таълим тизими шароитида тайёрлашда, университетда тўрт йиллик тизимни ўз ичига олган ҳар бир фан учун ўқув дастурини тузиш муҳим рол ўйнайди. Фан дастури асосида шу фан учун ўқитувчилар индивидуал силлабуслар тақдим этадилар ва талабалар силлабус билан танишиб фан ва ўқитувчини танлаш имкониятига эга бўлади.

Кредит-модул тизимида фанларнинг турлари ҳам мавжуд: [2]

-мутахассислик фанлари;
-танлов фанлари.

Олий ўқув юртларининг 51402200 – физика таълим

соҳасида тахсил олаётган бакалавр босқичи талабалари учун “Атом физикаси” курси мутахассислик фанлари блокида туриб талабалар фақат ўқитувчини танлаш имкониятига эга бўладилар.

Ўқув дастури - Силлабус. [3]

Унда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- курснинг тўлиқ номи;
- ўқув режаси ёки университетнинг фанлар каталогига мувофиқ ўрнатилган бўлса, курснинг рақами ёки коди ҳақида;
- ўқитиш тили ҳақида;
- ўқитувчилар (ёки маслаҳатчилар) исмлари, уларнинг доимий жойлашуви, телефон рақамлари, Интернетдаги шахсий веб-сайти, электрон почта ва ҳк.;
- курснинг тури тўғрисида - мажбурий ёки талабанинг танлови бўйича, ушбу семестрда ёки бепул (исталган семестрда) тасдиқланган;
- ушбу курсга ажратилган кредитлар сони;
- ўқув йили ва семестри ҳақида;
- якуний назорат шакли (баллар, дифференциал жадваллар, имтиҳон);
- машғулот кунлари, жойи ва вақти ҳақида.

Модулли ўқитиш - ўқитишнинг истиқболли тизимлардан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади [5,6].

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

• ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
• ўқитишни индивидуаллаштириш;
• ўқув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
• ўқитишни жадаллаштириш;
• фанни самарали ўзлаштиришга эришиш [7].

Адабиётлар

1. Jalolova P.M. Methods of atomic physics classes organization based on e-learning technologies // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences №12–Germany: 2020. –P .1547-1553 .
2. Jalolova P.M. Theoretical- methodological aspects of quantum physics section in the credit module system // Solid State Technology Volume: 63 Issue: 6 Publication . –P.152-158 Year: 2020 (Scopus)
3. Jalolova P.M. Методы использования информационных технологий в изучении физики. // Materialien von XVI International wissen schaftliche und praktische Konferenz Modernes 1wissenschaftliches Potenzial 28. Februar - 7. März 2020 , Volume 11. - Berlin: - P .69-73.
4. Жалолова П.М. Кредит-модул тизимида амалий машғулотларни ахборот технологиялари асосида ташкил қилиш методикаси. // НамДУ илмий ахборотномаси 2020 йил № 5. 366-371-б.
5. Жалолова П.М. Масофавий таълим тизимида квант эффектларни дастурий ишланмалар асосида ўқитиш методикаси. // НамДУ илмий ахборотномаси 2020. № 8. 284-289-б.
6. Жалолова П.М. Кредит-модул тизимида талабаларни “физика” фанидан лаборатория экспериментларига виртуал ишланмалар асосида тайёрлаш методикаси // ЎзМУ. Физика фанининг ривожида истеъдодли ёшларнинг ўрни РИАК-XIII-2020. 19 май. 331-334-б.
7. Жалолова П.М. Техника йўналишидаги олий таълим муассалари кредит модуль тизимида “Физика” фанидан лаборатория машғулотларини АКТ асосида ташкил қилиш // “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” республика 12-тармоқли илмий-масофавий онлайн конференцияси материаллари 3-қисм. –Тошкент: Тадқиқот. Уз 2020. 165-166-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим тизимида жорий этилаётган кредит-модул тизими ва ундаги талаблар ва имкониятлар тўғрисида илмий-назарий маълумотлар ёритилган. Кредит-модул тизими мақсади, афзалликлари, ўзига хос хусусиятлари ва ушбу тизимда баҳолаш методикаси ёритилган. Жахонда мавжуд кредит-модул тизимининг турлари тўғисида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлена научно-теоретическая информация о кредитно-модульной системе, внедренной в системе высшего образования, её требованиях и возможностях. Описаны назначение, преимущества, особенности кредитно-модульной системы и методология оценки в этой системе. Есть информация о типах кредитно-модульных систем, доступных в мире.

SUMMARY

This article provides scientific and theoretical information about the credit-module system introduced in the higher education system and its requirements and opportunities. The purpose, advantages, peculiarities of the credit-module system and the methodology of evaluation in this system are described. There is information about the types of credit-module systems available in the world.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФИЗИКАГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОБИЛ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ш.Жамолова – *магистрант*

Ҳ.Жўраев – *педагогика фанлари доктори, доцент*

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: мобил дастурий восита, физика, компетенция, мобил дастурий таъминот, мустақил таълим.

Ключевые слова: мобильное программное средство, физика, компетенция, мобильное программное обеспечение, самостоятельное обучение.

Key words: mobile software, physics, competence, mobile software, self-study.

Жаҳон тажрибасида умумий ўрта таълимда ўқувчиларни ўқитиш жараёнида интерактив дастурий воситалар, таълим ресурслари, аралаш таълим (online,/offline) технологияларини ривожлантиришда мобил ресурслардан фойдаланиш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда [1:4]. Жаҳонда аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг методик ташкилий-асосларини ва ахборот–коммуникация технологиялари негизида интерактив электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнида рақамли технологияларни қўллашга доир илмий-тадқиқот ишлари салмоғи сезиларли даражада ошганлигини кузатиш мумкин.

Таълимнинг ахборотлашуви, мобиллашуви ва интеграллашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаблари ўқув жараёнига мобил воситаларни жорий этишнинг шакллари, усуллари, технологияларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади [2:7]. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган, масофадан туриб мобил технологиялари ёрдамида таълим олиш имконини тақдим этувчи ва таълим жараёни субъектлари фаолиятларини интеграцияловчи мобил дастурий таъминоти ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига тадбиқ қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг 2030-йилга қадар инновацион ривожланиш стратегиясида таъкидланишича, аҳамиятлилиги ва миқёси жиҳатидан таққосланадиган ушбу ривожланиш турининг асосий вазифаси барча инновацион ўзгаришлар субъекти сифатида фуқароларда инновацион шахс компетенцияларини шакллантириш учун шароит яратиш ҳисобланади.

Инновацион жамият аъзолари эгаллаши лозим бўлган асосий компетенцияларга узлуксиз таълим олиш, доимий равишда ўз-ўзини такомиллаштириш, мустақил таълим олишга тайёрлиги ва қобилияти, мустақил ишлаш кўникмаси кабилар киради.

Таълимнинг замонавий ривожланиш босқичи янги назария ва амалиётларни қидириб топиш билан тавсифланади. Бу жараён жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида инновацион янгиликларни, яъни, бевосита анъанавий усулларга таянган ҳолда таълим тизимининг янги тенденцияларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари педагогик инновацияларнинг асосий манбасига айланмоқда. Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини мобил воситалар орқали фойдаланиш йўлларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири бўлиб саналади.

Ахборот-коммуникация технологияларнинг айникса мобил воситаларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан, таълимга таъсири шунчалик юқорики, бунинг натижасида улар педагогик технология ва ўқув жараёнининг шаклларига техник ёрдам кўрсатиш учун қўлланиладиган воситадан, таълимга ва унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи воситага айланмоқда [3:11]. Замонавий ўзгарувчан таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ахборот –таълим муҳити ва ахборот-таълим макони каби тушунчаларда акс этади ва белгиланади. Ўқитишнинг замонавий воситаларига янги турдаги ўқув муҳитининг бир қисми сифатида қараш лозим. Уларни ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланиш фақат инсоннинг инноватсион жамиятда (ёки билимлар жамиятида) муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган янги таълим натижаларига йўналтирилганлиги шароитида мумкин бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари 7-синф физика фанидан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларга қуйидагилар киради.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар билан биргаликда таянч компетенциялар ҳам шакллантирилиб борилади.

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенция элементлари:

Коммуникатив компетенция:

А2: дарсликда келтирилган физик атамаларни, қонунларни, қоидаларни оғзаки ва ёзма тарзда аниқ, тушунарли баён қила олиш;

бошқаларга тушунтириб бера олиш ва ёза олиш, физик катталикларнинг хорижий тилда айтилиши ва ёзилишини билиш.

А2+: ўз ғояларини тақдим этиш ва ҳимоя қила олиш.

Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси:

А2: дарслик ва турли масалалар китобидан, кутубхона, ресурс маркази манбаларидан ўзига керакли маълумотларни излаб топа олиши ва улардан фойдалана олиши ҳамда физик бирликларни бошқа улушли ва каррали бирликларга, жадвал кўринишдаги маълумотларни, график кўринишига (ва аксинча) айлантира олиш.

А2+: турли манбалардан олинган керакли маълумотларни саралаш ва таҳлил қилиш.

Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси:

А2: доимий равишда ўзини-ўзи жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиши, ўз хатти-ҳаракатини адекват баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш.

А2+: экологик дунёқараш ва тафаккурини мустақил равишда ўстириб бориш.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси:

А2: синфда, мактабда, оилада, маҳаллада ва жамиятда ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, ўзаро муносабатларда муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш.

А2+: ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билган ҳолда мактабдаги муаммоларга ўз фикрини билдира олиш.

Миллий ва умуммаданий компетенция:

А2: Ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, физика соҳаси ривожланишига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг ибратли ҳаётини билиш ва ўрнак олиш ҳамда уларнинг фикрлари фан соҳасида муҳимлигини англай олиш.

А2+: дунёқараш ва тафаккури асосида соҳадаги олимларнинг қонунларидан амалиётда фойдаланиш.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси:

А2: аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий режаларни туза олиш, физикани ўрганишда турли формулалар, графиклардан фойдалана олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган физика фанидаги ва техника янгиликларидан фойдалана олиш.

А2+: фан техника янгиликларидан амалиётда мустақил равишда фойдалана олиш [5:6].

Таълим жараёнини мобиллаштиришнинг ҳам бир қанча фойдали томонларини кўришимиз мумкин. Масалан бунда таълим олувчи янги мавзуни такрор такрор кўриб чиқиши, виртуал лаборатория ишларни кузатиш, намойиш қилиш, иш тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари таълим олувчи маълум бир сабаб асосида дарсни қолдирга бўлса мобил алоқа орқали мавзуни мустақил ўзлаштиришимкониятига эга бўлади ва яна бир ажойиб томони шундаки қаерда қай ҳолда бўлмаси вазифани мобил алоқа воситаси орқали бажариш имкониятига эга бўлади. Бу эса таълим жараёнида бир қанча қулайликларга эга бўлишни таъминлайди ва таълим сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ўқитувчи учун айниқса, мобил алоқа воситалари орқали таълим олувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини бошқариш, шунингдек, таълимий ўзаро таъсир маконини кенгайтира олиш кўникмаси, коммуникацион алоқаларни турли туман қилиш, тақдим этиш даражалари ва шакллари бўйича ресурсларни фарқлаш имконияти кенгайтирилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари физика дарсларида мобил дастурий воситалардан фойдаланиш, ўқувчиларга физикавий ҳодиса ва қонуниятларни турмушда, техникада қўлланилиши, мавзу мазмунини тушунтиришда турли анимация, видеодарсларни ўз ўрнида қўллаш, бажариш узоқ вақт талаб қиладиган лаборатория ва амалий машғулотларни намойиш қилиш, ўқувчиларни баҳолаш, фанга доир коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби компетенцияларини ривожланишида

муҳим ўрин тутади.

Мобил воситалар бир томондан билвосита ўзора таъсирлашув жараёнидаги ноқулайликларни камайтиради, бошқа томондан эса таълим жараёни ўртасида мустаҳкам алоқани ўрнатади [4:3]. Мобил воситалари таълим жараёнидаги айрим масалаларини ҳал этишга ёрдам беради: ўқувчининг ўрганилаётган ўқув материалини қабул қилиш даражасини ошириш, материални визуаллаштириш, ўқувчининг абстрак (мавҳум) материални осонроқ тушуниш ва мустақил англаш фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ўқув материалини тушунтириш, мавзуга доир иллюстрация ва анимацияларни қўллаш, мавзуни ўзлаштириш ҳамда ўқувчилар билимини сифатли ва тезкор ташхислаш.

Таълимда мобил воситаларни қўллашнинг таълим олувчиларда мобил қурилма билан мулоқот қилиш ҳисобига мантиқий, конструктив ва алгоритмик фикрлашини ривожлантириш; репродуктив фаолият ролини камайтириш ҳисобига ижодий фикрлашни кучайтириш; ҳамкорликдаги лойиҳаларни бажариш асосида коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш; мураккаб вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш; моделлаштирувчи дастурлар билан ишлашда тадқиқотчилик ва изланувчанлик малакаларини ривожлантириш; ахборот маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Гринберг М. Разработка веб-приложений с использованием Flask на языке Python / М. Гринберг. - М.: ДМК, 2016. .
2. Нахавандипур В. iOS. Разработка приложений для iPhone, iPad и iPod / В. Нахавандипур. - СПб.: Питер: 2013. –С. 864.
3. Фиртман М. jQuery Mobile: разработка приложений для смартфонов и планшетов. / М.Фиртман; Пер. с англ. С.Иноземцев. -СПб.: БХВ. -Петербург: 2013. –С. 256.
4. Чан У. Django. Разработка веб-приложений на Python / У.Чан, П.Биссекс, Д. Форсье. - СПб.: Символ-плюс, 2015. – С.456.
5. Habibulayev P., Boydedayev A., Bahromov A., Burxonov S. Fizika: 7-sinf. Darslik. –T.: O’zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2014. 170-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мобил дастурий воситалар, уларнинг таълим жараёнини ташкил қилишдаги аҳамияти, фанларни ўқитишнинг методик ташкилий-асослари негизида мобил дастурий воситалардан фойдаланиш имкониятлари, ўқувчиларнинг физика фанига доир компетенцияларини ривожлантиришда мобил дастурий воситалардан фойдаланишга доир маълумотлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается информация о мобильных программах, их роли в организации учебного процесса, возможности использования мобильных средств на основе методических основ обучения предметам, использование мобильного программного средств в развитии у студентов компетенций по физике.

SUMMARY

This article discusses information about mobile programs, their role in organizing the educational process, the possibility of using mobile devices based on methodological foundations of teaching subjects, using mobile software in developing students' competencies in physics.

ЁШЛАРНИ ШАРҚОНА, ТАРИХИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.П.Жумабоев – *докторант*

Гулистон давлат университети

Таянч сўзлар: замонавий таълим ва тарбия, миллий маънавият, дидактик қарашлар, мақсад, фанлараро боғлиқлик.

Ключевые слова: современное образование и воспитание, национальная духовность, дидактические взгляды, цель, междисциплинарная связь.

Key words: modern education and upbringing, national spirituality, didactic views, goal, interdisciplinary communication.

Ёш авлодни миллий қадриятлар асосида замонавий руҳда тарбиялаш, ижобий фазилатларга эга бўлган авлодни тайёрлаш умумдавлат миқёсидаги долзарб асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда янги замонавий, маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий таълимнинг барча соҳаларига таъсир этиб, ижобий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштиради. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари замонавий таълим тизимида яққол намоён бўлмоқда. “Миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Ўтмишнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш” [1:78]. Миллий тараққиётимиз учун фундаментал аҳамиятга эга ушбу фикр, кўрсатма педагогик ҳамда санъатга оид илмий тадқиқотлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса тарихий интеллектуал қадриятлардан оқилона фойдаланиш миллий тарбиянинг муҳим жиҳатларидан биридир. Шу маънода таълим тизимида шарқ мутафаккирларининг маънавий-маърифий меросидан, хусусан, уларнинг эстетик қарашларидан фойдаланиш жамиятнинг таълимий эҳтиёжларини ўзгаришига монанд тарзда такомиллаштириб борилишини тақозо этади, яъни жамиятнинг замонавий талаб ва эҳтиёжлари асосида барча соҳаларда бўлгани каби бевосита таълим мазмунини такомиллаштириш воситасида таълим олувчиларнинг шарқ мутафаккирлари эстетик қарашларидан фойдаланиш заруриятини юзага келтирмоқда. Дарҳақиқат, аждодларимиз томонидан қолдирилган бебаҳо маданий мерос миллий маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этади. Шу сабабли ундан бугун ёшларимизнинг таълим ва тарбиясида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, “Аждодларимиздан қолган мерос миллатимизнинг нафақат ўтмиши, шунингдек, истиқболи учун ҳам куч ва фидоийлик манбаи ҳисобланади” [2:47]. Ислом оламининг йирик мутафаккири ва “Ҳадис илмининг султони” Имом Бухорий (810-870) тарбиянинг ўрни беқиёс эканлигини асарларида таъкидлаб ўтган. Аллома ҳалоллик, поклик, ота-онага ҳурмат, меҳрибонлик, ҳаё, ростгўйлик, саҳоват, сабр-қаноат, адолатли, кечиримли бўлишлик ва барча эзгу фазилатлар инсонни улуғлашини таъкидлаб ўтган. Инсонни ҳақоратлаш, ҳасад қилиш, манманлик, ғийбат қилиш, ота-онага нисбатан беҳурматлик ва шу каби салбий ҳислатлар жуда оғир гуноҳ эканлигини ва бу инсон бошига мусибат ва кулфат келтиришини баён қилган. “Кимки заррача бўлса ҳам яхшилик қилса, ажру савоб олгай, кимки зарра бўлса ҳам ёмонлик қилса, азобга қолгай” [3:291], деган фикрлар Имом Бухорий асарларида акс этган ахлоқий меъёр ва тамойилларнинг асосидир. Буюк мутафаккирларнинг педагогик қарашларида ҳам жамиятнинг ривожланишида таълим-тарбиянинг ўрни ёш авлодларни тарбиялашда касб-корликнинг ижобий таъсири, жуда катта эканлигини уқтириб ўтилган. “Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино (980-1037)

асарларида устоз ёш авлодга таълим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифани бажариш зарурлигини уқтириб, таълим бериш жараёнида муваффақиятга эришиш учун бир қанча тавсияларини бериб ўтган. Булар: болалар билан яхши муомалада бўлишлик, жиддийлик, ўқувчилар билан дўстона муносабатда бўлиш, турли методлардан фойдаланиш, берилаётган билимларни ўқувчиларга содда ва тушунарли бўлишига эътибор қаратиш, ҳар бир боланинг ўзлаштириш даражаси ҳамда имконияти бўйича вазифа бериш, ижодий муҳитни шакллантириш" [4:75]. Педагогнинг ҳар томонлама ўрнак бўлиши кераклиги, ҳар бир ўқувчининг психологияси, характери, ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олиши ва ҳар бир бола билан қўшимча тарзда индивидуал шуғулланиш юқори натижаларга олиб келишини таъкидлаб ўтган. "Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг педагогик қарашларида таълим-тарбия ва ахлоқ масалаларига фақат ўз даврининг етук мутаффакири сифатида эмас, балки педагог олим сифатида ёндашади. У ўзининг дидактик қарашларида болаларга таълим-тарбия беришда турли мавзуларда кўплаб мулоҳазалар юритишни, зериктирмасликни, хотирасига малол келтирмасликни таъкидлаб ўтади. Ва ўқитиш жараёнида бир нарсани қайта-қайта кўриш, эшитиш болани сабрсизликка олиб келишини кўрсатади. Бунинг учун болага таълим бериш жараёнида фандан фанга ёки бир мавзудан иккинчи бир мавзуга, соддадан-мураккабга қараб интилишни йўлга қўя билишлик кераклигини уқтиради" [5:45]. Маълумки бир хиллик ҳар қандай одамни зериктиради. Дарс жараёнида бу ҳолатнинг олдини олиши учун педагог мавзуни ўтиши билан бир қаторда назарияни амалиёт билан боғласа, фанлараро боғлиқликка эътиборини қаратса, ноанъанавий усуллардан фойдаланиб ўқувчиларни фанига қизиқтира олса, ўзлаштириш сифати ва даражаси сезиларли тарзда ортишини айтиб ўтган. Дунёда "Иккинчи муаллим" сифатида танилган бобомиз Абу Наср Фаробий (873-950) фанга "Инсон бахти" мавзусини киритиб, уни илмий асослашга ҳаракат қилган. Аллома ўзининг "Бахт-саодатга эришиш ҳақидаги рисола" номли асарида олий бахт бу камолотнинг энг юқори даражаси эканини, ахлоқий фазилат ақлий камолот билан назарий ва фалсафий ҳақиқатни боғлаган ҳолда англаш орқали эришилишини тушунтиради, яъни инсон бахтга ҳирс билан эмас, балки ақл билан эга бўлишини таъкидлайди. Бу ўринда инсон яшаётган ҳудуд, иқлим, осмон жисмларининг Ер шаридан узоқ ёки яқин жойлашуви ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири, маст қилувчи махсулотларнинг инсонга зарари ҳамда инсонни ўраб турган ижтимоий муҳит назарда тутилган [3:291]. Абу Наср Фаробий қарашларига кўра тан соғлиги, кўнгил ҳотиржамлиги, зукколик, фаросат, ширинсўзлик, ҳалоллик, нафс тарбияси, олижаноблик, камтаринлик, адолатлилик сифатларига эга бўлган инсон баркамол инсондир.

Алишер Навоий (1441-1501) ўз даврининг айрим мактабдорлари эга бўлган сифатлар, хусусан, қаттиққўллик, таъмагирлик ва жоҳилликларни қоралар экан, ўқитувчининг маънавий қиёфасига нисбатан жиддий талабларни қўяди. Хусусан, "мударрис керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтишга уринмаса, манманлик учун дарс беришга ҳавас кўргазмаса ва олғирлик учун гап-сўз ва ғавғо юргизмаса, нодонликдан салласи катта ва печи узун бўлмаса, гердайиш учун мадраса айвони боши унга ўрин бўлмаса. ... Ярамасликлардан қўрқса ва нопокликдан қочса, наинки, ўзини олим билиб, неча нодонга турли хил фисқ ишларни мумкин, балки ҳалол қилса, қилмас ишларни қилмоқ учун содир бўлса ва қилар ишларни қилмаслик унга қоида ва одат бўлиб қолса. Бу мударрис эмасдир, ёмон одатни тарқатувчидир" [6:189-190]. "Тарбияда болага муҳаббатни биринчи ўрнига қўйилиши кераклигини", - Алишер Навоий ўзининг фикрларида баён этган. Болани ёшига қараб тўғри тарбиялаш, фанларни ўргатишга ёшлигиданоқ бошлаш кераклигини уқтирган. А.Навоий "Билимларни эгаллаб уни қуллай олмаган киши ерни хайдаб экин эколмаган деҳқонга ўхшайди", - деб ёзган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти И.Каримовнинг таълим тўғрисида қуйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: "Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар олдига қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак" [7:23]. Таълим-узулксиз жараён бўлиб у махсус таълим ташкилотлари – мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, институт, университетларда тизимлиликка кўра амалга ошади. Инсон бутун умри давомида таълимга муҳтождир.

Таниқли ўзбек педагоги А.Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари янги усул мактабларининг юқори синфларида таълим ва ахлоқий тарбия бериш учун дарслик сифатида ўқитилган. А.Авлонийнинг асарини чуқур ўрганар эканмиз, биз ўша даврда мактабларда ўқувчиларга дарс беришда умуминсоний ва диний қадриятлари, халқ оғзаки ижоди, Қуръон оятлари, ҳадислар шунингдек, буюк алломаларимизнинг ҳикматли сўзларидан имкон қадар кенг фойдаланганликларини кўрамиз. Масалан, "Яхши хулқлар" қаторига кирувчи "Сабр" мавзусида: "Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдурки, жаноби ҳақ сабрларни мадҳ қилишдур. Шариати исломияда жаноби Ҳақ тарафидан келган бало ва қазога сабр қилмоқ фарзи айндур". Шул хусусда сўйланмиш бир ҳадиси шарифнинг маъноси "илм имонли кишиларнинг муҳиби, ҳилм ҳомийси, ақл далили, яхши амал сармояси, мулойимат волиди, афв ахавони, сабр ҳокими виждонидур," – дейилиши. Араблар "ассабру мифтоҳулфалаҳ" – сабр шодлиғнинг калитидур деюрлар [8:38]. Маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук, миллатпарвар, ватанпарвар ёш авлодни вояга етказиш мақсадида таълим ва тарбияни кучайтиришга катта эътибор қаратилиши таълим жараёнида маданиятнинг сара қадриятлари асосида ўқув ва тарбия бирлигини шакллантиради.

Таълим мазмунини кенгайтириш ва янада чуқурлаштириш, шу билан бирга миллий маданиятимизнинг асосини ташкил қилувчи барча ижодий фаолият, теварак-атрофга бўлган муносабатни киритиш ғоясини ҳам илгари суради. Замонавий мутахассислар нафақат табиий-илмий билимга ва касб-ҳунар билимига, балки ўзининг маънавий дунёсини кенгайтириш учун гуманитар билимга ҳам эга бўлиши лозим. Чунки ахлоқийликдан маҳрум бўлган, маънавий дунёқараши тор мутахассислар ҳар бир қабул қилинаётган қарорнинг туб моҳиятини англамаган ҳолда ўзига ҳам, жамиятга ҳам зарар етказиб қўйиши мумкин [9:57]. Таълим сифати ва даражасини кўтармасдан ишлаб чиқаришга фан ва теҳника ютуқларини жорий қилиш, унинг самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Бу ўз навбатида фанлараро боғлиқликни мустаҳкамлашни талаб қилади. Ўқитувчи дарс жараёнида фанларнинг бир-бирига боғлиқ эканлигини ўқувчиларга тушунтириши зарур. Мисол: биология, тасвирий санъат, тарих, математика, кимё, физика фанлари ҳаётда бир-бирини тўлдириб туради. Нима учун биз ёш авлодни улғайишида бу фанларни бир-бирдан йироқ қилиб, бирини боғдан бирини тоғдан қилиб етказишимиз керак? Аксинча, дарсларда унинг биологик тузилиши, тарихи, ранги, физик ва кимёвий хоссалари ўргансин. Фанларнинг бир бутунлигини, улар бир-бирларини тўлдириб туриши тўғрисида

билимлар бериб борилсин. Ўқитувчи дарс давомида барча фанларнинг бир-бирига узвий боғлиқ эканлигини мисоллар билан тушунтириб беради. Натижада болада барча фанларни бирдек ҳурмат қилиши ва ўрганиши кераклигини тушуниб етади. Бу ўқитувчидан жуда катта масъулият ва маҳоратни талаб қилади. Педагог ўзига белгиланган вазифаларни тўлалигича амалга ошира олсагина келажак авлоднинг пойдевори мустахкамлилига эриша олади. Ана ўшанда биз ўқитувчилар келажагимизнинг порлоқ давомчиларини, ҳақиқий миллий ифтихоримизни эъзозлайдиган инсонпарвар йигит қизларни вояга етказган бўламиз. Маънавий юксак, замонавий илм-фанни эгаллаган, аждодларимизнинг бой маънавий меросга соҳиб чиққан авлодни ҳеч қандай ташқи куч, ғоя ёки мафкура асло ўз таъсирига тушира олмайди. Бундай авлодни вояга етказган халқнинг истиқболи порлоқ, келажаги буюкдир.

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриятлар. -Т.: “Муҳаррир”, 2008.
3. Жумабоев Н. Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия масалаларидаги ахлоқий, эстетик ва экологик қарашлари. Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. № 5. -Н.: 2019.
4. Раҳимов С. Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. -Т.: “Ўқитувчи”, 1967.
5. Умурзоқова О. Таълим-тарбия ҳаёт билан ҳамнафас бўлсин. -Т.: 2008. “Тасвирий ва амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалалари” илмий-амалий конференция материаллари тўплами.
6. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Асарлар. Ўн беш томлик. 13 том. Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
7. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
8. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-саводга ўргатиш. -Т.: 1960.
9. Каримов А. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-педагогик асослари. //“Халқ таълими” № 5. - Т.: 2017.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ёшларни шарқона, тарихий ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш борасида буюк алломаларимизнинг дидактик қарашлари келтириб ўтилган. Ҳозирги кунда жамиятнинг замонавий талаб ва эҳтиёжлари асосида барча соҳаларда бўлгани каби бевосита таълим мазмунини такомиллаштиришда шарқ мутафаккирлари эстетик қарашларидан фойдаланишнинг зарурияти тўғрисида сўз юритилган. Шунга боғлиқ равишда замонавий таълимда фанлараро боғлиқликни уйғунлаштириш ҳақида фикр билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены дидактические взгляды наших великих учёных на воспитание молодёжи на основе восточных, исторических и национальных ценностей. В наши дни возникает необходимость использования эстетических взглядов мыслителей Востока в совершенствовании содержания прямого образования, как и во всех сферах, с учётом современных требований и потребностей общества. В связи с этим была рассмотрена идея гармонизации междисциплинарных связей в современном образовании.

SUMMARY

The article presents the didactic views of our great scientists on the education of young people on the basis of oriental, historical and national values. Nowadays, it becomes necessary to use the aesthetic views of Eastern thinkers in improving the content of direct education, as in all areas, taking into account the modern requirements and needs of society. In this regard, the idea of harmonizing interdisciplinary relations was considered in modern education.

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИ ТУЗИЛМАСИ

У.У.Жуманазаров – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: касбий-педагогик компетентлик, мазмун, асос, технологик асос, шахсий асос, тамойиллар, лингводидактика, лингвометодика, филологик тафаккур, умумпедагогик қобилият, мажмуавий ёндашув.

Ключевые слова: профессионально-педагогическая компетентность, содержание, основы, технологическая база, личностная основа, принципы, лингводидактика, лингвометодика, филологическое мышление, общепедагогические способности, комплексный подход.

Key words: professional-pedagogical competence, content, basis, technological base, personal basis, principles, linguadidactics, linguametod, philological thinking, kompleksnyy podkhod.

Тегишли тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларининг кўрсатишича, бўлажак педагогда шаклланадиган касбий-педагогик компетентликни педагогика олий таълим мисолида қаралса, у ҳолда унинг қуйидаги учта табиий асослари мавжудлиги аниқланди:

а) муайян мақсад, мазмун, тегишли объект ва педагог меҳнати воситалари ҳақидаги махсус билимлар мажмуасини ўзлаштириш;

б) педагогик фаолиятнинг тайёргарлик, бажарувчанлик ва якуний босқичларида махсус кўникмаларга эга бўлиш;

в) педагогик фаолиятни амалга ошириш ва кутилаётган натижаларга эришишга имкон берадиган шахснинг ўзига хос хусусиятлари ва тавсифини эгаллаш.

Тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида ушбу асосларга таяниб бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетнентлигида ҳам компетентликнинг қуйидаги учта тури (тузилмаси)ни аниқлашга муваффақ бўлдик: а) мазмунли асос (инглиз тилига оид лисоний билимларнинг мавжудлиги); б) технологик асос (инглиз тилини ўқитишда лингводидактик ва лингвометодик усулларига эгалик); в) шахсий асос (шахснинг айрим хусусиятларга эга бўлиши). Энди уларни алоҳида–алоҳида кўздан кечирамиз ва тажриба-синов майдонларида бир неча бор тасдиқланган бу борадаги муаллифлик ёндашуви асосида фикр-мулоҳазаларни қисқача баён этишни лозим топдик.

1.Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий-педагогик компетентлигининг мазмуний асоси. Бу асос педагогика олий таълим муассасаларида 5111400 - Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши бўйича ўқув режасида ўқитиш кўзда тутилган умумкасбий ва ихтисослик фанлари, масалан, *“Инглиз тили амалий курси”, “Инглиз тили лексикологияси”, “Инглиз тилини ўқитишнинг инновацион-педагогик технологиялари”, “Нутқ малакалари интеграцияси”, “Касбга йўналтирилган инглиз тили”* каби фанларни мос қуйи босқич таълим муассасалари (мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар таълими)даги инглиз тили фанлари билан алоқадорликда ўқитишни кўзда тутади. “Инглиз тили” йўналишининг I босқичига хос бу алоқадорликнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, инглиз тили фанининг мақсадга йўналтирилганлиги, уни ўрганиш истиқболларининг таълим олувчилар томонидан махсус ўрганилишини таъминлайди ва натижада мазкур

фаннинг онгли равишда ўзлаштирилишига имконият беради, албатта.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этмоқчимизки, аслида хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганиш осон иш эмас: аввало, таълим олувчидан бу борада ўз устида тинимсиз шуғулланишни, қолаверса, муайян кўникма ва малака ҳосил қилишни талаб этади. Айни ҳолат ҳаммага сир эмас. Лекин биз назарда тутаётган фундаментал лингвистик тайёргарлик шу соҳа бўйича мутахассис ўқитувчи тайёрлашнинг мақсади эмас, балки воситаси ва шунинг учун ҳам эгалланаётган касбнинг эҳтиёжларига мослаштирилган бўлиши зарур. Хорижлик олим А.К.Мордкович айни ҳолатни “фундаментал тамойил” [3] - деб номлаган эди. Бу тамойил нафақат қуйи босқич таълим муссасаларидаги инглиз тили фани ва педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган лисоний (инглиз) фанлари орасидаги узвийликни, балки олий таълим муассасаларидаги таълим олиш ва бўлажак инглиз тили ўқитувчисида меҳнат фаолияти орасида узвийликни амалга оширади. Бу тамойилни амалга ошириш ОТМ ва қуйи босқич таълим муассасаларидаги инглиз тили фанлари мавзуларининг ўқув режасида бир-бири билан узвий боғликлигининг, у ёки бу мавзу нима учун махсус ва алоҳида ўрганилишини таъминлайди. Қолаверса, мазкур фаннинг дедуктив тузилишига зарур бўлган мантиқий муаммоларни ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишга имконият яратади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараёнда компетентли ёндашув элементларидан етарлича фаол фойдаланилмоқда ва бўлажак инглиз тили ўқитувчиси тайёргарлигининг касбий–педагогик йўналганлик концепцияси доирасида ривожлантирилмоқда. Хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг касбий–педагогик йўналганлик концепциясида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган олтита тамойил (фундаменталлик, узлуксизлик, етакчи ғоя, бинарлик, ахборотлаштириш, мажмуавий ёндашув) аниқлаб берилган. Энди мана шу тамойиллар ва бўлажак инглиз тили ўқитувчиси компенентлигининг мазмунини ташкил этувчиси орасидаги боғликликни педагогик олий таълимнинг ўқув режасига киритилган *“Инглиз тилини ўқитишнинг инновацион педагогик технологиялари”, “Нутқ малакалари интеграцияси”. “Тил аспектларини ўргатиш амалиёти компонентлиги”, “Инглиз тили лексикологияси”, “Инглиз тили амалий курси”* каби мутахасислик фанлар мисолида кўриб чиқсак, юқорида қайд этилган мулоҳазаларга янада ойдинлик киритилган бўлади, деб ҳисобладик. Улар қуйидагилар:

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий- педагогик компенентлигининг мазмунли ташкил этувчилари ва тамойиллар орасидаги боғлиқлик

Т/р	Тамойил лар	Мазмуни	Амалга ошириш
1.	Фунда-менталлик тамойили	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий-педагогик тайёргарлиги мақсад эмас, балки унинг воситаси ва шунинг учун эгалланадиган касб эхтиёжларига мос бўлиш керак.	Мутахассислик фанларни ўрганиш давомида ўқитишни ҳаёт билан боғлашга алоҳида эътибор берилади, шу билан бирга ўрганилаётган фан назариясининг методика, педагогика, психология фанлари билан боғланишни намоён этувчи мавзулар қаралади. Бу тадқиқотимизга дахлдор лингвистик (фразеологик, нутқ, лексик, грамматик ва ҳ.к) ва педагогик компетенцияга доир асосий тушунчаларни пухта ўзлаштириб олишларига имконият яратади.
2.	Бинарлик тамойил	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси нафақат асосий назарий маълумотлар ва амалий билимларга эга бўлиши, балки уларни бўлажак касбий-педагогик фаолиятида моҳирона қўллашни билишлари, бу борада муайян интеллектуал ва нутқ қобилиятларини ўстиришлари зарур	Ўқув машғулотга доир муаммоли ҳолатни яратиш, лингвистик матнларни тўғри танлаш, ёзиш ва ўқиш асосини таъминлайди. Шу билан бирга режалаштирилган ва мақсадга йўналтирилган, асосланган таъминотни амалга ошириш бўлажак инглиз тили ўқитувчисини ўрганилаётган лингвистик матн ва материалларни доимий методик ва қайта ишлашга ўргатади. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигида илмий-методик йўлларнинг ўрганишга мослиги
3.	Илғор ғоя таъминоти	Хорижий лингвистик (фразеологик, нутқ, лексик, грамматик) компетенцияси элементларини қуйи таълим муассасалари инглиз тили фанларига киритиш натижаси қуйи таълим ва педагогик олий таълим муассасалари орасидаги фарқни қисқартиради.	Лингвистик компетенцияга дахлдор мавзулар бўйича машғулотларни, ўқув материалларини, лингвистик матнларини танлаш ва баён қилиш усулига эътибор берган ҳолда бевосита қуйи таълим муассасалари инглиз тили дарсликларига мурожат қилиш зарур.
4.	Узлуксиз-лик тамойили	Таълим олувчилар томонидан қуйи таълим муассасалари инглиз тили фанларидан олинган билим, кўникма ва малакалар ҳамда педагогика ОТМда эгаллаган билим, малака ва кўникмалар орасида узлуксизлик тамойилига мос мантиқий кетма-кетлик, ўқитиш мазмуни ва усулларининг ўзаро боғлиқлигини амалга оширувчи узлуксиз боғланиш бўлиши зарур	Лингвистик компетенция (фразеологик, нутқ, лексик, грамматик)ларга дахлдор матнлар бўйича шуғулланганда талабалар компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш, янги назарий маълумотларни ўрганиш, олдиндан маълум бўлган лисоний матн материалини чуқурроқ тушуниш, ОТМда таълимни бериш давомида узлуксиз олиб бориш зарур
5.	Ахборот-лаштириш тамойили	Ушбу тамойилни амалга ошириш хорижий тил таълим тизимидаги ўзгаришларни, ахборот коммуникация	Ўқитувчиларнинг ахборот маданияти, замонавий компьютер техникасининг катта имкониятлари ва уларни ўқув жараёнида қўллашни билиш рақамли

		технологияларини қўллаб ўқитишнинг янги методикаларини яратишни назарда тутади.	таълим бериш жараёнида ахборотлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, назорат, таҳлил, синтез ва бошқа вазифаларни амалга оширишда қобилиятнинг ўрни алоҳида. Мутахасислик фанларни ўқитиш жараёнида лингвистик компетенциясига дахлдор матнлар ва тестлар устида ишлашда замонавий компьютерларнинг катта имкониятларидан унумли фойдаланилади. Натижада мураккаблик даражасига кўра, хилма–хил лингвистик матнлар ва тест вариантларидан самарали фойдаланишни таклиф этамиз.
6.	Компе-тентли ёндашув тамойили	Бу тамойил ўқитишнинг касбий–педагогик йўналтирилганлигини, назарий ва амалий билимлар, лингвистик компонентини тавсифловчи малакалар тўплаш, педагогик мулоқот, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг асоси бўлган тизим каби қарашга имкон беради.	Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида компетентликнинг шаклланиши ва ривожланиши асосий компенентларни билимларга, мулоқотда ва ўз-ўзини такомиллаштиришга, педагогик ОТМда инглиз тили ўқитишнинг касбий педагогик йўналтирилганлик концепциясига мос малакалардан иборат тизимда амалга оширишилишини зарур
7	**Хулоса**: 1. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришнинг дидактик асосларида таъкидланган олтита тамойил етакчилик қилади. 2. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг лингвистик компетенциясини шакллантиришда, энг аввало, мутахассислик ва педагогика –психология фанларининг ўрни катта . Уларни босқичма – босқич ўқитиш – ўрганишда қайд этилган тамойиллар ва бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий–педагогик компенентлигининг мазмунини ташкил этувчи орасида муайян боғлиқлар мавжуд.		

2. Инглиз тили ўқитувчиси педагогик компетентлигининг технологик асоси. Бу асос унинг махсус методик тайёргарликни, хусусан, инглиз тилини ўқитишда лингводидактик ва лингвометодик усулларга эга бўлишликни талаб этади, аммо бу асос ўз моҳиятига кўра, хорижий филологик тайёргарликнинг ажралмас қисми саналади. Унга кўра, педагогика олий таълим муассасасида хорижий филология (хусусан, инглиз тили) фанлари мажмуаси таълим олувчида нафақат инглиз тилида кенг дунёқарашга эга бўлишини ва хорижий–филологик маданиятнинг таълим даражасига эришишни таъминлаши, балки шу билан бирга, қуйи таълим муассасалари (мактаб, академик лицей, профиссиональ таълими)даги инглиз тили фанларини баён қилиш усуллари, шу ўринда, айниқса, лингводидактик ва лингвометодик усулларини билан таништиришни ҳам таъминлаши зарур.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигининг технологик асосининг лингводидактик ва лингвометодик усуллари узлуксизлик ҳарактерга эга бўлишни, яъни таълим олувчиларнинг педагогик фаолиятга узлуксиз эришиш жараёнида инглиз тилига дахлдор барча мутахассислик фанлар иштирок этиши лозим. Айни ҳол талабага педагогика олий таълим муассасасида таълим олишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, қуйи таълим (мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар таълими) ўқитувчиларининг ўрнига вақтинчалик даврда ўқув машғулотларини олиб бориш ва ўтказиш имкониятини беради. Хусусан, олий таълимнинг ўқув режасига кўра, ўн уч ҳафталик педагогик амалиёт даврида мустақил стажёр мураббий – инглиз тили ўқитувчиси вазифасида ҳам вақтинчалик давр учун ишлаш имкониятини туғдиради. Айни ҳол ўз навбатида касбий-педагогик тайёргарликнинг ушбу жиҳатида, аниқроғи, педагогик амалиёт даврида белгилаб олинган иш режасидаги вазифаларни тўлиқ бажариш орқали муайян ижодий ҳарактер касб этади ва таълим олувчиларда ўз касбига янада қизиқишини уйғотади, муҳаббатини оширади. Биз учун энг муҳими, талаба уларда автоматизм, ижод жараёнини таъминловчи шахсий технологиялар элементлари ва такрорланувчи элементларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Натижада "мамлакат тараққиёти учун янги ташаббускор ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуалл ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларни тайёрлаш [1]" каби устувор вазифани амалга ошириш имконияти яратилади. Таъкидланганларнинг ҳаммаси бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида ҳам педагогик, ҳам лингвистик компетенцияни ривожлантиришга, қолаверса, замонавий ўқитувчи-мутахассис сифатида тайёрланишига етакчи омил сифатида хизмат қилади.

3. Хорижий филологик компенентликнинг шахсий асоси. Бу асос инглиз тили ўқитувчисининг махсулдор педагогик фаолияти учун муҳим касбий аҳамиятга эга. Илмий-методик адабиётларда айни масалалар бўйича мутахассис олимлар хилма-хил мулоҳазалар билдирган. Масалан А.А.Дергач ва Н.В.Кузминалар шахснинг муҳим сифатларини махсус билимлар, қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштириш, шу билан бирга касбий иш фаолият учун зарур бўлган самарадорликка эришиш учун керакли бўлган шахснинг психологик ҳусусиятлари сифатида таърифлайди; бундай сифатларга интеллектуал, иродавий (ўз-ўзини бошқариш қобилияти), ташкилий (фаолият механизми) каби шахсий хислатларни киритади [2]. И.Д.Пехлицкий ўқитишнинг индивидуал услублари ва компонентлари ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: "Касбий фаолиятни амалга ошириш учун нафақат шахснинг алоҳида муҳим сифатларининг аниқлик даражаси, балки уларнинг ўзаро боғлиқлиги муҳим, унинг натижасида педагогда коммуникативлик ва ташкилотчилик каби шахсий хислатлар, таълим бериш усулларининг компонентлари шаклланади [4]. Ушбу мулоҳазаларни биз ҳам маъқуллаймиз, лекин уларни бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг лингвистик ва педагогик компетентлиги тақдим этилса, муаллиф таъкидлаган ўқитишнинг индивидуал усулини ишлаб чиқмасдан бир қатор педагогик муаммоларни ҳал этишга эҳтиёж сезилади, албатта. Биз бу борадаги мулоҳазаларимизни муаллифлик ёндашуви асосида қисқача баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларда маънавий комиликка филологик тафаккурлаш ва фикрлашни шакллантиришда мазкур йўналишнинг ўқув режасидаги умумкасбий ва мутахассислик фанларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу ўринда филологик тафаккурлаш ва фикрлашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат филологик қобилиятни ривожлантиришга, балки, умумпедагогик қобилиятни,

инсон онгини ва унинг шахсини бутунлай ривожлантиришга имкон беради. Филологик тафаккурлаш ва фикрлаш педагог нутқига хос бўлган барча сифатларни, масалан, оғзаки нутқ қоидаларига қатъиян риоя қилишлик, яъни лингвистик компетенцияларда орфоэпик ва фонетик меъёрларга бўйсуниш, муайян лисоний тахлилда мантиқийлик, умумлаштиришга қобилятлилик, сўзамоллик (нутқда лексик бойлигининг кўп бўлишлиги ва бошқалар)ни ўзида мужассамлаштиради. Шунинг ҳам умумкасбий фанлар ёрдамида бундай сифатларнинг ҳаммасини бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида босқичма-босқич шакллантирилсагина кўзланган маррага эришилади, асосий мақсад муайян даражада бажарилади, аниқроғи, бу борада талабаларнинг лингвистик компетенцияси шакллантирилади.

Инглиз тилини ўқитишнинг шахсий асоси ўз мазмун-моҳиятига кўра, унинг аҳлоқий жиҳатини ҳам ўз ичига олади. Инглиз тили таълими йўналишидаги мутахассислик фанларни ўрганиш талабанинг тасаввурлари ва илмий изоҳлар орасидаги номутаносибликларни бартараф этиш заруриятини юзага келтиради. Бу нафақат фикрнинг аниқлиги ва мантиқийлигига, балки кўп маънолик, фикрнинг ҳаммага тушунарлиги, педагогик тамойиллик, ўзга фикрни қабул қилиш, ҳақиқатга ва касбга садоқатлилик, қўйилган мақсадга эришишда қатъийлик, темир интизомлилик, меҳнатсеварлик ва ростгўйлик каби аҳлоқий этик ва иродавий сифатларни шакллантиради. Талабанинг маънавий ривожланиши ва инглиз тилини ўрганиши нафақат онгига, балки, унинг руҳий кечинмаларига таъсир қилади, охир-оқибатда мазкур соҳа мутахассиси сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиси маънавий комилликка эстетика ва хорижий филологиянинг ўзаро боғланишини англамасдан эриша олмайди. Таълим олувчилар ўрганилаётган фаннинг филологик лисоний тизимида, эстетик ҳолатлари ва ички гармония (уйғунлик)ни кўришни, гўзаллик ва ҳақиқатнинг бирлигини тушунишни ўргатувчи барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Ҳозирги ДТС талабларига кўра, қуйи таълим муассасаларидаги инглиз тили фани ҳам, педагогика ОТМда ўқитиладиган инглиз тилига, соҳа йўналишига дахлдор мутахассислик фанлари ҳам юқоридаги эстетик имкониятларга эга. Аммо бу ўринда таъкидлаш лозимки, бошқа лингвистик материалларни узатиш, уларни талабаларга тавсия қилиш, аудиторияда таҳлил қилиш, таржима матнлари устида ишлаш уларни тўғри ёзиш, муайян расм-кўргазмани мустақил тасвирлаш, уларни қабул қилиш ва тушуниш эстетикаси каби қатор педагогик-лингвистик омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан салоҳияти ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисда”ги Фармони.
2. Дергач А.А., Кузмина Н.В. Акмеология: пути достижения вершин профессионализма. // Российская академия управления. –М.: 1993.
3. Мордкович А.Г. Профессионально-педагогическая направленность специальной подготовки учителя математики в педагогическом институте: дисс... д-ра пед.наук. -М.: 1986.
4. Пехлицкий И.Д. Компоненты индивидуального стиля преподавания. – Пермь: 1990.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетентлиги, тузилмаси ва асослари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, мазмунли, технологик ва шахсий асос, компетентлигининг турлари ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются профессионально-педагогическая компетентность, структура и основы будущего учителя английского языка. Также есть комментарии по содержанию, технологической и личной основе, типам компетенций.

SUMMARY

The article discusses the professional and pedagogical competence, structure and foundations of a future English teacher. There are also comments on the content, technological and personal basis, types of competence.

КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ВА ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Б.Б.Каримов – *ўқитувчи*
Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: кураш, техник маҳорат, тактика, яккакураш, спорт морфологияси, ҳужум тактикаси, спорт, усул.
Ключевые слова: кураш, техническое мастерство, тактика, единоборство, спортивная морфология, наступательная тактика, спорт, метод.
Key words: kurash, technical skill, tactics, single-combat, sport morphology, offensive tactics, sports, method.

Мусобақа фаолиятини бошқариш келгуси мусобақа беллашувларининг режасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни ўз ичига олади. Келгуси мусобақа беллашуви режасини ишлаб чиқишда, рақиб устидан ғалаба қозониш мақсадида энг самарали тактик ҳаракатларни аниқлаш учун мураббий рақиб ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. Мусобақа фаолияти назорати ва унинг келгуси таҳлили у ёки бу спортчини тайёрлашда унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини беради. Бу маълумот машғулот жараёнига тузатишлар киритиш учун муҳим ҳисобланади. Спорт техникасини ўрганиш методлари кинематик ва динамик ҳаракатлар хусусиятларини қайд этишда харакат унсурларини таҳлилий тарзда ажратиш имконини берувчи турли хил усулларни ўз ичига олади.

Агар спортчи тайёргарлигининг мақсади унинг жаҳон ва Осиё биринчиликлари каби йирик мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиши бўлса, техник ва тактик жиҳатдан тайёрланганлик кўрсаткичларини ушбу мусобақалардаги беллашувлар баённомаларини таҳлил қилган ҳолда аниқлаш ҳамда асосий эътиборни юқори малакали курашчилар билан бўлган беллашувларга қаратиш керак бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, спорт тайёргарлиги дастурининг мақсадли вазифалари баҳоланаётган кўрсаткичларнинг характери ва даражасини белгилайди.

Сўнгги пайтларда спорт кураши амалиётида ва адабиётларда «техник ва тактик маҳорат» атамаси кенг қўлланилмоқда. Спорт кураши техникаси деганда, тор маънода курашчига ғалаба келтирувчи харакатларни бажаришнинг энг рационал усуллари тушунилади. Бунда, техника асосини биомеханик ва физиологик қонуниятларга таянган ва индивидуал хусусиятлардан қатъий назар барча курашчиларга хос бўлган ҳаракатлар ташкил қилади. Спортда тактика деганда юқори спорт натижаларига эришиш ва рақиб устидан ғалаба қозониш шакллари ва усуллари мажмуи тушунилади. Тактика қуйидаги омиллар мажмуидан юзага келади: ўз тайёргарлигининг кучли томонлари ва рақибнинг камчиликлари ҳамда техникани эгаллашнинг индивидуал хусусиятларидан фойдаланиш, рақибни чалғитувчи ҳаракатлар билан адаштириш, беллашувда қулай фур-

сат туғилган пайтда фойда келтирувчи усуллардан фойдаланиш, кучни тежамкорлик билан сарфлаш маҳорати, қоидаларда белгиланган имкониятлар, гилам майдони, ўзининг морфологик ва физиологик хусусиятларидан пухта фойдаланиш ва б. [3, 4, 5].

Замонавий кураш техникаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳоратли курашчилар бир мусобақа давомида турли хил техник ва тактик ҳужум ҳаракатларининг 16-20 вариантини қўлламоқдалар. Бундан ташқари, энг кучли курашчилар етарли даражада самарали ва ишончли тарзда ҳужумга ўтмоқдалар. Ҳужум тактик жиҳатдан пухта тайёрлангандагина, улар максимал куч ва тезликдан фойдаланмоқдалар. Катта кучни талаб қилмайдиган тактик ҳаракатларни қўллаган ҳолда, улар кучни тежаб, иш лаёқатларини беллашув сўнггига қадар сақлаб қолмоқдалар. Ҳакамлар ҳужум ҳаракатларининг 50%ини устунлик деб баҳолайдилар.

Энг муҳим тактик ҳаракат бу алдамчи ҳаракатлар ёрдамида рўй берадиган ҳужум хавфидир. Ҳақиқий ҳужум ҳаракатларининг алдамчи ҳаракатларга нисбати 1:2 бўлиши 0,5 коэффициентли ҳужум эҳтимолини беради. Бундай эҳтимолни рақиб қийинроқ англай олади ва унга ҳақиқий ҳужумга қарши ҳимояланиш қийин кечади.

Спорт амалиёти техник ва тактик ҳаракатларнинг ҳужум, ҳимоя ва қарши ҳужум тузилмаларини ишлаб чиқди. Йирик мусобақаларда усулларнинг 400 га яқин тури қайд этилган. Кураш ривожининг замонавий даражаси курашчининг барча техник ва тактик ҳаракатларни эгаллаши, уларни қўллай олиши ва мақсадга мувофиқ тарзда мужассамлантиришини талаб қилади. Бироқ техник ва тактик ҳужум ҳаракатлари спорт курашининг табиати билан боғлиқ бўлганлиги туфайли асосий ҳаракатлар сифатида қабул қилинади.

Ҳужум тактикаси ғалабага олиб борувчи йўл ҳисобланади, чунки у энг йирик мусобақалардаги ҳакамликнинг замонавий қоидалари ва услубига кўпроқ мос келади. Жаҳоннинг энг яхши курашчилари бу ёрқин ифодаланган ҳужум услубига эга спорчилардир.

Техник ва тактик ҳаракатларни суст ўзлаштирган курашчилар одатда асосан рақибининг қаршилигини енгиб ўтишга мўлжалланган фойдасиз, норационал усулларни бажарадилар. Бундай ҳаракатлар ҳужум қилувчида куч устунлиги бўлган тақдирдагина муваффақият келтиради.

Кўпинча юксак маҳоратли курашчилар уларнинг тузилишини «биомеханик намуна» га яқинлаштирувчи рационал техник ва тактик ҳаракатларни қўллаган ҳолда ўзларидан жисмонан кучлироқ рақибни ҳам енгишади. Ички ва ташқи кучлар тўғри мужассамланганда ва ишга солинганда, техник ва тактик ҳужум ҳаракатининг куч ёки вақт бўйича ютишни таъминловчи тузилиши шаклланади.

Курашчиларнинг ҳужум ҳаракатлари тузилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, рақибни танасининг турли ўқлари бўйича саккиз йўналишда 90-270° бурчак остида бели билан пастга ағдариш учун жуфт куч чақирувчи ҳаракат механизми мавжуддир. Ҳамлали ҳужумда жуфт куч икки фаол ҳаракат билан яратилиши ва бу ҳаракатлар турли томонларга йўналтирилган ҳамда тана оғирлигининг умумий марказидан юқорида ва пастда ишлатилиши зарур бўлади. Бунинг натижасида рақибнинг танаси бир онли айланиш марказлари атрофида айланади. Ағдариш ва айлантириш билан боғлиқ ҳужумларда жуфт куч бир фаол ва таянч реакцияси ва ишқаланиш кучи билан пайдо қилинадиган бир суст куч ёрдамида ҳосил қилинади, рақибнинг танаси эса у гиламга тегиб турган нуқталарида жойлашган ўқлар атрофида ағдарилади.

Юксак маҳоратли курашчилар курашда турғунликни усталик билан сақлай олишади, шунинг учун ҳам бундай рақибга нисбатан усулни бажариш учун қулай динамик вазият лаҳзасини пайқаш қийин кечади. Улар йўқотилган мувозанатни тезлик билан тиклай олишади ва нотурғун ҳолатларга ўз ташаббуси билан фақатгина икки ҳолда — ўз ҳужумини бошлаётганда туриш ҳолатидан бирор усулни бажариш ҳолатига ўтаётган пайтда, шунингдек, муваффақиятсиз ҳужумдан сўнг бошланғич ҳолатга (туриш ҳолатига) қайтаётган пайтда тушиб қолишади.

Рақибни қулай динамик вазият лаҳзасида тутиб олиш учун унга ҳужум қилишга имконият бериш хавфли ва мақсадга мувофиқ эмасдир. Рақибнинг ўйланган усулни бажариш учун қулай ҳолатни эгаллашига умид боғлаш ҳам тўғри келмайди. Айниқса, тажрибали курашчининг хато ҳаракатни амалга ошириши ва турғунликни йўқотишини кутишдан умидни узса ҳам бўлаверади. Бинобарин, туриш ҳолати ва партердаги кураш вақтида юқори маҳоратли курашчи ўзининг техник ва тактик ҳаракатлари билан қулай динамик вазият лаҳзасини тайёрлай билиши керак.

Замонавий курашда оддий ҳужум ҳаракатлари (ОҲҲ) эмас, балки мураккаб ҳужум ҳаракатлари (МҲҲ) муваффақият келтиради. Курашнинг замонавий техникасини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, дарҳол усул тузилишидан бошланадиган тўғридан-тўғри ҳужум билан камдан-кам пайтларда мақсадга эришиш мумкин. Қулай динамик вазиятни тайёрлаш ва ҳужум усулининг тузилиши ягона ҳаракат — «ҳаракат ансамбли» га бирлашган пайтдаги ҳужум ҳаракатлари одатда муваффақият келтиради.

Энг оддий тузилиш гуруҳларига курашчи рақибнинг танасига куч таъсири ёрдамида уни қулай динамик вазиятга тушириб қўйиб, ундан ягона ҳаракат билан натижага эришиш учун фойдалангандаги ҳужум ҳаракатлари киради. Бу ҳолда мураккаб ҳужум ҳаракати тайёрловчи куч таъсири ва ҳужум усулининг тузилишидан ташкил топади.

Мураккаброқ тузилиш гуруҳлари эса ҳужум қилувчининг маълум ҳаракатларига жавобан қулай динамик вазиятни яратувчи рақибнинг реакциясидан фойдаланишни тақозо қилувчи ҳужум ҳаракатларидан ташкил топади. Бинобарин, курашда усулларни, хусусан мураккаб ҳужум ҳаракатларини муваффақиятли қўллаш учун, юксак маҳоратли курашчи қулай динамик вазиятларни тайёрлаш усулларини эгаллаган бўлиши ҳамда махсус ҳужум ҳаракатлари ва «ҳаракат ансамбли»ни яратишни билиши керак. Беллашув жараёнида қулай динамик вазиятларни яратиш учун манёврлар, алдамчи ҳаракатлар ва комбинациялар қўлланилади.

Юксак маҳоратли курашчилар маълум тузилиш — мураккаб ҳужум ҳаракатини ифодаловчи комбинацияларни қўллайдилар. Биринчи (алдамчи) ҳаракат ҳужум қилувчи фойдаланадиган ҳужум хавфига шунчалик ўхшаб кетадики, деярли ҳар доим рақибнинг маълум ҳимоя реакциясини келтириб чиқаради.

Комбинациявий усулларга асосланган тузилиш гуруҳларидан ташқари, асосий усулнинг бошқа мураккаб ҳужум ҳаракатларини ҳам тактик тайёргарликнинг бир ёки бир неча услубларидан фойдаланган ҳолда қўллаш мумкин. Шуни назарда тутиш керакки, тайёрланган ҳаракатлар (алдамчи усуллар ва б.) МҲҲ самарадорлигида жуда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бошланғич ҳаракатларнинг ҳужум усули тузилиши асоси билан турли хил бирикувларидан ҳаракатланиш кўникмасининг бутунлай янги тузилиши яратилади ва бунда эскиси сезиларли тарзда ўзгариб кетади. Бундай техник ва тактик ҳаракатдаги асосий қийинчилик бошланғич ҳаракатдан асосий ҳаракатга ўтиш жойида ҳаракатлар орасидаги боғлиқликни ўрнатиш ва ҳаракатларни кучлар йўналиши ва ҳажми бўйича ўзгартириш қобилиятидан иборатдир. Шунинг учун, асосий эътиборни айнан ўзгартириш вақтида ҳаракатлар йўналишини тез ўзгартириш қоби-

лиятига, унинг қатъий кетма-кетлиги, кучларнинг узлуксизлиги ва уларга урғу берилишига қаратиш зарурдир.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, МҲҲ ни муваффақиятли бажаришнинг назарий асоси шундан иборатки, ҳужум қилувчи режалаштирган кучлар йўналишини ўзгартиришни ичига олган битта мураккаб ҳаракатга рақиб икки марта жавоб қайтаришга мажбур бўлиб, жавоб реакциясини қайтаришда вақтдан ютқазади. Аввал МҲҲ нинг бошланғич ҳаракатига жавоб реакциясининг биринчи, яширин даври, кейин эса реакциянинг мотор даври ва унинг тўхташи, сўнгра, МҲҲ кучларининг янги йўналишини англаб олишни ўз ичига олган иккинчи, латент (сиртдан билинмайдиган) даври, ва ниҳоят, МҲҲ нинг якуний ҳаракатларига жавобан реакциянинг иккинчи мотор даври кузатилади. Шундай қилиб, иккинчи МҲҲ ҳаракати ё рақибнинг ҳужум қилувчи (йўналиш бўйича ҳужумнинг иккинчи қисмига тўғри келувчи) ҳаракатининг биринчи қисмига бўлган реакциясининг мотор қисмига, ё МҲҲ нинг иккинчи қисмига бўлган реакциянинг латент даврига (ҳужумга учраганнинг ҳал қилувчи ҳаракат учун фойдали бўлган тана ҳолати) тўғри келади.

Юксак маҳоратли курашчилар одатда тайёрланганликнинг бирор бир гипертрофик ривожланган хусусиятларига эга бўладилар ва бунинг эвазига ғалабага эришадилар. Курашчиларнинг бундай индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, улардан имкон қадар энг самарали тарзда фойдаланган ҳолда техник ва тактик ҳужум ҳаракатларини ишлаб чиқиш керак. Ҳужум ҳаракати тузилишини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш вақтида бундай хусусиятларга ҳужум тузилишида етакчи ролни бериш керак.

Хулоса қилиб айтганда, юксак спорт маҳорати техник ва тактик тайёрланганликни узлуксиз равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Амалиёт шуни кўрсатдики, кўплаб курашчилар йирик мусобақаларда кўпи билан 1-2 марта муваффақиятли қатнашадилар. Бу одатда уларнинг техник ва тактик маҳорати ўсишдан тўхтаганлиги билан боғлиқ бўлади. Курашда спорт маҳорати узлуксиз равишда янгиланиши ва такомиллаштириб турилиши лозим.

Спортчилар мураббийнинг билим захираси тугаган пайтга қадар ривожланишади. Шунинг учун, мураббий доимий тарзда ҳам курашчи, ҳам унинг рақиблари фаолиятини ўрганиши ва такомиллаштириши лозим бўлади.

Адабиётлар

1. Керимов Ф.А. Спорт сохасидаги илмий тадкикотлар. -Т.: «ZAR QALAM», 2004. 336-б.
2. Керимов Ф. А.Спорт кураши назарияси ва усулияти. – Т.: УзДЖТИ, 2001. 286-б.
3. Миндиашвили Д.Г., Подливаев Б.А. Вольная борьба: история, события, люди. - М.: Советский спорт, 2007. 360-б.
4. Raiko Petrov. Freestyle and Greco – roman wrestling Published by FILA, 1986. –С. 257.
5. Raiko Petrov. The ABC of Wrestling, Published by FILA, 1996. 101-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада курашчиларнинг мусобақага тайёргарлиги жараёнида уларнинг техник ва тактик тайёргарлигини такомиллаштириш усуллари хусусида фикр юритилган бўлиб, унда курашчилар мураккаб техник-тактик ҳаракатларини шакллантиришининг ўзига хос томонлари очиб берилган. Ҳозирги замон кураш спорт турнинг техник ва тактик жиҳатдан тайёргарлиги ҳар доимгидан ҳам дозларб масалага кўтарилаётганлиги бунга асосий сабаб бўлиб келмоқда

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются пути совершенствования технико-тактической подготовки борцов при подготовке к соревнованиям, раскрываются особенности формирования сложных технико-тактических движений борцов. Основная причина изучения вопроса в том, что техническая и тактическая подготовка современной борьбы всегда была на повестке дня.

SUMMARY

The article discusses the ways of improving the technical and tactical training of wrestlers in preparation for the competition, reveals the features of the formation of complex technical and tactical movements of wrestlers. The main reason for investigating this question is that the technical and tactical preparation of modern combat has always been on the agenda.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Г.Т.Куттибекова – *старший преподаватель*

Джизакский государственный педагогический институт

Таянч сўзлар: бадиий педагогика, арттерапия, эстетик тарбия, модел, тамойиллар, мезон, яхлит ёндашув.
Ключевые слова: артпедагогика, арттерапия, эстетическое воспитание, модель, принципы, критерии, комплексный подход.
Key words: art-pedagogy, art-therapy, aesthetic education, model, principles, criteria, complex approach.

В педагогической литературе подчеркивается необходимость позволения выражению учащимися своих чувств благодаря выведению из нервно-психологического состояния, восстановлению положительного эмоционально-энергетического тонуса обучающихся на уроках художественно-эстетического цикла.

В эстетическом воспитании инновационный подход опирается на развитие творческого потенциала детей, а также используются возможности сохранения их здоровья. Это соответствует требованиям артпедагогики, поэтому можно его использовать. Внедрение в эстетическое воспитание учащихся артпедагогических и арттерапевтических методик является сложной, многогранной проблемой, при решении этой проблемы учитывается не только определение уровня эстетического развития учащихся, но и придется обращать внимания факторам, препятствующим этому процессу. В художественно-эстетическом воспитании применение данной методики дополняет, обогащает, совершенствует процессы эстетического, этического, эмоционального, творческого, психологического и социального развития личности.

В процессе эстетического воспитания сожность применения артпедагогических технологий, отсутствие точных критериев его проверки, также учитывая трудность выявления достижений учащихся в области художественной деятельности, целесообразно применять комплексные диагностические методики – подготовительно-исследовательский (для учителей-экспериментаторов наблюдение, анализ учебных документов, творческие работы), а также личностно-проверяемый (для учащихся анкеты, тесты, практические методики, контрольные листовки). Сформированность уровня эстетической воспитанности рассматривалась в следующих направлениях:

в изобразительной деятельности на уроках изобразительного искусства;

в музыкальной деятельности на урках музыки.

По всем направлениям (предметам) складывались сведения об учащихся базовых школ: отношение к искусству, эстетическое чувство, художественно-эстетическое представление, художественно-изобразительный и музыкальный опыт, художественно-творческая способность, художественно-жизненный

опыт, устойчивость психики или неустойчивость, художественный образ, фантазия, гибкость творческого представления (графический, музыкальный) и т.д.

Анализ исторического и современного опыта интеграции педагогического и художественного потенциала обнаруживает наличие объективных историко-культурных предпосылок использования потенциала арт-терапии и арт-педагогики как самостоя-тельного направления педагогической науки, изучающего природу, общие закономерности, принципы, механизмы привлечения искусства для решения задач воспитания, обучения, развития, поддержки, социализации человека. Арт-терапию, применяемую в работе с детьми, можно правомерно представить как здоровьесберегающую инновационную технологию, которая может проявляться через систему методов спонтанного творчества наравне с другими технологиями психологической и социальной работы [3,6].

В Узбекистане вопросы активизации и совершенствования деятельности образовательных и культурных учреждений в целях приобщения молодого поколения к национальным и общечеловеческим ценностям, достижениям мировой культуры, развития чувства прекрасного, эстетических потребностей и вкусов возведено в ранг государственной политики, что создает условия для развития арт-терапевтического и арт-педагогического направлений в системе образо-вания. Поиск путей и технологий, активизирующих помощь учителям в достижении образовательной цели – научить и воспитать личность духовно богатого, творчески мыслящего гармонически развитого гражданина – позволяет рассматривать данную проблему как социально и педагогически значимую [1,2].

В качестве основных сфер арт-педагогической и арт-терапевтической деятельности рассмотрено стимулирование и организацию педагогом художествен-ного творчества участников образовательного процесса, а также создание в образовательном пространстве системы нравственно-эстетического взаимодействия за счёт интеграции возможностей искусства, педагогики, психологии и других областей человекознания. На этой основе дано теоретическое обоснование арт-педагогического сопровождения как целостной и гибкой системы действий по интеграции арт-педагогической деятельности в образовательный процесс на уроках эстетического цикла – изобразительного искусства и музыки - в целях его успешной реализации и создания благоприятных условий для становления личности [4,5,7,8].

Упражнения-задания, формирующие такие навыки, как осознание своих эмоций, чувственных переживаний, развитие представлений, эмпатия, синтез искусства; усиление заинтересованности учащихся, побуждение мотивов, совершенствование эстетических чувств и переживаний на уроках изобразительного искусства показали свою результативность. А это показывает рост эстетической воспитанности учащихся в определенно созданных педагогических условиях.

Пришли к выводу, что необходимы педагогические условия для достижения высокого уровня воспитанности. Этого можно достичь благодаря применению артпедагогических и арттерапевтических технологий. Эти технологии способствуют расширению содержания художественного, практическ-и-творческого, коммуникативного, интерактивного, субъек-субъекта, интеллектуального компонентов в исследовании учебно-воспитательных процессов дисциплин эстетического цикла.

Важнейшим принципом реализации арттерапевтической и артпедагогической модели является недирективный подход к применению арт-терапии, предполагающий следование учителя за инициативами ребенка. Арт-терапевтические функции учителя заключаются при этом в создании психологически безопасных и комфортных для ребенка условий деятельности, а в случае необходимости (когда дети переживают растерянность, застенчивость, беспокой-ство либо проявляют агрессию) – в тактичном структурировании и организации его творческой активности.

Комплексный подход являлся ведущим при организации и проведении практико-экспериментальной работы, что выражалось в следующем:

- комплексном исследовании художественно-эстетической, художественно-творческой деятельности учеников начальных классов на двух предметах – изобразительного искусства и музыки, что позволяет составить более полное представление об эстетическом развитии учащихся;
- комплексной трехступенчатой диагностике, построенной на критериях **эстетической воспитанности** учащихся (когнитивный, ценностно- ориентационный, творческий, деятельностный), к**ритерииях эстетической воспитанности на уроках изобразительного искусства (**изобразительные навыки, эмоционально-ценностное отношение, творческий подход), к**ритериях эстетической воспитанности на уроках музыки**

(восприятие музыки, креативные способности и потребности, активность музыкально-творческой деятельности).

Комплексный характер был также свойствен методико-технологическому оснащению учебно-воспитательного процесса на уроках ИЗО и музыки и процессу эстетического воспитания в целом, и включал в себя:

- **общие технологии,** соответствующие специфике уроков изо, музыки и задачам эстетического воспитания школьников в целом (показ готового образца, применение творческих заданий во всех видах художественной деятельности – сочинение, пение, танец, пластика, рисунок, лепка), творчески-развивающие и арт-терапевтические упражнения, нетрадиционные формы урока и общения учителя с учащимися (доверительно-партнерские)
- **технологии на уроке изобразительного искусства** (упражнения на изображение, восприятие, оценивание произведений искусства, интерактив, сказкотерапия с привлечением других видов искусства – музыки, литературы, работа с различными материалами с применением разных техник рисования)
- **технологии на уроке музыки (с**лушание музыки в индивидуальной и в групповой формах работы, сочетание таких видах музыкотерапии, как рецептивная, активная и интегративная; использование таблицы воздействия музыкальных произведений на болезненные состояния человека; активная работа с музыкальными образами (моделирование музыкального образа), активное слушание, метод вокализации, использование приемов фольклорной арт-педагогики, свободное самовыражение в ритмических движениях, танце, спонтанном рисунке, дирижировании).

Практическое значение применения техник арт-педагогики и арт-терапии в образовании заключается в том, что обучающиеся приобретают ценный опыт позитивных изменений; постепенно происходит углублённое самопознание, самоприятие, гармонизация личности, личностный рост; снижается уровень тревожности, формируются механизмы эмоциональной саморегуляции, развивается позитивное самоотношение, анализ своего поведения, мыслей и чувств; осваиваются новые роли, улучшается общая атмосфера в группе, ребёнок становится терпимее по отношению к другим.

Завершение исследования и итоговый срез его результатов свидетельствуют о том, что идея возможности разработки системы включения артпедагогических и арттерапевтических технологий в процесс эстетического воспитания младших школьников на уроках эсте-

тического цикла получила экспериментальное подтверждение. Доказано, что данные технологии, ранее нераспространенные в педагогической практике республики, являются инновационным ресурсом влияния и позитивных изменений личности школьника, обеспечивая гуманизацию и гуманитаризацию образо-вательной среды, гармонизацию психологического состояния обучающихся, оптимизацию педагогического взаимо действия, творческую самореализацию детей.

Установлено, что арт-педагогические занятия стимулируют активность творческого самовыражения учеников, повышает их познавательный интерес к предметам художественного цикла и в целом к новой информации, обеспечивает психофизиологическую и психологическую комфортность обучения, создаёт условия для личностного роста.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан» ПП-3920 от 26.08.2018.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» № ПП-3907 от 14 августа 2018.
3. Айтбаева А., Шайгозова Ж., Султанова М. Художественное воспитание и артпедагогика в XXI веке: новые ценностные ориентиры и возможности G - Global communication platform 18 ноября 2016.
4. Изобразительное искусство: учебник для 4 класса школ общего среднего образования: изд-е 2-е перераб. А.Сулейманов, И.Рахманов, З.Сулейманова – Т.: «Sharq», 2017. –С.112.
5. Музыка. Учебник для 3 класса переработанное 5-е издание. Н.Нарходжаев, С.Дебердеева, Х.Нурматов, Э.Шаинская. Т.:Издательско-полиграфический творческий дом им. Гафура Гуляма, 2019. –С. 108.
6. Корженко О.М., Заргарьян Е.А. Артпедагогика сегодня: цели и перспективы развития [Текст] // Теория и практика образования в современном мире: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, май 2013 г.). — СПб.: Реноме, 2013. — С. 95-97. — URL https://moluch.ru/conf/ped/archive/70/3855/ (дата обращения: 28.10.2019
7. Артпедагогика и арттерапия в специальном образовании: Учебник для вузов. /Е.А.Медведева, И.Ю.Левченко, Л.Н.Комиссарова, Т.А.Добровольская. - М.: Академия, 2001. –С. 248.
8. Арт-терапия - новые горизонты / Под ред. А.И.Копытина. - М.: Когито-Центр, 2007. –С. 336.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бадиий педагогика ва арттерапия технологияларининг ёш ўкувчиларнинг эстетик тарбияси ва бадиий-ижодий ривожланиши самарадорлигига таъсири модели мазмуни очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается содержание модели воздействия технологий артпедагогики и арттерапии на результативность эстетического воспитания и художественно-творческого развития младших школьников.

SUMMARY

The article illustrates the content of the model which impact on technology of art pedagogy and art-therapy on success fullness of aesthetic education and art-creative development of young learners.

ЖАСЛАРДЫ КӘСИПКЕ АДАПТАЦИЯ ҚЫЛЫЎДА ҮЛГИ ОҚЫЎ БАҒДАРЛАМАЛАРЫНА ҚОЙЫЛАТУҒЫН ТАЛАПЛАР

Қ.Ж.Қыдырниязов – *ассистент оқытыўшы*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: касбга йўналтириш, касб танлаш, касбий адаптация, ёшлар, ривожланиш, таълим, тизим, сифат, негатив, қонун ҳужжатлари, сиёсат, ижодкорлик, интеграция, билим, давлат, жараён, ўқув режа, намунавий дастур, узлуксиз таълим.

Ключевые слова: профориентация, профотбор, профессиональная адаптация, молодёжь, развитие, образования, система, качество, негатив, нормативные документы, политика, творчество, интеграция, знания, государство, процесс, учебный план, программа, непрерывное образование.

Key words: career guidance, professional selection, professional adaptation, youth, development, education, system, quality, negative, regulatory documents, policy, creativity, integration, knowledge, state, process, curriculum, program, professional staff, lifelong education.

Жасларды кәсипке бағдарлаў ҳәм кәсип таңлаў басқышларынан соң, кәсиплик адаптация процеси ең әҳмийетли мәселелерден бири болып саналады. Себеби, ҳәр бир инсанның шахс болып қәлиплесиўинде, оның қайта таярланыўы ямаса кәсипке толық көнлигиў процесин басынан өткериўи шәрт болады. Демек, инсанның өмир тәжирийбесинде кәсиплик жақтан жетилисип барыўында кәсиплик адаптация басқышы жүдә әҳмийетли екенлиги көринеди. Сондай екен, кәсиплик жақтан көнликтириўге, яғный адаптация процесине жүдә итибарлы болыўымыз керек болады.

Бул процесс тәбийий өз-өзинен жүз беретуғын психологиялық ҳалат емес болғанлығынан ҳәр сапары өзине деген қоллап-қуўатлаўды талап ете береди. Демек, өз-өзинен белгили болғанындай-ақ, бул процессти жетилистирип барыўда үзликсиз педагогикалық процессти туўры жолға қойыўымыз шәрт болады. Анығырақ айтқанда, билимлендириў системасының ең тийкарғы ҳүжжетлеринен болған оқыў режелери ямаса оқыў стандартларынан кейин турыўына қарамастан, бул ҳүжжеттиң әҳмийети жүдә үлкен. Сонлықтан да, үлги оқыў бағдарламаларын ислеп шығыўда, оқыў режелерине қойылатуғын талап анық болыўы ямаса саррас орынланыўы шәрт болып, бунда ҳеш қандай олқылыққа жол қойып болмайды. Сондай екен, ҳәр бир тараўдың ямаса барлық оқыў системалары басқышларының оқыў режелерин ислеп шыққанда, бул талапларды толық есапқа алыў керек. Әсиресе, усы тараўдың ең төменги қатламы деп есапланатуғын әпиўайы пән оқытыўшыларынан баслап, сол тараўдың ең жетик қәнигелери болған профессор алымлардың бирлескен съездинде усы мәселелер резолюция сыпатында қабыл етилип ямаса толық нызамластырылып қойылыўы керек болады.

Атап өтетуғын болсақ, жоқары оқыў орынлары халық хожалығының барлық тараўларда әҳмийетли болып, усы тараўлардың раўажланыўында ең маман қәнийгели кадрлар жетистирип бериўде барлық миннетлемени өз мойнына алады. Демек, жоқары мағлыўматлы кадрларды жетилистирип бериўде гиреўли орынға ийе болған жоқары билим бериўши оқыў орынларының сапасын асырыўда, оның тәлим мазмунын жетилистириўде ең әҳмийетли орында оқыў режелери туратуғынын тән аларымыз сөзсиз. Буған қосымша үлги оқыў бағдарламаларын айтпай кетиўдиң илажы жоқ. Себеби, исши оқыў бағдарламалары, усы үлги оқыў бағдарламалары ҳәмде оқыў режелери тийкарында әмелге асатуғынлығы белгили нәрсе.

Демек, билимлендириў процесиниң үзликсизлигин ҳәм избе-излигин тәмийинлеўде, бул ҳүжжетлердиң әҳмийетин айтпай кетиў орынсыз болар еди. Бул өз-өзинен соны көрсетеди, стандартқа сай оқыў режелери

тийкарында ислеп шығылған үлги оқыў бағдарламалары (бир ямаса бир неше алымлардың яки ең жетик деп есапланған қәнигели кадрлардың өз бетинше ислеп шыққан үлги оқыў бағдарламалары) толық талапқа жуўап береди деп қабыл етип жибериў онша дурыс шешим болмайды. Себеби, оқыў режелери мәмлекетлик дәрежеде талқыланып, барлық комиссиялардан толық өткен ҳалда исленип шығыўына қарамастан, үлги оқыў бағдарламалары базалық оқыў орны деп есапланған, яғный бир неше жоқары оқыў орынларына үлги оқыў бағдарламаларын жеткерип бериўши оқыў мәкемесиниң тек ғана айырым кафедра ағзаларының қатнасында ислеп шығылса ҳәм әмелиятқа енгизилсе, онда бул тәлим дизиминдеги толық опырылыў деп қабыл етиў мүмкин. Себеби бунда, үлги оқыў бағдарламалары базы баяғы бир профессор-оқытыўшы тәрепинен ислеп шығылған болып есапланады ҳәм өзиниң бурынғы ҳалатына түседи, яғный толық талапқа жуўап беретуғын ҳүжжет ислеп шығылмайды.

Усы процесслердиң барлығын есапқа алған ҳалда төмендегилерди усыныс етемиз:

- Бириншиден, жасларды кәсипке бағдардаў процесинде кәсиплик мәсләҳәт, кәсипке бағдарлаў, кәсип таңлаў басқышларының үзликсиз буўыны сыпатында кәсиплик адаптацияны толық жуўмақлаў мақсетинде оқыў режелерине сәйкес түрде үлги оқыў бағдарламаларының нормал ислеп шығылыўын тәмийинлеў;
- Екиншиден, үлги оқыў бағдарламаларын ислеп шығыўда бир ямаса бир неше алымлардың ямаса айырым кафедралардың (ҳәттеги базалық мәкемелердиң) ислеп шыққан оқыў режелерин жеткиликсиз деп табыў ҳәм буны жоқары ҳәм орта арнаўлы ямаса улыўма орта билим бериў министрликлериниң оқыў методикалық орайларының жетик кадрларының басшылығында усы тараўдың барлық оқытыўшылар қатламын қамтып алыўшы сайланды қәнигелердиң қатнасында съезд шақырыў жолы менен қабыл етиў;
- Үшиншиден, бул үлги оқыў бағдарламалары кеминде 4-5 жылға мөлшерленген болыўы ҳәм ҳәр жылы структуралық жақтан жаңалық киритиўди талап етпеўи шәрт болады.

Мине, усы жоқарыда атап өтилген усыныс ҳәм мәселелер өз шешимин тапса, оқыў процесиниң үзликсиз биргелки ҳәм күшлениўлерсиз ислеўине ерискен боламыз. Кери ҳалатта, бир пүтин билимлендириў системасын айырым массалық шахслар өз дегершигине қарата айландырыўы сөзсиз. Бундай системалы қатнас, тек ғана оқыў процесиниң нормал ислеўин тәмийинлеп ғана қоймастан, оқыўшылар ҳәм талабалардың тәлим алыўында түсиниксиз ҳалатқа түсип қалмастан, биргелки билим алыўына ҳәм сол билимлерин әмелиятта емин-еркин қолланыўына шараят жаратады. Әсиресе, барлық пәнлердиң ямаса курслардың бирден-бир интеграциялық системада ислеўине алып келеди. Өз-өзинен белгили болғанындай, интеграциялық тәлим политехникалық тәлимге алып келеди [1:75]. Бул процесслер биз күткен жоқары мағлыўматлы кадр түсинигин анықластырып алыўымызға жол ашады.

Үлги оқыў бағдарламаларын қайта-қайта өзгертиў ямаса оның бөлимлерин алмастырып жаңалағандай болып көриниў, тек ғана профессор оқытыўшыларға қыйыншылықлар пайда етип қоймастан, тәлим системасының избе-излигине, билимлендириў процессиниң үзликсизлигине, пәнлер интеграциясына, жоқары оқыў орынларының атына үлкен зыян келтиреди.

Буның нәтийжесинде профессор-оқытыўшылар арасында өз ара ҳүрмет жоғалады. Талабалардың билимлендириў системасына болған ишки исенимлери жоғалып, «негизинде ҳәммеси бола береди» деген түсиникке алып келеди. Ал, булардың кейини олардың ата-аналарының наразылығына, пүтин бир халық қатламының билимлендириў системасына деген негатив пикирлеўине алып келеди.

Демек, буннан сол нәрсе анық көринеди, жасларды кәсипке бағдарлаў басқышынан баслап кәсиплик адаптация басқышына шекем ямаса оннан соңда күтилетуғын барлық нәтийжелер, тек ғана машқалаларды ямаса алдымызда турған мәселелерди бир пүтин ҳалатта шешкенимизде, яғный жобаластырылған ҳалда тап стандартлар ҳәм оқыў режелеринен баслап, үлги оқыў бағдарламаларына шекем кең сиясатлы, бирақ өз гезегинде, қатаң темир тәртипте жумыс алып барыўымыз керек екенлигин көрсетеди. Мине, сонда ғана, биз билимлендириў системасынан күтетуғын нәтийжелеримиз жемисли болатуғынлығын көремиз. Себеби, буннан кейинги басқыш тек ғана усы ҳүжжетлер тийкарында ғана ислеп шығылатуғын дөретиўшилик процеси деп қараў мүмкин.

Ал, бул ҳәр бир профессор-оқытыўшының билим дәрежесине байланыслы болып қалады. Бүгинги заманагөй тәлим системасы шахсқа қаратылған болыўына қарамастан, ҳәр бир талабаның жеке имканиятларын есапқа алған ҳалда, жәмийетлик зәрүрли кәсиплерди таңлаўлары ушын кәсипке мақсетли бағдарлаўдан баслап, сол қәнигениң кәсиплик адаптациясына шекемги болған бир пүтин билимлер системасын қамтып алыўшы интеграциялық қатнасыўды талап ететуғын бирден-бир тәлим дизимин талап етеди.

Бундай шахс имканиятларын раўажландырыўшы системаны ислеп шығыў, жетилистириў ҳәм раўажландырыў ямаса оны сақлап қалыў имканиятлары тек ғана илимий негизленген норматив ҳүжжетлер менен беккемленген тәлим мазмуны менен ғана белгиленеди. Ал, тәлимниң мазмуны болса, өз гезегинде оның структуралық бөлимлери болған ҳәм тийкарғы үстин ўазыйпасын атқарыўшы стандартлар, оқыў режелери, үлги оқыў бағдарламаларының қандай дәрежеде илимий жақтан тийкарланғанлығы ҳәм әмелиятқа интеграциясы менен белгилеп қойылады.

Әдебиятлар

1. Кревневич В.А. Формирование профессиональной направленности у учащихся старших классов. //дисс. … канд.педагогического.наук. –М.: 1953.

РЕЗЮМЕ

Автор бу мақолада касбга йўналтириш, касб танлаш, касбий адаптация жараёнида ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши, билим олиши, тизимли ва сифатли таълим бериш, негатив позициялардан чекиниш, таълимни қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш, сиёсатдан хабардорлик, ўз ишига ижодкорлик билан ёндашиш, интеграцион билим бериш, давлатнинг стратегик режаларини амалга оширишда ўқув режалари ва намунавий ўқув дастурларининг ўрни, малакали кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълим тизимининг ўрни ва таълим мазмунини такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье автор освещает следующие вопросы – профориентацию, выбор профессии, всестороннее развитие молодых людей в процессе профессиональной адаптации, образование, систематическое и качественное образование, избегание негативных позиций, усиление образования с помощью законодательства, политическое сознание, творческий подход к своей работе, интегрированное образование, роль учебных планов и типовых учебных программ в реализации стратегических планов государства, роль системы непрерывного образования в подготовке квалифицированных кадров и совершенствовании содержания образования.

SUMMARY

The author discusses the following issues: career guidance, career choice, comprehensive development of young people in the process of vocational adaptation, education, systematic and quality education, avoidance of negative positions, strengthening education with legislation, political awareness, creativity approach, integrated education, the role of curricula and model curricula in the implementation of strategic plans of the state, the role of the system of continuing education in the training of qualified personnel and improving the content of education.

ISSIQLIK NASOSIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI TAHLIL QILISH

M.Q.Qtaybekov – *magistrant*
Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti

Tayanch so'zlar: issiqlik nasosi, issiqlik ta'minoti tizimi, energiya samaradorligi, energiya tejash, samaradorlikni oshirish.
Ключевые слова: тепловой насос, система теплоснабжения, энергетическая эффективность, энергосбережение, повышение эффективности.
Key words: heat pump, heat supply system, energy efficiency, energy saving, efficiency increase.

1. Kirish. Energiyani tejash va energiya samaradorligini oshirish, shuningdek energiya resurslaridan oqilona foydalanish muammolari zamonaviy jahon iqtisodiyotining dolzarb masalalaridan biridir.

Hozirgi holatda, issiqlik nasoslarini ishlatish paytida, yuqori ekologik toza sharoitda an'anaviy bo'lmagan energiya manbalaridan foydalangan holda, resurslarni tejash masalalari ko'rib chiqilmoqda.

Bugungi kunda issiqlik nasoslari butun dunyoda keng qo'llanilmoqda. Issiqlik nasoslari har qanday ob'ektni, ham xususiy uyni, ham sanoat binosini isitish uchun ishlatishda iqtisodiy jihatdan foydalidir.

Bundan tashqari, issiqlik nasoslari yilning istalgan vaqtida uyida qulay haroratni istagan xususiy mijozlar orasida eng mashhur hisoblanadi. Qishda, issiqlik nasosi isitish uchun ishlatiladi va yozda u sizning uyingizni sovutadi.Va sizni butun yil davomida issiq suv bilan ta'minlaydi.Uchinchi tomon energiya manbalaridan (masalan, gazdan) qat'i nazar, issiqlik nasosidan foydalangan holda isitish tizimida erdan isitish yordamida eng katta samaradorlikka erishiladi.

1-rasmda Issiqlik nasosi yordamida issiqlik energiyasini olishda birlamchi va ikkilamchi energiya manbalariga bog’liqligi keltirilgan.



1-rasm. Issiqlik nasosi yordamida issiqlik energiyasini olish jarayoni

Issiqlik nasoslari, samaradorligini oshirish va energiyani tejash texnologiyasi sifatida, qazib olinadigan yoqilg'ini qisman almashtirishga va issiqlik ta'minotini birlamchi energiyaning minimal xarajatlari bilan ta'minlashga imkon beradi [1].

Issiqlik nasosi - bu erning, suvning yoki havoning issiqligidan foydalanadigan ixcham qurilma, past darajadagi issiqlik manbalari va avtonom isitish va issiq suv ta'minoti.Atrof-muhitga zarar etkazmaslik talablari yuqori bo'lgan mintaqalarda issiqlik nasoslaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir, chunki tizim yoqilg'i yoqilmasdan ishlaydi va atmosferaga zararli chiqindilar chiqarmaydi [2].

Issiqlik nasoslari ishlash uchun qulaydir - ular doimiy kuzatuvni va qimmat doimiy texnik xizmatni talab qilmaydi.O'rnatilgan ob-havoga bog'liq issiqlik nasoslarini boshqarish tizimi nafaqat ularning ishlashini, balki tizimning barcha tarkibiy qismlarini ham boshqaradi, eng tejamkor va qulay ish rejimini ta'minlaydi. Tizimlar to'liq avtomatik ravishda ishlaydi, ularni Internet yoki telefon orqali boshqarish imkoniyati mavjud.

2. Issiqlik ta'minoti tizimida issiqlik nasoslaridan foydalanish. Issiqlik nasoslaridan foydalangan holda energiya tejaydigan issiqlik ta'minoti tizimlari butun dunyoda tobora keng tarqalmoqda.

Isitish tizimlarida issiqlik nasoslaridan foydalanish ko'plab tadqiqotlar markazidir. Issiqlik nasosi - bu past darajadagi manbalardan issiqlikni olish va iste'molchilar ehtiyojlari uchun yuqori haroratli issiqlik tashuvchisiga o'tkazishga imkon beruvchi qurilma. Past darajadagi issiqlik manbalari tabiiy va sun'iy kelib chiqishi mumkin. Tabiiy manbalar tuproq, suv havzalari, er osti suvlari va tashqi havo bo'lishi mumkin. Sun'iy rollarda - shamollatish chiqindilari, kanalizatsiya, sanoat chiqindilari va boshqalar. Past darajadagi issiqlik manbai bo'lgan tuproqning afzalligi uning yil davomida barqaror haroratidir. Issiqlik nasoslari bo'lgan issiqlik ta'minoti tizimlari uchun vertikal yoki gorizontal kollektorlardan foydalanish mumkin [3].

Issiqlik nasoslarini o'rnatishning eng muhim xususiyati ularning ishlatiladigan energiya turiga (elektr, issiqlik) nisbatan ko'p qirrali bo'lishidir. Bu juda kam energiya manbalarini kamroq kam manbalarga almashtirish orqali energiya manbalarining yoqilg'i balansini optimallashtirishga imkon beradi. Issiqlik nasosining boshqa issiqlik energiyasini ishlab chiqaruvchilaridan (elektr, gaz va dizel) asosiy farqi shundaki, issiqlik ishlab chiqarish jarayonida atrof-muhitdan 80 foizgacha energiya olinadi [4].

Shuni ta'kidlash kerakki, issiqlik nasosi tizimlari sovutishni ham ta'minlaydi va konditsioner tizimlarida ishlatilishi mumkin. Issiqlik nasoslari tizimlarini kogeneratsion quvvat manbai bilan birgalikda ishlatish jozibali. Bunday holda, issiqlik nasoslari tizimlarining ekspluatatsiya xarajatlari sezilarli darajada kamayadi va kogeneratsiya bloklarini yuklash koeffitsienti va jadvali sezilarli darajada yaxshilanadi [5].

Suv issiqligidan foydalanganda quvurlar suv omborining pastki qismiga yotqiziladi va og'irliklar bilan suv bosadi. Bunday manba yil davomida issiqlik energiyasini etkazib berishi mumkin, ammo suv omborining muzlashiga olib kelishi mumkin. Tashqi havo past darajadagi issiqlikning eng jozibali manbai hisoblanadi. Yozda u konditsioner uchun ishlatilishi mumkin. Ammo atmosfera havosining issiqligidan faqat uning harorati minus 15°C dan yuqori bo'lganda foydalanish mumkin. Issiqlik nasosining yana bir afzalligi uning ekologik toza ekanligidir. Konversiya koeffitsienti (ishlab chiqarilgan issiqlikning nasosning o'zi uchun sarflanadigan energiyaga nisbati bilan belgilanadi) 3 ga teng bo'lsa, elektr energiyasi ishlab chiqariladigan joyda atmosferaga chiqadigan NOx (azot oksidi), S va CO miqdori 1,5 ga teng gazli qozon ishlagandan 2 baravar kam. Hisob-kitoblar [6] asosida issiqlik nasosidan foydalanilganda issiqlik ta'minoti uchun yillik yoqilg'i sarfining pasayishi gazli qozonxonaga nisbatan 30% ga etishi aniqlandi.

Volkov va boshqalar tomonidan [7] har xil turdagi issiqlik nasoslari, ularning afzalliklari va kamchiliklari muhokama qilinadi. Issiqlik energiyasining ma'lum bir manbasini samaradorligi va tanlash iqlim sharoitiga, ayniqsa issiqlik chiqarish manbai atmosfera havosi bilan bog'liq. Issiqlik nasoslarini mavjud markazlashtirilgan isitish tizimlari bilan birgalikda ishlatish imkoniyati ko'rib

chiqilgan. Issiqlik nasoslari va markazlashtirilgan isitish energiyani tejash texnologiyalari o'zaro bog'liq va bir-birini to'ldiradi.

Issiqlik ta'minotining keng qo'llaniladigan usullari - markazlashtirilgan manbalardan va alohida qozonlardan, isitish magistralini yoki gaz quvurini yotqizishni talab qiladi. Elektr energiyasini to'g'ridan-to'g'ri issiqlikga aylantirish yordamida binoni elektr energiyasi bilan isitish ancha qimmatga tushadi. Oldingi kamchiliklardan mahrum bo'lgan issiqlik ta'minoti usullaridan biri bu issiqlik nasoslari yordamida issiqlik ta'minoti. Sandalova va boshqalar tomonidan [8] issiqlik ta'minoti uchun issiqlik nasosidan foydalanish va issiqlik nasosining isitish koeffitsienti aniqlash usuli qilingan.

Shit va boshqalar tomonidan [9] markazlashtirilgan issiqlik ta'minoti tizimlarida issiqlik nasoslaridan foydalanish ko'rsatilgan. Tadqiqotning maqsadi tabiiy sovutgichlardan foydalangan holda issiqlik nasoslari bilan birlashtirilgan issiqlik ta'minoti tizimlarining energiya samaradorligini oshirishdir. Ishning eng muhim natijalari karbonat angidriddagi issiqlik nasosining ishlab chiqilgan sxemasidir, bu miqdoriy issiqlik ta'minoti tizimida ishlash imkoniyatlarini va isitish bo'lmagan davrda binolar uchun issiq suv tayyorlashni birlashtiradi. Olingan natijalarning ahamiyati shundaki, taklif etilayotgan texnik echim IEM uchun yoqilg'i sarfini va iste'mol qilinadigan energiya resurslari uchun to'lovlarni to'lashda iste'molchilar xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirishi mumkin.

Bauer tomonidan [10] issiqlik ta'minoti tizimlarining samaradorligini oshirish uchun zamonaviy texnologik echimlardan foydalanish imkoniyatlarini ko'rib chiqadi. Taqdim etilgan echimlar iste'mol qilinadigan energiya manbalarining bir qismini issiqlik nasoslari yordamida qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish hisobiga qoplashga asoslangan.

3. Kombinatsiyalangan isitish tizimlari - issiqlik nasoslari va quyosh kollektorlari. Quyosh batareyasidan va hatto shamol tegirmonidan olinadigan energiya isitish uchun etarli bo'lmasligi mumkin, shuningdek, suvning issiqligini sezilarli darajada samaradorlik bilan elektr tokiga aylantirish mumkin bo'lmaydi. Elektr energiyasini ishlab chiqaradigan qurilmalar deyarli hamma joyda yuqori samaradorlik bilan ishlatilishi mumkin bo'lgan "muqobil isitish" tizimlaridan farqli o'laroq, barcha mintaqalarda iqtisodiy jihatdan foydali emas. Hozir ko'plab Evropa mamlakatlarida va AQShda ushbu tizimlar issiqlik energiyasining juda katta qismini ishlab chiqaradi va bu bozor juda tez rivojlanmoqda. Bunday qurilmalarning afzalligi past energiya xarajatlari, ekologik xavfsizlik va zararli chiqindilarning yo'qligi, shuningdek qisman yoki hatto to'liq avtonomiyalardir.

Kollektorli modullar gorizontal yoki vertikal ravishda o'rnatilishi mumkin, tomga o'rnatilishi yoki unga qo'shilishi mumkin. Xuddi shu turdagi modullarni "batareyaga" ulash mumkin. O'rnatish vaqtida modullarning joylashishiga alohida e'tibor qaratish lozim. Quyosh nurlari yuzaga qat'iy ravishda perpendikulyar ravishda tushgan taqdirda, eng samarali ish bo'lishi aniq. Aslida, modullarni ochadigan kuzatuv moslamasini yaratish mumkin, bunday o'zgarishlar mavjud, amalda bu echimlar deyarli ishlatilmaydi: uskunaning narxi butun Quyosh tizimining narxidan yuqori bo'ladi. Shuni ham hisobga olish kerakki, Quyosh qishda yozga qaraganda pastroq ko'tariladi, demak modullarning optimal moyilligi farq qiladi.

Evropa va Amerika mamlakatlarida issiqlik nasoslari 30 yildan ortiq vaqt davomida turar joy va ofis binolarini, shuningdek turli binolarni issiqlik bilan ta'minlash uchun ishlatilgan. Eng yirik energetika kompaniyalari issiqlik nasoslarini loyihalash, ishlab chiqarish va amalga oshirish bilan shug'ullanadi. Energiya rivojlangan 28 mamlakat a'zolarini birlashtirgan va maqsadi energiya xavfsizligini ta'minlash va ekologik vaziyatni yaxshilashga intilgan Xalqaro Energetika Agentligi (IEA, IEA lotin qisqartmasi) issiqlik nasosini foydalanishni amalga oshirish siyosatining asosiy koordinatoriga aylandi.Yaponiyada va AQShda jamoat binolarini qurish uchun ruxsat olayotganda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan, xususan, issiqlik nasoslari tizimlaridan foydalanish asosiy sharti hisoblanadi. Yaponiyadagi deyarli barcha ko'p qavatli binolar bunday tizimlar bilan jihozlangan; AQShda. Rossiyada issiqlik nasosidan foydalanish tobora kengayib bormoqda va kengayishda davom etmoqda, buning uchun katta imkoniyatlar mavjud, shuning uchun ushbu sohadagi barcha ilmiy tadqiqotlar istiqbolli hisoblanadi.

Xulosa. Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatdiki, issiqlik nasoslaridan foydalanish ko'plab issiqlik tarmoqlarida o'zining ekologik va ixtisodiy samaradorligini ko'rsatib kelmoqda.

Issiqlik nasoslarining energiya samaradorligi qozon tizimlariga nisbatan afzalliklari issiqlik ishlab chiqarish uchun yoqilg'i sarfi 25-50% ga kamayadi. O'rtacha, issiqlik nasosi issiqlik ta'minoti ehtiyojining 60-75 foizini bepul ta'minlaydi.

Issiqlik nasosining elektr quvvatini tutinishi to'g'ridan-to'g'ri elektr isitish bilan isitishdan 4 baravar kam bo'ladi.

Issiqlik nasoslarining qoplanish muddati 4-9 yilni, ularning ishlash muddati kapital ta'mirlashgacha 15-20 yilni tashkil etadi.

To'g'ri ishlab chiqilgan issiqlik nasosli isitish tizimi bilan operatsion xarajatlarni 80% gacha tejashu mumkin.

Issiqlik nasoslarining afzalliklari ularning tejamkorligi, ekologik xavfsizligi, xavfsizligi, ishonchliligi, chidamliligi va qulayligi bilan bog'liq bo'lsa, kamchiliklari dastlabki o'rnatish qiymati va elektr tarmog'iga bo'lgan yuqori talabdir.

Adabiyotlar

1. Лунева С.К., Лепеш А.Г. Исследование эффективности функционирования теплового насоса Изд-во СПбГЭУ, 2015.
2. Овчаров П.В Применение тепловых насосов в энергосберегающем комплексе Известия КГАСУ, 2012, № 2 (20)
3. Земляков А.С. Применение тепловых насосов в системах теплоснабжения. // «Инновационная наука». 2015. №12.
4. Тоимбаев А.Б. Эффективность работы теплового насоса при различных режимах. А.Б.Тоимбаев, М.В.Ермоленко, О.А.Степанова. Текст: непосредственный. // Молодой учёный. 2014. № 6 (65). -С. 264-266.
5. Абуев И.М. Системы теплоснабжения с применением тепловых насосов Материалы Конференции "Малые и средние ТЭЦ. Экономика малой энергетики и проблемы инвестиций. Практический опыт» 12-14 сентября 2006 г. НП "Российское теплоснабжение"
6. Овсянник, А. В., Трошев, Д. С. Оценка энергетической эффективности тепловых насосов в системах индивидуального теплоснабжения по годовому расходу условного топлива // Вестник ГГТУ им. П. О. Сухого. 2012. №4. -С. 66–72.
7. Волков В.Н., Козина Л.Н., Дзюбан А.М., Мырцымов С.А., Каськаев П.П. Актуальное применение тепловых насосов для отопления зданий и сооружений Вестник НГИЭИ. 2015. № 6 (49). -С. 39-43
8. Сандалова Л.А. Эффектиность применения тепловых насосов для теплоснабжения в сборнике: Интеграционные процессы в науке в современных условиях. Материалы Международной научно-практической конференции. Научное электронное издание. Под общей редакцией А.И. Вострецова. 2016, -С. 95-99.
9. Шит М.Л., Журавлев А.А., Суворов Д.М., Сущих В.М. Комбинированная система теплоснабжения с тэц и локальными тепловыми насосами. Проблемы региональной энергетики. 2020. № 1 (45). -С.81-93
10. Бауэр А.В. Повышение эффективности в системах теплоснабжения В сборнике: Студент: наука, профессия, жизнь. Материалы VII всероссийской студенческой научной конференции с международным участием. В 4-х частях. 2020.

REZYUME

Ushbu ishda adabiyotlarni ko'rib chiqish asosida issiqlik nasoslaridan samarali foydalanish imkoniyati keltirilgan. Turli sohalarda issiqlik nasosidan foydalanishning energiya samaradorligi masalalari ko'rib chiqilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной работе на основе литературного обзора представлена возможность эффективностивного использования тепловых насосов. Рассмотрены вопросы энергоэффективности использования теплового насоса в различных сферах.

SUMMARY

This paper is based on the literature review, the there is presented possibility of efficient use of heat pumps. The issues of energy efficiency are considered using a heat pump in various areas.

БОЛАЖАҚ ОҚЫТЫЎШЫЛАРДЫ МИЛЛИЙ ҚӘДИРИЯТЛАР ТИЙКАРЫНДА КӘСИПЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСЫН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎ ТЕХНОЛОГИЯСЫ

К.А.Қутлымурадов – *таяныш докторант*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: жаҳон ҳамжамияти, малакали кадрлар, инсоний фазилатлар, умуминсоний қадриятлар, касбий компетентлик, ижодий индивидуаллик, психологик-педагогик шарт-шароитлар, маданиятлараро компетенция.

Ключевые слова: мировое сообщество, квалифицированные кадры, человеческие качества, общечеловеческие ценности, профессиональная компетентность, творческая индивидуальность, психолого-педагогические условия, межкультурная компетентность.

Key words: world community, qualified personnel, human qualities, universal values, professional competence, creative individuality, psychological and pedagogical conditions, intercultural competence.

Заманагөй жәмийетте билимлендириў системасын раўажландырыўдың стратегиялық жөнелиси - бул инсанның түрли тараўларда мақсетли ғәрезсиз искерлиги тийкарында оның интеллектуал ҳәм тәрбиялық раўажланыўы болып табылады. Жәҳәнниң раўажланған мәмлекетлери қатары елимизде де билимлендириў тараўындағы реформалар, модернизациялар процесинде бийғәрез тәлимди қоллап-қуўатлаў әҳмийетли бағдар сыпатында баҳаланбақта.

Республикамызда билимлендириў системасын модернизациялаў арқалы ҳәр тәреплеме жетик, еркин ҳәм бийғәрез пикирлеў қәбилетине ийе, зейинли, талапшаң кадрларды таярлаўға үлкен итибар берилип атыр. Болажақ оқытыўшылардың кәсиплик компетентлигин жетилистириў, қәбилетилерин үйрениў ҳәр қашанғыдан да әҳмийетли мәселелердиң бирине айланып келген. Бул бойынша бир қатар илимий жумыслар исленген. Бирақ, бул мәселениң түрли тәреплери ҳәм аспектлерине алымлардың қызығыўы артып бармақта. Себеби, үзликсиз тәлим системасын модернизациялаў ҳәм раўажландырыўдың ҳәзирги заман басқышында айрықша әҳмийетке ийе ҳәм оның актуаллығынан дәрек береди.

Кәсиплик тәлим-тәрбия мәселелериниң узақ тарийхый дәреклери Шығыс ойшыллары Әбиў Әлий ибн Сино, Әбиў Райхан Беруний, Әбиў Наср Фарабий, Әлийшер Наўайы, Абдулла Авлоний шығармаларында да сәўлеленген. Тарийхий мийрасларымызда кәсипке бағдарлаў идеялары жәмийет раўажланыўындағы әҳмийети ҳаққында бир қанша ой-пикирлер билдирилген. Э.Розиев, Б.Кодиров, М.Давлетшин, В.Каримова, Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн ҳәм басқалар өзлериниң илимий жумысларында болажақ оқытыўшыларда кәсиплик компетентликти жетилистириў, оларды кәсипке бағдарлаўдың психологиялық тийкарлары ҳаққында итибарға ылайық пикирлерин усынған болса, М.Очилов, У.Махкамов, М.Куронов, Ф.Юзликаев, Ж.Хасанбоев, Ё.Хдйдаров, У.Толипов, Н.Сайидахмедов, Н.Нишоналиев, Э.Чориев, Н.Шодиевлар илимий изертлеўлеринде болажақ оқытыўшыларда кәсиплик билим ҳәм қәнигелик жетилистириў, жетик кадрлар таярлаў мәселесинде илимий-методикалық жақтан талқыланған.

Кәсиплик компетентлик қәниге искерлиги ҳәм оның ишки дүзилиси әҳмийетли характеристикаларын сәўлелендириўге таянады деп түсиндириўге тийкарланған ҳалда кәсиплик компетентлик структурасы оның тийкарғы компонетлерин белгилеў көзқарасынан айдынластырыў мүмкин.

Педагогикалық искерликте, тийкарынан, оның компонентлерин педагог искерлигиниң бийғәрез функционал түрлери сыпатында ажыратыў усылы үстин турады. Соның ушын да В.А.Сластенин: - «…болажақ қәнигениң кәсиплик компетентлиги структурасын үйрениў педагог мийнетин пухта талқылаў, оның таярлық дәрежесине ҳәзирги модернизация етилип атырған ҳәм үзликсиз педагогикалық билим концепциясын әмелге асырыў шараятында жоқары оқыў системасы тәрепинен күтилип атырған талапларды анықлаў нәзерде тутады» [3:55] деп атап өтеди.

«Компетентлик» - түсиниги болса, шахстың барқулла өсип барыўшы көриниси болып, реал турмыслық жағдайларда жүзеге келген машқалаларды шешиў қәбилети, өз билими, оқыў ҳәм турмыслық тәжирийбелери, қәдириятлары ҳәм қызығыўшылығын оған сарплаў имканиятлары есапланады. «Компетентлик» атамасы билимлендириў атамасында психологлардың илимий жумыслары нәтийжесинде кирип келди. Бул түсиник дәстүрий емес яки күтилмеген жағдайларда өзин қандай тутыў, қарым-қатнасқа кириў, қарама-қарсылық пенен өз ара мүнәсибетлерде жаңа жол тутыў анық емес ўазыйпаларды орынлаўда, қарама-қарсылыққа толы мағлыўматлардан пайдаланыўға, барқулла раўажланып барыўшы ҳәм қурамалы процесслерде қандай ҳәрекет қылыў кереклиги ҳаққында теориялық билимлер зәрүрлигин көрсетеди. Инглис тилинен «competence» түсинигиниң сөзлик мәниси «қәбилет» деп аталып, бирақ, компетенция атамасы билим, көнликпе, шеберлик ҳәм кәбилетти жүзеге шығарыўға хызмет етеди.

Белгили алымлар Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, Э.Ф.Зеер, В.А.Сластенин, Т.Ф.Лошакова оқытыўшының «кәсиплик компетентлик» ҳаққында бир қатар илимий изертлеў жумысларын алып барған. Илимпаз Б.А.Назарова өзиниң илимий жумысында Д.Дьюи, У.Уоллер, М.Мид, К.Юнг, П.Сорокин, Ф.Знанецкийлардың философиясында кәсиплик компетентлик түсинигине айрықша пикир билдиреди. Солай етип, Б.А.Назарова:-« Бул орталыққа қарап, үйрениў усылы, себеби, кәсип адамды оған туўрылайды, адамлардың қызығыўшылығын анықлайды, бир кәсипте ислейтуғын адамлардың қызыўшылығын жәмлейди» [5:170]-деп атап өтеди.

И.В.Гришина «кәсиплик компетенция шахстың өз профессионал искерлигин қаншели дәрежеде ийелегенлиги, оған зәрүрлик ҳәм қызығыўшылығы, умтылыўы, қәдириятлары, искерлик мақсети, өзиниң социаллық орталықтан орнын баҳалай алыўы» [2:40]- деп баҳа береди.

Индивидуал компетентлик - бул өзин басқарыў жолларын билиў, кәсиплик раўажланыўға таярлық ҳәм кәсиплик жаңалықлар жаратыў. Соның менен бирге, оқытыўшының билимлери жаңалықлар менен байыған

болыўы, психологиялық ҳәм педагогикалық пазыйлетлер жоқары болыўы менен белгиленеди [4:308].

Р.Х.Тугешевтың пикир билдириўинше, кәсиплик шеберлик шахс сыпатының жетилисиўине қойылған адымлар жәрдеминде тек ғана бир искерлик ушын бағдарланған компетенция болып табылады. Компетенция ийеси дегенде, алым шахстың өз исиниң устасы, шеберлиги менен шекленип қалмастан, бәлким жумысты пайда етиў, өз искерлигине байланыслы барлық машқалаларды системалы рәўиште түсиниў, ўазыйпа қоя билиўи ҳәм анық машқалаларға шешим табыў қәбилетлерине ийе болыўы сыяқлы пазыйлетлерин нәзерде тутады. Әне, сондай инсан мәлим бир тараўда компетенция ийеси деген атаққа сазаўар екенлиги билинеди [6].

Компетенция өз билимлерин тынбай байытып барыўы, жаңа мағлыўматларды үйрениўи, сол күнги ҳәм заман талапларын сезиниўи, жаңа билимлерди излеп табыў шеберлиги, оларды қайта ислеў ҳәм де өз әмелий искерлигинде қолланыў талап етиледи. Компетенция ийеси болған қәниге машқалаларын шешиўде өзи өзлестирип алған, әйне пайытында сол шараятқа сәйкес метод ҳәм усыллардан пайдаланыўды жақсы билиў, ҳәзирги жағдайға мүнәсип болған методларды таңлап алып қолланыў, туўры келмейтуғын усыллардан ўаз кешиў, мәселеге сын көзқарас пенен қараў сыяқлы көнликпелерге ийе болады.

Келешекте оқытыўшылық кәсиби менен шуғылланыўшы талабаларда психологиялық-педагогикалық компонентлерден бири, бул «есте саклаў» жеке сыпатларын мәлим дәрежеде жоқары болыўы менен көзге тасланады. Буннан тысқары, әмелге асырылатуғын ислер дүзилисине көре бир неше билимлердиң интеграциясы, өз ара байланыслығы ҳәм оннан пайдаланыў методикасын өз ишине алады. Белгили илимпаз Т.Р.Толагановтың изертлеўлеринде, - «Талаба ҳәр дайым оқыў материалын теориялық ҳәм әмелий өз ара байланыслы болған диалогине қатнасады, себеби, оның материалына муўапық жуўмақ шығарыў ушын өзиниң билимлер блогина тез-тез мүрәжат етип турады»,- деп атап өтеди [1:82].

Болажақ оқытыўшыны кәсиплик компетентлигиниң жетилисиўи оның жәмийеттеги орны, педагогикалық жоқары оқыў орынларының мәжбүрияты ҳәм ўазыйпаларына ҳәм де индивидуал қәбилетлерине байланыслы болады. Оқытыўшының дөретиўшилик индивидуаллығы оның индивидуал белгилериниң (пикирлеўиниң илимийлесиўи, иске дөретиўшилик пенен қантасыўы, өзиниң имканиятларын жүзеге шығарыўға умтылыўы ҳәм басқалар) раўажланыў дәрежеси менен белгиленеди. Болажақ кәсиплик пән оқытыўшысының дөретиўшилик индивидуаллығын раўажландырыў ҳәм жетилистириў ушын психологиялық-педагогикалық шараятлар қарама-қарсылығын сезиў, олардың шешимин табыў ушын өзине тән болған мақсет ҳәм кәсиплик шеберликке ийе болыў лазым.

Заманагөй дөретиўши оқытыўшы педагогикалық искерлигиниң репродуктив (есинде қалған нәрсени айтып бериў) усылы ҳәм дөретиўшиликтен бирин таңлаўда өзлигин, балки, турмыслық мақсетлерди де жүзеге шығарады. Ол өзин сыпат жағынан өзгерттиреди, психологиялық тосықларды жеңеди, кәсиплик әҳмийетке ийе сыпатларын раўажландырыў имканиятларын излейди, өзиниң педагогикалық концепциясын ислеп шығады

Улыўма алғанда, оқытыўшының педагогикалық искерлиги ушын, бириншиден, инновациялық бағдарланғанлық, екиншиден, өз исине дөретиўшилик пенен қантас, индивидуаллық сыяқлы қәсийетлери менен әҳмийетли болып көринеди. Дөретиўши оқытыўшы өз-өзин жетилистирмей турып, индивидуаллықты раўажландырмай, кәсиплик компетентлигин жетилистирмей кәсиплик искерлигине жоқары нәтийжеге ерисиў мүмкин емеслигин аңлап жетеди. Сол себепли, кәсиплик зәрүрлик болған сыпатларын турмыслық мақсет сыпатында раўажландырмай турып, жаңа технологияларды ийелеўи мүмкин емес.

Әдебиялар

1. Абдуллаева Қ.М.Махсус фанларни ўкитишда бўлажак ўкитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дис. ...пед.фан.ном. -Т.: 2006. 182-б.
2. Гришина И.В. Профессиональная компетентность директора школы. Автореф.: дис.... докт.пед.наук. – М.: 2004. –С.40.
3. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность. - М.: 1997. –С. 55.
4. Маркова А.К. Психология профессионализма. -М.: «Знание», 1996.-С. 308.
5. Назарова Б.А. Педагогика коллежлари бўлгуси ўкитувчиларининг касбий лаёқатини тарбиялаш: Дис....пед.фан. ном. - Т.: 2009. 170-б.
6. Тугешев Р.Х. К вопросу системной психодиагностики психологической компетентности субъектов профессиональной деятельности. Режим доступа: [http:/www.psycheya.ru/]

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўкитувчиларни тайёрлашда уларнинг касбий компетентлигини шакллантириш педагогик муаммо эканлиги, касбий компетентликни шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун педагогик-психологик шарт- шароитларни яратиш, компетент ёндашув асосида модернизациялаш, унинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг хусусиятлари каби масалалар сўз этилади. Касбий тайёргарлик даражасига қўйилувчи талаблар нуктаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усуллари тупламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилияти ҳақида сўз этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается формирование профессиональной компетентности при подготовке учителей, формирование профессиональной компетентности, создание педагогических и психологических условий для профессионального и личностного развития будущих учителей, модернизация на основе компетентносного подхода, особенности профессиональной компетентности. С точки зрения требований к уровню профессиональной подготовки, под компетенцией понимается способность студентов использовать набор знаний, навыков и методов деятельности в конкретной ситуации.

SUMMARY

The article discusses the formation of professional competence in the training of teachers, the formation of professional competence, the creation of pedagogical and psychological conditions for the professional and personal development of future teachers, modernization on the basis of a competency approach, the features of professional competence. In terms of the requirements for the level of professional training, competence refers to the ability of students to use a set of knowledge, skills and methods of activity in a specific situation.

WEB – ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

М.Т.Мамбетниязов – *катта ўқитувчи*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: касбий компетентлик, информатика ўқитувчилари, компьютер, ахборот, интернет, Web-технология, замонавий таълим тизими.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, учителя информатики, компьютер, информация, Интернет, веб-технология, современная система образования.

Key words: professional competence, computer science teachers, computer, information, Internet, Web-technology, modern education system.

Замонавий таълимнинг асосий мақсади жамият ва давлат учун ҳар томонлома ривожланган, жамиятга, меҳнат фаолиятига ижтимоий мослашувчан, ўз устида ишлай оладиган шахсни тайёрлашдан иборат. Демак, ҳар томонлама ривожланган шахс тарбиясида педагогларнинг компетентлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандаартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш" [1] муҳим вазифа этиб белгиланган. Мазкур вазифалар замонавий ёндошувлар асосида ижросини амалга ошириш борасида бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот-комуникатив компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогикада ўқитувчининг касбий компетентлигига ва касбий компетенциясига алоҳида эътибор қаратилади. XX асрнинг 70-80 йилларида АҚШ педагогларни ўқитишнинг компетентлик ёндашувига асосланган компетенциясини ишлаб чиқишга катта аҳамият берилган [2]. Энг самарали ишлаётган педагогларнинг фаолиятини кузатиш ва келажакдаги эҳтиёжларини моделлаштириш натижасида компетенциянинг педагог фаолиятининг ва шахснинг «билмоқ, бажармоқ, эга бўлмоқ» деган уч асосий бўғинига асосланган бир қатор турлари аниқланган [3:157]. Шундан бошлаб ўқитувчининг шахсий сифатларининг унинг касбий компетентлигига таъсири барча тадқиқодчилар томонидан эътироф этилиб келинмоқда. Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигига компетентлик ёндашувларни ишлаб чиқишга И.Л.Зимняя катта ҳисса қўшган. У педагог шахсининг барча сифатларини объектив ва субъектив сифаатларига ажратган: объектив сифатлари – бу ўқитувчининг ўз фанини билиш даражаси, фан методологиясини эгаллаганлик даражаси ва илмий билимларнинг чуқурлиги, умумий дидактик ва хусусий методик тамоилларни эгаллаганлиги, болалар психологиясини яхши билиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ қабул қилиши; субъективлари: педагоглик санъати, педагогик истеъдод, ижодкорлик ва ҳ.к. [4]. Н.И.Алмазова педагогнинг касбий компетенциясини ўрганишда ўқитишнинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган кўникмаларни ва педагогнинг шахсий сифатларини гуруҳларга бўлиб чиқди ва хулоса чиқарди: Педагогнинг касбий компетенцияси – бу педагогнинг меҳнати бўлиб, унда педагогик фаолият, педагогик мулоқат етарлича юқори даражада амалга оширилади, ўқитувчининг шахси намоён бўлади, талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхши натижаларга эришилади [2].

«Компетентлик» сўзининг маъноси хабордорлик, обрў, ўз соҳаси бўйича кенг қамровли тушунча ва тажрибага эга бўлиш билан белгиланади. Компетенция шахсий сифат бўлиб, турли хил вазиятда педагогик фаолият ва ижтимоий ҳаётда ифодаланадиган қобилият, билим, кўникма ва малака ҳисобланади.

Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш, педагогик фаолият, педагогик мулоқот жараёнида доимий равишда юқори натижаларга эришиши унинг касбий компетентлиги дейилади.

Касбий компетентликнинг ривожланиши – бу шахсий касбий сифатларнинг ривожланишига олиб келувчи касбий малакани модернизациялаш ва ўзлаштириш, узлуксиз ривожлантириб ва юксалиб борувчи касбий малакани тўплаш каби динамик жараёндир [5].

Ахборот жамиятини яратиш ва ривожлантириш таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) кенг қўллашни назарда тутади, бу бир қатор омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, таълимга АКТни жорий этиш инсониятнинг билим ва тўпланган технологик ва ижтимоий тажрибасини нафақат авлоддан-авлодга, балки бир кишидан бошқасига ўтказишни сезиларли даражада тезлаштиради.

Иккинчидан, замонавий АКТ, таълим ва таълим сифатини ошириш, инсонга атроф-муҳитга ва ижтимоий ўзгаришларга янада муваффақиятли ва тезроқ мослашишга имкон беради. Бу ҳар бир инсонга бугунги кунда ва келажак жамиятда керакли билимларни олиш имконини беради.

Учинчидан, мазкур технологияларни таълимга фаол ва самарали жорий этиш, ахборот жамияти талабларига жавоб берадиган таълим тизимини яратиш, ҳамда замонавий жамияти талаблари асосида аньанавий таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида муҳим омил бўлмоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларини муваффақиятли татбиқ этишнинг мисоли сифатида Интернетни - ахборотни йиғиш ва сақлаш, уни ҳар бир фойдаланувчига алоҳида етказиш учун деярли чексиз имкониятлари бўлган глобал компютер тармоғининг пайдо бўлиши мисол бўлди. Интернет тезда илм-фан, таълим, алоқа, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение, реклама, савдо, шунингдек, инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ўз ўрнини топди. Таълим тизимига Интернетни жорий этишнинг биринчи қадамлари унинг ривожланиши учун улкан имкониятларни очиб берди. Шу билан бирга, улар тармоқдан таълим муассасаларида кенг фойдаланиш учун бартараф этилиши керак бўлган қийинчиликларни ҳам аниқладилар. Бу кўплаб техник (компютерлар, модемлар ва ҳ. к.), дастурий таъминот (ўқитиш технологияларини қўллаб-қувватлаш) воситаларидан фойдаланиш, шунингдек қўшимча ташкилий-услубий қўлланмалар тайёрлаш (талабалар ва ўқитувчилар учун махсус кўрсатмалар ва бошқалар), янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ва ҳокозалар тайёрлаш.

Таълимни ахборотлаштиришнинг энг истиқболли йўналишларидан бири Web-технологиялардан фойдаланиш. Бунинг сабаби, уларнинг асосий қисми ушбу технология ёрдамида амалга ошириладиган ахборотни (гиперматнли) тақдим этиш шаклидир. Ахборотни тақдим этишнинг гиперматнли шакли телекоммуникацияларнинг янги ахборот манбаларига кириш ва янги ўқув фаолиятини ташкил этиш нуқтаи назаридан дидактик имкониятларини бир неча бор оширади.

Web-технология гиперҳаволаларни навигация қилиш технологияси. Гиперҳавола – матн, расм, шунингдек, Web-саҳифалар каби бошқа маълумотларга ишора қилувчи ҳужжатда белгиланган позиция. Гиперҳаволани фаоллаштирганда, кўрсатилган обьектда ўтиш амалга оширилади. Гиперматн гипермулоқотларни ўз ичига олган ҳужжатдир.

Жаҳон инфратузилмасини сифат жиҳатидан ўзгартирган техник янгилик гиперматн ихтироси бўлди. Гиперматн атамаси китоб ва нутқнинг аньанавий чизиқли тузилишидан фарқли ўлароқ, ғояларнинг чизиқли бўлмаган тузилишини ифодаловчи ҳужжатларни тавсифлаш учун киритилди. Гиперматнли матн оддий матндан материалнинг тартибига қараб фарқ қилиши мумкин, гиперматн элементлари иерархик дарахт ёки ташкилот тармоғи сифатида жойлаштирилиши.

Таълим соҳасида гиперматнли тизимларнинг қуйидаги афзалликлари аниқланиши мумкин:

• гиперматн принципига асосланган материалларни ўрганиш, ҳис қилиш учун қулай ва асосий материални ёдлашга ижобий таъсир кўрсатади;

• ўқувчиларнинг интеллектуал даражасини оширади.

Web-технологиялардан фойдаланган ҳолда, ўқитувчилар зерикарли ахборотни такрорлашдан воз кечиб, ўқувчиларга шахсий ёрдам бериш, ахборотни муҳокама қилиш, тингловчиларда тадқиқот ёндашувини ривожлантириш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш орқали ўқув вақтидан янада самарали фойдаланиш имкониятига эга.

Web-технологиялардан фойдаланиш бўйича тренинг таълимни ахборотлаштириш вазифаларидан бирини, яьни «Таълимнинг интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш, мутахассислар томонидан доимий, индивидуал малака ошириш шартлари ва воситаларини яратиш» ни ҳал қилиш имконини беради [6].

Web-технологияларнинг бўлажак информатика ўқитувчиси фаолиятига таъсирининг учта асосий жиҳати мавжуд:

• Web-технологиялар мактаб информатика курсининг мазмунига киритилган. Шундан келиб чиқадики, компютер фанлари ўқитувчиси олийгоҳларда ушбу соҳада (мавзу, услубий, махсус) тегишли таълим олишлари керак);

• сўнгги пайтларда кўплаб таълим Web-сайтлари (ўқув, услубий, маълумотнома) пайдо бўлди. Ўқитувчи улардан самарали фойдаланишга тайёр бўлиши керак;

• таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари (узлуксиз таълим, очиқ таълим, масофавий таълим ва бошқалар) ўқитувчининг ўз таълим ресурсларини, шу жумладан, Web-сайтларни яратиш усуллари ва воситаларини ўзлаштириш зарурлиги ҳақида савол туғилади.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчилар томонидан Web-технологияларни таълим салоҳиятининг барча жиҳатини ўзларининг касбий фаолиятида қўллаш вазифаси қўйилади, бунинг учун олийгоҳларда Web-технологияларни ўрганиш керак. Замонавий компютер технологиялари гиперматн тушунчасини кенгайтириш ва гиперматн (гипермедиа) га ўтишга имкон беришини таъкидламоқда. Гипермедиа технологиялари билимларни тақдим этиш, яратиш ва қўллаш учун янги имкониятларни очиб беради, чунки улардаги тугунлар ва нуқталар нафақат матндан, балки сифат жиҳатидан янги ва ахборот таркибига бой элементлардан иборат бўлиши мумкин. Буларга расмлар, статистик ва динамик тасвирлар - слайдлар, аудио ёзувлар, видеоклиплар киради. Гиперматн технологияси концепциясининг кенгайиши тизимнинг ахборот қисмини гиперматнли тузилишга эга бўлган синтетик муҳитга (мултимедиа) айлантиришга олиб келади ва натижада бу тизим гипермедиага айланади.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида АКТдан, хусусан Web - технологиялардан педагогик фойдаланишга қуйидагилар киради.

• Web-технологияларига оид зарур билимлар асосларини ва улардан амалий фойдаланишда шахсий тажрибаларини тўплаш (Web-сайтларнинг дидактик салоҳияти, Web-ресурсларни яратиш);

• ўқув жараёнида фойдаланиш учун услубий ва умумий маданий тайёргарлик.

Таълим йўналишини ифодаловчи Web-ресурс гиперматнли ҳужжатлар ёрдамида аньанавий маълумотларни нашр этиш принциплари ва механизмларини ҳамда ўқув фаолияти ва билим мотивациясини рағбатлантирадиган махсус алгоритмларни бирлаштириши керак. Бинобарин, бундай Web-ресурсларининг мақсади нафақат умумий фойдаланиш учун маълумотларни тақдим этиш, балки авваламбор ўқув жараёнини ташкил этиш, билим фаолиятини рағбатлантириш ва талабаларнинг мотивациясини оширишдир.

Ахборотнинг электрон турларининг хусусиятлари, хусусан, Web-ахборот, таълим жараёни талабларига жавоб беришга қодир. Чунки ресурснинг гиперматнли тузилиши, шунингдек, URL манзилига асосланган ресурсларни ўзаро боғлашнинг мослашувчан тизими ахборот оқимини кўпайтириш ва шу билан билим соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Анъанавий воситалар, электрон почта ва амалга оширилган интерактив ахборот алмашиш имконияти, гарчи у жуда стандарт тизимларда бўлса-да, лекин махсус ташкил этилган, мунозарали форумлар, Чатлар махсус Web-шакллар ва бошқалар талабалар ва ўқитувчиларга берилган мавзулар бўйича очиқ мулоқот қилиш, ахборот алмашиш, бепул маслаҳат бериш, гуруҳ муҳокамаларини ташкил этиш имконини беради. Талабанинг мустақил иш вақтининг сезиларли улуши билан Web-ресурснинг бу хусусиятлари, албатта, иш фаолиятини кучайтиради, рағбатлантиради ва шунга мос равишда олинган маълумотларнинг бир бутинлик даражасини оширади. Тизимнинг муайян тури сифатида Web-ресурс таълимининг ўзига хос хусусияти Web-интерфейсдаги махсус алгоритмларни тўплаш орқали талабаларнинг муайян ҳаракатларини амалга ошириш учун етарлича қатъий тартибга эга бўлган маълум бир траектория бўйича ўқув жараёнини яратишга имкон беради, бу эса ўқувчиларни ўқитиш жараёнида рағбатлантириш ва ташкил этиш имконини беради.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таълим жараёнида Web-технологияларни қўллаш соҳаларидан бири бу Web-сайтни яратиш ва ундан тўлақонли Интернет-ресурс сифатида фойдаланишдир. Шундай қилиб, таълим жараёнида Web-технологиялар томонидан бажариладиган вазифалар, одатда, фан ўқитувчисидан ўқитиш курсини яратиш режаси билан белгиланади. Муайян ресурсни амалга ошириш шакллари ўқитувчининг аниқ белгилаб қўйган вазифалари билан аниқланади. Таълимда Web-ресурс вазифаларини кенг тушунишда, умуман, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ушбу ўзаро таъсир ўқув жараёнида кўп қирради бўлиши мумкин.

Web-технологияларнинг дидактик имкониятларини фойдаланадиган фан ўқитувчининг фаолияти қуйидаги даражада **такомиллаштирилади**:

• дарс самарадорлигини ошириш;

• сарфланган вақт миқдорини камайтириш орқали;

• энг сўнги ва ишончли маълумотни олиш имконияти;

• тезкор ахборотлар алмашиш имкониятлари ва бошқалар.

Адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар стратегияси. Узбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони 1-иловаси. –Тошкент: 2017 йил 7 февраль.

2. Алмазова Н.И. Когнитивные аспекты формирования межкультурной компетентности при обучении иностранному языку в неязыковом вузе. Авторефер диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук. -Санк-Петербург: 2003.

3. Базаров Т.Ю. Компетенция будущего: Квалификация? Компетентность (критерии качества).

4. Зимняя И.Л. Ключевые компетентности какк результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. Авторская версия. -М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 2004.
5. Муслимов Н.А. Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида компетентлик / "Меҳнат ва касб таълими ўқитувчилари касбий компетентлигини таъминлашнинг интегратив технологиялари" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Тошкент: ТДПУ, 2010. 114-б.
6. Везиров Т.Т. Формирование профессиональных умений будущих учителей математики и информатики на основе Web-технологий: Дисс. к.п.н: 13.00.08. -М.: 2009. –С.193.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Web-технологиялар асосида бўлажак информатика ўқитувчисининг касбий компетентлигининг назарий асослари ва бу борадаги муаммоларни ўрганиш масаласи ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье отражены теоретические основы профессиональной компетентности будущего учителя информатики на основе Web-технологий и исследования проблем в этой области.

SUMMARY

The article reflects the theoretical foundations of the professional competence of a future computer science teacher on the basis of Web technologies and the study of problems in this area.

ҒӘРЕЗСИЗЛИК ЖЫЛЛАРЫНДА ҚАРАҚАЛПАҚСТАНДА МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘЛИМНИҢ РАЎАЖЛАНЫЎЫНЫҢ МЕТОДОЛОГИЯЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ

А.Машерипова – *үлкен оқытыўшы*
Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў хызметкерлерин қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў аймақлық орайы

Таянч сўзлар: мақтабгача таълим, мактабгача таълим ташкилотлари, мактабгача ёш, мактабгача тарбия, боғча, хусусий боғча, мобиль боғча.
Ключевые слова: дошкольное образование, дошкольное учреждение, дошкольный возраст, дошкольное воспитание, детский сад, частный детский сад, мобильный детский сад.
Key words: preschool education, preschool institution, preschool age, preschool upbringing, kindergarten, private kindergarten, mobile kindergarten.

Өзбекстан Республикасы Президенти Шавкат Мирзиёевтың 2016-жылы 29-декабрьде «2017-2021-жылларда мектепке шекемги билимлендириў системасын және де жетилистириўдиң ис-илажлары ҳаққында» ғы қарары қабыл етилди. Усы қарар мектепке шекемги билимлендириў системасын түптен реформаластырыў, оны заман талаплары тийкарында қайта шөлкемлестириў ҳәм балаларды кәмил инсан етип тәрбиялаў ушын зәрүр шараятлар жаратыў имканиятын береди ҳәм мектепке шекемги билимлендириў системасын дәўир талабына сай жаңа басқышқа көтерди. Себеби, бизиң келешегимизди даўам еттириўши жасларымыздың тәрбиясы ҳәм оларды ҳәр тәреплеме мектепке таярлаў бүгинги күнимиздиң ең баслы ўазыйпасы ҳәм келешегимиздиң тийкары болатуғыны анық. Мәмлекетимизде баланың жеке өзгешелигин есапқа алған ҳалда дәслепки ҳәм мектепке шекемги жастағы баланы мәмлекетлик Дәстүр тийкарында тәрбияланбақта. [1:4]. Президентимиз тәрепинен жас әўладты тәрбиялаўдың биринши ҳәм әҳмийетли буўыны болған мектепке шекемги билимлендириў системасын түптен жетилистириўге айрықша итибар қаратылмақта.

Халқымыздың мүнәсип турмыс кешириўи, жәҳән талаплары дәрежесинде тәлим алыўы ҳәм кәсип ийелеўи, пуқараларымыздың жаратыўшылық дәрежесин әмелге шығарыў ушын зәрүр шараятлар жаратты. Бүгинги күнде алдымызға қойып атырған ўазыйпалардан келип шығып, мектепке шекемги билимлендириўди раўажландырыўға, әсиресе тәлим-тәрбияның сыпатын ҳәм нәтийжелилигин миллий ҳәм жәҳән тәжирийбесин есапқа алған ҳалда модернизациялаўға айрықшы итибар қаратылмақта. Нәтийжеде мектепке шекемги билимлендириў шөлкемлериниң материал-техникалық базасы, методикалық жақтан тәмийнлениўи жетилистирилип, оқытыў процесине алдыңғы педагогикалық ҳәм хабар технологиялары кеңнен енгизилмекте. Мәмлекетимизде мектепке шекемги билимлендириў системасын түптен жетилистириў бойынша бир қатар пәрман ҳәм қарарлар қабыл етилди: Өзбекстан Республикасы Президентиниң «2017-2021-жылларда мектепке шекемги билимлендириў системасын және де жетилистириў ис-илажлары ҳаққында» ғы 2016-жыл 29-декабрдеги PQ-2707-санлы, «Мектепке шекемги билимлендириў системасын және де жетилистириў ис-илажлары ҳаққында» ғы 2017-жыл 9-сентябрь айындағы PQ-3261-санлы қарарлары, «Мектепке шекемги билимлендириў системасын басқарыўды түптен жетилистириў ис-илажлары ҳаққында» ғы 2017-жыл 30-сентябрьдеги PF-5198-санлы пәрманлары мысал бола алады. Соның менен бир қатарда, Қарақалпақстан Республикасында 2018-жылды «Мектепке шекемги билимлендириў жылы» деп белгиленип, мектеп жасындағы балаларды мектепке шекемги билимлендириўге сол жылдың өзинде қамтып алыўды 45% ке көтериў мақсет етип белгиленген еди ҳәм гөзлеген мақсетке ерисилди. Бүгинги күнге келип Қарақалпақстан Республикасында мектепке шекемги билимлендириў тараўы кеңнен раўажландырылмақта. Мектепке шекемги билимлендириў Министрлиги шөлкемлестирилместен алдын, Қарақалпақстан Республикасы бойынша жәми 318 мектепке шекемги билимлендириў мәкемелери болып, олардан 308 мәмлекетлик, 3 мәмлекетлик емес, 7 кәрханаларға қараслы мектепке шекемги билимлендириў мәкемелери хызмет көрсетип келген. Бүгинги күнде Қарақалпақстан Республикасында Мектепке шекемги билимлендириў шөлкемлериниң саны жәми 543 болып, соннан 375 мәмлекетлик, 6 меншик, 22 мәмлекетлик жеке меншик шерикшилик, 2 кәрханаларға қараслы, 136 мәмлекетлик емес үй бақшалары жумыс ислеп келмекте. 2019-жыл 1 апрель ҳалатына Республика бойынша 3-7 жасқа шекемги балалар саны 150974 болып, соннан мектепке шекемги билимлендириў мәкемелерине 67091 бала қамтып алынған.

Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинетиниң 2018-жыл 28-майдағы 442-ф-санлы “Мектепке шекемги билимлендириў системасын және де раўажландырыў, мектепке шекемги жастағы балаларды мектепке шекемги билимлендириў мәкемелерине қамтып алыў дәрежесин асырыў, кем тәмийинленген шаңарақлар перзентлерине мектепке шекемги билим алыў ушын кең имканиятлар жаратыў ҳаққында” ғы қарары тийкарында 2018-жыл 1-июньннан баслап, Нөкис қаласы, Х.Абдамбетов көшесинде жайласқан 48-санлы мәмлекетлик мектепке шекемги билимлендириў мәкемеси шөлкемлестирилди. Мектепке шекемги билимлендириў шөлкеми кем тәмийинленген шаңарақлар перзентлери ушын мөлшерленген. Шөлкемге балалар улыўма санының 50 пайызы муғдарында кем тәмийинленгенлер дизиминде турған

шаңарақлардың перзентлери тийкарланған ҳүжжетлер бойынша бийпул қабыл етилди. Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2018-жыл 16-августтағы «Арал бойы регионы балалары ушын реабилитация орайына ийе көп тармақлы қәнигелестирилген Мәмлекетлик мектепке шекемги билимлендириў шөлкемин шөлкемлестириў ис-илажлары ҳаққында»ғы ПҚ-3909-санлы қарарына тийкарланып, Нөкис қаласы «Нур» мәкан пуқаралар жыйынан 120 орынға мөлшерленген «Имкон» реабилитация орайларына ийе көп тармақлы қәнигелестирилген мәмлекетлик мектепке шекемги билимлендириў мәкемеси 2019-жыл 4-апрельден баслап иске түсти. Жәнe де мәмлекетимизде мектепке шекемги билимлендириўдиң жаңа түри енгизилмекте. Мобиль топарлар базасында мектепке шекемги билимлендириў хызметлерин көрсетиў бойынша тәжирийбе-сынаў жойбарын әмелге асырыў ҳаққында Ҳүкимет қарары (786-сан, 18.09.2019.) қабыл етилди. Қарарға муўапық, 2019-2020-оқыў жылынан баслап, мектепке шекемги билимлендириў мобиль топарлары тәжирийбе сыпатында Қарақалпақстан Республикасы ҳәм ўәлаятлар айырым районларында, қайта үскенеленген ISUZU НС 40 автобусларында шөлкемлестириледи. Мобиль топардың ўазыйпаларынан бири мектепке шекемги билимлендириў менен қамтып алынбаған балалардың ҳәр тәреплеме жетик, интеллектуал камал табыўына шараят жаратыўдан ибарат. Мобиль топарларға 3 жастан 7 жасқа шекем болған, мектепке шекемги билимлендириў мәкемелерине бармайтуғын балалар қабыл етиледи. Бүгинги күнде мектепке шекемги билимлендириў шөлкемлеринде 4769 педагог тәлим-тәрбия бермекте. Соннан, 1601 жоқары мағлыўматлы, 3172 орта мағлыўматлы, 168 қәниге емес. Ал соннан, 3240 тәрбияшы болып, 711 жоқары мағлыўматлы, 2529 орта мағлыўматлы. 2018-жылы 15-февраль күнги Өзбекстан Республикасы Жоқары ҳәм Орта Арнаўлы Билимлендириў Министрлигиниң буйрығына тийкарланып, мектепке шекемги билимлендириў шөлкемлерин жоқары мағлыўматлы кадрлар менен тәмийнлеў мақсетинде Халық Билимлендириў Хызметкерлерин Қайта Таярлаў ҳәм Олардың Қәнигелигин Арттырыў Аймақлық Орайында 2018-жыл 22-февраль күннен баслап 695 тәрбияшы, 173 дефектолог, 82 психолог кәсиплик таярлықтан өткерилип, мектепке шекемги тәлимди жоқары мағлыўматлы қәнигелер менен тәмийинлеўге ерисилди. Бүгинги күнде бизиң мектепке шекемги билимлендириў шөлкемлеримиз, балалардың индивидуал зәрүрликлерин есапқа алған ҳалда, ерте жас ҳәм мектепке шекем жастағы балалардың раўажланыўына қойылатуғын мәмлекетлик талаплар ҳәм мәмлекетлик оқыў дәстүри бойынша ҳәр тәреплеме раўажланыўы ушын қолайлы шараятлар жаратып бермекте. Мектепке шекемги тәрбия мәкемелериндеги тәлим-тәрбияның тийкарғы мақсети физикалық жақтан саў-саламат, ақыл-еси пүтин, интеллекти раўажланған, логикалық пикирлейтуғын, руўхый бай, өз пикирин еркин айта алатуғын жетик шахсты тәрбиялаў болып табылады [3:56]. Мектепке шекемги тәрбия мәкемелери хызметкерлери буларды терең түсинип ертеңги келешегимиз болған әўладларымызды миллий, мәдений қәдирилятлар, өзлигимизди аңлаў, миллий мақтаныш, Ўатанға муҳаббат, жасы үлкенлерге ҳәм кишилерге, ата-аналарына ҳүрмет-иззет түсиниклерин ҳәм сезимлерин сиңдирип барыўы лазым. Себеби, дөгерек әтирaптағы адамлардың сөйлеў мәденияты, өз ара мүнәсибети тәсиринде бақшада тәрбияланып атырған жас балалардың сезимлери раўажланып барады ҳәм жеке өзгешеликлери пайда бола баслайды.

Жуўмақлап айтқанда, мектепке шекемги билимлендириў системасы үзликсиз тәлимниң биринши басқышы болып, бул жүдә жуўапкершиликли ҳәм әҳмийетли басқыш болып есапланып, келешегимиз болған жас әўладтың тәлим-тәрбиясында педагог-тәрбияшыларға үлкен ўазыйпалар ҳәм жуўапкершиликти жүклейди.

Әдебиятлар

1. «Илк қадам» Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. –Тошкент: 2018.

2. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

3. Тлеумбетова К.Д. ҚМУ жанындағы педагог кадрларды қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин жетилистириў аймақлық орайы “Мектепке шекемги билимлендириў: тәжирийбелер, машқалалар ҳәм раўажланыў перспективалары” атамасындағы Республикалық илимий - әмелий конференциясы. –Нөкис: 2019, 56-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бугунги кунда Қорақалпағистонда мактабгача таълим тизими ва мактабгача таълим ташкилотларининг ривожланиши бўйича қатор маълумотлар келтирилган. Унга мактабгча таълим тизимининг ҳолати, мактабгча ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиниши ҳақидаги ва ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар манбаларга таянган ҳолда баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводится некоторые информации о системе дошкольного образования Каракалпакстана и развитие дошкольных учреждений на настоящий момент. Состояние дошкольной системы образования, состояние охвата детей дошкольного возраста в дошкольные учреждение и основные деятельности дошкольных учреждений обосновывается на примере источников.

SUMMARY

The article provides a number of information on the development of preschool education and preschool education system in Karakalpakstan today. The state of the pre-school education is based on sources about the enrollment of preschool children in pre-school education institutions and the activities of the organizations.

ТАРИХИЙ-БАДИИЙ АСАРЛАР ВОСИТАСИДА КУРСАНТЛАРДА ҲАРБИЙ ЖАСОРАТ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

М.У.Муродиллаева – *катта ўқитувчи*

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси

Таянч сўзлар: олий ҳарбий таълим муассасалари, тарихий-бадиий асарлар, ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантириш, ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантириш тамойиллари.

Ключевые слова: высшие военные учебные заведения, историко-художественные произведения, развитие качеств воинской отваги, принципы развития качеств воинской отваги.

Key words: higher military educational institutions, historical-artistic works, development of qualities of military courage, principles of development of qualities of military courage.

Бўлажак офицерларда ривожлантирилиши лозим бўлган касбий фазилатлар сирасида жасорат сифатлари муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, уларнинг бу сифатларга эга бўлиши ҳарбий фаолият моҳиятини чуқур англаб етишга ундайди, асл ватанпарвар эканлигини исботлаб беради.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида сюжетида жасорат, мардлик, қаҳрамонлик, довюраклилик, ватанпар-

варлик ғоялари илгари сурилган тарихий-бадиий асарларни мустақил ёки машғулотлар давомида ўрганиб бориш таълимни ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда самарали тарбиявий таъсир эга. Асар қаҳрамонлари бўлган афсонавий ёки тарихий шахсларнинг сиймоси, улар томонидан кўрсатилган жасорат, мардлик, қаҳрамонлик, довюраклилик, ватанпарварликнинг бадиий-ҳиссий жиҳатдан ёритилиши олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг кўз олдида намоён бўлиб, уларнинг ҳиссий-эстетик, иродавий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга улкан ёрдам беради.

Ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантиришга қаратилган жараённинг самарали кечиши, энг аввало, аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятда устуворлик касб этувчи тамойилларнинг аниқланишига боғлиқ. Устувор тамойилларни моҳияти ҳамда уларнинг тарихий-бадиий асарлар воситасида курсантларда жасорат сифатларини ривожланти-ришдаги аҳамияти хусусида сўз юритамиз:

1. Тарихийлик тамойили тарихий-бадиий асар воситасида тарихий воқеликлар ва жараёнлар билан танишиш, уларнинг моҳиятини англашда тарихий маълумотлар, ҳужжатларга мурожаат қилинганлик, ижтимоий-тарихий моҳиятга эга ҳаёт тарзи асарнинг “ядроси”ни ташкил этиши, тарихий ҳақиқатларнинг имкон қадар аслиятига дахл қилмаган ҳолда ёритилиши, шу билан бирга миллий тарихга ҳурмат билан ёндашиш, халқнинг неча минг йиллик кечмишини инкор этмаслик, аксинча, миллий тарих билан фахрланиш каби ҳолатларни ифодалайди. Мазкур тамойил тарихий-бадиий асарлар восита сифатида курсантларда жасорат сифатларини ривожлантириш учун миллий тарихимиз моҳиятини чуқур англаб етиш, унга ҳурмат-эҳтиромда бўлишга ундайди.

2. Бадиий ифодавийлик ва ҳиссий таъсирланиш тамойилида тарихий-бадиий асарларнинг қиймати уларнинг ҳиссий таъсирини кучайтиришга ёрдам берувчи бадиий ифодавийлик, ифодавийлик “нутқнинг тингловчи томонидан қабул қилинишини таъминлаши” [1:62], бадиий ифодавийлик тарихий жанрда яратилган асарларни ифода услубининг равон бўлиши таъминланади. Ифодавийлик бўлажак офицерларда асар қаҳрамонлари сиймосида жасорат сифатларига эришиш эҳтиётини юзага келтиради. Зеро, асар қаҳрамонларининг жасорати, мардлиги ва қаҳрамонлиги бадиий ифодавийлик воситасида курсантларга ҳиссий таъсир кўрсатади.

3. Тарихий ворислик тамойили. Авлодларни аждодларнинг бой тарихий мероси билан таништириш, уларнинг турмуш тарзи, ҳаётий интилишлари, ижтимоий мақсадларидан хабардор қилиш, аждодлар анъаналарини асрашга ундаш учун хизмат қилади. Ҳарбий мавзуларда яратилган, моҳияти ва мазмунида ҳарбий ҳаётга доир воқеа ҳодисалар акс эттирилган тарихий-бадиий асарлар тарихий ворисийлик тамойили моҳиятини акс эттирган. Шу билан бирга бундай асарлар иши билан ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлиб, улар воситасида ҳар бир ҳарбий шахс жасорат сифатларини ривожлантириш баробарида, аждодларимиз муқаддас деб билган ўз юртини ўзининг номус-ори, шаъни, ғурурини муҳофаза қилганидек ҳимоя қилишлари, ҳаттоки ўз ҳаётларини унинг озодлиги, тинчлиги ва осойишталиги йўлида қурбон қилишдан заррача ҳайиқмай мардлик ва жасурлик сифатларига эга бўлганликлари тўғрисида қимматли ва ўрнак олишга ундовчи тарихий воқеа ҳодисалардан бохабар қилади. Пировардида, курсантларда ҳарбий анъаналарга содиқ бўлиш, она юртга садоқат, ватанпарварлик, жасорат, мардлик сифатлари мустаҳкамланиб, уларнинг қон қонига сингиб боришига замин яратилади.

4. Иродавий фаоллик тамойили. Мазкур тамойил асосини ирода ҳамда фаоллик ташкил қилади. “Шахс томонидан ўзининг мақсадга йўналтирилган ҳаракат ва интилишларини такомиллаштиришдаги ички ва ташқи тўсиқларни енгишга қаратилган малакаларда ифодаланадиган хулқ-атвори ва фаолиятининг онгли бошқарилиши” [5:373] сифатида намоён бўладиган ироданинг муайян ҳолати фаоллик негизида акс этади.

Э.Г.Ширяеванинг қайд этишича, иродавий фаоллик “иродавий ҳолатларни, иродавий жараёнларни ва шахснинг иродавий хусусиятларини, яъни, фаолиятни амалга оширишда иштирок этадиган руҳий жараёнларни белгилаб беради ҳамда, ўзида фаолият мотивлари ва мақсадларини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос йўллари [4:3]ни ифодалайди. Қайд этилган қарашларни чуқур ва теран таҳлил қилар эканмиз, таҳлилларимиз натижаси ҳарбий бўлган ҳар бир шахс мустаҳкам ва метин ирода, мустақим фаоллик сифатлари мужассам бўлишини лозим тақазо этади.

5. Ҳарбий қадриятларнинг устуворлиги тамойили. Дарҳақиқат, ҳарбий қадриятларнинг олий қадриятга айланиши тарихий-бадиий асарлар воситасида таъминланади. Тарихий воқеа-ҳодисалар, тарихий жараёнларни бадиий таъсирчанлиги асосида ифодалайди. Н. В. Черникованинг фикрига кўра, “ҳаётий қадриятлар, ахлоқ меъёрлари ва қоидалари фақатгина ҳис-туйғулар орқалигига ривожланаётган шахснинг қадриятлари ва меъёрларига айлана олади” [3:65]. Бу эса курсантларни ҳиссий-эстетик ва ахлоқий руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ҳиссий-эстетик ва ахлоқий руҳда тарбияланган ҳар бир курсант аждодлар томонидан улуғланган ҳарбий қадриятлар, анъаналарни ўзининг шахсий қадриятлари сифатида эъзозлайди.

Ҳар бир қўшиннинг муайян таркибий тузилма ҳамда ҳарбий атрибутларга эга бўлиши, “ҳарбий парадларни ташкил этиш; парад чоғида ҳарбий қисмларнинг бошлиқлари ўз қўмондонларига қўшиннинг маросимда ҳозир бўлганлиги тўғрисида ҳисоб бериш; қўмондонга мадҳу-сано айтиш (бугунги кундаги “Соғлик-саломатлик тилаймиз”, “Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан” тарзида билдирилувчи тилаклар); қўшиннинг ҳарбий парадда ўзининг маросим либосида иштирок этиши; қўшин таркибига кирувчи ҳар бир бўлинма ўзигагина хос либосга эга бўлиши; ҳарбий парадда ҳар бир бўлинманинг ўз байроқлари билан иштирок этиши, белгиланган майдон бўйича мусиқа садолари остида шаҳдам қадам ташлаб ўтиш” [2:12] кабилар ҳарбий қадриятлар сифатида улуғланганликни намоён этади.

6. Анъаналар ва новацион ғоялар бирлиги тамойили. Тарихий ворислик негизида, энг аввало, аждодлар томонидан қадрият сифатида ардоқланган анъаналар кузатилади. Араб тилидан таржима қилинганда “наслдан наслга ўтувчи қоида” деган маънони англатадиган “анъана” тушунчаси ёрдамида “ҳаётда қарор

топган (топаётган) удум, урф-одат ва бошқа амаллар" [1:89] тушунилади. Жасорат сифатларини ривожлантиришда курсантларни аждодларнинг ҳарбий мероси билан таништириш билангина чекланиб қолмай, улар негизида соҳадаги ўзгаришлар, ҳарбий мутахассисларнинг касбий фаолиятга бўлган ёндашуви, янги тенденциялар ҳақида ҳам маълумотларни бериб ўтиш мақсадга мувофиқ саналади. Бу тарихий-бадиий асарларни ўрганиш, мазмунини чуқур ва теран таҳлил қилиш, амалий машғулотларни ташкил этишда инновацион ҳамда ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

7. Интерфаол ёндашув тамойили. Ушбу тамойил негизида интерфаоллик ётади. Моҳиятига кўра интерфаоллик шахсларнинг "билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларини англатади. Мантиқий нуқтаи назардан эса интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди [5:5]. Тамойил ёрдамида тарихий-бадиий асарларни ўрганиш жараёнида курсантларнинг амалий топшириқларни биргаликда, ўзаро ҳамкорлик асосида бажариши, лойиҳаларни тайёрлашда жуфтлик, кичик ва катта гуруҳларда ишлаши, тақдимотларни жамоавий муҳокама қилишини англатади. Замонавий шароитда тарбиявий вазиятларни ҳал қилишда ҳам интерфаол методлар самарали методлар сифатида тан олинган. Зеро, интерфаол методлар "нафақат бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини оширишни таъминлайди" [4:6], балки шахсга самарали таъсир этишнинг "энг қисқа йўлини кўрсатиб беради. Бинобарин, интерфаол методлар ёрдамида шахсга самарали таъсир этиш воситаси жамоа саналади [2:98]. Қолаверса, тажриба-синов ишларини амалга оширишда ҳам интерфаол методлардан самарали, ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Тамойил ёрдамида ана шу ҳолат ҳам ёритилади.

8. Муаммоли ёндашув тамойили. Инновацион таълим муҳитида шахсга тайёр билимларни бериш эмас, балки уни билимларни ўзлаштиришга методик жиҳатдан тўғри йўналтира олиш долзарблик касб этмоқда. Шунга кўра, жасорат сифатларини ривожлантириш жараёнида уларни муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, педагогик кейсларни ечиш, муҳокамалар жараёнида "ғояга қарши ғоя" асосида иш кўришга жалб этиш муҳимлигини англатади. Интерфаол методлар ёрдамида муаммоли характерга эга вазиятларнинг ечимини топишга йўналтирилди.

9. Синергетик ёндашув тамойили. Синергетик ёндашув нуқтаи назаридан шахс камолоти "унинг ташқи таъсирларсиз ички имкониятларига таянган ҳолда ўз-ўзини камолга етказишини таъминловчи жараён сифатида кўрилади. Бу жараёнда янги даражани ифодаловчи (аввалгидан кўра сифат жиҳатдан яхшироқ) ҳолатга эришилади. Бошқача айтганда, асосий диққат қайта шаклланиш, яъни, шахс қиёфасида содир бўлган кескин ўзгаришлар (янги фазилатларнинг шаклланиши)га қаратилади. Курсантларда жасорат сифатларини ривожлантириш ўзаро ҳамкорликни тақозо қилиб, ҳамкорлик "педагог ва курсантлар ёки курсантларнинг ўзларининг орқали юзага келади. Шу сабабли синергетик парадигмада интерфаол методлар талабалар шахсининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омил сифатида қайд этилади" [3:71]. Ўз-ўзини ривожлантириши жамоавий фаолият жараёнида ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, педагог билан ҳамкорлик эса улар ўртасидаги тескари алоқа асосида кечади.

10. Креатив ёндашув тамойили. Тарихий-бадиий асарлар воситасида курсантларда жасорат сифатларини ривожлантиришда креатив ёндашувнинг устуворлиги улар томонидан амалий топшириқларни бажариш, лойиҳаларни тайёрлашда кўзга ташланади. Курсантларнинг индивидуал, жуфтли, гуруҳли, жамоавий фаолияти якунида топшириқлар, лойиҳалар креатив, оргинал ечимга эга бўлиши зарур. Креатив ёндашув тамойили айнан мана шу ҳолатларни ифодалашга хизмат қилади.

11. Ижтимоий ва гуманитар фанлар интеграцияси тамойили. Ушбу тамойил ўқув фанлари сирасида ижтимоий ва гуманитар фанларнинг бир-бирини тақозо этишини англатади. Ижтимоий моҳиятга эга тарих, гуманитар характерни касб этувчи адабиёт фанларининг дидактик имкониятлари, шахсни шакллантиришдаги роли, унда бадиий-эстетик ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги ўрни олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларда жасорат сифатларини ривожлантиришда кенг имкониятларни очади. Курсантларда жасорат сифатларини ривожлантириш жараёнида ижтимоий ҳамда гуманитар фанлар ўртасидаги интеграциянинг таъминланиши эса уларнинг дидактик, тарбиявий ва ижтимоий имкониятларини бир нуқтага жамлаш орқали юқори самарадорликка эришишни назарда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий-бадиий асарлар воситасида курсантларда ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантиришда кутилган натижаларга эришиш бу жараённинг самарали кечишини таъминловчи тамойилларга боғлиқ. Назарий таҳлил, олий ҳарбий таълим муассасаси амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тарихийлик, бадиий ифодавийлик ва ҳиссий таъсирланиш, тарихий ворислик, иродавий фаоллик, ҳарбий қадриятларнинг устуворлиги, анъаналар ва новацион ғоялар бирлиги, интерфаол, муаммоли, синергетик ҳамда креатив ёндашувлар, ижтимоий ва гуманитар фанлар интеграцияси каби тамойиллар тарихий-бадиий асарлар воситасида курсантларда ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантиришда самарали эканлиги аниқланди. Педагогик амалиётда ушбу тамойиллар асосида иш кўриш кутилган натижага эришишни кафолатлайди.

Адабиётлар

1. Ляудис В.Я. Методика преподавания психологии. – М.: Психология, 2003. – С. 6.
2. Маклаков А.Г. Общая психология / Учебник для вузов. СПб.: -Питер: 2006. – С. 373.
3. Мамажонов М. Миллий ҳарбий анъаналар ва уларнинг тарбиявий имкониятлари / Методик тавсиянома. – Т.: ЎзПФИТИ, 2007. 12-б.
4. Халанская В.А. Самоорганизация личности студента в процессе обучения с помощью активных методов. – М.: Изд-во СГУ, 2010. – С. 71.
5. Черникова Н.В. Педагогические принципы эстетического воспитания студентов – будущих учителей // http://www.tsutmb.ru/nayk/nauchnyie_ meropriyatiya/int_konf/mezhdunarodnyie/lichnostnoe/uchitelej.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ҳарбий жасорат сифатларини ривожлантириш, таълим жараёнида мазкур сифатларни ривожлантириш воситаларидан самарали фойдаланиш, тарихий-бадиий асарларнинг тарбиявий аҳамияти, педагогик фаолиятда уларнинг тамойилларининг устуворлиги ҳақида мулоҳазалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье подробно рассматриваются вопросы развития качеств воинской отваги, одного из видов профессиональной деятельности будущих офицеров в системе высшего военного образования, эффективного использования средств развития этих качеств в обучении, воспитательной ценности историко-художественных произведений в развитии воинской отваги, приоритета их принципов в педагогической деятельности.

SUMMARY
In this article, there is descibed the development of military courage qualities as one of the professional activities of future officers in higher military educational institutions, the effective use of the means of development of these qualities in the educational process are given in detail.

HUQÍQÍY BILIMLER TIYKARÍNDA AKADEMIYALÍQ LICEY OQÍWSHÍLARÍNÍŃ PUQARALÍQ POZICIYASÍN RAWAJLANDÍRÍW

N.T.Orınbetov – *assistent oqıtıwshı*
Ájiniyaz atındağı Nókis mámleketlik pedagogika institutı

Tayanch so‘zlar: globallashuv, fuqarolik, fuqarolik pozitsiyasi, qadriyatlar, huquqiy ong, huquqiy ta’lim, huquqiy tarbiya, huquqiy madaniyat.
Ключевые слова: глобализация, гражданственность, гражданская позиция, ценности, правосознание, правовое образование, правовое воспитание, правовая культура.
Key words: globalization, citizenship, civic stand,values, legal consciousness, legal education, legal culture.

Búgingi kúnde dúnyada júz berip atırǵan waqıyalar, globallasıw processleriniń tezlesiwi hám keńeyiwi, túrli aymaqlarda júzege kelip atırǵan krizisler Fr.Nicshe pikiri menen aytqanda: «barlıq qádiriyatlardı qayta bahalaw»[1]ǵa alıp kelmekte hám bul bahalaw ayırım qarama-qarsılıqlarǵa, hátteki destruktiv ózgesheliklerge iye. Búgingi kúnde ayırım batıs mámleketleri globallasıw hám demokratiya bayraǵı astında óz mádeniyatların basqa aymaqlarǵa jayıwǵa umtılmaqta. Qarama-qarsılıqlarǵa bay bolǵan bunday mashqalalardı ańlaw ushın jaslardı dástúrler hám qádiriyatlarımız tiykarında tárbiyalaw, olardıń huqıqıy sanasın hám huqıqıy mádeniyatın jetilistiriw, erkin pikirlewin, turmıslıq poziciyasın, keń dúnyaqarasın qáliplestiriw hám rawajlandırıwǵa kómeklesiw talap etiledi.

Bunnan kelip shıǵıp, akademiyalıq licey oqıwshılarında puqaralıq poziciyasın qáliplestiriw-hár bir oqıwshıda eń áwele óz xalqınıń tariyxı, ruwxıy qádiriyatları, watanımızdıń imkaniyatları hám keleshegin biliw, onı qádirlew, onnan quwanıw, elimiz tınıshlıǵı,watanımız rawajı hám xalıq abadanlıǵı ushın juwapkershilikti seziw, óziniń huqıqların hám minnetlerin jaqsı biliw menen birge olardı tolıq ámelge asırıw, hár qanday jaǵdayda da milliy máplerdi qorǵay alatuǵın pazıyletlerdi tárbiyalawdan ibarat. Birinshi Prezidentimiz Islam Karimov aytqanınday, “hámmemizdiń tiykarǵı wazıypamız – jaslarımızdıń erkin pikiri hám dúnyaqarasınıń qáliplesiwine kómeklesiw, turmısta óz poziciyasın bekkem belgilep alıwǵa járdemlesiw, olardı sanalı hám bilimli etip tárbiyalaw, átirapımızdaǵı waqıyalarǵa itibarsız bolmaw, mámleketke tiyislilik sezimi menen jasawǵa úyretiwden ibarat” [2:100].

Bekkem puqaralıq poziciyası qáliplesken oqıwshı mámleketke tiyislilikti ańlap jetedi, jáne de bul oqıwshıda watansúyiwshilik sezimi, konstituciya, nızamlardı hám mámleket nıshanların húrmet etiw sezimi joqarı boladı. Sondayaq, puqaralıq bir tárepten jámiyette shaxstıń górezsizligin, ekinshi tárepten adamlardıń jámiyet turmısındaǵı qatnasıwında sáwlelenetuǵın joqarı dárejedegi birlikti názerde tutatuǵın qaraslardıń jiyindısın ańlatadı. Puqaralıqtı ańlatatuǵın ayırım áhmiyetli tárepler dep tómendegilerdi atap ótsek boladı:

- puqaranıń óz huqıqların túsiniwi hám onı turmısta qollanıw kónlikpesi;
- basqa puqaralardıń huqıqların húrmet etiwi;
- puqaranıń óz is-háreketi ushın jeke juwapkershiligi;
- mámleket hám jámiyet aldındaǵı óziniń huqıqıy hám ádep-ikramlılıq juwapkershiligin ańlawı;
- puqaralardıń teńligi;
- joqarı ruwxıy ádeplilik ólshemlerge tiykarlanıp, sociallıq reallıqqa obyektiv hám kritikalıq jantasıw, hákimiyat penen, basqa puqaralar hám jámiyetlik birlespeler menen unamlı pikir júrgiziw qábileti;
- puqaralıq ózlikti ańlaw hám t.b[3].

Usı maqsette akademiyalıq licey oqıwshılarınıń puqaralıq poziciyasın rawajlandırıwda oqıw orınlarında jámiyetlik pánlerdiń ornı ayırıqsha. Búgingi kúnde bilimlendiriw sisteması aldında oqıwshılardıń huqıqın, siyasiy sanasın, mádeniyatın rawajlandırıw, watan aldındaǵı juwapkershiligin kúsheytiw wazıypası turıptı. Sonday-aq, zamanagóy bilimlendiriwdiń maqseti de joqarı sanalı, dúnya qarası keń, bilimli, óziniń erkin pikirine iye, watanǵa sadıq, milliy hám ulıwma insanıylıq qádiriyatlarǵa sadıq insanlardı tárbiyalawdan ibarat. Bul wazıypalardı jámiyetlik gumanitar pánler, sonıń ishinde, «Huqıqtanıw», «Puqaralıq jámiyeti», «Milliy ideya», «Siyasattanıw», «Filosofiya», «Tariyx» hám t.b. pánler ámelge asıradı.

Akademiyalıq licey oqıwshılarınıń puqaralıq poziciyasın qáliplestiriwde «Huqıqtanıw» páni ayırıqsha áhmiyetke iye. Sebebi, dáslep oqıwshılardıń huqıqıy sanasın hám mádeniyatın rawajlandırıw hám usı tiykarda puqaralıq sanasın rawajlandırıw talap etiledi. Puqaralıq sanası, demokratiyalıq qádiriyatlar, ideallar, huqıq hám erkinlikler kózqarasınan shaxs, jámiyet hám mámleket ortasındaǵı qatnasıqlardı ańlawdan ibarat. Puqaralıq sana, puqaralıq juwapkershilikti, puqaralıq mádeniyattı, sociallıq áhmiyetke iye bolǵan ózgesheliklerdi de qáliplestiredi. Oqıwshılardıń puqaralıq poziciyasın qáliplestiriwde huqıqıy sana hám huqıqıy mádeniyattıń ornı júda áhmiyetli, sebebi, olarda sociallıq belsendilikti asırıw, jámiyet aldında puqaralıqtı ańlaw kónlikpeleriniń qáliplesiwinde tiykarǵı faktor bolıp xızmet etedi. Jaslardıń belsendi puqaralıq poziciyasın qáliplestiriw tek ǵana mámleket basshısınıń yamasa mámleket xızmetkerleriniń wazıypası emes, bálkim jaslar tárbiyasına juwapker bolǵan jámiyettegi barlıq puqaralardıń wazıypası da bolıp esaplanadı. Jaslarǵa itibar, bul eń dáslep, shańaraqtıń qalaberse jámiyettiń tiykarǵı wazıypasına aylanıp barmaqta. Milliy hám ulıwmainsaniy qádiriyatlar ruwxında kámillikke erisip atırǵan jaslarǵa, hár qanday juwapkershilikli wazıypanı isenip tapsırıw múmkin, búgin elimizde óz teńleslerine úlgi bolıp atırǵan, Ózbekstandı dúnyaǵa tanıtıwda óziniń múnasip úlesin qosıp atırǵan jaslarımız kópshilikti quraydı. Jańa rawajlanıp atırǵan Ózbekstanımızda ótken bir jıl dawamında jas jigit-qızlarımızdıń 266 sı respublika, 80 ni xalıq aralıq pán olimpiadaları jeńimpazları, 12 sportshımız jáhán, 93 sportshımız Aziya chempionatlarında, 150 den zıyat jaslarımız xalıq aralıq tańlawlarda joqarı nátiyjelerge eriskeni pikirimizdiń dáliyli esaplanadı [4:252]. Tilekke qarsı, ayırım oqıwshılarımız óziniń qımbatlı waqtın nátiyjesiz jumıslarǵa sarıplap yamasa jaman jollarǵa adasıp kirip qalıp atır. Sonıń ushın usınday jaslardı tuwrı jolǵa baǵdarlap, olardı óziniń qábilet hám imkaniyatlarına isenim oyatıw, olardı erkin pikirlew, óz puqaralıq poziciyasına iye bolıwı, puqaralıq poziciyasın ámelge asırıw kónlikpelerin qáliplestiriw júda úlken áhmiyetke iye. Bunday wazıypalardı ámelge asırıwdıń bir qatar faktorları bar hám olar tómendegilerden ibarat:

Birinshiden, shańaraqtaǵı sociallıq ortalıq. Ata-ananıń perzentine kórsetip atırǵan tásiri, tuwrı baǵdarlanǵan tárbiyası. Ata-ananıń ózi perzentine úlgi bolıwı júda áhmiyetli rol oynaydı. Balanı jaslayınan erkin pikirlewge, kitapqa, belgili pán yamasa kásip-ónerge qızıǵıwın oyatıwǵa, baladaǵı qábiletti erte ańlap onı tuwrı jolǵa baǵdarlawǵa ata-ana tikkeley juwapker. Bul jaǵday balanıń ózine bolǵan isenimin asırıwǵa úlken tásir kórsetedi;

Ekinshiden, bilimlendiriw mákemelerinde alıp barılatuǵın tálim-tárbiya jumıslarınıń durıs jolǵa qoyılǵanlıǵına baylanıslı. Balanıń qábileti hám olardıń individual ózgesheliklerin esapqa alıp tálim-tárbiyanı durıs shólkemlestiriw hár qanday pedagogtan úlken sheberlik talap etedi. Eger, pedagoglar baladaǵı qábiletti, intasın hám

qızıǵıwların óz waqtında ańlap, olardı rawajlandırıwǵa tásir kórsetse, bunday jaslardan keleshekte hár tárepleme nawqıran insanlar jetilisip shıǵadı. Bilimlendiriw mákemelerinde shólkemlestiriletuǵın hár qıylı ruwxıy, aǵartıwshılıq, huqıqıy-siyasiy temalardaǵı ilajlar oqıwshılardıń puqaralıq belsendiligin asırıwǵa xızmet etedi;

Úshinshiden, máhálle belsendileriniń jaslar menen alıp barılatuǵın túrli formadaǵı ilajları. Sonıń ishinde, «Jas kitapqumar», «Jas sportshı», «Jas huqıqshı» hám t.b. ruwxıy-aǵartıwshılıq ilajlariniń shólkemlestiriliwi, oqıwshılardıń jámiyette óz ornın tabıwǵa bolǵan qızıǵıwın asıradı;

Tórtinshiden, jámiyetlik shólkemler, mámleketlik emes hám kommerciyalıq emes shólkemler, siyasiy partiyalardıń oqıwshılar menen alıp baratuǵın iskerligi de, oqıwshılardıń puqaralıq poziciyasın qáliplestiriwde áhmiyetli faktor esaplanadı. Búgingi kúnde, jaslar menen óz qatarın keńeyttiriwge úlken itibar berip atırǵan shólkemler óz sociallıq tarmaqlarına iye bolıp, olar arqalı oqıwshılardı belsendilikke shaqırmaqta. Jaslar parlamenti, jaslar agentligi bul baǵdarda úlgi bolıp atır desek qátelespeymiz;

Besinshiden, Ǵalaba xabar quralları arqalı berilip atırǵan jaslardı belsendilikke shaqırıwshı kórsetiw hám esittiriwlerdi jáne de jetilistiriw zárúr. Búgingi kúnde bul máselede ǵalaba xabar quralları málim dárejede arqada qalmaqta. Itibar berip qaraytuǵın bolsaq, jaslarda belsendi puqaralıq poziciyasın qáliplestiriwde ǵalaba xabar qurallarınıń roli úlken. Biraq bul imkaniyattan jeterli dárejede paydalanbay atırptı. Búgingi kúnde ayırım kórsetiwler júda sayız, turmıslıq mashqalalar menen baylanıslı kórsetiwler júda kóp. Bul óz náwbetinde jaslardı ózlerinen zeriktirip, uzaqlastırıp internetke ǵárezliligın asırıwǵa alıp kelmekte. Internetten paydalanıp atırǵan jaslardıń hámmesin de durıs joldan baratırıptı dep ayta almaymız. Sonıń menen birge, onnan durıs paydalanıp atırǵan jaslarımız da kópshilikti quraydı. Nátiyje sonnan ibarat, huqıqıy bilimler tiykarında oqıwshılardıń bekkem puqaralıq poziciyasın qáliplestiriwde shańaraq, máhálle, tálim-tárbiya mákemeleri, jámiyetlik shólkemler, siyasiy institutlar, jaslar shólkemleri, ǵalaba xabar quralları hám de olardıń birgeliktegi iskerligi áhmiyetli faktorlardan bolıp esaplanadı. Bul institutlardıń sistemalı hám uzliksiz birge islesiwi «Jámiyette huqıqıy sana hám huqıqıy mádeniyattı rawajlandırıw sistemasın túpten jetilistiriw haqqında»ǵı Prezident Pármanın da tómendegishe belgilep berilgen:

jámiyette huqıqıy sana hám huqıqıy mádeniyattı rawajlandırıw “shaxs – shańaraq – máhálle – bilimlendiriw mákemesi – shólkem – jámiyet” principi boyınsha sistemalı hám uzliksiz shólkemlestiriledi [5].

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 5618-sanlı Pármanı tiykarında “Jámiyette huqıqıy mádeniyattı rawajlandırıw” Koncepciyası qabıl etilgen. Koncepciyada jaslardıń huqıqıy mádeniyatın rawajlandırıwǵa olardıń puqaralıq poziciyasın jetilistiriwge ayrıqsha itibar berilgen. Jámiyette huqıqıy mádeniyattı rawajlandırıwdaǵi mashqala hám kemshilikler “Joqarı huqıqıy mádeniyat – mámleket rawajlanıwınıń kepili” degen ideya astında bul koncepciya qabıl etilgen hám onı ámelge asırıw talap etiledi. Koncepciyanıń I bap 3-bóliminde bilimlendiriw mákemelerinde huqıqıy sawatlılıqtı asırıw belgilep berilgen. Ásirese, akademiyalıq licey oqıwshılarınıń huqıqıy sawatlılıǵın asırıw, huqıqbuzarlıqqa hám korrupciyaǵa qarsı gúresiw sezimin oyatıw, ekstremizm, terrorizm hám basqa da jat ideyalarǵa qarsı bekkem immunitetti qáliplestiriw hám olardıń puqaralıq poziciyasın rawajlandırıwǵa ayrsha itibar qaratılǵan. Házirgi kúnde ayırım akademiyalıq liceylerde, koncepciyada belgilengen wazıypalar tolıq hám turaqlı túrde ámelge asırılıw mexanizmleri jaratılmaǵan, kópshilik jaǵdaylarda tek ǵana jıynalıslar ótkeriw menen sheklenip qalǵan. Licey oqıwshılarınıń huqıqıy bilimler tiykarında puqaralıq poziciyasın rawajlandırıwda olar alǵan bilimlerin ózleri turmısta paydalana biliwi kónlikpesin qáliplestiriwimiz hám turaqlı óz poziciyasına iye bolıwına erisiwimiz kerek. Bul baǵdarda kóbinese innovaciyalıq usıllardı engiziwimiz hám olardan nátiyjeli paydalanıwımız talap etiledi. Bunıń ushın licey oqıwshılarınıń puqaralıq poziciyasın huqıqıy bilimler tiykarında rawajlandırıwda tómendegishe innovaciyalıq usıllardı engiziw arqalı nátiyjege erisiwimiz múmkin:

- huqıq tarawına tiyisli internet portalın jaratıw (huqıqıy saytlar, yuridikalıq sózlikler, huqıqıy elektron kitapxana, maqsetli auditoriyalar);
- túrli huqıqıy jaǵdaylarǵa sheshim usınatuǵın huqıqıy másláhát sistemasın jaratıw hám onı iske túsiriw;
- puqaralardıń túrli huqıq tarawları boyınsha óz bilimin sınaw maqsetinde hár qıylı joybarlar jaratıw hám onı iske túsiriw;
- sociallıq tarmaqlarda úgit-násiyat jumısların alıp barıw;
- sociallıq tarmaqlarda sorawlar, anketalar arqalı akademiyalıq licey oqıwshılarınıń huqıqıy mádeniyatın analizlew hám usı tiykarında puqaralıq poziciyasın rawajlandırıw;
- huqıqıy ádebiyatlardıń (sabaqlıq, oqıw qollanbalar, metodikalıq qollanbalar) elektron variantın islep shıǵıw, ásirese qaraqalpaq tilindegi variantların jetilistiriw.

Bul baǵdarda qatar unamlı jumıslarda alıp barılmaqta. Mısalı: Ózbekstan Respublikası Ádillik Ministrligi tárepinen “Bala huqıqları”, “Advice.uz”, “Huqıqıyportal.uz”, “Soraǵan edińiz” sıyaqlı internet portallarınıń jaratılıp iske túsirilgeni maqtawǵa ılayıq esaplanadı. Biraq, tek ǵana bul menen sheklenbey ele de huqıqıy portallardıń sanın kóbeytiw, puqaralıq jámiyeti institutları da bul baǵdarda óz jumısların jetilistiriw arqalı licey oqıwshılarınıń puqaralıq poziciyasın rawajlandırıwda unamlı nátiyjelerge erisiledi.

Házirgi kúnde mámleket siyasatınıń wazıypalarınıń biri bilimli, fizikalıq salamat, huqıqıy mádeniyatlı, belsendi puqaralıq poziciyasına iye, hár tárepleme jetik hám kámil jaslardı tárbiyalaw esaplanadı. Bul wazıypalardı ámelge asırıw ushın bir qatar normativ hújjetler qabıl etilgen. Máselen: «Jaslarǵa tiyisli mámleketlik siyasat haqqında»ǵı Nızamda jaslardıń belsendi puqaralıq poziciyasına iye bolıwınıń tiykarları kepillengen [6].

Juwmaqlap aytqanda, puqaralıq jámiyetin qurıw menen baylanıslı júz berip atırǵan zámánágoy ekonomikalıq-sociallıq ózgerisler, jańalanıwlar demokratiya sharayatında jasay alatuǵın, hár qıylı hám nátiyjeli ráwishte jámiyet, mámleket hám óz máplerine xızmet etiwge uqıplı belsendi hám aqıl-oylı puqaralardı qáliplestiriwdi talap etedi. Bul bolsa, óz náwbetinde, bilimlendiriw hám tárbiya sistemasın jetilistiriwdi, onı oqıwshı jaslardıń kásiplik tayarlıǵı menen bir qatarda olarda puqaralıq isenimdi hám juwapkershilikti, puqaralıq minnetlemesin seziniwdi, belsendi puqaralıq poziciyasın qáliplestiriwge baǵdarlanıwı talap etiledi.

Ádebiyatlar

1. Ницще Ф. Воля к власти. Опыт переоценки всех ценностей. – М.: «Транспорт», 1995.
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари–олий қадрият. 14-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 2006.
3. https://staff.tiiame.uz/storage/users/432/presentations.
4. Мирзиёев Ш. М. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш – демократик жамият асосидир.(БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ) Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган баҳо. 2-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 2018.
5. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида ПФ-5618-сон, 2019 йил 9 январь.
6. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2016 14 сентябрь.

REZYUME

Ushbu maqolada huquqiy bilimlar asosida yosh avlodning, ayniqsa, akademik litsey oʻquvchilarining fuqarolik tushunchasini, fuqarolik tuygʻusini va fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish omillari haqida soʻz etiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются факторы, которые помогают молодёжам, особенно у учащихся академических лицеев, для развития понятия гражданства, чувства гражданственности и гражданской позиции на основе правового образования.

SUMMARY

This article discusses factors that help young people, especially academic lyceum students, to develop their concept of citizenship, a sense of citizenship and civic position through legal education.

MATEMATIKA FANLARIDAN TALABA YOShLAR IJODIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISh

A.Sh.Rashidov – *tayanch doktorant*

Buxoro davlat universiteti

Tayanch so'zlar: ijodiy tafakkur, kreativlik, mustaqil ta'lim, iqtidorli talaba.

Ключевые слова: творческое мышление, креативность, самостоятельное обучение, одаренный студент.

Key words: creative thinking, creativity, independent learning, gifted student.

Mamlakatimizda uyg'un kamol topgan, o'qimishli, zamonaviy fikrlovchi yosh avlodni shakllantirishga respublikaning jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuviga yo'naltirilgan tizim yaratish bo'yicha bir qator islohotlar olib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni [1], "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"dan [2] kelib chiqadigan vazifalar, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2019 yil 3 maydagi PQ-4306-sonli qarori [3] Oliy va o'rta maxsus ta'lim Vazirligining 1998 yil 10 iyundagi 185- sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "Iqtidorli talabalarni izlash, aniqlash va ularni maqsadli tayyorlash to'g'risidagi Nizom"da [4] iqtidorli talabalar bilan ishlash borasidagi vazifalar aniq belgilab berilgan. Hozirda bu vazifalarning uzluksiz bajarilishini ta'minlash maqsadida Respublikamizdagi deyarli barcha oliy ta'lim muassasalarida "Iqtidorli talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlarini tashkil etish" bo'limi tashkil qilingan. Bu bo'lim iqtidorli talabalarni izlash, tanlash va kelajakda ularning zamonaviy bilimlarga ega bo'lgan, bozor iqtisodiyoti talablariga javob bera oladigan, zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalari tizimlaridan mukammal foydalana oladigan, yetuk ma'naviy xususiyatlarga ega bo'lgan, milliy istiqlol g'oyasini o'zida mujassamlashtirgan, Respublikamizning ichki va tashqi siyosatini tushunadigan va targ'ib qiladigan, ajdodlarimizning ilm sohasidagi yutuqlarining davomchilari bo'la oladigan, vatanparvar va barkamol inson bo'lib shakllanishi uchun zarur bo'lgan asosiy vazifalarni bajarishi ko'zda tutilgan [6].

Bilamizki, qaysi mamlakatda iste'dodli, fidoyi hamda ijodkor yoshlar qanchalik ko'p bo'lsa, o'sha yerda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot ko'zga tashlanadi. Kelajagini o'ylagan davlat ijtimoiy hayotning barcha sohalarida ijodiy faoliyatga keng yo'l ochib beradi. Bu o'rinda, ijodiy faoliyat va ijodiy jarayonni atroflicha tushunib olish uchun bu masalaning psixologik va ma'naviy jihatlarini o'rganib chiqish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Har qanday ijod turini ijodiy tafakkursiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ijodiy tafakkurni evristika (lotincha "yevrica" – topayapman, kashf qilayapman) tadqiq etadi. Evristika ijodiy faoliyat va ijodiy jarayonni tashkil etish usullari va qonuniyatlari bilan shug'ullanadi. Evristikaning ildizi qadimgi yunon falsafasiga borib taqaladi. Qadimdan yunon olimlari, keyinroq mutafakkir ajdodlarimiz ham insonlarni tafakkur qilishga, ijodkorlikka hamda yaratuvchilikka undaganlar. Evristika psixologiya, oliy asab faoliyati fiziologiyasi, kibernetika kabi fanlar bilan yaqin aloqada bo'lgan fan tarmog'idir.

Yuzaga kelgan muayyan savolning javobini inson o'zi qidirib topsa, qo'yilgan vazifalarni o'zi hal qilsa, uning ongida yangi hukm va tushunchalar paydo bo'lsa, bunday hollarda ijodiy tafakkur namoyon bo'la boshlaydi.

Ijodiy jarayonda sifat jihatidan yangi moddiy yoki ma'naviy qadriyat yaratiladi. Ijod – ilgari mavjud bo'lmagan yangilikni yaratish. Bu yangilik faqat ijodkorning o'zi uchungina emas, balki boshqalar uchun ham ahamiyatli bo'lishi kerak.

Ijodiy tafakkur murakkab aqliy jarayon hisoblanib, u bir necha bosqichlardan iborat. Ijodiy tafakkurda qo'yilgan savol ketidan savolning murakkabligiga qarab, dastlab vazifa ifodalanadi, so'ngra vazifani, masalani yechish jarayoni, ya'ni qo'yilgan savollarga javob qidirish jarayoni boshlanadi. Shu o'rinda, rus olimi L.S.Vыgoskiy ijod muammosi haqida shunday yozgan: "Ijodiy faoliyat orqali biz yangi bir narsa yaratadigan odamning faoliyatini tushunamiz, u nimani yaratishining farqi yo'q, balki dunyoda biron-bir narsani ongi yoki his qilishi orqali o'zini namoyon qilishida aks etadi.

Psixologiyada individning ijodiy imkoniyatlari kreativlik deb ataladi. "**Kreativlik**" (lot., ing. "create" – yaratish, "creative"– yaratuvchi, ijodkor) pedagogning yangi g'oyalarni ishlab chiqarishga tayyorligini tavsiflovchi hamda mustaqil omil sifatida iqtidorlilikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati ma'nosini ifodalaydi. Ijodiyot psixologiyasida samarali ijodga to'sqinlik qiluvchi omillar o'rganilgan. Tabiiyki, ijodni uyg'otadigan, faollashtiradigan hissiyotlar bilan birga uni to'xtatadigan omillar ham talaygina. Ijodiy jarayonga to'siq bo'ladigan "**ijod muammolari**"ni yaxshi bilib olish ish samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Ijodning birinchi muammosi – hadik, qo'rquv. Ijodiy salohiyatga ega bo'lgan inson ko'p hollarda muvaffaqiyatsizlikdan hadiksiraydi hamda ijodiy faoliyatni boshlay olmaydi. Muvaffaqiyatsizlikdan qo'rqish ijodkor insonning xayoli, ijodiy tafakkuri hamda tashabbusini «kishanlab» qo'yadi.

Ijodda muayyan natijaga erishish uchun ijodkor qo'rqmas va jasoratli bo'lishi kerak. Odatda, ijodkorlarning o'ylab qo'ygan rejalari, ijod bilan bog'liq ko'ngliga tugib qo'ygan ko'plab g'oyalari bo'ladi. Ba'zi ijodkorlar muayyan g'oyani amalga oshirishni keyinga qoldiraveradilar, ba'zilari esa boshlab qo'yib, oxiriga yetkazmaydilar. Ijodiy jarayon insondan bilim, tajriba va iste'doddan tashqari shijoat, qat'iyat, chidam, kerak bo'lsa, zargarlarga xos ichi kenglik hamda aniqlikni talab etadigan mehnatdir. Ishida muvaffaqiyat kuzatilmaydigan ijodkorda aynan shu sifatlar yetishmaydi.

Ijodning ikkinchi muammosi – o'z-o'ziga tanqidning haddan ziyod bo'lishi. Iste'dod bilan o'z-o'ziga tanqid o'rtasida muvozanatning bo'lishi maqsadga muvofiqdir. O'z-o'ziga bahoning pastligi ijodiy to'siqqa olib kelishi mumkin.

Ijodning uchinchi muammosi – dangasalik, yalqovlik. Ko'p hollarda ijodkor inson vazifa yechimini izlashda jarayonni boshlashga erinadi. Bu xususiyat tabiiyki, samarali ijod qilishga to'sqinlik qiluvchi asosiy omillardan biri hisoblanadi.

Ijodiy jarayonda yuzaga kelgan muayyan masala yechimini darhol topish istagi hamda tafakkur rigidligi kabilar ham ijodiy jarayonga to'siq bo'lishi mumkin. Rigidlik – fikrlashda, his va harakatlarda moslashuvning, epchillikning, chaqqonlikning yetishmovchiligi.

Ijodkor paydo bo'lgan muammoni hal etishning an'anaviy yo'li oldidan keta olmay qoladi. Bu tafakkur rigidligidir. Bunday holatdan ijodkorni nostandart fikrlash hamda vaziyatdan chiqishning yangi-yangi yo'llarini qidirib

topish qutqara oladi.

Hozirgi kunda Buxoro davlat universiteti talabalari bilan ishlar ham aynan shu yo‘ldan bormoqda. Matematika ta’lim yo‘nalishi talabalarini fanlardan (Matematik analiz fani misolida) mustaqil ta’limni tashkil etishning tizimli tashkil etilganligi bunga yaqqol misol bo‘la oladi [5].

Mustaqil ish

Mavzu: Kesmada uzluksiz bo‘lgan funksiyalarning xossalari

Mustaqil ish maqsdi: Uzluksiz funksiyalarning xossalarini o‘rganish va ularni tadbiq qila olish ko‘nikmasiga ega bo‘lish.

Ajratilgan vaqt: 6 soat.

Hisobot shakli: Refarat.

Topshiriqlar

1. Kesmada uzluksiz bo‘lgan funktsiyaning nol qiymat qabul qilishi haqidagi teoremani isbotlang.
2. Teskari funksiyaning mavjudligi haqidagi teoremani isbotlang.
3. Kesmada uzluksiz bo‘lgan funktsiyaning chegaralanganligi haqidagi teoremani isbotlang.

Mustaqil ish

Mavzu: Funktsiya differensiali

Mustaqil ish maqsdi: Funktsiya differensialining mazmunini tushunish, funksiya differensiallanuvchanligi va hosilasining mavjudligi orasidagi bog‘lanishni tushunish, funktsiya differensialini taqribiy hisoblashlarda tatbiq qilishni o‘rganish.

Ajratilgan vaqt: 6 soat.

Hisobot shakli: Refarat.

Topshiriqlar

1. Funktsiya differensialiga ta’rif bering va differensialni hisoblash formulalarini keltiring.
2. Funktsiyaning differensiallanuvchanligi va hosilasining mavjudligi orasidagi bog‘lanishni tushuntiring.
3. Funktsiya differensialining tatbiqlarini keltiring.

Ishlab chiqilgan ushbu tavsiyalar asosida bu jarayonning natijalari iqtidorli talabalarning erishgan yutuqlarida namoyon bo‘ladi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, jamiyatning ma’naviy darajasi unda iste’dodli, ziyoli, ijodkor shaxslarning qadrlanishi hamda ularning ilmiy-ijodiy ishlariga har tomonlama yordam berilishi bilan belgilanadi. Yuksak ma’naviyatli jamiyatlarda iste’dod egalari bo‘lgan ijodkor shaxslar millatning iftixori va kelajagi hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997 yil. 9-son, 225-modda.
2. “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”.// O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1997 yil. 11-12-son, 295-modda.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2019 yil 3 maydagi PQ-4306-sonli qarori
4. Oliy va o‘rta maxsus ta’lim Vazirligining 1998- yil 10-iyundagi 185 – sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan “Iqtidorli talabalarni izlash, aniqlash va ularni maqsadli tayyorlash to‘g‘risidagi Nizom”. –Toshkent: 1998.
5. Barakayev M., Shamshiyeva A., G`oyibnazarova G., O`rinov H., Halimov O`., Matematika o`qitish metodikasi(mustaqil ta`lim). – Toshkent: 2009.
6. Rasulov T.H., Dilmurodov E.B. Iqtidorli talabalarni ilmiy-tadqiqot ishlariga jalb qilishga doir tavsiyalar. Pedagogik mahorat. BuxDU. 2019, № 5, 123- b.

REZYUME

Ushbu maqolada oliy ta’lim muassasalarida metematika fanlaridan talaba yoshlar mustaqil va ijodiy tafakkurini rivojlantirishga oid tavsiyalar Matematik analiz fani misolida berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье даны рекомендации по развитию самостоятельного и творческого мышления студентов-математиков в высших учебных заведениях на примере математического анализа.

SUMMARY

This article provides recommendations for the development of independent and creative thinking of students in mathematics at higher education institutions on the example of Mathematical Analysis subject.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ МУАММОЛАР

Л.Романова – *мустақил изланувчи*

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти

Таянч сўзлар: мактабгача таълим ёшидаги болалар, жисмоний машқлар, халқаро илғор тажрибалар, инновацион усуллар, жисмоний ва руҳий ривожланиш, тарбиячилар, мустақил фикрлаш, тасаввур, толиқиш, чарчаш, асаб тизими.

Ключевые слова: дошкольники, упражнения, передовой мировой опыт, физическое воспитание, инновационные методы, физическое и умственное развитие, педагоги, самостоятельное мышление, воображение, утомляемость, нервная система.

Key words: preschoolers, exercises, advanced world experience, physical education, innovative methods, physical education mentors, teachers, independent thinking, imagination, fatigue, life experience, nervous system.

Сўнгги йилларда республикамизда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси, уларнинг фикрлаш жараёнини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги Қонуннинг маъқулланиши, «Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши, Мактабгача таълим вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”нинг ишлаб чиқилиши, “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурининг амалиётда татбиқ этилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелда “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 20/1, 10-кк/1-сон қўшма қарорларининг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир.

“Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурида “Мактабгача таълим муассасасида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамоавий иш ҳисобланади ва уни амалга ошириш учун мактабгача таълим муассасаси раҳбари жавобгар бўлади.

Зарурат туғилганда, педагоглар таркиби ва мактабгача таълим муассасаси раҳбарияти, тор ихтисосликдаги мутахассисларни жалб этган ҳолда, бола (унинг ривожланиши) учун ўқув-тарбиявий жараённинг якка тартибдаги режасини тузади” деб алоҳида таъкидланган.

Шундай экан, бугунги кунда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш муаммоси жуда долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу борадаги

халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва миллий қадриятларимиз билан уйғунлаштирган ҳолда республикамиз мактабгача таълим тизимига жорий этиш талаб этилмоқда.

Жумладан, Жанубий Корея, Япония, Франция, Германия каби тараққий этган давлатлар тажрибасида мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг тафаккур эркинлиги, мустақил фикрлашини шакллантириш билан бир қаторда, уларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мамлакатларда мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи жисмоний ҳамда руҳий ривожланишига хизмат қиладиган инновацион усуллар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини асраш, уларни ҳар томонлама барқарор ривожлантиришда мазкур илғор тажрибалардан фойдаланиш зарурати вужудга келган.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини сақлаш, уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан ривожлантириш масаласи кенг маънодаги тушунча ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларнинг толиқиши, чарчашининг олдини олишга қаратилган турли замонавий методикалар, технологиялар ва янги усулларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Бунинг учун эса биринчи навбатда машғулотлар давомида тарбияланувчиларнинг толиқишига йўл қўймаслик зарур.

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячилар болаларнинг ривожланиш хариталари устида ишлаш жараёнида албатта дефектологлар, логопедлар ҳамда тиббиёт ходимлари билан маслаҳатлашишлари лозим. Энг асосийси, тарбиячилар ҳар бир тарбияланувчининг кунлик фаолияти тўғрисида уларнинг ота-оналарига маълумотларни етказиб туриши зарур.

Мактабгача ёшидаги болаларнинг ривожланишида уларнинг жисмоний ва руҳий, ижтимоий-ҳиссий ривожланиши, оғзаки ва ёзма нутқининг шаклланиши, саводхонлиги, гигиенаси, билиш жараёни ва атроф муҳит тўғрисида тасаввурга эгалиги муҳим аҳамият касб этади.

Болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиши ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

тарбиячилар томонидан болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш;

муаммоларнинг олдини олиш бўйича ота-оналар, тиббий ходимлар билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар белгилаш;

мунтазам тарзда болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишини таҳлил қилиб бориш;

таҳлил натижалари бўйича хулосаларни ота-оналарга етказиб туриш.

Маълумки, мактабгача ёшидаги бола катталарнинг бевосита таъсири натижасида, мустақил фаолият жараёнида, шунингдек, атроф-муҳитдан олаётган ахборотлари таъсирида шаклланади, ривожланиб боради. Мазкур даврда болалар кўп ўйинчоқ ўйнайдилар, гуруҳ бўлиб ҳаракатланадилар. Бунинг натижасида улар атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларни қизиқиш билан кузатадилар, уларни ўрганиб борадилар. Уларда аста-секин онг ривожлана бошлайди: ота-оналарига (бола тилида) турли саволлар бера бошлайдилар; нарса-буюмларни ўз қўллари билан ушлаб кўришга интиладилар; жадал ҳаракатлашига уринадилар.

3 ёшдан 6 ёшгача – болаларнинг мактабгача таълим ёшидаги давр ҳисобланади. Бу даврда болаларда барча ҳаракат кўникмалари ривожланиб, такомиллашишда давом этади, бироқ унинг теварагини ўраб турган олам билан мулоқоти ҳозирча чекланган. Аста-секин болалар мустақил бўлиб борадилар, уларнинг организми мустаҳкамланиб боради, ҳаракатлари анча аниқ, ишончли, тезкор бўла бошлайди. Уй-рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар билан бажариладиган ҳаракатларнинг такомиллашуви ҳаётий тажрибанинг бойишига ёрдам беради. Ҳаракатлар янада аниқ, онгли, мақсадли бўлиб қолади.

Мактабгача таълим ташкилотларида тўғри ташкил этилган жисмоний тарбияга оид машғулотлар мактабгача ёшдаги болаларда тафаккур, хотира, диққат, ташаббус, тасаввур, мустақилликнинг ривожланиши, асосий гигиеник кўникмаларнинг пайдо бўлишига кўмаклашади.

Мактабгача ёшда атрофдаги олам тўғрисида ёрқин тасаввурларнинг шаклланишида болаларнинг ҳиссий тажрибалари катта аҳамиятга эга. Бу даврда ўйин фаолиятнинг етакчи турига айланади, лекин бу одатда бола кўп вақтини қизиқарли ўйинлар билан ўтказгани учун эмас, балки ўйин бола психикасида сифат ўзгаришларини юзага келтиради.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйин фаолияти аста-секин мураккаблашиб боради. Жумладан, уларда ҳаётий тажриба бойиб боради, муайян мақсад аниқроқ намоён бўла бошлайди, мустақил, ижодий тасаввур кўзга ташланиб, ривожлана бошлайди. 5-6 ёшга етганларида болаларнинг ақлий ривожланишларида тарбиячилар, оиладаги катталарнинг оғзаки тушунтиришлари ва топшириқлари катта аҳамият касб этиб боради.

Соғлом болаларни тарбиялаш, уларнинг онги, руҳий мувозанатини сақлашда, ривожлантиришда энг муҳим воситалардан бири – мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган жисмоний машқлар, миллий ҳаракатли ўйинлар ва спорт эрмак ўйинлари ҳисобланади. Мактабгача таълим ташкилотлари жисмоний тарбия йўриқчилари ҳамда тарбиячилар болалар билан жисмоний машқларни бажарганда, уларнинг саломатлигини кузатиб боришлари, ташқи кўриниши, кайфияти, чарчаши, иштаҳаси, уйқуси, руҳий ҳолатига эътибор бериб туришлари жуда муҳимдир.

Шуни алоҳида эътиборга олиб керакки, ҳар бир бола, ҳатто мутлақо соғлом бола бўлса ҳам, унинг келажаги учун бир йилда камида 3-4 марта тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур. Бунда боланинг ривожланиш харитасида унинг бўйи, оғирлиги, кўкрак қафасининг айланаси кўрсаткичларини аниқ ёзиб бориш тавсия этилади, бу эса боланинг тўғри, соғлом ривожланишини кузатиб бориш имконини беради.

Психологияга оид адабиётларда, шартли равишда болалик қуйидаги даврлардан иборат деб қабул қилинган: Янги туғилганлик (чақалоқлик) даври – ҳаётнинг дастлабки 3-4 ҳафтаси. Бола янги шароитга мослашади (у ўпкаси билан нафас олади, овқат ҳазм қилиш тизими ишлай бошлайди, танада иссиқлик бошқаруви йўлга қўйилади); унинг асаб тизими ҳали етилмаган – бош мия пўстлоғининг такомиллашмаганлиги туфайли фақат шартсиз рефлекслар намоён бўлади. Эмиш даври – бир ёшгача бўлган давр. Марказий асаб тизими фаолияти такомиллаша бошлайди; шартли рефлекслар ишга тушади, ҳаракатлар шаклланади, бўй ва оғирлик тез орта боради.

Мактабгача ёшдан олдинги давр – 1 ёшдан 3 ёшгача. Бу даврда бўй ўсиши бир оз секинлашади, ҳаракат кўникмалари такомиллашади; нутқ шаклланади; бола айрим гигиеник кўникмаларни эгаллайди.

Мактабгача бўлган давр – 3 дан 6 ёшгача. Ундан аввалги даврдаги каби у бўй ўсишининг бир оз секинлашуви билан тавсифланади. Бола ортиқча оғирликни йўқотади, унинг мушаклари мустаҳкамланиб, скелети кучли ривожланади.

Мактабгача давр охирига келиб сут тишларининг

алмашиниши бошланади. Бола катталар ейдиган овқатга ўтади, касалликларга тез чалинмайдиган бўлади.

Мактабгача ёш даврида болаларга гўё соғломлик ва тўлақонли жисмоний ривожланишнинг пойдевори қўйилади. Мактабгача ёшдаги болаларда тана ҳали етарлича турғун эмас, ҳаракат имкониятлари ҳам чекланган. Уларнинг асаб тизими тез ривожланади, скелети ўсиб, мушак тизими мустаҳкамланади, ҳаракатлар такомиллашади. Диққат анча барқарорлашиб, болалар энг содда ўқиш ва меҳнат кўникмаларини эгаллай борадилар. Гавданинг умумий статик беқарорлиги ҳамда динамик имкониятлари чекланганлиги 3-4 ёшли болаларга хос бўлиб, бу ёшдаги болаларда гавданинг юқори қисми, елка сатҳи мушаклари ва букувчи мушаклар нисбатан яхши ривожланган, 3-4 ёшли болаларда ҳаракатлар етарлича мувофиқ бўлмагани ҳолда ҳаракат фаоллиги юқори даражада бўлиб, бу ҳаракатларда йирик мушак гуруҳлари иштирок этади. Мазкур даврда узоқ муддат бир хил вазият сақлаб турилса ёки бир турли ҳаракатлар бажарилаверса, болада тез чарчаш, толиқиш ҳолатлари кузатилади.

Боланинг 7 ёшгача бўлган даврида ўпка тўқимасининг тузилиши ҳали тўла ривожланмаган ҳолда бўлади; бурун йўллари, трахея ва бронхлар нисбатан тор, шу сабабли ўпкага ҳавонинг келиши бир оз қийинроқ; қовурғалар бирмунча қияроқ, диафрагма юқорироқ жойлашган, шунинг учун нафас олиш ҳаракатлари амплитудаси катта эмас.

Бизга маълумки, бола катталарга нисбатан юзаки ва анча тез-тез нафас олади, яъни 3-4 ёшли боланинг нафас олиш суръати – бир дақиқада 30 марта, 5-6 ёшда – 25 марта, катталарда 16-18 мартани ташкил этади. Болаларнинг юзаки нафас олиши ўпкада ҳаво айланишининг нисбатан ёмон бўлиши, ҳавонинг ўпкада бир оз туриб қолишига олиб келади, ўсаётган организм эса тўқималарнинг кислород билан етарлича таъминланишини талаб қилади. Айнан шунинг учун ҳам очиқ ҳавода ўтказиладиган жисмоний машқлар жуда муҳим бўлиб, улар ҳаво алмашинишини фаоллаштиради.

Бола организмидаги қон миқдори катталарникига нисбатан кўпроқ, унинг томирлар бўйлаб ўтадиган йўли қисқароқ. Масалан, агар катта одамнинг томир уриши бир дақиқада 70-74 зарбага тенг бўлса, мактабгача ёшдаги болада ўртача 90-100 зарбани ташкил этади. Юрак асаб бошқарилуви такомиллашган эмас, шунинг учун унинг қўзғалиши тез, қисқаришлар ритми осонгина бузилиши мумкин, жисмоний юклама остида юрак мушаги анча тез толиқиб қолади. Лекин фаолият ўзгариши билан боланинг юраги тез тинчланиб, ўз кучини тиклаб олади.

Шунинг учун ҳам болалар билан шуғулланганда жисмоний машқларнинг хилма-хиллигига эътибор бериш: ҳаракатли ўйинларни бирмунча тинч суръатли ўйинлар билан навбатлаш ва болага тез-тез қисқа муддатли дам олиш танаффуслари бериб туриш лозим. Мактабгача ёшдаги болаларда 3 ёшгача бўлган болаларга нисбатан асаб тизими яхшироқ ривожланган бўлади. Бу даврда бош мияда асаб ҳужайраларининг етилиши жараёни ниҳоясига етади, бош мия ташқи кўриниши ва оғирлигига кўра катта одам миясига яқинлашиб қолади, бироқ асаб тизими ҳали анча кучсиз бўлади. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларнинг ўта таъсирчанлигини ҳисобга олиш, уларга ниҳоятда эҳтиётлик билан муомала қилиш: узоқ муддатли, оғир юкламалар бермаслик, ҳаддан ортиқ толиқтирмаслик керак, чунки бу ёшда таъсирланиш жараёнлари тормозланиш жараёнларидан устун бўлади.

Болаларда етти ёшгача, гарчи уларда қон билан таъминланиш катталарникидан яхшироқ бўлса-да, суякларнинг шаклланиш жараёнлари тугалланмайди. Скелетда тоғайсимон тўқималар кўп бўлиб, шу туфайли унинг кейинги ривожи рўй беради; айни вақтда суякларнинг юмшоқлиги ҳам шу билан тушунтирилади. Мушак тўқимасининг ўсиши асосан мушак толаларининг йўғонлашиши ҳисобига юз беради. Аммо суяк-мушак аппаратининг нисбатан кучсизлиги ва тез толиқиши сабабли мактабгача ёшдаги болалар узоқ муддатли мушак зўриқишларига бардош беролмайдилар. Кичик мактаб ёшидаги болалар юриш пайтида ҳали аниқ ҳаракатлана олмайдилар: улар ритмик тарзда югуролмайдилар, тез-тез мувозанатни йўқотиб йиқиладилар. Уларнинг кўпчилиги пол ёки ердан яхши итарила олмайдилар, оёқ кафтига тўла таяниб югуради. Улар ўз таналарини ҳатто арзимас баландликка ҳам кўтара олмайдилар, шунинг учун баландликка тўсиқлар оша ҳамда бир оёқлаб сакрашларни бажаришга қийналадилар. Бу даврда мактаб ёшидаги болалар қизиқиш билан копток ўйнайдилар, лекин ҳали уларнинг ҳаракатлари ўзаро мувофиқлашмаган, кўз билан мўлжал олиш ривожланмаган: уларнинг коптокни илиб олишлари қийин.

Болалар ҳар турли ҳаракатлар, жисмоний машқлардан тез толиқадилар, чалғийдилар. 4,5-5 ёшларга келиб болаларнинг ҳаракатлари анча мувофиқлашиб қолади, улар сакраш, тўсиқлар оша сакраб ўтиш, тўпни илиш кўникмаларини ўзлаштирадилар. 6 ёшлиларда енгиллик пайдо бўлиб, югуриш ритми барқарорлашади, ён томонга тебранишлар камаяди, улар баландликка, узунликка, тўсиқлар оша сакрайдилар, коптокни нишонга уришни ўзлаштирадилар, кўз билан мўлжал олиш кучаяди.

Мактабгача катта ёшидаги болаларнинг кичикларга қараганда гавдаси бақувват, мушаклари мутаносиб ривожланган. Юриш ва югуриш жараёнида асосий ҳаракатлари аста-секин автоматик даражасига етади, ҳаракатлар мувофиқлиги кучаяди, қўл меҳнатига қобилият сезиларли даражада ортади. Бу даврда болаларда турғунлик ортгани учун оддий мувозанат машқлари, чаққонлик билан югуришни амалга ошириш осонлашади. Болалар чидамлироқ бўла борадилар, бироқ улар дастлабки ҳолатларини тез-тез ўзгартириб, ранг-баранг ҳаракатларни бажаришлари лозим. Бу ёшда уларнинг фаолияти аста-секин мазмун билан бойиб, онглироқ бўла боради.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида болалар билан жисмоний таълим-тарбия машғулотларини самарали ташкил этишда бир қатор камчиликлар ва муаммолар мавжуд. Жумладан:

мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний тарбия йўриқчиларига бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги;

барча мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний таълим-тарбия машғулотларини ўтказиш учун спорт заллари, спорт иншоотлари мавжуд эмаслиги;

айрим шаҳар мактабгача таълим ташкилотларида жисмоний таълим-тарбия машғулотларини ўтказиш учун спорт заллари мавжуд бўлсада, спорт инвентарлари, жиҳозлари етарли эмаслиги;

"Салтанатни идора қилиш тузуги"да: "Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни "Ясо" асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар. Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа кутвол тайинласинларки, сипоҳу раиятга соқчилик қилсин ва кимнинг бирон нарсаси ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлсин. Ва яна буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин", дейилади [3].

Дарҳақиқат, ўз даврида Амир Темур томонидан салтанатни бошқариш, унда хавфсизликни таъминлаш бўйича яратилган тизим ва жорий этилган интизомий қоидалар унинг вафотидан кейин ҳам нафақат Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида балки ундан кейинги даврларда ҳам қўлланилиб келиниши сабабли унинг қадри ортди ва бугунги кунга келиб ёшларнинг маънавий юксалишида қадрият сифатида ҳам қўлланилмоқда.

Амир Темур қўшини таркибида махсус бўлинмалар жорий қилинган бўлиб, ҳарбий юришлар давомида ўрда сифатида жойлаштирилган қўшин қароргоҳлари улар томонидан қўриқланган. Тртибни сақлаш, савдогарлар ва озиқ-овқатларнинг нархларини домий назорат қилиб бориш ҳамда ўғирликларнинг олдини олиш вазифалари қароргоҳдаги миршаблар томонидан амалга оширилган. Қароргоҳдан ташқаридаги хавфсизликни назорат қилиш ва таъминлаш ишлари миршаблардан ташкил топган тўртта махсус гуруҳ томонидан амалга оширилган. Таъкидлаш жоизки, душман томонидан қўлга тушган мансабдор шахсларни яъни лашкаарбошиларни ҳибсда сақлаб, соқчи бўлинмалари ёрдамида қўриқлаб турилган. Хизмат олиб бориш вақтида парокандаликка йўл қўймаслик мақсадида мазкур бўлинмаларнинг ўз ўрони – пароли мавжуд бўлган [4].Темур тузукларида ҳуқуқни мухофаза қилувчиидораларига ўхшаш бевосита тузилмалар тилга олинмаган бўлса-да, ҳарбийларнинг таркибида фаолият йўналишлари, вазифалари ва функциялари жиҳатидан яқин бўлган махсус бўлинмалар мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин.

Темур салтанатида хавфсизлик таъминлаш билан шуғулланган давлат хизматчиларидан яна бири "арзбеги" деб номланиб, у мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдирувчилардан тушган ариза, шикоят ва таклифларни ҳукмдорга етказиб туришга масъул бўлган. Шу билан бирга даргоҳдаги адолат амири турли ўлка ва шаҳарларда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли жараёнлардан ҳабардор бўлиб, олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумотлар тақдим этган. Бу икки мансабдор шахс томонидан жойларда рўй бераётган адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида тўлиқ маълумот олингач, махсус вакил – аминлар жойларда воқеани ўрганиб, тегишли чоралар кўришган [5].

Мамлакат бошқаришувидаги хавфсизликни таъминлашда Амир Темурнинг махфий хизмати муҳим ўрин тутган. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Соҳибқирон Темур ўз ерларининг барча томонларига ишончли айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларига эса жосуслар қўйган эди [6]. Жосусларнинг буниси Қоҳирада, Муизияда бўлса, униси Дамашқда, Шамийсониядаги сўфийлардан бири эди. Улардан бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва бузуқи дорбоз, жафокор ва ҳунарманд, мунажжим ва ўз табиатича иш қиладиган, гап-чиноз қаландарлару сайёҳ дарвешлар, денгизчи маллоҳлару, қуруқликдаги сайёҳлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва ҳийлакор Далли мисоли фирибгар кампирлар эди. Улар даврининг разведкачилари – тингчи, хабаргир, даракчи, жосус ва айғоқчилар сифатида муҳим ахборотни етказиб туришар эди. Айниқса, бу борада Амир Темурга Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд тариқатларининг холис хизматлари катта бўлган [7].

Темур салтанатида адолат бош мезон бўлган. Шунинг учун давлат хизматида бўлганларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси ва хулқ-атворига алоҳида урғу берилган. Хусусан, Темур тузукларида келтирилганидек, ҳар ернинг ғаразгўй, тухматчи ва нафси бузуқ кишиларининг тухмат сўзлари билан катта ва кичик шаҳарлар аҳолисидан ҳеч ким жазоланишига йўл қўйилмаган. Бировнинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, у гуноҳига яраша жазоланиши кўзда тутилган. Сипоҳийлардан бирортаси раиятнинг хонадонига зўрлик билан кириши, от-уловини тортиб олишига йўл қўйилмаган.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотида ҳам янги даврнинг

юзага келиши билан характерланади. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмагандек, жамиятсиз маънавиятнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ватанпарварлик ҳиссиёти ҳар бир шахснинг ўз миллий-тарихий, маданий меросига қанчалик содиқлигини қарор топтириш билан чамбарчас боғлиқ десак тўғри бўлади.

Шу нуқтаи назардан, маънавият барча замонларда инсон камолотига, миллатнинг ўзлигини сақлаши, мустаҳкамлашига ва жамиятнинг соғлом тараққиётига хизмат қилиб келганлигини кўрсатади. Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламларида, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялашнинг, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги янада ошмоқда. “Тарбия икки негизга - ахлоқ ва оқилликка таянмоғи лозим. Биринчиси яхши фазилатни ўстирса, иккинчиси ўзгалар иллатидан ҳимоя қилади. Демак, тарбия ҳам ахлоққа, ҳам инсоний муносабатларга асрлар оша халқ тажрибасида синовдан ўтиб, ўзининг умрбоқийлигини исботлаган кадриятларга, анъана ва урф-одатларга боғлансагина кузатилган натижага олиб келади” [8].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Амир Темур даврида энг аввало, давлат бошқарувининг муҳим йўналишлари бўлган хавфсизликни таъминлаш масалалари муайян қонун-қоидалар, яъни тузуклар асосида амалга оширилгани, бошқача айтганда адолатли салтанатни барпо этишда қонун устуворлигига асослангани, жамоат тартибини сақлаш, соғлом маънавий-маърифий муҳит яратилганлигидан далолат беради. Маълумки, барча давлатларда ҳам тараққиёт, аввалам-бор, инсонларнинг маънавий салоҳияти, ўз юртига бўлган ватанпарлик ҳиссиётлари билан белгиланади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир/Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. //Янги Ўзбекистон. 2020. - 1 окт.
2. Каримов И.А.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура./ И.А. Каримов - Т.: “Ўзбекистон”. 1996. Т. 1.
3. Темур тузуклари. / Форсчадан Соғуний А. ва Кароматов Ҳ. тарж.: Аҳмедов Б. таҳрири остида. - Т.: 1991. 144- б.
4. Ахмедов Б. Амир Темур. – Т.: “Ўзбекистон”. 1995. 636- б.
5. Давлат қурилиши ва бошқаруви. / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. - Т.: 2007. 576- б.
6. Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати: (тарихийбадиалар) / масъул муҳаррир Абдуазизова Н. -Т.: 2010. 3 қисмли. - 436 б.
7. Тўлаганов А. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида давлат бошқаруви ҳамда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши: монография. - Т.: 2006. - 208 б.
8. Темурова М. // “Бошланғич таълим”. № 9- 12-сонлар. 1995 й.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Амир Темур ҳукмронлиги даврида хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари, фаолият билан шуғулланган тузилмалар ва мансабдор шахслар, бу борада эътибор қаратилган аҳамиятли масалалар ва устувор мезонлар хусусида мулоҳазалар илгари сурилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены особенности обеспечения безопасности в период правления Амира Темура, освещается роль подразделений и должностных лиц, занимающиеся этой деятельностью, раскрыты значимые вопросы и приоритетные критерии, которым уделялось внимание в этой сфере.

SUMMARY

This article examines the features of ensuring security during the reign of Amir Temur, highlights the role of units and officials engaged in this activity, reveals significant issues and priority criteria that were given attention in this area.

BOShLANG’ICh SINFLARDA ONA TILI DARSLIGINING YaRATILIShI VA O’QITILIShINING ILK BOSQIChLARI XUSUSIDA

I.Ermatov – *dotsent*
R.Turdieva – *o’qituvchi*
Gulistan davlat universiteti

Tayanch so’zlar: darslik, dars, alifbe, savod, ona tili, yozuv, ta’lim, tarbiya.
Ключевые слова: учебник, урок, алфавит, грамотность, родной язык, письмо, образование, воспитание.
Key words: textbook, lesson, alphabet, literacy, native language, writing, education, upbringing.

XIX asrning 50-yillaridan boshlab ma’naviy uyg’onish sari yuz tutgan turkiy xalqlar millatning kelajagi, taraqqiyot omili bo’lgan ta’lim-tarbiya, savod chiqarish masalasiga jiddiy e’tibor bera boshladilar. Matbuotning yuzaga kelishi, nashr ishlarining yo’lga qo’yilishi natijasida maktab va maorifga e’tibor kuchaya bordi. Ma’rifatparvarlarning dunyoviy ilmu fan va madaniyat sari intilishlari savod chiqarishni ilmiy asosda o’rganish dolzarb masala ekanligi kun tartibiga kiritila bordi.

Rus-tuzem maktablari (rus. tuzemets – mahalliy aholi) – Turkistonda oktyabr to’ntarishiga qadar mahalliy aholi bolalari uchun ochilgan boshlang’ich rus maktablari edi. Uni ochishdan asosiy maqsad o’lkani ruslashtirish bo’lgan. Turkiston general-gubernatori K.P.fon Kaufman “musulmon va rus maktablarining ajralib turishi”ni iqtisodiy va siyosiy jihatdan zararli deb hisobladi. Bu g’oyani Kaufmanning izdoshi general-leytenant N.O.Rozenbax davom ettirib, ibtidoiy turdagi yangi maktablar – rus tuzem maktablari tarmog’ini yaratish loyhasini ishlab chiqdi. Birinchi rus-tuzem maktablari 1884 yil 19 dekabrda Toshkentda ochilgan, unda 41 bola o’qigan. 1891 yil Xivada, 1894 yil Buxoroda ochilgan. Ularning soni XIX asr oxirida 100 dan oshgan. Rus-tuzem maktablarida ta’lim muddati 4 yil bo’lgan. Rus-tuzem maktablari ruscha va mahalliy sinflarga bo’lingan. Rus tili, o’qish, yozish, hisob, boshlang’ich o’zbek tili, arab tili va islom dini asoslari o’qitilgan. Rus tili, o’qish, yozish, hisob, geometriya, tarix darslarini rus o’qituvchisi, o’zbek tili, arab tili va islom dini asoslari o’zbek muallimi o’qitgan.

Saidrasul Saidazizovning “Ustodi avval” (1902), Aliasqar Kalininning “Muallimi soniy” (1903), S.M.Gramentskiyning 3 qismdan iborat o’qish kitoblari rus-tuzem maktablari o’quvchilarining asosiy darsliklari bo’lgan. Ayrim rus-tuzem maktablari haqida kattalar uchun (rus garmmatikasi asosini o’rgatish maqsadida) kechki maktablar, ko’chmanchi aholi uchun esa internatlar tashkil etilgan. Keyinchalik 2 yillik va ayollar uchun ham rus-tuzem maktablari ochilgan. Rus-tuzem maktablari mahilliy aholisining bir qismiga o’sha davr uchun ilg’or bo’lgan madaniyat yutuqlaridan bahramand bo’lish imkonini yaratgan [8:395].

Jadidchilik (arab. jadid – yangi) - XIX asr oxiri XX asr boshida Turkiston, Kavkaz, Qrim, Tatariston hayotida muhim ahamiyat kasb etgan ijtimoiy - siyosiy, marifiy

harakat edi.

Jadidchilik – XIX asrning ikkinchi yarmi XX asrning boshlarida turkiy xalqlar orasida yuzaga kelgan marifat uchun kurashgan, o'qish-o'qitish ishlarini isloh qilishga, diniy maktablarning dasturiga ayrim dunyoviy fanlarni kiritishga, shuningdek, yangilikni targ'ib qilishga intilgan siyosiy oqim edi.

Jadidchilik dastlab XIX asrning 80-yillarida Qrimda Ismoilbek Gasprinskiy rahbarligida qrim tatarlari o'rtasida vujudga keldi. Jadidchilik harakati nomoyandalari ko'pincha o'zlarini taraqqiyparvarlar, keyinchalik jadidlar deb atashgan [7: 519-522].

Turkistonlik jadidlar ona vatanlarini mustaqil, ozod holda ko'rishni o'zlarining bosh maqsadlari deb bildilar. Milliy-ozodlik kurashida qurol kuchi bilan muvaffaqiyat qozonib bo'lmasdi. Turkiston jadidlari bunday sharoitda ozodlikni ko'lga kirita olmasliklarini ibtidoiy qurollar bilan Rossiyadek zo'ravon va makkor saltanat changalidan qutilishlari mumkin emasligini yaxshi tushunganlar. Shu bois ular milliy istibdodga qarshi kurashish lozimligini anglab etdilar. Natijada jadidlarning xalqqa hamma narsadan oldin ma'rifat berish lozim, degan g'oyasi yuzaga keldi. Shundagina xalq o'z ahvoliga razm solishi, qulligini anglashi, milliy ongi uyg'onishi mumkin edi. Ana shundan keyin izchillik bilan milliy-ozodlik sari kurash olib borsa bo'lardi.

Jadidlarning tarbiya, odob-ahloq haqidagi fikrlari, asosan qadimdan islom olamida qaror topgan qarashlar negizida shakllangan. Jadidlar ajdodlardan bolalar, umuman inson tarbiyasida musulmonlarga xos diyonatli, saxovatli, xushaxloq, xushmuomala bo'lish singari muhim xislatlarni qabul qildilar. Ayni zamonda ularning pedagogik qarashlarida yangi bir tushuncha paydo bo'ldi. Bu tarbiya, muhit, zamon, sharoitning o'rni to'g'risidagi qarashdir. Jadidlar pedagogikasi ijtimoiy hayot, uning talablari, ehtiyojlarini hisobga olish bilan o'zlarigacha bo'lgan Sharq pedagogikasidan bir qadam olg'a siljish bo'lgandi. Jadidlar dunyoqarashida komil inson – bu eng avvalo, zamonaviy insondir. Zamonaviy inson esa, millat va Vatan manfaatini barcha narsadan ustun qo'yuvchi, ma'rifatli, diniy va zamonaviy ilm-fanlarni egallagan, xushaxloq, tarbiyali kishidir deyishadi.

Jadidchilik harakatining etakchilaridan biri ma'rifatparvar Mahmudxo'ja Behbudiy (1875-1919) edi. U o'z davrining ilmshunoslaridan biri, muftilik rutbasiga erishgan zot edi. Behbudiy shu bilan birga hamisha bid'atga qarshi kurash olib bordi va o'z asarlarida dinni to'g'ri tushunishga va targ'ib etishga davat etdi.

Vaqtli matbuot sahifalarida zamonasining dolzarb mavzulariga bag'ishlangan ijtimoiy-siyosiy, tarixiy – adabiy maqolalari bilan faol ishtirok etadi. Uning 10 yillar Turkiston matbuotida 300 dan ortiq maqolalari e'lon qilgani ma'lum. Ushbu maqolalarning markazida maktab, maorif, madaniyat, ma'rifatparvarlik g'oyalarining targ'iboti turadi. Turkistonda jadidchilik harakatini datslabki targ'ibotchisi hisoblanadi.

1913 yilda u Samarqandda "Samarqand" gazetasi va "Oyina" jurnalini tashkil etadi. Har ikkala nashrning asosini ma'rifat – madaniyat, millat va ozodlik g'oyalari tashkil qiladi. U 1914 yili "Padarkush" drammasini yaratdi. Behbudiy yangi usuldagi maktablarning ilk targ'ibotchisi va asoschilaridan biri, shuningdek, ana shu maktablar uchun darsliklar ham yaratgan yirik ma'rifatparvardir. U vaqtlarda darsliklar asosan savod chiqarishga yo'naltirilgan, shu bilan birga dunyoviy ilmlarni o'rganish ham maqsad qilib qo'yilgan edi.

Adib, murabbiy, muharrir, ma'rifatparvar, jamoat arbobi Munavvar qori Abdurashidxon o'g'li (1878-1931) Toshkent shahrining Shayx Xovand Tohur (hozirgi Shayhontohur) dahasi Darxon maxallasida mudarris oilasida tug'ilgan. Munavvar Qori XIX asrning oxiridan boshlab jadidchilik harakatlarida faol ishtirok eta boshladi. 1901 yilda o'z xovlisida, keyinchalik Toshkentning turli dahalarida jadid maktablarini ochadi. Munavvar Qori maktablar uchun 1907 yilda "Adibi avval", "Adibi soniy" darsliklarini yaratadi. "Tajvid–al-Qur'on", "Er yuzi" singari qo'llanmalarni tuzib, nashr etadi. Bolalar uchun qator she'riy va nasriy hikoyalar yozadi.

Ishoqxon To'ra Ibrat (1862 – 1937) ma'rifatparvar shoir, zabardast tarixshunos olim, ilk o'zbek matbaachilaridan bo'lib, 1862 yilda Namangan yaqinidagi To'raqo'rg'on qishlog'ida tug'ilgan. Dastlabki ma'lumotni eski maktabda, so'ngra onasining qo'lida oladi. U o'z faotliyatini pedagog sifatida qishloqda ma'rifat tarqatishdan boshladi. O'sha yillari eski mahalliy maktablardan ancha farq qiluvchi yangicha maktab ochadi.

Jadidlarning ta'lim va tarbiya to'g'risidagi, umuman pedagogik qarashlari shu bilan xarakterliki, ular ajdodlarimizning bu boradagi qimmatli fikrlarini ilg'or, zamonaviy qarashlar bilan uyg'unlashtirdilar. Shu bois ularning pedagogik qarashlari ijtimoiy zaminga asoslangani bilan hanuzgacha ahamiyatini saqlab kelmoqda.

Yangilikka bo'lgan intilish, xalqning ong-u tafakkuriga ma'rifatni singdirish yo'lida qilingan dastlabki ishlardan biri yangi maktablar ochish va ilmi toliblarga darslik-saboqliklar yaratish bo'ldi.

XX asr boshlarida Turkistonda ochilgan usuli jadid maktablarida *ona tili* o'qitish-o'quv rejasiga kiritilgan bo'lib, muallimlar shogirdlariga til qoidalarini turk va tatar tillari uchun tuzilgan grammatikadan foydalanib o'qitmoqqa majbur bo'ldilar. Chunki bu davrda o'zbek tilining ilmiy qoidalari yoritilgan asarlar yo'q edi. Garchi XX asr boshlarida rus olimlari tomonidan o'zbek tiliga oid bir qancha grammatika, lug'at va majmualar tuzilgan bo'lsa-da, ularda til qoidalari rus tili grammatikasi asosida izohlanganligi sabab o'zbek o'quvchilari ehtiyojini qondirolmasdi. 1913 yilda M.Faxriddinov tomonidan yaratilgan *"Turkcha qoida"*[9:51] va boshqa shu tipdagi qo'llanmalar esa usmonli turk olimlari tomonidan arab tili sarf-nahv andozasi asosida tuzilgan grammatikaning nusxasi edi.

O'rta Osiyoda birinchi marta o'zbek tilida tovush usulida xat-savod o'rgatish ishiga toshkentlik Saidrasul Saidazizov kirishib, tovush usulida yaratgan kitobini "Ustodi avval" deb nomlagan va bu alifbe-darslik 1902 yildan boshlab har yili nashr qilinib turgan. Muallif "Ustodi avval"ning "alifbe davri" oxirida shunday yozgan: "Alhamdulilloh, bizlar ushbu bitilgan 33 saboqda harf o'qimoqni tamom qildik, 32 harf, 109 surat" [6] (*surat* deyilganda arab alifbosidagi harflarning yozuvda hosil qiladigan shakllari nazarda tutilgan).

Muhimi, Fitrat boshchiligidagi "Chig'atoy gurungi" a'zolari ilk bor ta'lim-tarbiya ishini ilmiy asosda o'rganishga kirishdilar. Ular savod chiqarish qoidalarini yoritishda rus yoki arab tili grammatikalari asosida emas, balki shu tilning ichki xususiyatlari asosida yoritish kerakligini tushunib etdilar. Ular tarixiy asarlar, xalq og'zaki ijodi namunalari, shevalar asosida material to'plab, ilmiy nuqtai nazardan o'rgana boshladilar. 20-yillarga kelib matbuot sahifalarida Elbek, Qayum Ramazon, Shokirjon Rahimiy, Shorasul Zununlarning o'zbek tili tovushlari masalalaridan bahs yurituvchi maqolalari ko'rina boshladi. Bular o'zbek til (ona tili) darsliklari yaratishdagi dastlabki jajji ilmiy tadqiqotlar edi.

1919 yil Fitrat va Q.Ramazon o'zbek tili (ona tili) masalalariga bag'ishlangan *"Bitim yo'llari"* [9:32] qo'llanmasini tuzdilar. Bu asar keyingi ona tili saboqlik (darslik)larning yuzaga kelishiga ijobiy ta'sir qildi. Elbekning birinchi *"Yozuv yo'llari"* darsligi ham "Bitim yo'llari" zamirida yaratildi.

"Bitim yo'llari" o'qituvchilarga qo'llanma sifatida yaratilgan bo'lsa, Elbekning "Yozuv yo'llari" saboqlik-darslik shaklida tuzilgan. Unda boshlang'ich sinf o'quvchilariga mo'ljallanganligi sababli faqat imlo

qoidalariga e'tibor qaratilgan. Elbekning "Yozuv yo'llari" darsligi 1921 yil til-imlo qurultoyi to'xtamlari asosida, sodda tilda yozilgan. Elbek mazkur darslikni tuzishda imkon qadar sof o'zbekcha so'z-terminlardan foydalanishga harakat qilgan.

20-yillarda o'zbek tili (ona tili) darsliklarini yaratish o'zbek pedagoglari oldida turgan asosiy muammolardan biri edi. Shu munosabat bilan Turkiston Maorif komissariyati huzuridagi bilim kengashida majlis o'tkaziladi. Kengashda o'zbek tilining grammatikasini tuzishda qanday yo'l tutilishi kerakligi haqida munozara bo'lib o'tgan. A.Sa'diy shu kunga qadar tuzilgan grammatikalar rus, arab tillariga taqlid tariqasida yozilganligi tufayli o'z ruh va tabiati istagan mantiqiy sarf-nahv emas, balki turk tillari uchun ahamiyati bo'lmagan shakliy sarf-nahvlar maydonga chiqib qolayotganligini ta'kidlaydi.

Elbekning "Turk tillarining qonunlari to'g'risida mulohazalar" maqolasi shu kengash munosabati bilan yozilgan bo'lib, unda olim o'zbekcha bir kalima bilmasdan uning grammatikasini tuzmoqchi bo'lgan professorlarni tanqid qiladi. Bu vazifani o'zbek tilida so'zlashuvchi, uning butkul ruhi bilan tanish bo'lgan kishilargina bajarishga loyiqdir [1],- deb yozadi.

Savod chiqarishga bo'lgan intilish dastlabki darslik-saboqliklarning yaratilishiga turtki bo'ldi. Bu borada Fitrat, Munavvar Qori, Sh.Rahimiy, Elbeklarning alohida xizmatlari bor. Darslik mualliflari ilmiy terminlar borasida ko'p qiynalar, turli munozaralar avjiga chiqardi. Bunga sabab o'zbekcha atamalarning shakllanmaganligi edi [2:12].

XX asrning 20- va 30-yillari boshida hozirgi o'zbek tili (ona tili) darsliklari hamda imloning yaratilishida, pedagogikaning nazariy asoslarini ishlashda, o'sha davrdagi yangi sho'ro maktablariga mo'ljallangan mukammal darslik va qo'llanmalar yaratishda Abdurauf Fitrat boshchiligidagi "Chig'atoy gurungi" to'garagi, keyinchalik uning a'zolari ishtirokida O'zmaorifqo'm (O'znarkompros) qoshida tuzilgan O'zbek bilim hay'ati, O'zbek yangi alifbo markaziy qo'mitasi, Til-termin davlat qo'mitasi singari tashkilotlarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir. Ularda faoliyat ko'rsatgan bir qator ma'rifatparvar va vatanparvarlarning g'ayratu tashabbuslari natijasida asosiy fan sohalari bo'yicha bir necha o'nlab ona tili darsliklari, o'quv qo'llanmalari, terminologik lug'atlar maydonga keldi [4:35].

Ushbu say-haraktlarning natijasi o'laroq, XX asr birinchi choragida o'zbek tilini o'qitish va o'rgatishning qator masalalariga bag'ishlangan asarlar, jumladan, M.M.Faxriddinovning "Turkcha qoida" (Toshkent, 1913), Elbekning "Bitik yo'llari" (Toshkent, 1919), "Yozuv yo'llari" (Toshkent, 1921), Shorasul Zunnunning "O'zbekcha til qoidalari" (Toshkent, 1925), Munavvarqori, Qayum Ramazon va Shorasul Zunnunning "O'zbekcha til saboqlig'i" (Toshkent, 1925) singari darslik va qo'llanmalari yaratildi [5:5] Fitratning "O'zbek tili qoidalari to'g'risida bir tajriba" darsligi izchil yoritilgan baqquvat grammatika sifatida yuzaga keldi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, buyuk jadid bobolarimiz va ularning safdoshlari Fitrat, Elbek, Saidrasul Saidazizov, Munavvarqori Abdurashidxonov, Shorasul Zunnun, Qayum Ramazon, Ashurali Zohiriy va boshqa bir qator olimu pedagoglarning sa'y-harakatlari, ona tilidan yaratgan darslik va qo'llanmalari, lug'at va maqolalarining natijasi o'laroq XX asrning 20-yillarida o'zbek tili (ona tili) darsliklari yaratildi hamda o'zbek pedagogikasi (boshlang'ich sinflar)da ta'lim-tarbiya berishning yangi shakli va usullari shakllana va rivojlana boshladi.

Adabiyotlar

1. Elbek. Turk tillarining qonunlari to'g'risida mulohazalar G'G' Qizil bayroq, 1922 8 may.
2. Ermatov I. O'zbek tilshunoslik terminlarining shakllanishi va taraqqiyoti (umumiy o'rta ta'lim maktablarining darsliklari asosida). Filol. fan. bo'yicha falsafa dok-ri diss....avtoref. – Toshkent: 2019. 25-b.
3. Fitrət. Өzbek tili qadalar togrusda bir təçribə, Birinci kitab. Sərf. -Samarqand–Taşkent: «Өzdəvnəşr", 1930. 42- b.
4. Mirahmedova Z. O'zbek tilining anatomiya terminologiyasi va uni tartibga solish muammolari. -Toshkent: "Fan", 2010.
5. Qurbonova M. Fitrat – tilshunos. – T.: Universitet, 1996.
6. Sayidazizov Saidrasul. Ustodi avval (2-nashri). – Toshkent: 1903.
7. O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi, 3-tom. -Toshkent: 2002.
8. O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi, 7-tom. –Toshkent: 2002.
9. Chig'atoy gurungi. Bitim yo'llari. Maorif komissarligi ruxsati bilan bosilg'on. –Toshkent: 1919.

REZYUME

Maqolada boshlang'ich sinflarda ona tili fanidan dastlabki yaratilgan darslik - alifbolar hamda ushbu darslikni yaratishga bo'lgan ehtiyoj va dastlabki izlanishlar to'g'risida fikr yuritiladi. Tadqiqotning maqsadi boshlang'ich sinflarda ilk darsliklarnining yaratilishi asosida ta'lim-tarbiya jarayonlarini tadqiq etishdan iborat.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются первые учебники по предмету родного языка в начальной школе, а также необходимость этого учебника и первоначального исследования. Целью исследования является изучение учебного процесса на основе создания первых учебников в начальной школе.

SUMMARY

The article discusses the first textbooks on the subject of native language at primary school, as well as the need for this textbook and the initial research. The aim of the research is to study the educational process based on the creation of the first textbooks in primary school.

UMUMKASBIY VA IXTISOSLIK FANLARNI KOGNITIV-VIZUAL YONDASHUV ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARNING KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH IMKONIYATLARI

M.Ya.Xo'jjiyev – *mustaqil tadqiqotchi*

Buxoro muhandislik – texnologiya instituti

Tayanch so'zlar: kognitiv, vizual, empirik, evristika, estetik tarbiya, temperament, takt, intellekt, verbal.

Ключевые слова: когнитивный, визуальный, эмпирический, эвристический, эстетический, темперамент, такт, интеллект, вербальный.

Key words: cognitive, visual, empirical, heuristic, aesthetic, temperament, tact, intelligence, verbal.

Kirish. Bugungi kunda zamon shiddat bilan rivojlanayotgan davrda, har daqiqada pedagogika yo'nalishida lingvodidaktika kabi yangi tushunchalar kirib kelmoqda, bunday tushunchalardan biri pedagogikaning o'ziga xos xususiyatlariga moslashtirilgan "vizualizatsiya" deb atash mumkin yoki kognitiv vizualizatsiya. Sabablari ilmiy va pedagogik e'tibor jamoatchilikni tasvirlash texnologiyasiga aniqlik kiritish, hayotning sezilarli darajada tez sur'ati va ma'lumot hajmining oshishi sabab bo'ldi:

Ushbu muammoni hal qilish usullaridan biri ma'lumotlarni vizualizatsiya qilishning turli vositalarini fanga olib kirish. Bunday o'zgarishlar jamoat hayotini takomillashtirishga chaqirdi.Ma'lumotlarni kodlash va qayta ishlash usullari mavjud, shuning uchun idrok shakli o'zgaradi. Yangi bilim: zamonaviy insonning fikrlashi asrlar davomida tasvirlarni ancha samarali qabul qiladi,

og'zaki vositalardan ko'ra.

Axborot va kommunikatsiyalarning bugungi kundagi jadal rivojlanishi aloqa texnologiyalari va ularning kirib borishi hayotning barcha sohalarida yangi kognitivlik paydo bo'ldi. Vizual o'qitish vositalarini jadal joriy etish va bu orqali ta'lim sifati a'lo darajada o'z natijasini bera boshlaydi.

Ushbu sabablar bir qator savollarni keltirib chiqaradi: kognitiv vizualizatsiya o'rtasidagi farq nima? kognitiv vizualizatsiya ta'limni yanada samarali o'rganishga yordam beradi. Kognitiv – vizualizatsiya bu ko'rib, tushunib, anglash orqali fanlarni o'zlashtirishning komunikatsion texnologiyalari.

a. o'quv jarayonida o'zlashtirish ko'rsatkichi sifatida ko'rinishning daktik printsipi, unga ko'ratexnogiyalarni o'rganish aniq tasvirlarga asoslangan, to'g'ridan-to'g'ri talabalar tomonidan qabul qilinadi;

b. maxsus qanday foydalanish kerak o'quv qo'llanmalari (audiovizual o'quv qo'llanmalari, multimedia, texnik o'quv qo'llanmalari) "[1].

Shunday qilib, vizualizatsiya va ko'rinishni sinonim atamalar deb hisoblash mumkin, yanada aniqroq namoyish etish usullarini ko'rsatib beradi.O'quv materiali.

Keyinchalik pedagogikada ko'rish g'oyalari I.D.Pestalozzi va K.D.Ushinskiy asarlarida rivojlandi. Mahalliy texnikada yorqin misol mos yozuvlar sifatida vizualizatsiyadan foydalaning V. Shatalovning uzatish davrlari.Zamonaviy lingvistik didaktika olimlari ongni xaritalash texnologiyasining paydo bo'lishi bilan vizualizatsiyani o'rganishga faol murojaat qilishmoqda.

Texnologiyaning mohiyati ko'rish tamoyillariga zid emas, lekin uni ham oshkor qilmaydi mazmuni, chunki u ma'lumotni batafsilroq qayta ishlashdan, bilim faoliyatining boshqa turiga qaratilgan barcha fikrlash turlarini faollashtirishdan iborat.

Boshqacha qilib aytganda, kognitiv vizualizatsiya yanada murakkab hodisani o'rganish mavzusining illyustratsiyasiga havola, balki uning keyingi mavzusi o'zgartirish, qayta o'ylash. Tahlil qilingan tadqiqotlar kognitiv vizualizatsiyaning noaniq talqinini namoyish etadi.

"Venn diagrammasi" usuli. Ushbu strategiya o'quvchilarda mavzuga nisbatan tahliliy yondashuv, ayrim qismlar negizida mavzuning umumiy mohiyatini o'zlashtirish (sintezlash) ko'nikmalarni hosil qilishga yo'naltiriladi. Strategiya o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilgan o'zaro yaqin nazariy, ma'lumotlar yoki dalillarni qiyosiy tahlil etishga yordam beradi, 2 va 3 jihatlarni hamda umumiy tomonlarini solishtirish yoki taqqoslash yoki qarama-qarshi qo'yish uchun qo'llaniladi. Tizimli fikrlash, solishtirish, taqqoslash, tahlil qilish ko'nikmalarini rivojlantiradi. Ushbu strategiyadan muayyan bo'lim yoki boblar bo'yicha yakuniy darslarni tashkil etishga foydalanish yanada samaralidir.

1. -bosqich. "Venn diagrammasi" tuzish qoidasi bilan tanishadilar. Alohida kichik guruhlarda diagramma Vennani tuzadilar va kesishmaydigan joylarni (x) to'ldiradilar.
2. -bosqich. Juftliklarga birlashadilar, o'zlarining diagrammalarini taqqoslaydilar va to'ldiradilar.
3. -bosqich. Doiralarni kesishuvchi joyida, ikki/uch doiralar uchun umumiy bo'lgan, malumotlar ro'yxatini tuzadi.

Har – bir o'qituvchining innovatsion faoliyati o'z ichiga yangilikni tahlil qilish va unga baho berish, kelgusidagi harakatlarning maqsadi va konsepsiyasini shakllantirish, ushbu rejani amalga oshirish va tahrir qilish, samaradorlikka baho berishni qamrab oladi. Innovatsion faoliyatning samaradorligi pedagog shaxsiyati bilan belgilanadi.

O'qituvchini innovatsion faoliyatga tayyorlash ikki yo'nalishda amalga oshirilishi lozim:

i. yangilikni idrok qilishga innovatsion shaylikni shakllantirish;

ii. yangicha harakat qila olishga o'rgatish.

Bilimni mustahkamlash uchun biron –bir hodisani inson tomonidan anglab tushunishi bu xotiraning tez qabul qilib so'zlar yig'indisini sintez qilishiga bog'liq hodisa hisoblanadi. Xotira, aql xaritasi, kontseptsiya xaritasi, aqliy xarita - bularning barchasi tarjima variantlari aql xaritasi - tomonidan ommalashtirilgan texnologiya hisoblanib, amerikalik ma'ruzachi va maslahatchi so'zga chiqdi [7].

Mutaxasislik fanlarini o'qitish metodikasida qo'llaniladigan ilmiy tadqiqot metodlari. Nazariy metod - adabiyotlardan o'rganish va tahlil qilish, hamda pedagogik tajribalar asosida olib boriladigan izlanishlar kiradi. Adabiyotlar ustida ishlashda kitob va jurnallar, maqolalar va patentlar, ilmiy ishlanmalar, to'plamlar va kataloglar, internet tizimidan olingan ma'lumotlardan foydalaniladi.

Kuzatish - odatda tabiiy kuzatish orqali talabalarning fanlarni o'zlashtirishlari, ularning xulq-atvori va muomalaridagi o'zgarishlarni hisobga olish va tegishli ta'limiy-tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish yo'llarini belgilash uchun qo'llaniladi.

Suhbat metodi - so'rashning bir turi bo'lgani holda tadqiqotchining jiddiy tayyorgarlik ko'rishini talab etadi, chunki u shaxs bilan bevosita aloqada bo'lish vaqtida og'zaki suhbat tarzida, suhbatdoshining javoblarini yozmasdan erkin muomala shaklida qo'llaniladi.

Pedagogik so'rash metodi – tadqiqotchining boshqa kishilardan pedagogik tajribaning biror jihati yoki hodisalari haqida axborot olish jarayonidir. So'rash savollarning mantiqiy o'ylangan tizimini, ularning aniq ifodalanishini, nisbatan kamligini (3-5 ta) nazarda tutadi. SHuningdek, qat'iy shakldagi javobni ("ha","yo'q") ham taqozo etishi mumkin.

Test sinovlar metodi - bu yozma javoblarni ommaviy ravishda yig'ib olish metodidir. Test sinovlarini (anketalarini) ishlab chiqish murakkab ilmiy jarayon. Pirovard natijada tadqiqot natijalarining ishonchliligi anketalar mazmuniga, berilayotgan savollar shakliga, to'ldirilgan anketalar soniga bog'liq bo'ladi. Odatda test savollarining ma'lumotlari kompyuterda matematik statistika metodlari bilan ishlashga imkon beradigan qilib tuziladi.

Eksperiment-tajriba-sinov usuli - ushbu tajriba asosida ta'lim-tarbiya jarayoniga aloqador ilmiy faraz yoki amaliy ishlarning tadbiqi jarayonlarini tekshirish, aniqlash maqsadida o'tkaziladi.

Qanday o'quv uslubi dars jarayonida samarali?

Incidental Learning (*Tasodifiy o'rganish)*

Tasodifiy o'rganish - bu rejadan tashqari yoki bila turib o'rganishdir.Bu o'rganilgan narsalar bilan chambarchas bog'liq bo'lgan faoliyatni amalga oshirayotganda paydo bo'lishi mumkin.Ushbu mavzu bo'yicha dastlabki tadqiqotlar odamlar o'zlarining ish joylarida o'zlarining kundalik ishlarida qanday o'rganishlarini ko'rib chiqdilar.

Context-Based Learning*(Kontekst asosida o'rganish)*

Kontekst bizga tajriba o'rganishimizga imkon beradi. Yangi ma'lumotni qayerda va qachon paydo bo'lishi kontekstida talqin qilish va biz bilgan narsalar bilan bog'lash orqali biz uning dolzarbligi va ma'nosini anglaymiz. Sinf yoki ma'ruza teatrida kontekst odatda belgilangan maydon va cheklangan vaqt bilan chegaralanadi. Sinfdan tashqari, o'rganish meros joyiga yoki muzeyiga tashrif buyurish yoki yaxshi kitobga kirish kabi boyitilgan kontekstdan kelib chiqishi mumkin.

Adaptive Teaching (*Adaptiv o'qitish*)

Barcha o'quvchilar har xil. Biroq, aksariyat o'quv ma'ruzalari va materiallari hamma uchun bir xildir. Bu o'quvchiga kontent bilan qanday aloqada bo'lishini aniqlash uchun yukni yuklash orqali ta'lim muammosini keltirib chiqaradi. Bu shuni anglatadiki, ba'zi o'quvchilar zerikishadi, boshqalari yo'qoladi va juda oz qismi maqbul tarkibga kiradigan tarkib orqali yo'llarni kashf etishi mumkin. Adaptiv o'qitish ushbu muammoning echimini taklif

etadi. Ta'lim mazmuni orqali shaxsiylashtirilgan yo'lni yaratish uchun u o'quvchining avvalgi va hozirgi o'rganishi haqidagi ma'lumotlardan foydalanadi. Adaptiv o'qitish tizimlari yangi tarkibni boshlash va eski tarkibni qachon ko'rib chiqish uchun eng yaxshi joylarni tavsiya qiladi. Ular, shuningdek, odamning rivojlanishini nazorat qilish uchun turli xil vositalarni taqdim etadilar. Ular darslik o'qish kabi uzoq yillik o'rganish amaliyotiga asoslanadi va kompyuter tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan qatlamni qo'shadi.



Rasm-2: Insonda tashqi ma'lumotlarni o'zlashtirishning o'n ikki usuli sxemasi

Adaptiv o'qitish tizimlari yangi tarkibni boshlash va eski tarkibni qachon ko'rib chiqish uchun eng yaxshi joylarni tavsiya qiladi. Ular, shuningdek, odamning rivojlanishini nazorat qilish uchun turli xil vositalarni taqdim etadilar. Ular darslik o'qish kabi uzoq yillik o'rganish amaliyotiga asoslanadi va kompyuter tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan kognitivlikni ilgari suradi. O'qish uchun sarflangan vaqt va o'z-o'zini baholash ballari kabi ma'lumotlar har bir talabaga o'quv materiallari bo'yicha rag'batlantirish uchun asos bo'lishi mumkin. Adaptiv o'qitish o'quv xonasidagi mashg'ulotlarda yoki talabalar o'zlarining o'qish jarayon natijalarini nazorat qiladigan onlayn muhitda qo'llanilishi mumkin.

Aql xaritalarini yaratishning asosiy usuli o'ng tomonda joylashgan markaziy tasvirning ta'rifi qator qurilgan soat yo'nalishi bo'yicha asosiy tushuncha bilan bog'liq subtopikalar. Muallif rangni boshlashdan foydalanishni maslahat beradi. Qizildan (idrokning yuqori darajasi) va yashil yoki ko'k bilan tugaydi (idrokning past darajasi). tasvirlar, ularni tasvirlar bilan birga va hatto tovushlar (video, audio). Xaritalarni mustaqil ravishda "qo'lda" yaratish mumkin yoki siz maxsus ishlab chiqilgan dastur va dasturlardan foydalanishingiz mumkin [8].

Xulosa. Yuqoridagi so'zlardan kelib chiqib maqolaga xulosa qilsak, axborot va kommunikatsiyalarning bugungi kundagi jadal rivojlanishi aloqa texnologiyalari va ularning kirib borishi hayotning barcha sohalarida yangi kognitivlik paydo qiladi. Vizual o'qitish vositalarini jadal joriy etish va bu orqali ta'lim sifati a'lo darajada o'z natijasini bera boshlaydi. Bu borada qilinadigan ishlar ertangi kun ravnaqiga va ta'limning yuqori natijalarga erishishida o'z o'rniga ega. Globallashgan zamonda innovatsion pedagogik texnologiyalarning o'rni juda muhim sanaladi. Bu maqolada ham innovatsion kognitiv-vizual tayyorlash metodi ilgari surilgan.

Adabiyotlar

1. Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). -М.: ИКАР, 2009. –С. 448.
2. Коменский Я. А. Великая дидактика // Избранные педагогические сочинения. -М.: Педагогика, 1982. Т. 1. –С.656.
3. Антонова Е. С. Парадокс нашего века: современные педагогические концепции в обучении иностранным языкам // Вестн. Томского гос.ун-та (TSPU Bulletin). 2010. № 338. -С. 152–155.
4. 13 N.NAzizxo'jayevaPedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. o'quv qo'llanma.-T.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamgarmasi nashriyoti. 2006, 160- b.
5. Khamidov Jalil Abdurasulovich, Khujjiev Mamurjon Yangiboevich, Alimov Azam Anvarovich, Gafforov Alisher Xolmurodovich, Khamidov Odil Abdurasulovich. "Opportunities and results to increase the effectiveness of multimedia teaching in higher education." *Journal of Critical Reviews* 7 (2020), 89-93. doi:10.31838/jcr.07.14.13
6. Хўжжиев, М. Я. (2020). Возможности повышения эффективности мультимедиа в процессе урока.*Universum: психология и образование*, (1), 10-13.
7. Kakhhorov S.K., Zhuraev A.R. Method of application of virtual stands in teaching subjects of electrical engineering, radio engineering and electronics// LXII International correspondence scientific and practical conference «International scientific review of the problems and prospects of modern science and education» (Boston. USA. September 22-23). 2019. – P. 44-47.
8. Жураев А.Р., Рауфова Н.Р. Методика использования программы Flash при обучении предмета технологии по направлению "Технология и дизайн" // "Academy" научно–методический журнал № 6 (33) / Россия, -Москва: 2018. -С. 79- 80.

REZYUME

Maxsus fanlarni innovatsion metodlar orqali o'qitishda fan o'z maqsadiga erishadi. Texnik fanlarni kognitiv – vizual tayyorlash orqali fanni talabaga yetkazishda qabul qilish, anglash, qiziqish va ko'nikmalarini shakllantirishda yuqori ko'rsatkichlarga ega. Bu borada xorij olimlarining zarhal fikrlari va fanga innovatsion yondashishlari, fanni mukammal o'zlashtirishda asosan qanday inson faktorlariga e'tibor berish kerakligi haqida ma'lumotlar yoritib o'tilgan.

РЕЗЮМЕ

Наука достигает своей цели, преподавая специальные предметы новаторскими методами. Обладает высоким уровнем восприятия, понимания, интереса и навыков в доставке науки студенту посредством когнитивно-визуальной подготовки технических наук. В этой связи золотые идеи зарубежных ученых и новаторские подходы к науке, а также информация о том, какие человеческие факторы следует учитывать при совершенном овладении наукой.

SUMMARY

Science achieves its goal by teaching special subjects in innovative ways. Possesses a high level of perception, understanding, interest and skills in delivering science to the student through the cognitive-visual training of engineering sciences. In this regard, the golden ideas of foreign scientists and innovative approaches to science, as well as information about what human factors should be taken into account in the perfect mastery of science.

ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИНИНГ МАСОФАВИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШДА ТЬЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

А.Е.Ибраймов – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
Бош прокуратура Академияси

Таянч сўзлар: масофавий ва аралаш малака ошириш, тьюторлик фаолияти, тамойиллар, функциялар, самарадорлик.
Ключевые слова: дистанционное и смешанное повышение квалификации, деятельность тьютора, принципы, функции, эффективность.
Key words: distance and mixed professional development, tutor's activities, principles, functions, efficiency.

Тьюторлик фаолияти ҳозирги кунда кўпчиликка янги тушунча сифатида кўринмоқда, аслида тьюторлик фаолияти янги тушунча ёки касб эмас. Тарихий манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, тьюторлик фаолияти бир нечта асрлардан буён таълим бериш маданияти билан биргаликда алоҳида маданият сифатида шаклланиб келган ва асрлар давомида ривожланишида унинг таълим-тарбия жараёнидаги роли ҳам ўзгариб борган.

Мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолиятининг ривожланиши қуйидаги асосий босқичларга ажратилган [5].

XVI асргача. Тьюторлик фаолияти таълим олувчиларнинг мустақил ўқишларига кўмаклашувчи сифатида;

XVI–XIX асрлар. Тьюторлик фаолияти инглиз университети тизимида расмий тан олинган қисми сифатида;

XIX–XX асрлар. Тьюторлар ва китобларни асосий билим манбаи деб билиш мумкин бўлган вақтлар;

XXI аср. Тьютор янги касб сифатида: ўқитувчи функциясини ўзгартириш, кенгайтириш ва янги лавозим мажбуриятини белгилаш.

Шунингдек, айрим манбаларда тьюторлик фаолияти XII асрдаги Европа университетлари, жумладан Оксфорд, Кембриж университетлари тарихи билан чамбарчас боғлиқлиги ва Буюк Британияда шаклланганлиги таъкидланган [4].

Мавжуд адабиётларда бир қатор олимлар ва бошқа мутахассислар томонидан тьютор сўзига таъриф берилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Т.И.Конянина томонидан «**тьютор** – бу мустақил билим олиш жараёнига, якка тартибдаги таълимга оид изланишга кўмаклашувчи, қўллаб-қувватловчи, индивидуал таълим лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватловчи» [2], С.А.Щенников томонидан «**тьютор**» ўқитувчи-консультант сифатида – таълим ва мустақил таълим олишни ташкил этувчи мутахассис» [6], Т.М.Ковалева томонидан «**тьютор** – бу индивидуаллаштириш тамойили асосида ишловчи ва индивидуал таълим дастурини тузиш ва амалга оширишга кўмаклашувчи алоҳида педагог» [3] деган фикрлар билдирилган.

Олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан тьютор ҳақида турлича таърифлар берилганлигига қарамасдан, кўпчилик томонидан ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ҳамда амалиётда кенг тарқалган Т.М.Ковалёванинг **тьюторлик – бу педагогик кўмаклашишнинг алоҳида тури – у очиқ таълим жараёнида ўқувчини индивидуаллаштириш жараёнига кўмаклашишдир, деган фикрини қўллаб-қувватлаш мумкинлиги алоҳида қайд этилганлигини** кўриш мумкин.

Тьютор тушунчаси бўйича республикамизда ҳам илмий тадқиқот ишлар мавжуд бўлиб, соҳа олимлари сифатида А.Асқаров, А.Ибраймов ишларида “**Тьютор** (ўқитувчи-консультант) – масофадан малака ошириш ўқув жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи ҳисобланиши” таъкидланган [1].

XXI асрда таълим жараёнида масофавий ўқитиш технологияларидан кенг фойдаланаётган бир вақтда, тьюторлик фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Сабаби, “синф-дарс” шаклида таълим олувчилар бевосита ўқитувчи раҳбарлигида таълим олади ва асосан ўқитувчи томонидан ўргатилган билимларни ўзлаштиради. Масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим олиш эса, асосан индивидуал таълим олишга олиб келади ва бу ерда албатта индивидуал таълим олувчига маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи зарур бўлади. Бу вазифани эса, албатта **тьютор бажаради**.

Мазкур мақолада прокуратура ходимларининг малакасини ошириш курсларини масофавий ва аралаш шаклларда ташкил этишда тьюторлик фаолиятини амалга ошириш масалалари ёритилган.

Прокуратура органлари ходимларининг масофавий ва аралаш шаклда малакасини оширишнинг мақсади – тингловчиларга асосий иш жойидан ажралмаган ёки қисман ажралган ҳолда, қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, прокурор-тергов фаолиятининг илғор ютуқларини ўргатиш, фаолият учун зарур бўлган касб маҳоратини такомиллаштириш, шунингдек, тизимли камчиликларни бартараф қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Тьютор фаолиятининг **мақсади эса** – масофавий ва аралаш малака оширишда тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўйилган таълим мақсадларига йўналтириш, назорат қилиш ва назорат топшириқларини баҳолаш, методик ёрдам кўрсатиш, кўмаклашиш ҳамда ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишдан иборат.

Масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнида тьютор фаолиятининг **вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, уларни** қуйидагича ифодалаш мумкин:

тингловчиларнинг касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида ва бошқа долзарб масалалар бўйича ўқув материаллари ишлаб чиқиш ҳамда ўқув порталига жойлаштириш;

тингловчиларнинг асинхрон режимида мустақил таълим олишини қўллаб-қувватлаш, синхрон ва контакт-сессия машғулотларини олиб бориш, ўқув фаолиятини назорат қилиш, назорат топшириқларини холислик билан баҳолаш ва уларга зарур ҳолларда асосланган изоҳлар ёзиш;

рақамлаштирилган таълим муҳитида тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини диагностика қилиш, улар томонидан билдирилган талаб ва таклифлар асосида индивидуал таълим траекториясини шакллантириш ва уларнинг мустақил равишда узлуксиз малака оширишига кўмаклашиш;

тингловчиларнинг касбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ўқув дастурларини мустақил танлаш имкониятини яратиш.

Прокуратура органлари ходимларининг малакасини масофавий ва аралаш шаклларда ташкил этишда тьюторлик фаолияти қуйидаги асосий тамойиллари асосида амалга оширилиши мумкин:

очиқлик – масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнида рақамли технологиялар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг очиқлиги таъминланиши;

вариативлик – тингловчиларнинг салоҳияти, иш тажрибаси, касбий эҳтиёжлари, индивидуал касбий

ривожланиш траекториясига мос бўлган табақалашган малака ошириш дастурлари асосида таълим олиш имкони мавжудлиги;

мослашувчанлик – тингловчиларга қулай жой ва қулай шароитда, қулай вақтда масофавий малака ошириш ва тьюторлик фаолияти хизматларидан мунтазам фойдаланиш имкониятининг яратилиши;

узлуксизлик – мустақил равишда масофавий малака ошириш орқали таълим олишнинг изчиллиги, узлуксизлиги ва тингловчиларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда касбий фаолияти узлуксизлигини таъминлашга эришилганлиги;

индивидуал ёндашув – ҳар бир тингловчининг алоҳида муаммоларини ўрганиш ва уларга индивидуал методик ёрдам кўрсатиш ишларининг амалга оширилиши;

индивидуаллаштириш – таълим жараёнини рақамлаштириш орқали тингловчиларнинг касбий эҳтиёжлари асосида индивидуал таълим траекторияси асосида узлуксиз малака оширишга имконият яратилганлиги.

Анъанавий малака ошириш жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг кўникмаларига айрим талаблар қўйилганлиги каби, масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнида ҳам тьюторлар қуйидагича каби кўникмаларга эга бўлиши лозимлигини таъкидлаш мумкин:

рақамлаштирилган таълим муҳитида тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлаш, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган фаолиятни амалга ошириш;

прокуратура органларида соҳавий фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда масофавий ва мустақил таълим олиш учун электрон таълим ресурсларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ишлаб чиқиш ва мунтазам равишда такомиллаштириш;

тингловчиларнинг касбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган вариатив ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни мустақил танлаш орқали ўзлаштириш имкониятини яратиш;

тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини диагностика қилиш, талаб ва таклифлари асосида индивидуал таълим дастурини лойиҳалаш ва уларнинг узлуксиз малака оширишига кўмаклашиш;

видеоконференцалоқа ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали машғулотларни инновацион педагогик технологиялар асосида олиб бориш ҳамда назария билан амалиётнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш.

Мазкур кўникмаларга тьюторларнинг эга бўлиши масофавий ва аралаш малака ошириш курсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, масофавий ва аралаш малака ошириш курсларда тьюторларнинг қуйидагича ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш мумкин:

масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўқув жараёнида юзага келган ташкилий муаммоли вазиятлар, техник ноқулайликлар юзасидан таклифлар бериш ва эътирозлар билдириш;

ўқув жараёнида фаол иштирок этган тингловчиларнинг алоҳида рўйхатини юритиш ва уларни ўрнатилган тартибда рағбатлантириш учун таклифлар тақдим этиш;

тингловчиларнинг касбий эҳтиёжлари, муаммоларини ўрганиш орқали мажбурий ва танлов модуллар мазмунини ишлаб чиқиш ва ўқув порталига сифатли жойлаштириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш;

таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали назария ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;

ўқув машғулотларини илғор педагогик технологиялар асосида олиб бориш ҳамда узлуксиз малака ошириш шаклларини жорий этиш;

модул доирасида тингловчиларнинг ўқув фаолиятини кузатиш ва назорат ишларини белгиланган муддатларда баҳолаш ва натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш эса қуйидагича бўлиши мумкин, Жумладан, тингловчиларнинг касбий эҳтиёжларини, диагностика ўтказиш орқали уларнинг билим ва кўникмаларидаги бўшлиқларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликлар ҳамда долзарб масалаларни аниқлаш жараёнида фаол иштирок этиш, тингловчиларнинг индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва узлуксиз мустақил малакасини оширишга кўмаклашиши, шунингдек, тегишли фаолият йўналишлари бўйича мажбурий ва ихтиёрий (электив) ўзлаштиришга мўлжалланган модулларнинг ўқув-методик материалларини тайёрлаш ва ўқув порталига жойлаштириш ишларини бажаради.

Мазкур жойлаштирилган ўқув-методик материалларни асинхрон режимда мустақил равишда ўзлаштирилишини қўллаб-кувватлайди, тингловчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, мақсадга йўналтиради ва малака ошириш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни мустақил енгиб ўтишга ўргатади ва тегишли йўл-йўриқлар кўрсатади. Синхрон машғулотларини эса реал вақт режимида интерфаол шаклда ташкил этиш ва унда тингловчиларнинг ўқув фаолиятини таҳлил қилади, назорат топшириқларини баҳолаш ва топшириқни бажаришда йўл қўйилган камчиликлар ёки ютуқлари бўйича изоҳлар ёзиш ишларини амалга оширади.

Амалий машғулотларни эса Бош прокуратура Академиясининг аудиториялари, имитацион суд мажлисларини ўтказиш зали, тир, криминалистика полигони, моделлаштириш ва симуляция маркази, ситуацион ва симуляциявий машғулотлар ўтказиш учун махсус жиҳозланган хоналарда амалий хусусиятга эга бўлган машғулотлар шаклида ташкил этилади.

Шунингдек, масофавий ва аралаш малака ошириш курсларидан ташқари, прокуратура органлари ходимларининг яшаш ва иш жойларида кундалик малака оширишлари учун Академиянинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлар орқали аниқ мақсадга йўналтирилган информал таълим шаклларини ташкил этиши мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, прокуратура органлари ходимларининг малакасини оширишнинг масофавий ва аралаш шаклларида тьютор фаолиятини ташкил этишда тьюторлик фаолиятининг мақсади ва вазифаларини ҳамда унинг кўникмасига қўйиладиган талабларни белгилаш, тьюторлик фаолиятининг тамойиллари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, асосий функциялари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари аниқ белгиланиши зарур. Бу ўз навбатида тьюторлик фаолиятининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Асқаров А.Д. Масофавий ўқитиш таълим шаклининг ривожланиш босқичлари ва моделлари. // Замонавий таълим 2015, 10. 59-65-б.

2. Канянина Т.И. Роль тьютора в повышении ИКТ — компетентности педагогов: URL: http://msk.ito.edu.ru/section/61/2974.

3. Ковалева Т.М. Практика работы с процессом индивидуализации: сборник научных трудов по материалам IV Всероссийской научной тьюторской конференции. -Томск: 2000. –С.49–53.
4. Ковалева Т.М., Кобыща Е.И., Попова (Смолик) С.Ю., Теров А.А., Чередилина М.Ю. Профессия «тьютор». М.-2012. -Тверь: «СФК-офис». –С.246.
5. Лях А.Ю. Развивающий потенциал тьюторских технологий в системе обучения старших школьников. // “Образование и наука”. 2013. № 10. -С. 37-51.
6. Щенников С.А Открытое дистанционное образование. -М.: “Наука”, 2002. -С. 527.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада прокуратура органлари ходимларининг малакасини оширишни масофавий ва аралаш шаклларда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освешены особенности и требования к организации работы тьютора в процессе повышения квалификации в органах прокуратуры в дистанционной и смешанной форме.

SUMMARY

The article highlights the features and requirements for the organization of the tutor's work in the process of professional development in the prosecutor's office in remote and mixed forms.

ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

М.Р.Исақулов – *катта ўқитувчи*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: оила, мактаб, онг, тафаккур, жаҳолат, маърифат, таълим, ривожланиш, тарбия, миллий тарбия, миллий онг, насиҳат.

Ключевые слова: семья, школа, сознание, мышление, невежество, просвещение, образование, развитие, воспитание, национальное воспитание, просвещение, национальное сознание, совет.

Key words: family, school, consciousness, cognition, ignorance, enlightenment, education, development, upbringing, national education, national consciousness, advice.

Ўзбекистон Республикаси ёшлар тарбиясини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши ва “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”нинг ҳаётга татбиқ этилиши ушбу сиёсатининг айнан ёшлар фаолиятига йўналтирилганлиги билан ахамиятлидир. Уларда берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқори синф ўқувчилари онгида жаҳолатга қарши кураша олиш тафаккурини ривожлантириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири сифатида долзарб масала, деб эътироф этиш мумкин.

Юқори синф ўқувчилари онгида жаҳолатга қарши кураша олиш тафакурини ривожлантиришда уммутаълим мактаблари фаолияти билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу масала ечимига оилани қўшиш мақсадга мувофиқдир. Оила ва мактаб ҳамкорлиги тизимини йўлга қўйишда ҳар бир юқори синф ўқувчисининг шахсига ҳурмат билан ёндашиш зарур. Чунки ҳар бир юқори синф ўқувчисининг оиласи ўзига хос тарзда шаклланган. Оиланинг ўзига хослиги унга берилган таърифда ҳам ўз аксини топган.

Оила – одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир [1,3].

Демак, оила бир маънавий тизимлиги билан ҳарактерланар экан, биз ҳам унга уйғунлаштирилган ҳамкорликни таклиф этишимиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Маълумки, оила асосан миллий тарбияга суянган ҳолда ўз аъзоларинининг онги ва тафаккурини ривожлантириб, тарбиялаб боради. Шунинг учун ҳам бу ҳамкорлик тизимида қуйидагиларга эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Булар:

-ота –боболаримиз турмуш тарзи;
-миллий қадриятларимиз;
-миллий урф – одатларимиз;
- миллий-маънавий бойликларимиз;
-миллий маданиятимиз;
-миллий ғуруримиз;
-миллий ифтихорларимиз;
-миллий онг;
-миллий психология кабилар.

Биз юқори синф ўқувчилари онгида жаҳолатга қарши кураша олиш тафаккурини ривожлантиришда юқорида санаб ўтилган жиҳатларни таркиб топтиришимиз учун таълим -тарбия жараёнига оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқувчилар онги ва тафаккурини ривожлантириш мумкин.

Республикамизнинг Президенти Шавкат Мирамонович Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши мактаб ва оиланинг ҳамкорлигини таминлашда муҳим асос бўлиб ҳизмат қилади.

Бугунги кунда юқори синф ўқувчиларини билимли, салоҳиятли, иқтидорли қилиб тарбиялашда уларнинг онги ва тафаккурини ривожлантириш керак. Бундай ҳислатларни ривожлантириш учун оила ва мактабнинг ҳамкорлиги беқиёс аҳамиятга эга. Мактаб билан оила ўртасидаги мукаммал тарзда тузилган ҳамкорлик, юқори синф ўқувчиларини онги ва тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган педагогик жамоа ҳар бир ота – оналарни педагогик билимлар билан қуроллантириши мазкур тизим фаолиятига ижобий таъсир этади.

Шунинг учун ҳам педагоглар, ота-оналарга бола тарбиясида нималарга эътибор қаратиши кераклиги борасида педагогик тавсиялар бериб бориши бу тизимнинг самарали иш юритишига замин тайёрлайди.

Ота-оналар юқори исинф ўқувчилар психологиясини билишадими? Ота-оналар ўз болаларининг майли, қизиқиши, эхтиёжлари билан қизиқиб кўришганми? Мактаб ўқитувчисидан ўз фарзанди тўғрисида маълумотлар олиб турганми? Ҳар бир ота-она ўқитувчиси ўтказган тадбирларда фаол иштирок этганми? - деган саволларга тўлиқ жавоб бера оладиган бўлсагина ўз фарзандларини маънан юксак шахс қилиб тарбиялашлари мумкин. Акс ҳолда, эса тарбияси оғир болаларни ҳам учратишимизга тўғри келиб қолади. Бундай ҳолат ўқитувчиларга алоҳида масъулият юклайди.

Мактаб ва оила ҳамкорлиги жараёнларида қиз болалар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ширин сўзлилик, самимийлик, сермулоҳазалик, гўзал хулқ, яхши муомала, саронжом-саришталик қиз боланинг кўркидир. Унинг кўркига кўрк қўшувчи, одамийлик фазилатларини таркиб топтириб борувчи ота-онадир. Ота-онанинг панд-насиҳатларини дилларига жо қилган йигит-қизлар ҳаётда қоқилмайдилар, қийинчиликларга сабрли, бардошли бўладилар. Уларнинг келгуси ҳаёт йўллари ҳам порлоқ бўлади.

Демак, оилада ота-оналар ўз фарзандларининг улғайиб бораётганлигини теран ақл билан таҳлил қилиб боришлари керак. Айниқса, юқори синф ўқувчиларида ўзгараётган ички кечинмалар, физиологик ўзгаришлар ўқувчилар онги ва тафаккурини яхши ёки ёмон томонга ўзгартириши мумкин. Шу ўринда эътиборингизни бир ҳикояга қаратмоқчиман.

Бир куни Луқмони Ҳаким ўтиб кетаётсалар, бир она қизига насиҳат қилиб, яхши одатларни ўргатаётган эмиш: «Қизим сен ҳам балоғат ёшига етиб қолдинг. Эртага бировнинг хасмига борасан, меникига эса меҳмонга келасан, холос. Сен яхши ҳаёт кечираман, обрў эътиборли бўламан десанг, қайнонангни ҳурмат қил. Ҳаммадан эрта тур! Ҳамммадан кеч ёт! қўлинг эгри бўлмасин, бошинга қилич келса ҳам рост гапир. Ёлғончи, чақимчи, иккиюзламачи, ғийбатчи бўлма, қўлингдан келадиган хизматингни аяма, келган меҳмонни иззат – ҳурматини жойига қўйиб кузат. Оила аъзоларингни бировга ёмонлама, зийрак, доно, ақлли бўл! Куёвингни ҳурматини жойга қўй, кўчадан келганида кутиб ол! Кетганида кузатиб қўй. Саломни канда қилма. Шундагина бахт сенинг йўлдошинг, ғам – ташвиш эса кундошинг бўлади» дебди. Шунда Луқмони ҳаким «Онасини кўриб қизини ол!» деганлари шу бўлса керак деб, йўлларида давом этган эканлар [2].

Шуни таъкидлаш керакки, бу ривоят орқали оилада болаларни миллий тарбия мезонлари асосида тарбиялаш мумкин. Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки бу ҳикоя орқали она ўз қизининг эртанги куни ҳақида қайғуриб, ўз фарзандини оилага тайёрлаш билан бирга ёш қизининг оилага бўлган муносабати, онги ва тафаккурини ривожлантирмоқда. Жумладан, она қизига:

- тушунтириш;
- намуна кўрсатиш;
- одатлантириш;
- илтимос қилиш;
- тилак – истак билдириш;
- ёлвориш – илтижо қилиш;
- маслаҳат бериш;
- ундаш;
- узр сўраш каби тушунчаларнинг мазмун мохиятини ривоят орқали сингдирмоқда. Бундан ташқари, инсонни ахлоқий тарбиялашда энг кучли тарбиявий восита сифатида:
- ўгит – насиҳатлар;
- ибрат кўрсатиш;
- маъқуллаш ва мақташ;
- мукофатлаш кабилардан фойдаланилса, самарали натижалар бериши кузатишлардан маълум.

Мактаб ва оила ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилиши ўқитувчиларга ;

- ўқувчининг мактабга келишида;
- ўқувчининг яхши ўқишида;
- ўқувчининг тарбиясида;
- ўқувчининг дарсларни яхши ўзлаштириб фаол иштирокчига айланишида оила билан ҳамкорлик ўқитувчига қулайликлар яратади ва ўқувчи билан ишлашда ўқитувчи қийналмайди.

Мактаб ва оила ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилиши ота – оналарга :

- фарзандлари яхши ўқишини;
- фарзандлари бўш, яъни қаровсиз қолмаслигини;
- фарзандлари мустақил ақлли, доно фикрлашларида ота-оналарга қулайликлар яратади.

Демак, бундай тизим юқори синф ўқувчиларининг онгида жаҳолатга қарши кураша олиш тафаккурининг ривожланишига ижобий таъсир этади. Шунинг учун ҳам мактаб ва оила ҳамкорлигини узлуксиз равишда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Ҳасанбоева О. ва бошқалар Оила педагогикаси. –Т.: «Алоқачи», 2007.
2. Ҳайдарова Г.А. ва бошқалар Халқ педагогикаси. –Т.: «Тафаккур», 2009.
3. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. –Т.: «Fan va texnologiya», 2009.

РЕЗЮМЕ

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида мактаб ва оила ҳамкорлиги масалаларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Ушбу мақола айнан шу муаммони ёритишга қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена одной из актуальных проблем образования в которой исследуется сотрудничество школ и семьи в процесе образования. Исследование проблем образования является целью данной статьи.

SUMMARY

The article deals with one of the actual problem of the present day Education: it is collaboration of school and family in the process of education. Investigating problems of education is the main goal of this article.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ҒОЯВИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ СИФАТИДА

Қ.А.Қадиров - *Ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ишлар буйича проректор*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: коррупция, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик, стратегия, резолюция, конвеция, миллий ғоя ва маффкура, таълим-тарбия, педагогик соҳа.

Ключевые слова: коррупция, преступность и правонарушения, стратегия, резолюция, конвенция, национальная идея и идеология, образование и воспитание, педагогическая сфера.

Key words: corruption, crime and offenses, strategy, resolution, convention, national idea and ideology, education and upbringing, pedagogical sphere.

XX аср охири ҳамда XXI аср бошида коррупция иллат сифатида нафақат миллий хавфсизликка, балки келажак авлоднинг тарбиясига таҳдид солувчи омил сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев коррупциянинг миллий давлатчилик шаклланишига таҳдиди ва у олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида тўхталиб, «Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур» [1], дея куйиниб, барчани огоҳликка чақирган.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилик кўрсатиши боис мамлакат 1997 йил август ойида қабул қилган Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция миллий хавфсизликка таҳдид деб эътироф этилади.

Халқаро миқёсда ўтган давр мобайнида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 й.), кейинчалик эса Давлат мансабдор шахсларининг халқаро Ахлоқ кодекси (1996й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.), Миллатлараро уюшган

жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000й.) Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2008 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатлар мазкур иллатга қарши курашда муҳим халқаро ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат, шубҳасиз, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2003йил 31октябрь) бўлиб, у ушбу жиноятнинг моҳиятини тўлиқ очиб, унга қарши курашиш чораларини белгилаб беради ва у ҳозирги кунда 130 дан ортиқ давлатлар томонидан ратификация қилинган.

Шу билан бирга, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг 1997 йилги «Халқаро тижорат операцияларида хорижий мансабдор шахсларнинг сотқинлигига қарши курашиш тўғрисида»ги конвенцияси, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 1999 йилги «Халқаро операциялар ва ишларни олиб боришда мансабдор шахсларни хориж давлатларига сотилишига қарши курашиш тўғрисида»ги конвенцияси, Интерпол халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотининг 2002 йилги «Полиция ва Интерпол органларида коррупцияга қарши курашишнинг умумэътироф этилган стандартлари», Америка хукуматлараро ташкилотининг 1996 йилги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги конвенцияси, МДҲнинг 1999 йилги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги модель қонуни ҳам биз таҳлил қилаётган йўналишга тааллуқлидир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. 2008 йил 7 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишларнинг асоси ҳисобланади [2].

Коррупция иқтисодиёт ривожи, чинакам қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳити учун энг асосий тўсиқлардан биридир. Таҳлилларга кўра, бу иллат жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтиради.

Transparency International халқаро нодавлат ташкилоти томонидан юритиладиган “Коррупцияни тасаввур қилиш 2019” индексида Ўзбекистон 25 балл билан 5 поғонага юқорилаган ва 153 ўринни эгаллаган эди.

Ўзбекистонликлар фикрича, коррупция энг кўп тарқалган соҳалар бу: соғлиқни сақлаш, таълим, банк, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, коммунал хизмат соҳаларида, шунингдек, фуқароларни ишга қабул қилиш ҳисобланади [3].

Ўзбекистонда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 3 январда имзоланган ва 2017 йил 4 январда матбуотда эълон қилинган бўлиб, 6 боб, 34 моддадан иборат.

Ушбу Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат деб белгиланган:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, сўнгги 10 йилнинг алоҳида йилларида жиноятларни иштирокчиликда содир этиш (жиноятда иштирокчиликнинг барча шакллари назарда тутилган) динамикаси тўлқинсимон ва ўзгарувчан хусусиятга эга бўлган. Маълумотларга кўра, умумий қайд қилинган жиноятлар улушида иштирокчиликда содир этилган жиноятлар 2012 йилда 16,8, 2013 йилда 14,75 ва 2014 йилда 14,52 фоизни, 2015 йилда 14,24 фоизни, аниқланган шахслар сони эса, 2012 йилда 37,68, 2015 йилда 36,11 ва 2017 йилда 34,7 фоизни, 2019 йилда 33,35 фоизни ташкил этган. Уларнинг қарийб 15 фоизи вояга етмаганлар томонидан ёки улар иштирокида содир этилган. Шунингдек, кузатувларга қараганда барча зўравонлик жиноятларининг тахминан учдан бир қисми иштирокчиликда содир этилади. Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг яримидан кўпи ғаразли мақсадларда содир этилган жиноятларни ташкил этади. Иштирокчиликда содир этилган ғаразли жиноятларнинг асосий қисми эса, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади [4].

Содир этилган жиноятлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, оғир ва ўта оғир жиноятлар кўпинча битта шахс томонидан эмас, бир гуруҳ шахсларнинг бирлашиши натижасида содир этилмоқда. Хусусан, барча жиноятларнинг қарийб 1,4 фоизи уюшган гуруҳлар томонидан содир этилаётган жиноятлар (оғир ва ўта оғир жиноятларнинг 3,1 фоизи) сифатида рўйхатга олинган. Аммо, экспертларнинг таъкидлашига кўра, уюшган гуруҳлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг латентлик даражаси юқори бўлганлиги боис, уларнинг ҳиссаси умумий жиноятчилик улушида 20 фоиздан ортади. Шунингдек, республикамизда йилига 7–15 та атрофида жиноий уюшмалар фаолияти бўйича суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилади. Бундан ташқари, иштирокчиликда содир этилаётган жиноятлар натижасида юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга жуда катта миқдорда моддий зарар етказилиши эътиборни ўзига жалб этади.

Айни дамда, келтирилган кўрсаткичлар иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг жамоат, қолаверса, давлат хавфсизлигига нечоғлик хавф солиши мумкинлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар бизни ташвишга солмасдан қўймайди» [5], деб таъкидлаганликлари ушбу масаланинг нечоғлик долзарб эканлигини кўрсатади. Шу боисдан айнан мазкур ва юқорида таъкидланган бир қатор ҳолатлар ушбу муаммони илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”[6]да коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этишга алоҳида банд ажратилган. Ва бевосита олий таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ҳамда маънавий-маърифий муҳитни соғломлаштиришни тақозо қилувчи қуйидаги йўналишлар белгилаб берилган:

- олий таълим соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини изчил давом эттириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш;

- олий таълим муассасаларини тажрибали, ҳалол, пок виждонли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш;

- олий таълим муассасаларининг жамият олдидаги ҳисобдорлиги ва таълим сифатини таъминлашдаги масъулиятини ошириш, кенг жамоатчиликни шаффофлик ва холислик тамойиллари асосида таълим хизматлари сифати тўғрисидаги маълумотлар билан хабардор қилиб бориш;

- профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги бюрократик омилларни бартараф этиш, баҳолаш мезонларидаги шаффофликни кучайтириш, талабалар билимини баҳолашда адолатни таъминлаш;

- абитуриентлар ва магистратурада таълим олиш учун талабгорлар ҳужжатларини қабул қилиш, барча касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш, уларнинг билимини баҳолаш, ўқишни кўчириш ёки қайта тиклаш жараёнларида суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш, шаффофликни таъминлаш;

- профессор-ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ушбу касб жозибадорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, жамоатчиликка ахборот тақдим этишнинг тезкор ва замонавий шаклларини жорий этиш;

- малака ошириш, илмий-тадқиқот ишларини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш, назорат-мониторинг, ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш ва тизимдаги бошқа жараёнларда шаффофликни таъминлаш;

- профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини оптималлаштириш, касбий фаолиятга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида олий таълим тизими ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

- олий таълим тизимида педагог кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимларга танлов ўтказишда адолат ва очиқликни таъминлаш, ўқув йили якунлари бўйича педагог кадрлар фаолиятига баҳо бериш, бу борада жамоатчилик назоратининг янги ва самарали механизмларини амалиётга жорий этиш;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя қилиниши, харажатлар сметаларини шакллантириш тартибига амал қилиш ва ички молиявий тафтиш ишларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда коррупцияга оид ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этилишини таъминлаш;

- олий таълим тизимида кадрлар захирасини шакллантириш, одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш амалга оширилади.

- Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантиришда: олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланаиб, соҳада рақобат муҳити яратилади, қолаверса, Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантирилиши таъминланиши кўзда тутилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугун давлатимиз Янги Ўзбекистон - «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» тамойили асосида тараққиётнинг янги 3-ренессанс пойдесорини яратишга киришмоқда [7].

Демакки, миллий юксалиш учун энг катта хавфлардан бири сифатида коррупция иллати қайд қилиниб, унга қарши кураш тобора кенгайиб бормоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда таълимнинг барча бўғинларида ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, ҳар хил кўринишдаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳамда коррупцион иллатларга қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.
2. Закиров Б.Э. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш йўллари. // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови. – Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 26 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 367 б. 44-45б.
3. www.sputniknews-uz.com/20200211/Mirziev-korruptsiyaga-arshi-kurashish-choralarini-belgilab-berdi-13445595.html
4. Отажонов А.А. Жиноятда иштирокчилик институтини такомиллаштириш - коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили. // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови. – Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 26 ноябрь). – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 367 б. 38-39б.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. / “Ҳалқ сўзи”. 2014 йил, 6 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz).
7. Қ.Қадиров. Янги Ўзбекистон: олий таълим тизимида ғоявий тарбия ишлари менежментини ривожлантириш ресурслари. Урганч давлат университети «Илм сарчашмалари» илмий-назарий, методик журнал. –Урганч: 2020, 12-сон, 195-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола янги Ўзбекистон шароитида дунё ҳамжамиятида ҳамда республикамизда коррупция иллатини олдини олишга қаратилган давлат сиёсати, олиб борилаётган ислоҳотлар, бу иллатни келтириб чиқарувчи факторлар ва уни олдидини олишга қаратилган масалаларга бағишланади.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена государственной политике, проводимым реформам, факторам, порождающим эту коррупцию, и вопросам, направленным на ее предотвращение в условиях нового Узбекистана, как в мировом сообществе, так и в нашей республике.

SUMMARY

This article is devoted to state policy, ongoing reforms, the factors that generate this corruption, and issues aimed at preventing it in the new Uzbekistan, both in the world community and in our republic.

ӘДЕБИЯТ САБАҚЛАРЫНДА Т.ҚАЙЫПБЕРГЕНОВТЫҢ «МУҒАЛЛИМГЕ РАХМЕТ» ПОВЕСТИН ОҚЫТЫЎ УСЫЛЛАРЫ

Г.Қалбаева – *филология илимлери бойынша философия докторы*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты
М.Алламбергенова – *оқытыўшы*
Қарақалпақ мәмлекетлик университети академиялық лицейи

Таянч сўзлар: адабий таълим, метод, услуб, матн таҳлили, ҳикоя, оғзаки ва ёзма машқлар.
Ключевые слова: литературное обучения, метод, прием, анализ текста, устные и письменные упражнение.
Key words: literary teaching, method, reception, text analysis, oral and written exercise.

Ҳәр бир сабақта муғаллимлер алдында оқыўшыларды жақсы оқытыў нәтийжелерине ерисиў сыяқлы қурамалы ўазыйпалар қойылады. Сонлықтан да муғаллим үйренилиўи тийис болған оқыў материалларының характерине қарап, ҳәр түрли методлардан өз орнында пайдаланыў талап етиледи. Т.Қайыпбергеновтың «Муғаллимге рахмет» повестин оқытыўда муғаллим сабақта ҳәр түрли методлардан пайдаланыў арқалы жақсы нәтийжелерге ерисе алады. Мәселен:

- оқыў материалларын аўызеки баян етиў методы (гүррин, түсиндириў);
- аўызеки ҳәм жазба шынығыў методы;
- көркем текст анализи методы:
- жаңа интерактив методлар: ақылый ҳүжим, БББ;

Повестти оқыў арқалы оқыўшыларға тәлим-тәрбия бериўде муғаллимниң алдында төмендеги ўазыйпалар қойылады:

- повесттен үзиндилер оқып бериў арқалы оқыўшыларда тәсирли оқыў көнликпесин қәлиплестириў;
- оқыўшылардың повесттиң мазмунына, идеясына толық түсине алыўына ерисиў;
- шығармаға қатнасқан қаҳарманлар характерин, психологиясын билиўге үйрениў, оларды өз түсиниги менен сөйлеп бериўге үйретиў;
- оқыўшыларды шығармада сөз етилип атырған ўақыялардың турмыс шынлығы менен байланыслылығын, яғный 1920-30-жыллардағы колхозласыў дәўириндеги аўыл турмысындағы қыйыншылықлар, билимлендириў, мәдeният, адамлардың санасындағы ескише түсиниклер, жаңадан келген муғаллим жәрдеми менен балалардың билим алыўға қызығыўшылығының артыўы сыяқлы ўақыялардың сол дәўир ушын типик шараят болғанлығын түсиндириў ҳәм буны ҳәзирги турмысымыз бенен салыстыра отырып, ой-жуўмақларын пайда етиў;

Сабақта өз алдына қойылған бул ўазыйпаларды орынлаў ушын муғаллим ҳәр қыйлы усыллардан пайдаланады. Муғаллим шығарманы үйренип атырғанда оның мазмунын ашыў, текст үстинде ислеў, оқығанды қайта гүрриң етиў сыяқлы тийкарғы жумыс түрлеринен пайдаланыўды, гүрриң мазмунын анализ етиў, пикир алысыўлар, жуўмақларды салыстырыў, ўақыя ҳәдийселер ортасындағы байланысларды анықлаўды билиўи керек.

Текст үстинде жумыс ислегенде төмендегише жумыс алып барылады.

1-басқыш: Муғаллим тәрепинен шығарманың идеялық мазмунын көркемлик пенен айтып бериледи. Муғаллим көркем етип сөйлеп берсе. шығарманың тәсирлиги артады. (егер мүмкиншилиги болса шығармадан үзиндилер көркем етип оқып бериледи. Оқыўшыларды роллерге бөлип оқытылса да болады)

Т.Қайыпбергеновтың «Муғаллимге рахмет» повестиниң мазмунын сөйлеп бериў. Шығармада колхозласыў жылларындағы аўыл турмысы сөз етиледи. Бирақ, шығармада тийкарғы дыққат колхозласыў мәселелери емес, жаңа дүзимге өтиў дәўириндеги адамлардың санасындағы өзгерислерди сөз етиўге қаратылған. Автор бул ўақыяларды жас өспирим балалар турмысынан алып, жас өспирим
Турдымураттың тили менен баянлайды.

Аўылда колхозласыў, кулаклар менен гүрес болып атырғанда жаңа дүзилген ҳүкиметтиң талабы менен аўылға балаларды оқытыўға муғаллим келеди. Аўылдың сада адамлары ол орыс муғаллими балаларды кәпирликке тәрбиялайды, шошқаның гөшин жеўге үйретеди, балаларды урады, балаларымызды аўылдан әкетип басқа жақларда оқытады, деген көзқараслар менен балаларын муғаллимге оқытыўға қарсы болады. Меңлимурат муғаллим усы көзқарасларды өзгертиў ушын ис жүзинде көп мийнет етеди. Үйме-үй жүрип бала жыйнайды. Бул ислерде оған жас өспирим Турдымурат жақыннан жәрдем береди. Азаннан кешке шекем жалаң аяқ асық ойыны менен Дүйсен молланың диний сабақларынан басқа ҳеш нәрсе көрмеген сада аўыл балаларының руўхый дүньясы, психологиясы, санасезими муғаллимниң тәсири астында оянады.

Муғаллим шығарманың идеялық мазмунын сөйлеп бериўи арқалы бас қаҳарманлар жас өспирим Турдымураттың ишки кеширмелери, психологиясы, ис ҳәрекетлери ҳәм муғаллим Меңлимураттың ақ көкиреклик, мийнет сүйгишлик, ҳадал минез-қулқы оқыўшыларда унамлы тәсир қалдырады. Сондай-ақ шығармада баянланған турмыслық ўақыяларды, олардың бир-бирине байланысын, ондағы қаҳарманлардың өз ара мүнәсибетлерин дурыс қабыл етиўине ериседи.

2-басқыш: Буннан соң сораў-жуўап усылынан пайдаланып, шығарма үстинде анализ жумысларын алып барыўы керек. Шығарманың мазмуны ашылып, анализ етилмесе, оқыўшылар шығармаға түсинбей қалады. Оқыўшылардың түсинигин анықлаў мақсетинде шығарманың мазмунынан алған тәсирлери бойынша сораў-жуўап өткереди. Бул ушын оқытыўшы бир неше сорраўлар таярлап келип, оқыўшылар менен сораў-жуўап өткереди. **Сораўлар:**

1. Склад урысын табыўда Турдымурат ҳәм Гулай қандай белсендилик көрсетти?
2. Автор сол дәўирдеги жәмийетке зыянын тийгизип жүрген айырым адамлардың типин қайсы образлар арқалы ашып береди? Шығармада олардың зыянлы исҳәрекетлери сүўретленген эпизодларды келтирип өтиң. (Сералы ҳәм Дүйсен образлары мысалында)
3. Мәтмурат не ушын баласы Турдымуратты мектепке жибермей қойды, усыған себепши болған ўақыяны айтып бериң?
4. Автор шығармада айырым тәрбиясы аўыр балалардың да типин жасайды. Бул қайсы образ? (Турдыбай образы)
5. Турдымурат Турдыбайдың үйине барғанда қандай ўақыяның гуўасы болады?
6. Турдыбайдың тәрбиясының бузылыўында кимлердиң айыбы бар деп ойлайсыз?
7. Турдыбай сыяқлы тәрбиясы аўыр балаларды Меңлимурат муғаллим қалайынша дурыс жолға салды ? ҳәм т.б.

3-басқыш: Муғаллим буннан басқа да методлардан пайдаланса болады. Мәселен, шығарманың мазмуны бойынша гүрриң, анализ өткерсе де болады. Бул гүрриңде бас қаҳарманы ямаса унамлы ҳәм унамсыз қаҳарманлар, олардың ис-ҳәрекетлери, характерлери ҳаққында сыпатламалар бериледи ямаса шығармадан бир эпизод алып, сол бойынша гүрриң өткерсе де болады. Бунда топар талабалары киши топарларға (шама менен 4 топарға) ажыратылады. Муғаллим повестти бапларға, абзацқа ямаса бөлимлерге (эпизодларға) бөлип, карточкаларға жазып келеди. Әлбетте, муғаллим

тәрбиялық әхмийети күшли болған, сондай-ақ, қаҳарман характерин ашып бериуге қаратылған эпизодты таңласа, мақсетке муўапық болады. Карточкалар киши топарларға ажыратылады. Тапсырманың орынланыў шәрти түсиндириледи. Карточкаларға шығармадағы төмендегидей эпизодларды алса болады.

1. Турдымурат, Сәрсенбай ҳәм Гүлайдың склад урысын тапқан ўақытта Гүлайдың өз әкесиниң де уры Дүйсен молла менен шерик екенлигин билиў эпизоды.

2. Турдымураттың Турдыбайдың үйине барған ўақытта оның ҳәм ата-анасының ерси қылықларын көргендеги тәсирлери баянланған эпизод. (Бул эпизодтың бала тәрбиясындағы әхмийети үлкен).

3. Меңлимураттың урыс дәўиринде бир топар қызлардың ауызбиршиликтиң жоқлығынан жаўға тутқын болып түсиўи туўралы айтқан гүрриңи.

4. Турдымураттың көлде жасырынып жүрген балаларды таўып, оқыўға әкелиуде Меңлимуратқа жәрдем бергенлиги ҳәм оған балалардың ата-аналарының оны сатқынлықта айыплаўы эпизоды.

Ҳәр бир топарлар өзлерине берилген карточкаларға түсирилген эпизодларды (ўақыяларды) өз топарларында анализ етеди. Образлардың ис-ҳәрекетлерин, характерин, психологиясын үйренеди ҳәм олар ҳаққында өз тәсирлерин, көзкарасларын билдиреди.

Қосымша сораўлар:

1.Қарақалпақ әдебияты тарийхында буннан басқа да жаңа мектеп муғаллими ҳәм ески мектеп муғаллими образын жаратыўда қандай жетискенликлер болды?

Жуўап: Бул сораўға 50-жыллардағы қарақалпақ поэзиясындағы И.Юсуповтың «Жолдас муғаллим» поэмасын ҳәм Ә.Шамуратов «Ески мектепте» повестиндеги ески мектеп молласының образын атап өтиў орынлы.

Сондай-ақ, Т.Қайыпбергеновтың муғаллими Ч.Айтматовтың «Биринши муғаллими» не уқсайтуғынлығын, бирақ Т.Қайыпбергенов шығармасын оннан бурын жазғанлығын, повесттеги сөз етилген ўақыялар, яғный 1920-30-жыллары тек ғана бизиң республикада емес, бурынғы аўқамның көплеген еллеринде жаңа дүзим орнаған жыллардағы болып өткен турмыс ҳақыйқатлығы екенлигин мағлыўмат сыпатында атап өтсе болады.

2. Ә.Шамуратов «Ески мектепте» повестиндеги ески мектептеги молла менен Меңлимураттың айырмашылығы неде?

Жуўап: Ески мектептеги молла «Жумалыққа» ҳеш нәрсе таба алмай, бос келген балаларды, сабаққа кеш келген балаларды шыбық пенен сабайды. Меңлимурат болса оған пүткиллей қарама-қарсы типте жаратылған муғаллим образы. Ол ҳәтте сабаққа келмей қалған балаларға да бақырмастан, изине ертип алып жүреди.

Айырым жағдайларда оқыўшылар шығарманың идеялық мазмуны менен ондағы қаҳарманлардың ис-ҳәрекети, характери, психологиясы менен жақыннан танысып болғаннан кейин ҳәр қыйлы дөретиўшилик жумыслар ислеўге болады. (жоба дүзиў, баян, ўақыялар сүўретлемеси, қаҳарманларға сыпатлама, киши көлемдеги шығарма ҳәм т.б)

Сабақ соңында муғаллим БББ методы арқалы оқыўшылардан сабақтан алған тәсирлери, жаңалықлары, билим ҳәм көнликпелери ҳаққында мониторинг жүргизсе болады.

Билемен - оқыўшылар шығарма бойынша бурын қандай дәрежеде мағлыўматқа ийе еди;

Билдим - бүгинги сабақтан нелерди билди, үйренди;

Билгим келеди- шығарма ҳаққында және нелерди билгиси келеди;

Жуўмақлаў сөзи. Бунда муғаллим сабақта үйренилген мәселелер бойынша жуўмақлаўшы пикирлерин билдиреди.

Әдебиятлар

1. Мамбетов К., Жақсимова Г. Қарақалпақ әдебияты (орта мектептиң 8-класы ушын сабақлық) - Нөкис: «Билим», 2005.
2. Пахратдинов А. Қарақалпақ әдебиятин оқытыў методикаси –Нөкис: «Билим», 2004.
3. Пахратдинов А. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасының актуал` мәселелери. -Нөкис: «Билим»,1989.
4. Пахратдинов А. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасының гейпара мәселелери. -Нөкис: «Билим», 1991.
5. Палымбетов К., Бердимуратова. З. Әдебиятты оқытыў методикасы (8-класслар ушын методикалық қолланба) -Нөкис: «Билим», 2009.
6. Юсупов Қ. Қарақалпақ әдебиятын оқытыў методикасы. –Ташкент: 2018.

РЕЗЮМЕ

Мақолада адабиёт дарсларида Т.Қайпбергановнинг «Муғаллимге рахмет» асарини ўқитиш жараёнида ўқитувчи олдида турган вазифалар ҳақида, шунингдек, адабий таълимнинг самарали метод ва усулларидан, жумладан, оғзаки ва ёзма машғулотлар методи (ҳикоя, қаҳрамон тавсифи, бадиий матнни қайта ҳикоялаш, иншо), бадиий матн таҳлили, савол-жавоб, ақлий ҳужум, БББ методи ва усуллардан максадга мувофиқ фойдаланиш ҳақида тавсиялар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье предлагается некоторые рекомендации по эффективному обучению литературных произведении на уроках литературы на примере произведения Т.Кайыпбергенова «Муғаллимге рахмет», (Спасибо учителю). Авторами рекомендуются методы и литературные приёмы, также как метод устного и письменного обучения (повествование, описание героя, пересказ художественного текста, эссе) интерпретация художественного текста, вопрос-ответ, мозговая атака, метод ЗУХ (знаю, узнал, хотел бы знать).

SUMMARY

The article is devoted to the tasks facing the teacher in the process of teaching in literature lessons the narration of T.Kayipberganov "Thanks to Teacher", and also gave recommendations on effective methods and techniques of literary education, including the method of oral and written teaching (narration, description of the hero, retelling of a literary text, essay), interpretation of a literary text, question-answer, Brainstorming (kkk method know, knew, will know).

ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИДА МАТНЛИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ВИЗУАЛ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ – ПЕДАГОГИК МУАММО

Т.К.Кудайбергенова – *педагогика фанлари номзоди, доцент*
Г.С.Бекбергенова – *эркин изланувчи*
И.Н.Ибодуллаева – *докторант*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий таълим-тарбия, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури, ахборот дизайни, инфографика, ахборотларни визуаллаштириш, графикавий шакллар, визуал-методик таъминот.

Ключевые слова: правовое государство, правовая культура, права человека, правовое обучение и воспитание, Национальная программа повышения правовой культуры в обществе, дизайн информации, инфографика, визуализация информации, графические формы, визуально-методическое обеспечение.

Key words: state of law, culture of law, human rights, legal education, National program of improving the legal culture of society, design of information, infographics, visualize the information, graphic shapes, visual-methodic supply.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мавзуси ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат учун долзарбдир.

Мустақил Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан бир қаторда мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаб бормоқда. Бу йўлда жамият олдида турган асосий масала хусусида тўхталар экан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидагиларга урғу беради: “Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур” [1].

2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда, барча таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган устувор вазифаларни ҳам белгилаб берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш ва шакллантиришда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг самарали ташкил этилиши ўта муҳим. Мамлакатимизда таълим тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши жамиятнинг сифатли таълим олишга бўлган муносабатини ўзгартиришга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-5618-сонли Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш; ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш вазифалари белгиланган[4].

Бугунги кунда юртимиз ёшларининг аксарият қисмида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият муайян даражада паст бўлиб қолмоқда, бу кўплаб ёш йигит ва қизларимизнинг ҳуқуқий саводсизлигида, ҳуқуқий нигилизмида, ўз мажбуриятларини бажаришга нисбатан фуқаролик позициясининг шаклланиш даражасининг сустлигида, ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликнинг ўрин олаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти унинг нафақат қонунларни билиши билан ифодаланади, балки ушбу билимларни ҳаётда қўллаш, мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тизимга муносабат билдириш, шунингдек ҳуқуқ соҳасида ўз билимларини ошириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда юзага чиқади.

Бугун биз ахборот технологиялари асрида яшаяпмиз.Турли хил ахборотларни излаб топиш ва уни тасарруф этиш имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги даврда ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларни турли оқимлардан ҳимоя қилиш, интернет тармоғи орқали кириб келаётган турли хил ахборот хуружларидан огоҳ этиш куннинг асосий вазифасига айланиб улгурди.

Глобал ахборотлашув шахслар ўртасида йирик ҳажмдаги маълумотларнинг алмашинуви содир бўлишига олиб келди. Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернетнинг функционал имконияти кўп сонли ахборотларни Ер шарининг турли нуқталарига тезкор узатилишини, улкан ахборот оқими ҳаракатланишини таъминламоқда. Мавжуд ахборотларнинг сони ва кўлами ижтимоий субъектлар томонидан уларни танлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва ўзлаштиришда муайян қийинликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис замонавий шароитда ахборот-коммуникацион, хусусан, 3Д технологиялар ёрдамида мавжуд ахборотларни соҳалар бўйича умумлаштириш, яхлитлаш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижаси сифатида айни вақтда тил истеъмолида “ахборот дизайни” (ахборотнинг ўзини эмас, балки уни етказиб бериш ва тақдим қилишни лойиҳалаштириш), “инфографика” (тез ва аниқ етказиш мақсадида мураккаб ахборот, маълумот ва билимларни етказиб беришнинг графикли усули), “ахборотларни визуаллаштириш” (инсон идрокини кучайтириш учун мавҳум маълумотларни визуал тасаввур қилишни ўрганиш) каби тушунчалар қўлланила бошланди.

Стенфорд университети педагоги Роберт Хорнуга кўра, ахборот дизайни шахслар томонидан ахборотларнинг самарали қабул қилинишига ёрдам бера олиши зарур. Ушбу талаб бугунги кунда янада долзарблашган. Бинобарин, матнли маълумотларнинг ўқувчилар томонидан ижобий қабул қилинмаслик тенденцияси шаклланди. Зеро, матнли маълумотлар билан танишиш, уларни қабул қилиш ва ўзлаштириш бир қадар кўп куч, вақт талаб этади. Ахборот ва маълумотларнинг визуал кўриш (графикавий шакллар – жадвал, расм, схема, диаграмма, “Идрок харитаси”, кластер, морфологик таҳлил асоси)да тақдим этиш) ўқувчиларда уларга бўлган қизиқишни кучайтиради, улар томонидан тез, осон ва самарали ўзлаштирилишини таъминлайди.

Шу сабабли замонавий педагогика олдига матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминоти (визуал-методик ишланмалар, иш қоғозлари, тарқатма материаллар, методик кўрсатмалар, машқ, масала ва топшириқлар тўплами)ни яратиш вазифаси қўйилмоқда.

Бу борадаги аниқ мақсад ва вазифаларни белгилашда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ: Визуал-методик таъминот ўқув

ахборотларини оддий, аниқ, тушунарли тарзда сифатли тақдим этиш; маълумотлар бирлиги ва яхлитлигини таъминлаш; ахборотларнинг бир-бирини тўлдириши, ўзаро мутаносиб ва мувофиқ бўлишига эришиш; ўқув материалларини осон ўзлаштириш имкониятини яратади. Бунинг натижасида таълим сифати яхшиланиб, самарадорлиги ошади.

Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича янги авлод адабиётларини яратишда ахборотли матнларни визуаллаштириш, ўқувчиларни эркин, таҳлилий, танқидий, ижодий фикрлашга ундовчи визуал-методик ишланмаларни яратиш йўлида ҳозирга қадар етарлича ютуқлар қўлга киритилмади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кейинги йилларда қабул қилинган қонун ва Президент фармонлари асосида ёшлар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий компетенциясини шакллантириш бўйича умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминоти (визуал-методик ишланмалар, иш қоғозлари, тарқатма материаллар, методик кўрсатмалар, машқ, масала ва топшириқлар тўплами)ни яратишмуҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳуқуқшунос профессор ўқитувчилар олдида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш вазифаси кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ҳисобланади. Булар қуйидагилар:

педагогик, психологик ҳамда ҳуқуқ ўқитиш методикасига оид босма ва электрон манбалар билан танишиш, лойиҳа ва ривожлантирувчи таълим технологияларининг дидактик имкониятларини, тегишли йўналишларда амалга оширилган илмий-педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлилий ўрганиш асосида ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминотидан фойдаланишнинг назарий-методологик асосларини ёритиш;

синергетик ёндашув асосида ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминотини шакллантиришда устувор бўлган ёндашув, тамойилларни аниқлаш ҳамда ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотлари визуал-методик таъминотининг мавжуд даражасини баҳолаш;

матнли ўқув ахборотларини визуал-методик трансформациясига оид хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали умумий ўрта таълим мактабларида Ҳуқуқшунослик фанларини самарали ўқитиштехнологиясини ишлаб чиқиш;

технологик ёндашув асосида ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотлари визуал-методик таъминотини шакллантириш моделини яратиш;

педагогик ташхислаш орқали ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминоти даражасини баҳоловчи мезон ва даража кўрсаткичларини белгилаш;

стратегик ёндашув асосида ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминотини шакллантиришга оид илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Агарда: муаммо моҳиятини очиб берувчи терминологияни аниқлаш, тизимлаштириш орқали ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминотини шакллантириш жараёни тавсифланса; ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотлари визуал-методик таъминотини шакллантиришнинг устувор ёндашув ва тамойиллари аниқланса; ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотлари визуал-методик таъминотининг мавжуд даражасини баҳоланса; матнли ўқув ахборотларини визуал-методик трансформациясига оид хорижий тажрибалар ўрганилса; ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотлари визуал-методик таъминотини шакллантириш модели яратилса; педагогик ташхислаш орқали ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминоти даражасини баҳоловчи мезон ва даража кўрсаткичлари белгиланса; стратегик ёндашув асосида ҳуқуқ таълими бўйича матнли ўқув ахборотларининг визуал-методик таъминотини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилса умумий ўрта таълим мактабларида Ҳуқуқшуносликфанлари бўйича яратиладиган визуал-методик ҳамда электрон ишланмалар ҳуқуқ ўқитиш методикасини бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Натижада: тадқиқотнинг муҳим назарий ғоялари, илмий-педагогик тажриба натижалари умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқ ўқитиш технологиясининг такомиллаштирилишини таъминлайди; фан ўқитувчилари Ҳуқуқшунослик фанларинисамарали ўқитишга хизмат қиладиган методик таъминотга эга бўлади; инновацион ёндашув асосида шакллантирилган махсус методика, методик таъминот ҳамда ўқитиш технологиялари ўқувчиларда ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни ҳосил қилади; Ҳуқуқшунослик фанларининг пухта ўзлаштирилиши учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури тўғрисида”ги (28 май 1998 йил) Қарори // http://lex.uz/docc/819909.

3. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” (ЎзР Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда тасдиқланган) // http://lex.uz/

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги (2019 йил 9 январь) Фармони // http://www.lex.uz/.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил 7 феврал) ПФ-4947-сонли Фармони.

РЕЗЮМЕ

Milliy tarbiyamiz tarixi alla aytishning nafaqat bola, shu bilan birga ona uchun ham ma'naviy-psixologik jihatdan foydali bo'lganini tasdiqlaydi. Ma'lum bo'lishicha, onalar butun quvonchlari va dardlarini allaga solib, qo'shiq kuylab, qo'shiqlarida bolalariga go'zal fazilatlarni tilab, o'zlari ham yupanch topganlar. Artpedagogika bolaga birinchi alla aytilgan kuni tug'ilgan. Chunki bolani ovuntirish kerak edi. Alla uchun yoqimli tarbiyaviy she'r, so'zlar kerak edi. Bu so'zlar o'git tarbiyaga qaratilgan bo'lishi kerak edi. Shu tufayli biz, artpedagogikaning yaqqol misoli sifatida tarixiy misoli sifatida alllani misol qilib keltira olamiz.

Afsuski, keyingi yillarda momolar tomonidan mahorat bilan ijro etilgan allalar unutilib, alla biladigan onaxonlar miqdori ham tobora kamayib bormoqda. Vaholanki, alla bolaning asablariga orom beradi. Uni xotirjam uyquga chorlaydigan bebaho, qo'shiq aytib ovuntirish, tarbiyalash vositasi. Buning tasdig'ini quyidagi misolda ko'rish mumkin:

Jonimning jindalagi, alla,
Qovunning handalagi, alla,
Gullar ichida g'unchasi, alla,
Nonlar ichida kulchasi, alla.
Oyni olib beraymi, alla,
Kunni olib beraymi, alla,
Belanchaging boshiga, alla,
Sara gullar teraymi, alla,
Alla deyin, o'payin, alla,
Qiyosingni topayin, alla,
Tiling chiqib "non" desang, alla,
Kunda kulcha yopayin, alla.
Olma bersam, olaqolsin, alla,
Behi bersam yeyaqolsin, alla,
Do'mbog'imga alla aytsam, alla,
Tezroq uxlab qolaqolsin, alla,
Hozir dadang keladi, alla,
Oyni olib keladi, alla,
Do'mboqlarimga deb-o, alla,
Qo'yniga solib keladi, alla.

Ushbu ohangli, qofiyali she'r onaning improvizasion qo'shig'i misolida ham biz ayta olamizki, odamlarning san'atga, u orqali mehrga, mehribonlikka ehtiyoji milliy artpedagogikaning yaralishiga asos bo'ldi. Xullas, san'at barcha xalqlar kabi o'zbek xalqining tarixi, hayot quvonch va tashvishlari va uning taraqqiyoti bilan chambarchas bog'liq bo'lib, ajdodlar orzulari, qadriyatlarini avlodlarga yetkazishning ilk vositasi bo'lib keldi.

San'atning shaxs va jamiyat rivojiga ta'siri katta bo'lib, u odamzodni dunyoqarashga uning ichki olami, ma'naviyatini boyitishga, aql idrokining rivojiga yordam beradi. San'at asarlariga muxlislik inson ruhiyatini boyitadi, hayotga nisbatan go'zal tuyg'ularini paydo qiladi. Odamzod san'at orqali o'zlashtirgan fikr, g'oya va qarashlarini o'zining hayotida qo'llaydi. Shunday ekan, artpedagogika nafaqat bolalarning, balki har bir insonning xulqini, motivasiyalarini belgilab olishiga xizmat qiladi.

San'atning yutuqlaridan biri shuki, u fan bilan chambarchas bog'liq. Masalan, rassom ham olim ham doim izlanishda bo'ladilar. Ularning biri o'z kechinma va orzularini go'zal bir manzara, yoki tasvirlarni topib ifodalasa, ikkinchisi esa teran izlanishlari natijasida yangi g'oyalarni, yangi qonunlarni, ashyolarni, birikmalarni qidirib topadi.

San'atning tarixi bu har bir millatning tarixi bilan chambarchas bog'liq. San'at – milliy badiiy faoliyat turi sifatida uning ijodkori - xalq bilan birga rivojlanadi. Undagi uslublar, oqimlar, ijodiy qarashlar o'zaro munosabatda bo'lib bir birini rivojlantira boradi. Shu nuqtai nazardan bugungi kundagi san'at va pedagogikaning tajribasini insonni tarbiyalashga qaratilgan tajribaning bir muhim yo'nalishi sifatida qabul qilishimiz kerak bo'ladi.

Mahtumqulining Komiljon Otaniyozov kuyi bilan aytiladigan "Ayrilma" qo'shig'ini olaylik. Bu asarda bir nechta san'at turlari kombinasiyasini ko'ramiz. Ya'ni, she'r san'ati,(adabiyot san'ati), kuy san'ati, sozandalik san'ati, xonandalik san'ati va vokal san'atlari uyg'unlashgan holatda, bularning barchasi bitta maqsadga, ya'ni tinglovchini, shaxsni tarbiyalashga qaratilgan.

Mastona yurgancha g'ayri yurtlarda
Unib o'sgan o'z yurtingdan ayrilma,
Bir ma'lun kaklikdek nafsing yo'linda,
Doma tushib qanotingdan ayrilma

Ushbu artpedagogik asarda nasihat bor, ma'naviyat bor, kuy bor, ohang bor, Yoshlar orasida Vatanparvarlik haqida, vatanni sevish haqida ma'ruzalar qilish mumkin. Lekin mana shu bitta qo'shiq har bir yosh tinglovchi yigit-qizning qalbiga to'g'ridan-to'g'ri kirib boradi va uni yaxshiliklarga boshlaydi, xatolardan to'xtatadi. Yana shuni aytish lozimki, o'zbek klassik asarlarimiz, qo'shiqlarni tinglashda albatta uning mazmun mohiyatiga etibor qaratish lozim. Chunki asarning mazmun mohiyatini anglagan holatda tinglash, tinglovchi shaxsni beixtiyor tarbiyaga chaqiradi, ruhiyatini unsur fikrlardan tozalaydi, "mehrli" degan eng ulug' fazilatini yanada boyitadi.

Ming yilliklar davomida kechgan taraqqiyot jarayonida san'atning tarixiy rivojlanishida har xil turlar, yo'nalishlar paydo bo'ldi. Adabiyot, musiqa, qo'shik, rang tasvir, dekorativ amaliy san'at, grafika, hunarmandchilik, arxitektura, haykaltaroshlik va boshqalar. Bu san'atning turlarining gullab yashnab ketishi yoki to'xtab qolishi jarayonining sabablari ham har xil hisoblanadi. Madaniyat va san'atning rivojlanishiga rag'bat, manba bo'ladigan narsa bu - jamiyatda yoshlarning san'atsevar bo'lib tarbiyalanishiga bog'liq. Ayrim san'at turlarining, yo'nalishlarining rivojlanmay qolishigaesa yoshlarning milliy san'atgaqiziqishlari oshirilmaganligiga bog'liq bo'ladi. Shuning uchun ham adabiyot – so'z san'atiga yoshlar e'tiborsiz bo'lishsa, Alisher Navoiyni o'qimay qo'yishsa, bu qanday oqibatlarga olib kelishini, she'riyatning millat tarbiyasidagi rolini O'zbekiston xalq yozuvchisi, O'zbekiston qahramoni Erkin Vohidov shunday ifodalagan:

O'zbek Navoiyni o'qimay qo'ysa,
Oltin boshning kalla bo'lgani shudir,
Bedil qolib, Demyan Bedniyni sevsa,
Qora sochning malla bo'lgani shudir.
O'zbek Navoiyni o'qimay qo'ysa,
Dod demoqqa palla bo'lgani shudir,
Ma'rifatdan ayruv o'ynasa, kulsa
Aza chog'i yalla bo'lgani shudir.
O'zbek Navoiyni o'qimay qo'ysa,
Aldangani alla bo'lgani shudir,
Yulg'ich aziz bo'lib, bilgich xor bo'lsa
Paytavaning salla bo'lgani shudir.
El komil bo'lmasa, yurt bo'lmas ulug',

Beqadr mahalla bo'lgani shudir
Qalb to'la nur xalqning risqi xam to'liq
Ombor to'la g'alla bo'lgani shudir
O'zbek o'zligini anglasa bekam,
Uning barakalla bo'lgani shudir,
Olamga Navoiy nasliman degan
Ovozi baralla bo'lgani shudir.

Talabalar Muhammad Yusuf sharafiga o'rnatilgan, uning o'sha sodda, o'ychan nigohi bilan savlat to'kib turishi tasvirlangan haykali qoshida shoirning

Dunyoga boq, qaddi sendek kim bor yana,
Dovrug'i ham dardi sendek kim bor yana?
Xalq bo'lishga haddi sendek kim bor yana,
Moziyni yod etay desang – Xalq bo'l elim!

satrlarini o'qish orqali o'z xalqining xarakterini, ulug'ligini samimiy satrlar bilan idrok qiladilar. Bu bilan ularda milliy g'urur, "Milliy tiklanishdan milliy yuksalishga" deb ifodalangan milliy g'oyamizga sadoqat tuyg'ulari tarbiyalanmoqda. So'zning badiiy imkoniyatlaridan mahorat bilan foydalanish, musiqiy ravonlik, tuyg'ular tiniqligi, samimiylik va mayinlik, ruhiyat manzaralarini lo'nda va odmi ifodalash Muhammad Yusuf she'riy uslubining yetakchi xususiyatlaridir. Shuning uchun uning ijodi yoshlarni vatanparvarlik, fidokorlik, milliy g'urur tarbiyasining noyob artpedagogik manbai, deyish mumkin.

Adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Asarlar 1-jild. – Toshkent: "O'zbekiston" NMU, 2017. 503-b.
2. Alaviya M. O'zbek xalq marosim qo'shiqlari. –Toshkent: 1974, 134-140-b.

REZYUME

San'atning shaxs va jamiyat rivojiga ta'siri katta bo'lib, u odamzodni dunyoqarashga uning ichki olami, ma'naviyatini boyitishga, aql idrokining rivojiga yordam beradi.San'at bilan pedagogikani o'zida mujasssam qilgan ma'naviyat ma'rifatning, tarbiyaning vositasi bo'lgan. San'at bilan pedagogikada bu borada umumiy, ijtimoiy genezis mavjud

РУЗЮМЕ

Искусство оказывает большое влияние на развитие личности и общества, помогает человеку видеть мир, обогащает его внутренний мир, духовность, развитие интеллекта. Духовность, воплощавшая искусство и педагогику, была средством просвещения и воспитания. В искусстве и педагогике есть общий, социальный генезис.

SUMMARY

Art has a great influence on the development of the individual and society, helps a person see the world, enriches his inner world, spirituality, and the development of intelligence. Spirituality, which embodied art and pedagogy, was a means of enlightenment and upbringing. There is a common, social genesis in art and pedagogy.

CLIL (CONTENT AND LANGUAGE INTEGRATION LEARNING) KASBIY KOMMUNIKATSIYA SOHASIDA IKKI TILLILIK, PEDAGOGIK MAHORAT, BILIM VA KO'NIKMALAR

Z.K.Norquziyeva – *o'qituvchi*
Guliston davlat universiteti

Tayanch so'zlar: MTIO' (mazmun va tilni integratsion o'rganish), ikki tilli ta'lim, ta'lim sifati, pedagogik mahorat, kasbiy tayyorlov, tamoyillar, kadrlar tayyorlash, metodlar, pedagoglarning bilim va ko'nikmalari.

Ключевые слова: билингвизм, технология обучения, билингвальный механизм, развитие необходимых навыков, методика обучения, наглядный предмет.

Key words: CLIL (Content and Language Integration Learning), bilingual education, quality of education, pedagogical skills, professional training, principles, training, methods, knowledge and skills of teachers.

Kontseptsiya *ikki tilli til ta'limi*«ikki tilda (ona va ona tili bo'lmagan) talabalarning o'zaro bog'liq va teng darajada mahorat ko'rsatishi, ona va nodavlat / xorijiy til madaniyatining rivojlanishi, talabaning ikki tilli va biokultural (polikultural) shaxs sifatida shakllanishi va uning ikki tilli va biokulturatsion a'zoligi to'g'risida xabardorligi».

Shu munosabat bilan ikki tilli tilda o'qitishning amaliy maqsadlari quyidagicha belgilanishi mumkin:

- fan bilimlarini ikki til (o'z ona va xorijiy) yordamida o'zlashtirish;
- talabalarning madaniyatlararo kompetentsiyasini shakllantirish va takomillashtirish;
- o'quvchilarning ona va o'rganilayotgan chet tillarida kommunikativ kompetentsiyasini rivojlantirish;
- talabalarning chet tilini faoliyatining turli sohalarida qo'shimcha mavzular (tilga oid bo'lmagan) ma'lumotlarni olish qobiliyatini rivojlantirish.

Ushbu maqsadlarni ro'yobga chiqarish talabaning tilshunosligini, ya'ni nutqiy so'zlarni yaratishga va tushunishga qodir shaxsni shakllantirishni anglatadi. Tilshunoslik shaxsining tarkibi odatda quyidagi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi.

- *qadriyat, mafkuraviy tarkibiy qism* ta'lim mazmuni, ya'ni. qadriyatlar tizimi yoki hayot ma'nolari. Til dunyoni dastlabki va chuqur ko'rinishini ta'minlaydi, dunyoning lingvistik qiyofasini shakllantiradi va milliy xarakterning shakllanishiga asoslanadigan va lingvistik dialog jarayonida amalga oshiriladigan ma'naviy vakilliklar ierarxiyasini shakllantiradi;
- *madaniy tarkibiy qism*, ya'ni tilga bo'lgan qiziqishni oshirishning samarali vositasi sifatida madaniyatni o'zlashtirish darajasi. Nutq va nutqqa xos bo'lmagan xatti-harakatlar qoidalari bilan bog'liq maqsadli til madaniyati faktlarini jalb qilish aloqa sherikiga yetarlicha foydalanish va samarali ta'sir qilish ko'nikmalarini shakllantirishga yordam beradi;
- *shaxsiy tarkibiy qism*, ya'ni bu shaxs, chuqur, har bir odamda.

Shunday qilib, milliy xususiyatga ega bo'lgan tilshunoslik uchun to'g'ridan-to'g'ri parallellikni jalb qilish mumkin emas, ammo ular o'rtasida chuqur o'xshashlik mavjud. Shuni ta'kidlash kerakki, buyuk nemis tilshunosi Vilgelm fon Xumboldt tilni dunyoning manzarasini o'ziga xos ko'rish sifatida xalqning ma'lum bir ruhiy energiyasi deb hisoblagan. Binobarin, tilshunoslik shaxsini chuqur milliy hodisa sifatida talqin qilish va ma'lum bir til - o'ziga xos tilshunoslik (masalan, rus - rus tilining o'ziga xos xususiyati) bilan bog'liq holda ko'rib chiqish mumkin.

Bundan tashqari, tarjima bo'limlarida tarjimani o'qitishdan tashqari, aniq so'zlar bilan mashq qilish va subyektivdan foydalanish, o'qitish vositasi sifatida keng qo'llanilmagan bo'lsa. Shu bilan birga, ularning ikki tilli til mexanizmini yaratishdagi samaradorligi uzoq vaqt davomida bir qator oliy o'quv yurtlarida dars berish amaliyoti bilan isbotlangan.

Tarkib va tillarni integratsiyalashgan o'rganish (CLIL) fizika yoki geografiya kabi boshqa (mazmunli) mavzuni chet tili vositasida o'rganishni va tarkib topgan mavzuni o'rganish orqali chet tilini o'rganishni tavsiflovchi soyabon atamaga aylandi.

ELT-da CLIL shakllari ilgari "Kontentga asoslangan ko'rsatma", "O'quv dasturi bo'yicha ingliz tili" va "Ikki tilli ta'lim" sifatida tanilgan.

CLIL qanday ishlaydi?

- CLIL-ning asosi shundaki, kontent fanlari o'quvchilarning ona tili bo'lmagan tilda o'qitiladi va o'rganiladi.

- Tilni bilish tarkibni o'rganish vositasiga aylanadi
- Til keng o'quv dasturiga kiritilgan
- O'qish motivatsiyani oshirish va tabiiy tilni kontekstda o'rganish orqali yaxshilanadi. –
- O'quvchilar mavzuga qiziqish bildirganda, ular muloqot qilish uchun tilni olishga undashadi
- CLIL majburiy o'rganishdan ko'ra, tilni egallashga asoslangan;
- Til o'quvchilar tilni egallashi mumkin bo'lgan hayotiy vaziyatlarda ko'rinadi. Bu boshqa ta'lim shakllariga asoslangan tabiiy tilni rivojlantirishdir

CLIL bu uzoq muddatli ta'lim. Talabalar ingliz tilini 5-7 yil davomida ikki tilli dastur asosida yaxshi bilishadi.

O'quvchilar tomonidan tilga e'tibor berish Grammatikaga emas, balki leksikaga e'tibor bering. Mavzuga oid tilga e'tiboringizni qarating. Daraja va baholash muhim emas. O'qishdan oldin, o'qish va o'qishdan keyingi vazifalar mavzu kontekstida til kontekstida bo'lgani kabi mos keladi.

Malumki, ta’lim berish – insonparvarlik san’ati, mahorati hisoblanadi. O’quv rejasi yoki mashg‘ulot rejasida, tadqiqotlarda, darsliklarga tayangan holda ta’lim berish. Ta’lim berish birinchi navbatda har doim ta’lim oluvchilarga va ularni rivojlanishiga qaratilishi lozim. Shundagina biz har kun o‘zimizning mashg‘ulot jarayonimizdan amalga oshiradigan operatsiyalarimiz “talabalarimning rivojlanishi uchun yordam beradimi? Men qanday rivojlantirishni bilaman va qanday ko‘rsatgichlarda rivojlantirishni xohlayman?” Shu kabi savollarga javoblarni topish orqali ushbu jarayonda darsliklarni tanlash, dasturni loyhalash, tadqiqotni taqdim etish, munozaralarni amalga oshirish samarador bo‘ladi.

Bugungi kunda o‘zining keng tadbiqini kutib yotgan, fanning boshqa sohalari bilan bog`liq ravishda ishlab chiqilgan yangi kontseptsiyalar va nazariyalar rivojlantirilmoqda.

O‘quv faoliyati shaxsning yangi bilim, malaka va ko‘nikmalarni egallash jarayonidir. O‘quv ishlari bu ta’lim-tarbiya jarayonida olib boriladigin nazariy, amaliy va labaratoriya mashg‘ulotlaridagi o‘qituvchi faoliyatidirir. O‘quv ishlari usullari bu tushuncha o‘rganish jarayonining samaradorligini belgilaydigan malaka jarayoniga oid sohani o‘z ichiga oladi. Shundan kelib chiqqan holda ishlarning umumta’lim usullarini farqlaydi: o‘quv faoliyatini rejalashtirish, o‘quv faoliyatini tashkil etish, axborotni idrok qilish, fikrlash faoliyatini, o‘quv faoliyati natijalarini baxolash va anglash malaka va ko‘nikmalari. Ta’lim oluvchining fikrlash faoliyati jarayonida bosh natija bilim, malaka va ko‘nikmalarning shakllanganligidir. Ba’zi o‘qituvchilar talabalarning bilmlarni o‘zlashtirish darajasini shakllantirmay turib dars o‘tishlari salmoqsizdir. Aksariyat hollarda ma’ruzachi pedagoglar o‘qitish usullarini yaxshi biladilar ,lekin talabalarning o‘zlashtirish darajasiga ahamiyat bermaydilar. Shuning uchun talabalarda mavzuning mazmun mohiyatni tushunish uchun tushuncha yo‘q. O‘quvchilarda tushuncha hosil qilish uchun yoritilayotgan bilimlarni soddalashtirish orqali ular yaxshi his etadigan jarayonni aniq tushuntirish va ular ongida tushunchalarni shakllantirish kerak. Marton va Butning fikricha o‘zlashtirish

- abstrak tamoyillarni egallash;
- isbotni tushunish;
- xaqiqiy ahborotni tushunish;
- usullarni egallash;
- usullar va yondoshuvlar;
- tan olish;
- fikrlash;
- anglash;
- g‘oyalarni tahlil qilish;
- axloqni rivojlanishi;
- hodisa xosliklarni o‘z ichiga oladi. Ko‘p yillik izlanishlarga ko‘ra, o‘qitishda bilimlarni amaliy o‘zlashtirish jarayonini uyushtirish onson emas.

O‘qituvchining kasbiy pedagogik mahoratini takomillashtirishning qismi, uning imliy-uslubiy ishi hisoblanib, u quyidagilarni nazarda tutadi, ya’ni to‘plangan tajribalarni tahlil qiladi, tizimlashtiradi va umumlashtiradi. Uslubiy ish – o‘qituvchini majburiyatlaridan biri hisoblanib, maxsus fanlardan o‘qitish metodikasini ishlab chiqish va takomillashtirishga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Uning natijasi o‘quv mashg‘ulotlarida fan bo‘yicha topshiriqlar va vazifalar majmui, didaktik materiallar, o‘quv-ko‘rgazmali qurollarni yaratishdan iborat bo‘ladi. Uslubiy ish- bu ilm-fan va ilg‘or pedagogik tajribalarning yutuqlariga va har bir o‘qituvchini kasbiy bilimdonligini va kasbiy mahoratini har tomonlama oshirishga yo‘naltirilishga asoslanuvchi, amaliy tadbirlarning maxsus majmuidir.

O‘rin egallovchi tajribani yetkazib berish, masalan: to‘plangan bilimlarni qo‘llash orqali yoki rollarni almashtirish orqali va ko‘plab kichik guruhlarning turlari tajribaviy o‘rganishni muhim idrokli fikrlash sifatida ta’kidlashdi. Tajribaviy o‘rganish, anglash-murakkab yoki o‘zgarmaydigan fikrning elementi degan fikrga asoslangan. Bu jarayonlar o‘zining rivoji yoki qayta rivojlanishiga hissa qo‘shadi. Tajribaviy o‘rganish davomiy jarayon bo‘lib, puxta o‘ylangan xar xil bosqichlarda biz hammamiz o‘rganish holatlariga o‘zimizning bilishimiz, fikrimiz, ishonchimiz va izlanishimiz bilangina kirib borishimizni nazarda tutadi va bu o‘z navbatida tajriba orqali kuzatish yoki shakllantirish kerak. Albatta agar biz undan o‘rgana olsak. “David Kolbning o‘rganish sikli” deb tanlangan davomiy sikl o‘rganish modeli. Agar o‘rganish muvofaqiyatli bo‘lishi hisobga olinsa, 4 ta qobiliyat turini talab etadi.

Adabiyotlar

1. Mirziyoev SH.M. “Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz” -T.: «O‘zbekiston», 2016.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Kadrlar tayyorlash milliy dasturida”gi Qonuni // Oliy ta’lim: Meyoriy – huquqiy va uslubiy hujjatlar to‘plami. –Toshkent: 2004, 16-17-б.
3. Handbook A. for Teaching and Learning in Higher Education Enhancing Academic Practice 2008. –P. 544.
4. Getting Started: Idea Book on Pedagogy for New Faculty. Faculty Teaching Excellence Program UNIVERSITY OF COLORADO BOULDER Office of Academic Affairs 2008. –P. 82.
5. Xodjaboev A., Xusanov L. Kasbiy ta’lim metodologiyasi. -T.: «Fan va texnologiyalar», 2007.
6. Muslimov N.A., va boshqalar. Kasb ta’limi o‘qituvchilarining kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasi/ Monografiya. –T.: «Fan va texnologiya», 2013.
7. Muslimov N.A., Usmonboeva M., Mirsolieva M. Innovatsion ta’lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik. O‘UM. –T.: 2016.
8. Ишмуҳаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар. –T.: «Fan va texnologiyalar», 2010.
9. Muslimov N.A., Qo‘ysinov O.A., Abduraxmonov SH., Abdullayeva Q.M., Gaipova N.S. Bo‘lajak kasb ta’limi o‘qituvchilarining metodik kompetentligini shakllantirish texnologiyalari. Metodik qo‘llanma. –Toshkent: 2014.
10. Bent B. Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education. UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.

REZYUME

Maqolada ta’lim sifati, ta’lim berishda pedagog metod va vazifalari, kasbiy tayyorgarlik, ta’lim berish va o’zlashtirish samaradorligi, asosiy tamoyillar, o’qitish va o’rganish jarayonlari haqida so’z boradi. Pedagog tajribasi va mahoratiga qarab dars sifati va o’zlashtirish natijalari, kasbga tayyorlashda bo’lajak kadrlarga pedagoglarning ko’rsatadigan tog’ri yo’li va to’g’ri yo’nalish belgilab berishi alohida ahamiyat kasb etadi.

РЕЗЮМЕ

В статье описана технология билингвального образования, формирование, освоение и порядок преподавания. Двуязычие, его последствия и то, что оно нам даёт. Представляется информация о функциях образования и методах его формирования, педагогическое мастерство и его технологии.

SUMMARY

The article describes the technology of bilingual education, the formation, mastering and the order of teaching. Bilingualism and its consequences and what it gives us. Information was given about the functions of education and methods of formation, pedagogical skills and its technology.

КЛАСТЕР УСУЛИНИ “ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАР - МЕТАБОЛИТ ВА ДОРИВОР МОДДАЛАР СИФАТИДА” МАВЗУСИДА ҚЎЛЛАШ

Н.С.Сафарова – *ассистент ўқитувчи*

Бухоро давлат тиббиёт институти

Таянч сўзлар: кластер методи, гетероциклик бирикмалар, маъруза машғулоти, амалий машғулот, мустақил таълим.
Ключевые слова: метод кластера, лекция, практическое занятие, самостоятельная работа.
Key words: cluster method, lecture, practical lessons, independent work.

Инсоният тарихида аждодлар авлодларга доим устоз бўлиб келган, яъни билганини ўргатиш, келажак ҳаётга тайёрлаш аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъанадир. Гарчи бу анъана бузилмай давом этиб келаётган бўлсада, нега билимлар ва уларни қўллаш борасида авлодлар тажрибаси орасида тафовут мавжуд? Жавоб албатта аниқ – ахборотнинг ҳаддан ортиқ кўплиги. Авлодлар билимларни ўзлаштирар экан ўз навбатида уни янги билим ва тушунча билан бойитади ва шу тариқа ахборот геометрик тарзда кўпайишни бошлайди. Бунда биринчи ва асосий муаммо пайдо бўлади: қандай қилиб бундай кўп маълумотни қулайроқ қилиб етказиш мумкин (максимум қисқартиришларсиз!) Кўп соҳалар қатори бу муаммо педагогикада ҳам ўз ечимини талаб қилади. Чунки аксарият маълумотни инсоният устози ёки ўқитувчисидан қабул қилиб олади. Ўқитишда инновацион ёндашув ўқув жараёнини шунчаки ўйинга айланмасдан, ўқувчи учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлиши учун ташкил этишга имкон беради. Ва, эҳтимол, айнан шундай дарсда, Цицерон айтганидек, “тингловчининг кўзлари маърузачининг кўзлари қаршисида ёниб туради” [1].

Педагогикада маълумотни тушунарли қилиб етказиш ва уни амалда қўллашни ўргатадиган усуллар талайгина. Қуйида улардан бири “Кластер” усулини қўлланиш жараёни билан танишиб чиқамиз. Кластерлар ёрдамида катта ҳажмдаги маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиш мумкин [2].

«Кластер» инглиз тилидан таржима қилинганда ячейка, лотинчада эса – тармоқ, новда маъносини англатади [3].

Таълимда кластер – бу семантик бирликлар тўпламидир, улар маълум бир тартибдаги графика билан гуруҳ шаклида тузилган. Марказда мавзунинг номи, муаммо, унинг атрофида турли хил далиллар, фактлар ва мисоллар билан бирлаштирилган катта семантик бирликлар жойлашган. Шундай қилиб, кластер – бу маълум бир тушунчанинг семантик соҳаларини кўрсатиб, материалнинг график ташкил этилиши.

Олий таълим жараёнида кластер усули талабаларга ёзма ва оғзаки ахборотни ихчам график шаклида етказишни ўргатади, бу эса уларда тизимлаштириш ва ажратиб кўрсатиш орқали касбий тафаккурни шакллантиради [4].

Олийгоҳларнинг кимё курсларида янги билимлар талабаларнинг мактаб ва ўрта махсус билим юртларида кимё фанидан олган билимларига асосланган ҳолда ўргатилади. Бунинг учун дарснинг мавжуд билимларни текшириш босқичида талабаларга мавзу ҳақида билганларини қоғозга график тарзда тушириш буюрилади. Бунда уларнинг нимани билиши ва нималарни ўрганиши кераклиги ҳақидаги саволларга жавоб олинади.

Бунда аввалига тартибсиз тузилган кластер, мавзуни ўқиб ўрганиб олингандан кейин мантиқий узвийликка эга бўлган янги кластерга айлантирилади. Шуниси аниқки, таркибий қисмлари орасидаги мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлган кластер тартибсиз кластерга нисбатан кўп ва фойдали маълумотларни бера олади. Кластер усулини талабаларнинг индивидуал ишлашида ёки гуруҳларга бўлиниб ишлашида, ва шунингдек, уйда мустақил шуғулланиши учун қўлланилиши мумкин.

Тиббиёт олийгоҳларида ўтиладиган муҳим фанлардан *Тиббий кимё* курсида гетероциклик бирикмаларни ўрганиш учун маъруза учун 2 соат ва амалиёт дарси учун 2 соат ажратилган. Маълумки *гетероциклик бирикмалар* сони ва қўлланилиш соҳаси жиҳатидан жуда ранг барангдир. Шунинг учун ҳам қисқа вақтдан унумли фойдаланиш, бундай катта ахборотни талабаларга етказиб, улардан олинган билимларини мустаҳкамлаш учун дарсда “Кластер” усулидан фойдаланамиз.

“Гетероциклик бирикмалар” мавзуси маъруза ва амалий машғулотларни турли усуллар билан бойитиб ўтказиш учун жуда мос мавзудир [5].

Янги мавзуни ўрганиш жараёнида талабалар, гетероциклик бирикмалар ҳақида қуйидагиларни билиб олишади:

1. Гетероциклик бирикмалар ҳақида умумий тушунча ва уларнинг классификацияси
2. Гетероциклик бирикмаларнинг номланиши: тарихий ва систематик
3. Гетероциклик бирикмалар физик хоссалари
4. Гетероциклик бирикмалар кимёвий хоссалари
5. Гетероциклик бирикмаларнинг тиббий – биологик аҳамияти

Лекин бундан олдин талабаларнинг шу мавзу доирасида мавжуд билимларини текшириш мақсадида саволли кластерлар тузилади. Бунинг учун қуйидаги кўринишида кластер тузишимиз мумкин:

1-расм. Саволли кластер

Маъруза кластерлари таркиби ва ҳажми жиҳатидан ихчамроқ бўлишига ҳаракат қилиш керак. Чунки ахборотнинг меъёридан ортиқ кўплиги талаба онгини чарчатади ва ахборот қабул қилиш ва уни қайта ишлашнинг кейинги босқичларини тўхтатиб қўяди.

Қўшимча маълумотларни эса талабага мустақил ўзлаштириш учун вазифа сифатида берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. (Вазифа албатта текширилсин!)

Амалий машғулот дарси талаба маъруза дарсида олган билимларини мустаҳкамлаш ва тўлдириш дарси ҳисобланади. Бунинг учун турли жумбоқли кластерларни қўллаш яхши натижа беради. Қуйида бир неча шундай топшириқлардан намуналар келтирамиз.

1. *“Кластердаги номаълум элементни топинг”* – жумбоғи. Бунда кластернинг маркази бўш қолдирилиб, атрофида маълум бир гетероциклик бирикманинг кимёвий ва физикавий хоссалари, олиниш усуллари ҳақида маълумотлар бериб ўтилади. Талабанинг вазифаси бу бирикманинг номини топиб формуласини ёзиш.

2-расм. “Номаълум элементни топинг” кластери

2. *“Сабазавотли салат”* жумбоғи. Бунда талабаларга бир неча кластернинг бўлаклари аралаштириб берилади. Талабалар эса маълум бир гетероциклик бирикма учун кластер тузишади. Охирида ортиқча ёки нотўғри карточкалар олиб ташланади ва талабалар баҳоланади.

3. *“Ўзинг ўқитувчи”* Бу топшириғимиз 2 босқичдан иборат бўлади.

1-босқич - ҳар бир талаба биттадан гетероциклик бирикма ҳақида кластер тузади.

2-босқич - 1-топшириқни бажариб бўлган талабаларга бир-бирининг кластерини текшириш топширилади.

Оддий бўлиб кўринган бундай топшириқда талабалар 2 баробар кўп маълумотга эга булишади. Чунки 1-топшириқда бир маълумотни такрорласа, 2-топшириқда, яъни маълумотларни текшириш жараёнида яна қўшимча ўқиб изланиши керак бўлади.

Кластер – мустақил тафаккур қилишга ёрдам берадиган усуллардан биридир [6,7]. Ўқитувчи дарс жараёнини шундай ташкил қилиши керакки, бу талабага мустақил фикр юритиш, мустақил равишда бошқа манбалардан, адабиётлардан, интернет сайтларидан маълумот қидириш имкониятини берсин [2].

Ўзбекистонда аста-секинлик билан кредит - модул тизими (Болония тизими)га ўтиш жараёни бошланди. Бунинг натижаларидан бири ўларок ўқув дастурларида мустақил иш соатларининг ҳажми кўпайтирилди. Аммо жорий ўқув йили давомида талабалар бундай катта ҳажмдаги мустақил ишларни ўзлаштиришга тайёр эмасликлари кўриниб қолди. Бу эса ўз навбатида мустақил иш ҳажми 4-5% дан ошмайдиган ўрта мактаблардаги анъанавий ўқитиш тузилмасининг натижасидир. Шунинг учун олий ўқув юртлари педагоглари мустақил ишларни ташкил қилишда талаба фаоллигини ошириш ва бу йўлда турли интерактив усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиши жуда муҳим.

Олий таълимда талабани билимларнинг пассив истеъмолчисидан муаммони ечиш усулларини таҳлил қила олиш, оптимал натижани топиш ва унинг тўғрилигини исботлашга қодир фаол билим яратувчисига айлантириш зарур [8].

Талабаларга мустақил иш мавзусини топшираётганда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим:

- Ўқув йили бошиданоқ мустақил иш мавзуси билан талабани таништириш, унинг мақсади ва вазифаларини аниқлаб олиш ва семестр ёки ўқув йили давомида бажарилаётган ишларни текшириб бориш ва тегишли маслаҳатлар бериб борилиши шарт;
- Бажариладиган мустақил иш аудиторияда ўзлаштирилган билимларни тўлдирсин, шунингдек, уни такрорламасин ва бутунлай бошқа мавзу ҳам бўлиб қолмасин;
- Маълумотлар базаси жуда кенг бўлган мавзуларда график органайзерлар (кластер, нилуфар гули, венн диаграммаси ва ҳ.к.) қўллашни тавсия этиш зарур. Чунки мавзу юзасидан адабиётлар билан танишганда уларни системалаштиришга жуда катта эҳтиёж сезилади;
- Талаба олган билимларини амалиётга татбиқ этишнинг амалий лойиҳаларини таклиф эта олсин (амалга ошириш нореал бўлган тақдирда ҳам);
- Асосийси, талаба мустақил иш бажараётганда ўзини ташлаб қўйилгандек ҳис қилмаслиги, ўқитувчи томонидан қўллаб - қувватланиб турилиши лозим.

Олиб борилган тажрибалар шуни исботладики, кластер методини маъруза, амалий машғулотлар ва мустақил ишларни бажаришда, шунингдек дарс жараёнининг турли босқичларида қўллаш жуда яхши самара беради. Айниқса, кимёвий бирикмаларнинг классификацияси, физик-кимёвий хоссаларини изчил ўрганиш керак бўлган мавзулар бу усулни қўллаганда анча осонлашади, маълумотлар ва ахборотлар “куршовида” қолган талабанинг вазифасини енгиллаштиради.

Кластер тузиш қуйидаги педагогик натижаларга олиб келади:

- Мавзу бўйича билимларни янгилаш, умумлаштириш ва тартибга келтириш;
- Ўз фикрларини илмий услубда изчил баён эта олиш;
- Мавзу юзасидан олинган назарий билимларни эслаб қолиш;
- Талабаларнинг ижодкорлигининг ва тасаввур кенглигининг намоён этилиши;

Ноанъанавий педагогик технологиялар талабаларда мотивацияни кучайтириб уларнинг ўқишга нисбатан қизиқишини орттиради, биргаликдаги яратувчанлик ва рақобат шароитини пайдо қилади, талабаларда ўз қадр-қимматини ва ўзгаларга ҳурматни шакллантиради. Уларга ижодий эркинлик ҳиссини беради ва энг муҳими қувонч келтиради [9]. Шу билан бирга, кўникмаларни юқори даражада ривожлантириш инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлади [10].

Хулоса шуки, педагогнинг асосий мақсади турли техникалар, усуллар ва ўқитиш технологияларини фақатгина қўллаш бўлиб қолмаслиги керак. Энг муҳими натижа. Педагог талабалар ютуғини ўз ютуғи деб билиши керак.

Адабиётлар

1. Опубликовано 09.04.2015 7:33 - Краснова Оксана Евгеньевна Кластер как приём организации самостоятельной работы с текстом на уроках русского языка и литературы. https://nsportal.ru/shkola/russkiy-yazyk/library/2015/04/09/klaster-kak-priyom-organizatsii-samostoyatelnoy-raboty-s

2. Утаев С.А., Зиёдуллаева Х. Применение кластера при проведении занятия по теме" основные физико-химические свойства моторных масел" //Образование и проблемы развития общества. 2020. №. 1 (10).

3. Использование кластеров на уроках химии Сиргиенко Галина Павловна, https://urok.1sept.ru/articles/599073)
4. Бирюкова Н.В. Метод кластера в профессиональном обучении студентов. //Мир науки, культуры, образования. 2019. №. 3 (76).
5. Саркисян З.М., Карасавиди А.О. Использование интерактивных методик обучения на занятиях по органической и фармацевтической химии. //Известия Санкт-Петербургского государственного технологического института (технического университета). 2014. №. 25. -С. 110-112.
6. Хайрулина Н.В. Применение кластера на уроках физики. Евразийский научный журнал №2. 2015.
7. https://naurok.com.ua/klaster-na-uroke-russkogo-yazyka.
8. Гордеева В. В. Активные и интерактивные формы организации и педагогического сопровождения самостоятельной работы студентов //Известия Пензенского государственного педагогического университета имени В.Г.Белинского. 2012. №. 28.
9. (https://www.prodlenka.org/metodicheskie-razrabotki/40029-vidy-klasterov-i-ih-primenenie-na-uroke)
10. Safarova N. S. Some ways to increase the educational and conscious activity of students of medical institutes in chemistry classes //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 2020. T. 8. №. 1.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тиббиёт олий ўқув юртларининг 1-босқич талабаларига ўтиладиган Тиббий кимё курсида “Гетероциклик бирикмалар” мавзусини тушунтиришда кластер усулини татбиқ қилиш принциплари баён қилинган. Шунингдек, кластер усулини маъруза, амалий машғулот ва мустақил таълим олиш жараёнларида қўллашнинг ўзига хос томонлари очиб берилган ва конкрет амалий таклифлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны принципы применения метода *кластер* при проведении темы «Гетероциклические соединения» в курсе медицинской химии для студентов первого курса медицинских вузов. Также раскрываются особенности применения кластерного метода в процессе лекций, практических занятий и самостоятельного обучения, предлагается конкретные практические рекомендации.

SUMMARY

This article describes the principles of application of the cluster method in the course of the topic "Heterocyclic compounds" of medical chemistry for first-year medical students. It also reveals the peculiarities of the application of the cluster method during lectures, practical classes and self-study, and offers specific practical recommendations.

ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ОРФОЭПИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ КУРСАНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ В РАМКАХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УРОВНЯ КУЛЬТУРЫ РЕЧИ

Н.К.Саримсакова – *старший преподаватель*
Академия Вооружённых Сил Республики Узбекистан

Таянч сўзлар: русский язык, нутқ маданияти, орфоэпик компетенция, курсантлар, профессионал-контекстли нутқ фаолияти.

Ключевые слова: русский язык, культура речи, орфоэпическая компетенция, курсанты, профессионально-контекстная речевая деятельность.

Key words: Russian language, speech culture, orthoepic competence, cadets, professional-contextual speech activity

Методологическая основа успешного овладения орфоэпической компетенцией на этапе профессионального образования заключена в одном из признанных методистами тождеств: чтобы уметь говорить в соответствии с произносительными нормами, необходимо прежде всего научиться правильно произносить звуки, причем как изолированно, так и в потоке речи. Эта проблема может иметь различную степень актуальности для курсантов военных вузов.

Так, например, если будущий военнослужащий является носителем русского языка (хоть и может иметь ряд неточностей в произношении), то работа над правильным произношением звуков будет носить уточняющий или корректировочный характер. Если же курсант является представителем иной национальности или близким представителем языковой группы, семьи и т.д., то работа над произношением будет носить тренировочный артикуляционный характер. Работа орфоэпической направленности на начальном этапе обучения изучения соответствующей учебной дисцип-лины заключается в учете следующих аспектов: отсут-ствие в узбекском алфавите букв ь и ы «провоцирует» употребление согласных в русских словах без смягче-ния там, где это необходимо или, наоборот, звучание ы заменяется звуком и, что может нарушать лексическое значение слова, которое может быть понятно только в контексте, а иногда и затрудняет смысл передаваемого в целом – например, бил вместо был и т.п.

В этой связи, обучение произносительным нормам с целью освоения орфоэпической компетенции будущими военнослужащими должно быть предварено выявлением основных проблем формирования данной компетенции при обучении курсантов русскому языку в рамках совершенствования уровня культуры речи.

Говоря о проблемах формирования орфоэпической компетенции курсантов военных вузов, следует отметить, что основная их часть связана с современным состоянием русского языка, общими тенденциями языкового развития общества, а также снижением уровня культуры речи и общения в военной среде. Это обусловлено, прежде всего, снижением уровня использования русского языка, его нормированности в средствах массовой информации, что отрицательно сказывается на культуре речи современного социума [1: 32-35, 246].

Такая ситуация, наблюдаемая в современном языковом развитии, наметила стратегии овладения «элитарным типом речевой культуры» [2:493, 43-44], которая, в свою очередь, предполагает овладение совокупностью всех норм языка, учитывающих реализацию в речи этических, коммуникативных, орфоэпических и др. норм.

Обращение к проблематике речевой коммуникации военнослужащего не является случайным на сегодняшний день. Знание правил и норм речевой

деятельности в военной профессиональной сфере позволяет военнослужащему грамотно и эффективно осуществлять воспитательную,

образовательную и управленческую деятельность. Нормативно звучащая речь военного обеспечивает уважение и внимание к ее источнику, обеспечивает правильное восприятие информации, а также позволяет продуктивно разрешать (или не допускать) конфликтные ситуации в воинских коллективах.

Проблемы культуры речи с позиций преодоления широко распространенных орфоэпических и акцентологических ошибок следует рассматривать как проблемы начального знакомства с орфоэпией. К таким проблемам принято относить неусвоенность на начальных этапах образования совокупности правил и норм, устанавливающих единство оформления звучащей речи, что, в свою очередь, рассматривается значимым фактором содействия общению и продуктивной
речевой коммуникации [3:93-95, 315-316].

Уровень орфоэпических знаний курсантов на этапе начальной профессиональной самореализации, а также

уровень знаний по русскому языку различен. В их устной речи встречаются различные ошибки и отклонения от норм русскоязычного произношения. В связи с этим, является важным определение уровня орфоэпической грамотности и выявление основных произносительных ошибок. Здесь налицо еще одна проблема, показывающая определение причин появления произносительных ошибок в таких видах речевой деятельности как чтение и говорение.

Таким образом, проблемы, связанные с начальным знакомством с орфоэпией на ранних (для курсантов) возрастных этапах экстраполируются в спектр задач преподавателя вуза, отражающих поиск и диагностику причин отступления от орфоэпических норм.

Проблема поиска причин нарушения орфоэпических норм русской речи опосредует (в рамках деятельности преподавателя) их [причин] классификацию для планирования корректирующей и последующей образовательной и закрепляющей деятельности.

Проблематика классификации основных причин, связанных с неправильно сформированными произносительным навыками у курсантов, указывает на существование следующих важных аспектов нарушений: [4: 93-94, 72-78].

а) ошибки, связанные с диалектным влиянием, в основе которых лежит укоренившееся неправильное произношение;

б) ошибки, связанные с речевыми акцентами, над которыми никогда не производилась корректировочная работа;

в) ошибки, связанные с просторечным и неправильным произношением в процессе речевой деятельности, а также под влиянием упрощения языка (через СМИ, телепередачи, интернет и пр.);

г) ошибки, связанные с неправильной постановкой ударения в связи с диалектным влиянием;

д) ошибки, связанные с неправильной постановкой ударения в связи с укоренившимися с детства неверными шаблонами;

е) ошибки, связанные с незнанием правил и норм русского языка;

ж) ошибки, связанные с отсутствием самоконтроля в процессе говорения при имеющемся умении произносить правильно;

з) ошибки, связанные с особенностями артикуляционного аппарата и требующие специальных усилий для их преодоления.

Встречаются также и курсанты, в речи которых существуют только ошибки, связанные с возможностями артикуляционного аппарата.

Также необходимо отметить, что некоторые курсанты на более ранних этапах обучения осуществляют работу над исправлением орфоэпических ошибок в речи. Это, как правило те обучающиеся, в речи которых определяется одновременное проявление 2-х или 3-ошибок. Часть курсантов продолжают допускать их из-за отсутствия постоянного самоконтроля за речью.

Готовность к профессии в условиях современных реалий обеспечивается сформированностью необходимых профессиональных и общекультурных компетенций будущего военнослужащего. Орфоэпическая компетенция в этом списке занимает также важное место, поскольку обеспечивает совокупный вклад в развитие профессиональной коммуникативной компетенции.

В связи с этим, культура речи военного на сегодняшний день становится широко дискутируемой проблемой. Проблематика ее дискурсивности в рамках языковых и психолого-педагогических исследований увеличивает значимость и самой проблемы. Этому способствуют тенденции глобализации,

политической интеграции, расширения международного сотрудничества государств, а также особая специфика современных боевых действий, отличающихся гибридностью их ведения. В таких условиях военнослужащему

важно обладать не только высоким уровнем речевой культуры, но и ее проявлением в рамках решения информационно-аналитических задач, осуществления управленческих действий, ведения военных переговоров, в которых отсутствие акцента и проявления диалекта, а также правильность иных произносительных аспектов имеют очень серьезное значение.

Исходя из вышеизложенного можем выделить еще одну проблему формирования орфоэпической компетенции курсантов при обучении русскому языку в рамках совершенствования уровня культуры речи – проблему единства звучащей речи.

Данная проблема предопределяет в работе преподавателя русского языка подготовительную деятельность по определению способности курсантов к выявлению произносительных нарушений в речи друг друга. Данная работа важна, так как выявление в речи друг друга орфоэпических

ошибок при произношении на этапе начальной профессиональной самореализации у курсантов формируется навык восприятия контента, его оценка и содержательная интерпретация. Такой навык результативного восприятия реципиентом информативного контента обусловливает в дальнейшем качество и оперативность выполнения служебно-боевых задач [5:5-9, 101-103].

Однако, тем не менее, это не является достаточным для формирования орфоэпической компетенции с целью овладения профессиональной коммуникацией в соответствии с требованиями профессии и условиями реального осуществления профессиональной деятельности. А, как известно, выявление в речи друг друга произносительных ошибок, формирование навыка восприятия реципиентом речевого контента коммуникатора и т.п. обусловливает в будущем качество и своевременность выполнения служебно-боевых задач. В связи с этим, необходимо, на наш взгляд, формирование мотивации к данной работе через осознание значимости культуры речи для будущей профессии [6:36-40].

Конечно же, в рамках формирования данных компетенций орфоэпическая работа занимает акцентированные позиции, но, тем не менее, важно отметить, что формирование орфоэпической компетенции как автономной и фундаментальной в рамках совершенствования языковых и коммуникативных навыков не рассматривается должным образом, а именно произносительная речь обеспечивает устранение барьеров при восприятии и передаче речевой информации.

Также необходимо отметить, что средства и методы ведения современной вооруженной борьбы сопровождаются последовательным усложнением и разнообразием речевого репертуара будущего военного, что обусловливает всестороннее изучение генезиса именно жанровых форм, обеспечивающих эффективное решение служебно-боевых задач при должном участии сформированной профессиональной речи. В связи с этим проблема повышения эффективности обучения произносительной стороне речи в контексте речеведческих дисциплин становится в условиях современных реалий одной из наиболее актуальных. А обучение владению правильной устной речью в рамках особенностей профессии выступает одной из главных задач преподавателей русского языка в военном вузе.

Литература

1. Дегтярёва И.В., Фаустова Н.А. Формирование орфоэпической грамотности в процессе обучения русскому языку. Международный журнал экспериментального образования. 2019. № 3. -С. 32-35; Костомаров В.Г. Языковой вкус эпохи: из наблюдений над речевой практикой масс-медиа. М. Педагогика-пресс. 1994. –С. 246.

2. Черняк В.Д., Дунаев А.И., Ефремов В.А., Сергеев Е.В. Русский язык и культура речи: учебник для бакалавров. Под общ. ред. В.Д. Черняк, 3 изд. Переработанное и дополненное. М. ИД Юрайт. 2014. 493 с.; Козеватова М.И., Дёгтева И.В. Речевая культура дипломата, как составляющая имиджа. Международный научно-исследовательский журнал. 2016. № 4-5 (47).

3. Цынк С.В. Совершенствование произносительной грамотности студентов вузов. Международный журнал экспериментального образования. 2010. № 7. -С. 93-95; Кузнецова В.В. Диалектное произношение в речи городских детей: социальная проблема. Социальные варианты языка. Ш.Н. –Новгород: 2004. -С. 315-316.

4. Щербатюк Э.Е. Проблемы обучения русской фонетике иностранных студентов. Неофилология 2019. № 17. С. 80-83; Боборико Г.И. Работа над произношением на начальном этапе обучения иностранных студентов. Журнал Гродненского государственного медицинского университета. 2004. № 3. (7). с. 93-94; Прибыткова А.А. Методические условия формирования фонетических навыков речи студентов с использованием мультимедийных программ. Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2013. № 3 (119). -С.72-78.

5. Ахтамбаев Р.П. Особенности речевой культуры в работе военных переводчиков. Вестник Томского государственного университета. Культурология и искусствоведение. 2014. № 1. (13). -С. 5-9; Барышников Н.В., Шевцов И.О. Культура речи офицера: идеал и реальность. Общество: социология, психология, педагогика. 2016. № 5. -С.101-103.

6. Ковлакас Е.В. Содержание интеграционного треугольника «военная педагогика – язык – военно-профессиональная культура». Вестник Военного университета. 2010. № 2 (22). -С. 36-40.

РЕЗЮМЕ

Мақола нутқ маданияти даражасини ошириш бўйича курсантларнинг орфоэпик компетенциясини шакллантириш муаммоларига бағишланган. Муаллиф ушбу муаммони келажакда ҳарбий хизматчиларнинг орфоэпик ваколатларини шакллантириш доирасида кўриб чиқади. Шунингдек, мақолада курсантларнинг орфоэпик маҳоратини шакллантиришнинг методологик воситалари, улардан фойдаланиш бўйича мисоллар келтирилган. Муаллиф бошланғич касбий ўзини ўзи англаш босқичида курсантларнинг орфоэпик компетенциясини шакллантириш муҳим ва доимий вазифа эканлигини таъкидлайди, чунки талаффузнинг барқарор стандартларини ва нутқ маданиятини тўғри ривожлантириш келажакда монологик ва диалогик оғзаки нутқ фаолиятининг нормал ишлашини таъминлайди.

РЕЗЮМЕ

В статье актуализируются проблемы формирования орфоэпической компетенции курсантов в рамках совершенствования уровня культуры речи. Автор рассматривает данную проблему в рамках формирования орфоэпической компетенции будущих военнослужащих. В статье также представлены методические средства формирования орфоэпической компетенции курсантов, приводятся примеры их использования. Автором обосновывается, что формирование орфоэпической компетенции курсантов на этапе начальной профессиональной самореализации является важной и постоянной задачей, так как сформированность устойчивых норм произношения и должный уровень развития культуры речи обеспечит в дальнейшем нормальное функционирование монологической и диалогической устной речевой деятельности.

SUMMARY

The article actualizes the problems of the formation of orthoepic competence of cadets within the framework of improving the level of speech culture. The author considers this problem in the framework of the formation of the orthoepic competence of future military personnel. The article substantiates the growing importance of the formation of orthoepic competence, lists the main reasons indicating the need to improve professionally oriented oral speech. The article also presents the methodological means of forming the orthoepic competence of cadets, provides examples of their use. The author substantiates that the formation of the orthoepic competence of cadets at the stage of initial professional self-realization is an important and constant task, since the formation of stable pronunciation standards and the proper level of development of speech culture will ensure the normal functioning of monologic and dialogical oral speech activity in the future.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-НУТҚ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳ.М.Содиқов – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
Д.Р.Содиқова – *ўқитувчи*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ўқитувчи, маданият, нутқ, жараён, меъёр, одоб-аҳлоқ, интеграция, мактаб, жамият, олий таълим, муносабат.
